


**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ  
ЁШЛАР – ВАТАНИМИЗ  
КЕЛАЖАГИ**



AL FOROBIY

51172  
И 730

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ «УЛУҒБЕК» ЖАМОАТ ФОНДИ**

## **Интеллектуал ёшлар — Ватанимиз келажаги**

**ёшларнинг педагогика йўналишига оид илмий ишлар тўплами  
(3 китоб)**

## **Интеллектуальная молодёжь — будущее нашей Родины**

**Сборник научных трудов молодежи педагогического  
направления  
(книга 3)**



**«ТА'ЛИМ НАШРИЙОТИ»  
TOSHKENT — 2014**

УДК 371.10  
ББК 74.00

**Интеллектуал ёшлар — Ватанимиз келажаги:**  
Илмий ишлар тўплами / ЎзР халқ таълими  
вазирлиги, ЎзР иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш  
„Улуғбек“ жамоат фонди; Тузувчи ва нашр учун  
маъсул проф. Н. Халилов. —Т.: „Та’лим nashriyoti“,  
2014. —304 б.

ISBN 978-9943-4081-0-4

УДК 371.10  
ББК 74.00

ISBN 978-9943-4081-0-4

© «ТА’ЛИМ NASHRIYOTI» МЧЖ, 2014

Янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларини пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз, ҳақиқатдан ҳам, бизнинг суянчиғимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

**И. Каримов**

## ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ватанимиз тараққиёти, унинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиши, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини эгаллаган ҳолда, баркамол авлод бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Шахс камолотисиз жамият ва давлат тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Таълим-тарбия — инсоният цивилизациясининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунларданок мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлайдиган муҳим омил сифатида таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш соҳасини мутлақо янги асосда ташкил этишга давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият қаратилди. „Таълим тўғрисида“ги ҳамда „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида“ги қонунлар қабул қилиниши бу борадаги аҳамияти асрларга татийдиган жиддий қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида давлатимиз раҳбари „Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори“ номли маърузасида таъкидлаганларидек, ўша даврда бутун таълим тизими боши берк кўчага кириб қолган, айниқса, мактабларнинг моддий-техника базаси ночор аҳволда эди. Ўқитувчиларнинг замонавий билим бериш даражасини такомиллаштириш, уларнинг маълумоти ва малакасини ошириш масалалари ҳам долзарб эди.

Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қилинардию, аммо, замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши кераклиги хусусида бош қотирилмасди. Шу билан бирга ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди.

Мамлакатимиз таълим соҳасидаги туб ислохотларда инсон манфаатлари, яъни унинг ўз ижтимоий моҳиятини, ўзлигини англаши, мунтазам ривожланиб бориши, имкониятларини тўлиқ ишга солишига устувор аҳамият берилган. Мунтазам

давом этадиган ушбу жараёнга ҳамоҳанг тарзда мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимдан иборат узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

Бунда айниқса, бугун ўзининг амалий натижалари билан дунё жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлган 9+3 шаклидаги 12 йиллик мажбурий бепул умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг аҳамияти катта бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мантиқий давоми бўлган „2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллий дастури“ юртимиз таълим тизимида бугунлай янги даврни бошлаб берди. Бугунги кунда барча мактабларнинг янгича қиёфа касб этгани, замонавий компьютер синфлари, физика, кимё ва биология фан лаборатория ускуналари, спорт жиҳозлари билан таъминлангани фикримизнинг яққол исботидир. Эндиликда мамлакатнинг энг чекка, ҳатто вилоят марказидан 200—300 км. узоқликдаги кичик қишлоқ ёки овулга борсангиз ҳам муҳташам мактаб ёки касб-ҳунар коллежида замонавий ўқув жараёнини кузатишингиз мумкин.

Билимга пойдевор, энг аввало, мактабда қўйилиб, у ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари тажриба ва амалиёт майдонларида ривожлантирилади, олий таълим муассасасидаги илмий давраларда эса янада такомиллашади. Яратилаётган замонавий шароитлар ёшларимизнинг илм-фан чўққиларини забт этишига кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Илм-фаннинг ривожини кўп жиҳатдан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг интеллектуал салоҳияти ва амалий тажрибасига боғлиқ. Шу боис, узлуксиз таълим тизимининг узвий давоми сифатида олий таълимга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида фан ва техника, ижтимоий-иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа соҳалардаги реал эҳтиёждан, ҳаёт талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2012 йилда муҳтарам Президентимизнинг „Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш жараёнида профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг мунтазам ҳамкорлиги натижасида янги билимларни ўзлаштириш, улар асосида ўқув-тарбия ишларини сифат жиҳатдан юксалтиришни таъминлашга эришилмоқда.

Буларнинг барчасини мамлакатимизда салоҳиятли, иқтидорли ёшларнинг ҳар қандай соҳада илмий изланишлар олиб боришлари, Ватан равнақига хизмат қилувчи янги ғоя ва лойиҳаларни кундалик ҳаётимиз ва ишлаб чиқаришда кенг татбиқ этишлари учун яратилаётган кенг имкониятларнинг амалий натижаси сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар кўплаб қотиб қолган тамойил ва қоидаларни ўзгартирди, таълимнинг янги моделини шакллантирди, узлуксиз таълимнинг бутунлай янги, яхлит тизимини яратди, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг илмий асосланган узоқ муддатли истиқболини белгилаб берди.

Эзгу мақсадлар билан бошланган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий соҳалардаги ислоҳотлар самараси халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатининг изчил ошиши, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигида яққолроқ сезилиб бормоқда.

Бу борада „Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Президент қарори катта аҳамият касб этади. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларини пухта билишнинг аҳамияти жуда катта.

Шу боис Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарорлари асосида, 2013—2014 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди.

Бугунги кунда республикамизнинг барча таълим муассасаларида чет тилларини европа компетенциялари асосида ўргатиш йўлга қўйилди.

„Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир“. Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. 2014 йилнинг „Соғлом бола йили“ деб эълон қилинишида ҳам ана шу мақсад мужассам. Бу, авваламбор, давлатимизнинг фарзандларимиз камолоти, уларнинг келажагига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигининг яна бир амалий ифодасидир.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб боришига хизмат қилмоқда.

Бунда жамиятимизнинг барча соҳаларига ўз сўзи, дадил қадами ва илмий изланишлари билан кириб келаётган Мустақиллик фарзандларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги кишига фахр бағишлайди. Ёшларимизнинг мазкур муваффақиятлари фақатгина фарзандларимиз ютуғи бўлгани учунгина эмас, балки халқимиз келажагига ишонч уйғотаётгани билан ҳам бебаҳодир.

Ушбу тўпламдан ўрин олган ёш иқтидорли тадқиқотчиларнинг педагогика соҳасига доир илмий-методик мақолалари ўзига хос кичик илмий изланишлар маҳсули сифатида янги кашфиётларга асос бўлади ҳамда таълим соҳаси амалиётчиларига кўмак берувчи қўшимча манба сифатида хизмат қилади, деган умиддамиз.

*Улуғбек Иноятов,*  
педагогика фанлари доктори,  
профессор





УДК 32(575.1)

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ТАЪСИРИ ВОСИТАСИДА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ

АСЛОНОВА СЕВАРА АКРОМ қизи  
Навоний давлат педагогика институти  
2-босқич талабаси

Илмий раҳбар:  
Ф.Т.ФАЙЗИЕВ

Бугунги кунда илмий-фалсафий тафаккурда „глобаллашув“ номини олган ҳамда инсоният ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида тобора кенгроқ намоён бўла бошлаган мураккаб объектив тарихий ҳодиса илмий таҳлилда жуда кенг ёндашувни тақозо этади. Боз устига, дунёнинг бундай омехталашув жараёни нафақат ижобий, балки, кўпроқ салбий оқибатларни, ечилиши жуда қийин бўлган умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқарган. Шунинг учун, бу масалага жуда жиддий, масъулият ва хушёрлик билан қараш ҳам муҳимдир. Ҳозирда биз инсон ҳаётининг асосий қадриятларидан бирини ахборот ташкил этган янги даврга қадам қўйдик. „Ахборот асри“ деб ном олган ХХІ асрда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг тараққиётини фаол ахборот алма-

Китоб сўзлари кишининг қўлидан тутади, уни эзгу йўлга бошлайди. Бу ҳикматни кўплаб китобларни ўқиган одамгина англаб етади.

Ю.Ҳ. Ҳожиб

шувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши давлат ва жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда. Фан тараққиёти натижасида мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологи-

ялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир.

Глобаллашиб бораётган дунёда бу мақсадлар давлатларнинг (кучли давлатларнинг) ўз „яшаш макони“ни кенгайтиришга, жаҳонда етакчиликка эришишга интилиш шаклларида намоён бўлмоқда. Айни шу маънода С. Отамуратов „Глобаллашув“ бўлакларнинг йириклашуви бир бутун ҳолатига келаётганидир“<sup>1</sup>, — деган таърифни беради. Ўз навбатида, муаллиф ўзининг бу фикри билан юксак даражада тараққий топган мамлакатларнинг гегемонлик сиёсатини ҳам изоҳлашга уринган. Чунки, глобаллашув шароитида янги ахборот технологияларининг улкан имкониятлари ахборотни геосиёсий таъсирнинг энг кучли қуролига айланганди. Айрим Ғарб давлатларининг бугунги сиёсати янги кўринишдаги мустамлакачиликдан ўзга нарса эмас. Жаҳондаги кўплаб олимлар томонидан „ахборот неокOLONиализми“, „ахборот урушлари“, „маданий империализм“, „маданий гегемония“, „ахборот экспансияси“ каби атамаларнинг тез-тез қўлланилаётгани бежиз эмас.

Давлат ва жамиятнинг нуфузи ёки ўзига хослигини таъминлайдиган ҳамда мустақкамлайдиган рамзий универсумлар ўзини сақлашга ҳаракат қилади, бунинг учун имкониятдаги барча воситаларни, жумладан, ўз „яшаш тарзи“ни, яъни ўзига хос фикрлаш тарзи, дунёқараши, тушунчалари, ҳаракат тамойилларини ёйиш усулини ишга солади. Сўнгисига нисбатан „маданий рамзлар интервенцияси“ иборасини қўлаш мумкин. Табиийки, ҳар қандай — хоҳ бевосита, хоҳ билвосита усулларда амалга оширилган рамзий комплекслар интервенцияси бошқа давлатларнинг худди шундай

---

<sup>1</sup>Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. — Т.: Янги аср авлоди, 2008. — 19-б.

мақсадларни кўзлаган маданий рамзлари комплекси томонидан озми-кўпми қаршилик уйғотади. Сабаби оддий. Давлатлар маданий рамзлар (маъно комплекслари) интервенцияси воситасида, ўз талқинидаги ҳаётий тушунча ва қадриятларнинг кўринишлари ва вариантларини кенг ёйиш орқали ўзининг „яшаш макони“ни кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Буни Фарб файласуфи Штюц ўзи учун тушунарли, қўл остида бўлган ва ўзига итоат этадиган „манипуляция қилиш доирасини янги ҳудудлар ҳисобига кенгайтириш“, деб атайди.

Аслида, бу усул янги эмас. Американинг бу борадаги сиёсати ва фаолиятининг такрорини ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам айрим давлат ёки гуруҳларнинг иш усулларида кузатиш мумкин. Хусусан, собиқ Иттифоқ раҳбарлари ва мафкурачилари ўз талқинидаги социализмни дунёда астойдил тарғиб қилган, „социалистик лагерь“га кирувчи давлатларнинг ундан, биров бўлса-да, чекинишларига қарши эса қатъият, баъзан қаттиққўллик билан курашган эди. Ёки, азалдан диний миссионерлар олам кезиб ўз ақидаларини ўзга халқ ва ҳудудларга ёйишга ҳаракат қилиб келгани ҳам бу усулнинг кўп маротаба синалганидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, ҳозир ҳам диний миссионерлик институти мавжуд, турли давлатларнинг айрим ташкилот ва жамғармалари эса „маданий миссионерлик“ вазифасини ўтамоқда.

Устига устак, ахборот технологияларининг ривожлангани сайин экспансияга интилган давлатлар ўз интилишлари ва манфаатларини янги, билвосита ва мураккаб, аммо таъсир кучи бениҳоя улкан сатҳда рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлди. Муайян давлат ёки ҳудудни ўз иродасига бўйсундириш ва муайян йўлдан боришга мажбур этиш учун „рамзий босим“ (О.А.Кармаданов ибораси) ўтказиш етарли. Бундай босим халқаро, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ташкилотлар орқали амалга оширилиши мумкин ва Фарб давлатлари уларнинг кўпчилигини ўз измига солиб, бу усулдан усталик билан фойдаланмоқда. Аммо Хитой, Россия, Ҳиндистон

каби иқтисодий, сиёсий, демографик қуввати кундан-кун ошиб бораётган, Евроиттифоқ ёки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти сингари бирлашмаларнинг шаклланиши ва қаршилиги шароитида „асосий ҳужум“дан олдин „артиллерия тайёргарлиги“ сифатида бошқа самарали усул — „маънолар комплекси“ни ёйиш усули ҳам кенг қўлланилмоқда. Афғонистон ва Ироққа қарши ҳарбий юришни бошлашдан аввал, инсон ҳуқуқлари, террорчиликка қарши кураш, файдерамократик тузум ҳақида оламга тинимсиз жар солинганини ёки ҳозирги кунда айна шу „маънолар комплекси“ ёрдамида Россияга қарши кайфият уйғотишга зўр берилаётганини эслаш кифоя.

Шу ўринда, „маънолар комплекси“ни ташкил этувчи сўз ва тилдан ижтимоий онгни бошқаришда фойдаланиш масаласига қисқача тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда қатор олимлар тилнинг ҳокимиятга эришишдаги ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, француз олими Пьер Бурдые тилнинг сиёсий мақсадларни амалга ошириш воситасига айланишини кузатиб „леgitим“ (қонуний) ёки „тўғри“ тил ҳодисасига эътибор қаратади.

Рамзий зўравонлик орқали амалга оширилаётган маданий глобаллаштириш (уни фарблаштириш деб атаса ҳам бўлади) аслида шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг сохталашиши, ҳаттоки, узилишига олиб келиши мумкин, чунки ўзга маданият тушунчалари (рамзлари) инсонни шакллантирувчи, уни тўлақонли шахсга айланттирувчи ўз маданий илдизларидан, қадриятлари тизимидан айиради. „Юксак маънавий бурчлар эса, — Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, — кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг нечача авлодлари тажрибаси давомида юзага келган“. Улардан инсонни маънавий-маданий илдизларидан айириш, уни зомбилаштириш ва истаган кўйига солиш имконини беради. Хусусан, бу ҳолат инсон эркинлиги ва унинг мажбуриятлари ўртасидаги анъанавий мувозанатнинг бузилишига олиб кела-

ди. Фарбона либерализм, шахс эркинлигининг замонавий „назариётчилари“ айна шу мақсадни кўзлаётганини тушуниш қийин эмас.

Инсон онгу тафаккурини ўзгартириш орқали, уни миллий анъана, урф-одат, бир сўз билан айтганда, маданиятидан ажратиш, гегемон давлат(лар)нинг „очиқ жамият моделлари“ ҳақидаги орзуларига йўл очади ва дунё устидан ҳокимлик қилишни осонлаштиради. Ўзбекистонда жамиятимизга ёт бўлган ғояларнинг кириб келишига қарши мукамал тизимли кураш олиб бориш мақсадида, ахборот коммуникация тизимларини такомиллаштириш ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларини, Интернет тизимини назорат қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мануэль Кастельс сўзлари билан айтганда: „Ахборотлашган жамиятда ҳокимият фундаментал поғонада маданий кодларга кириб боради. Одамлар ва институтлар эса улар орқали ҳаётни тасаввур этади ва тегишли қарорлар, жумладан, сиёсий қарорлар қабул қилади. Шу маънода, ҳокимият, у реал бўлганда, номоддий бўлади... Маданий олишувлар моҳиятан ахборот асридаги ҳокимият учун курашдир. Ҳокимият хатти-ҳаракатлар меъёрларини белгилаш имкониятини берадиган ахборот тармоқлари ва улар орқали тарқатиладиган рамзларда яширинган“. Шу жиҳатдан, Президент И.А.Каримовнинг „... Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади“, — дея таъкидлагани бежиз эмас. Шунинг учун, табиийки, ўзлигини таниган халқ бунга қандай бўлмасин тўсиқ қўйишга, мафкуравий тазйиқларга қарши курашишга интилади. Дунёда ҳукмронликка интилаётган кучларнинг таъсиридан холи бўлишнинг энг мақбул воситаси эса ўз ривожланиш ва тараққиёт йўлини миллий хусусиятларга,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 33-б.

азалий шаклланган урф-одат ва қадриятларга мувофиқ тарзда белгилаш. Ўзбекистон айна шу йўлни танлади, „фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисмининг маънавий ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш“,<sup>1</sup> деб белгиланди.

Глобаллашув ўзига гўёки демократик тамойилларни сингдирганидек кўринса-да, лекин, у бир вақтлар қораланган, дунёдаги жуда кўп миллатлар томонидан ижобий ҳодиса сифатида кутиб олинмаган „космополитизм“ (жаҳон фуқароси)нинг давомига ўхшаб кўринади.

Глобаллашув — бу, ўз навбатида, мафкуравий таъсир омили ҳам бўлиб ҳисобланади. Киши ўз мустақил фикри, соғлом муҳитда шаклланган дунёқараши ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, у турли маънавий таҳдидларга бардош бериши қийин. Бир сўз билан айтганда, содда оғмачи, ўзлигини англаб етмаган, иродасиз шахсга айланиб қолиши табиийдир. Космополитизм — афтидан, гуманитар, инсониятни ирқи, миллати, динидан қатъи назар бир „маёқ“ остига чақирса-да, бироқ бошқа сионистик мафкуравий мақсадларни кишилар онгига сингдира бошлайди. „Космополитизм“ (жаҳон фуқароси) категорияси ўз вақтида дунёнинг даҳо ёзувчилари (Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймон, Азиз Несин сингари) томонидан қораланган. Бизнинг бугунги долзарб вазифамиз четдан кириб келаётган курама „маҳсулотлар“дан миллий қадриятларимизга мосларини, яхшиларини ажратиб олиш бўлиб қолмоқда.

Истаймизми-йўқми биз шарқликмиз. Шарқ халқлари ўз қадриятларига эга. Ғарбникидан мутлақо фарқ қиладиган ўз яшаш тарзи бор. Бунда ота-она ва бола, катта ва кичик ўртасидаги муносабат донишмандларча адолатли тартибга солинган. Шу пайтга қадар бу масалада муаммо келиб чиққан эмас ва чиқмайди ҳам. Демак, бундай „демократия“ тарғиботчиларига мамлакатимизда муносабатларни ўзларининг ғарбона қадриятларига асосан қозилик қилишига эҳти-

ёж бормикан. Қолаверса, бизда азалдан „маҳалла“ деб номланувчи шундай институт борки, барчамиз ўша масканда тарбия топганмиз.

### **Таянч тушунчалар**

Глобаллашув, ахборот асри, ахборот неоколониализми, ахборот урушлари, маданий империализм, маданий гегемония, ахборот экспансияси, маданий рамзлар интервенцияси, миссионерлик, рамзий босим, маънолар комплекси, рамзий зўравонлик, космополитизм.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. —Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
3. *Кармаданов О. А.* Откровения и парадоксы символического интеракционизма. / Социологические исследования: Научн. и общ.-полит. журн. РАН. 2006. № 2. — С. 3–13.
4. *Мануэль Кастельс.* Информационная эпоха: экономика, общество и культура. - М., ГУ ВШЭ, 2000.
5. *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллат. —Т.: Янги аср авлоди, 2008.



## ЎЗГА ТИЛЛИ ГУРУҲЛАРДА РУС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

А. АБДУНАЗАРОВА,  
ТДПУ 2-босқич талабаси.

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи  
Ш.Расулова

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири — ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Дарс жараёнида буни амалга оширишда интерфаол методлар катта кўмакчидир. Бугунги кунда интерфаол методларнинг 50 дан ортиқ тури мавжуд, бу методлардан ўқитувчилар моҳирона фойдаланиб, дарсни бошқаришлари мумкин. Кўпгина методлар ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиниши орқали амалга оширилади. Бу шуни англатадики, ўқувчилар биргаликда жамоа бўлиб, бир-бирларини тинглайди, ўзаро фикр алмашинади. Биргина мавзунини очиб беришда бир неча методлардан фойдаланса бўлади. Масалан, ўзга тилли гуруҳ-

ларда „Имя прилагательное“ („Сифат“) сўз туркумини оладиган бўлсак. Бунда ўзбек ва рус тилидаги „Имя прилагательное“ („Сифат“) сўз туркумини қиёслаб, „Тақдимот методи“дан фойдаланамиз.

Ўқитиш методларини китобдан ёки ўқувчининг сўзларидан ўрганиш мумкин, бироқ ушбу методлардан фойдаланиш кўникмалари фақатгина кўпга чўзиладиган, узоқ давом этадиган амалиёт орқалигина ўзлаштирилади.

*К.Д. Ушинский*



„Тақдимот“ методи. Бу методда компьютер хизмати орқали слайдлар мажмуасидан фойдаланилади. Слайдларда фақатгина матннинг бўлиши мазкур методдан кенг фойдаланиш сафига кирмайди. Слайдларда асосий ғоя, таянч тушунча, кичик матн, жадвал, анимация, чизма, мавзуга оид расмлар бўлиши шарт. Яна бир нарсага эътибор қаратиш керакки, матннинг ранги ва фони ўқувчиларнинг фикрини чалғитмайдиган ва зериктирмайдиган бўлиши зарур. Бу методдан фойдаланишдан мақсад — ўқувчиларнинг мавзу мазмунини образли ва яхлит тарзда ўзлаштиришидадир. Шу билан бирга, бу ерда ўқитувчи дарс пайтида виртуал ёрдамчига эга бўлади.

Ўзбек ва рус тилларидаги сифатлар ўртасидаги умумийликлар хусусида сўз юритадиган бўлсак, улар ҳар икки тилда ҳам предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар туркуми ҳисобланади.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам сифатлар синтактик жиҳатдан отлар билан бирикади ва гапда, одатда, аниқловчи ёки кесим вазифасида келади.

*1-слайд*

**ИМЯ ПРИЛАГАТЕЛЬНОЕ** — обозначает признак предмета и отвечает на вопросы какой ? чей ?

**Сифат** — отга боғланиб унинг белгисини билдиради ва қандай ? қанақа ? сўроқларига жавоб бўлади.

Сифатлар белгининг хусусиятига кўра аслий (качественные) ва нисбий (относительные)га ажратилади.



Ўзбек ва рус тилларида аслий сифатлар предметнинг тур-гун белгисини ифодалайди. Бундай сифатлар иккала тилда ҳам даражаланиш хусусиятига эга, нисбий сифатларга эса даража категорияси мансуб эмас.

Аmmo ўзбек тилида сифатлар билан рус тилидаги сифатлар ўртасида умумий жиҳатлардан кўра фарқли хусусиятлар кўпроқ бўлиб, улар қуйидагича:

1. Ўзбек тилида туб сифатлар махсус кўрсаткичга эга эмас.

2. Ўзбек тилида сифатлар ўзи боғланиб келган от билан мослашиш учун маълум грамматик воситаларни олиб ўзгармайди, рус тилида сифатлар эса от — сифатланиш билан род ва сонда мослашиб, келишиклар бўйича турланади.

3. Рус тилидаги сифатларнинг эса отларда бўлгани каби род, сон ва келишикка ишора қилиб турувчи тугалмалари бор бўлиб, бу тугалмалар от — сифатланишга тобеланиш жараёнида намоён бўлади: агар от мужской родда бўлса, сифат **-ый, -ий** тугалмаларини, женский родда **-ая, -яя**, средний родда **-ое, -ее** тугалмаларини, кўпликда эса **-ые, -ие** тугалмаларини олади. Бу тугалмалар ҳатто бош келишикдаги сифатларда ҳам кўриниб туради.

## Окончания прилагательных

| № | падеж              | вопросы     | он     |        | она      |       | сид     |
|---|--------------------|-------------|--------|--------|----------|-------|---------|
|   |                    |             | кто?   | что?   | кто?     | что?  | что?    |
| 1 | Именительный падеж | кто? что?   | друг   | стол   | подруга  | вода  | яблоко  |
| 2 | Родительный падеж  | кого? чего? | друга  | стола  | подруги  | воды  | яблока  |
| 3 | Дательный падеж    | кому? чему? | другу  | столу  | подруге  | воде  | яблоку  |
| 4 | Винительный падеж  | кого? что?  | друга  | стол   | подругу  | воду  | яблоко  |
| 5 | Творительный падеж | кем? чем?   | другом | столем | подругой | водой | яблоком |
| 6 | Предложный падеж   | где? чем?   | друге  | столѣ  | подругѣ  | водѣ  | яблоке  |

Узоқ ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак. Конфуций шундай деган экан: „Гапир менга ва мен эсимдан чиқараман, кўрсат менга ва мен эслаб қоламан“.

Шундай қилиб, мазкур „Такдимот“ методи ўқувчиларнинг тушуниш даражасини енгиллаштириш, мавзунини яхши ўзлаштириш, визуал қабул қилиш кўникмасига эга бўлишга ёрдам беради.



**АВАЗОВ БЕҲРУЗ ЎКТАМ ўғли,**  
ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси

**Илмий раҳбари:**

**Ш.Қ. Каримов,**  
филология фанлари номзоди,  
профессор

## ЎЗБЕКОНА ЛУТФ ҲАМДА ТИЛНИНГ НОАДАБИЙ ҚАТЛАМИДАГИ СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИ

Билагон олимлар тилшуносликка оид қатор рисолаларда, илмий асарларда тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини айтиб ўтишган. Ижтимоийлик — ҳаётийлик, деган талқинга суянадиган бўлсак, тил унда сўзлашувчиларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, қисқа қилиб айтганда, ҳаёт тарзининг инъикоси ҳисобланади. Ўзбеклар ва ўзбек халқи учун умумий бўлган туркий тилимизнинг бетакрор ва беқиёс сўзлари кўҳна Шарқ мумтоз адабиётини ҳамиша бойитиб, жозибадор этиб келган. Азалдан илоҳий саналган сўз инсон руҳиятининг ифодачиси сифатида улуғланади. Туркий шеърят сарвари Алишер Навоий бобомиз „Ҳайрат ул-аброр“ достонининг „Сўз таърифида“ бобида Сўзни куйидагича акс эттирадилар:

*“Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.”*

**И.А. Каримов**

*Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,  
Етти фалак ахтарининг буржи ул.*

Демак, сўз санъат! Унда инсон тафаккурининг такрорланмас қудрати мужассам. Ана шу санъат ва қудрат ҳар қандай бадий асар учун қолип, шунингдек, бу қолипга қуйиладиган гиштнинг ўзи ҳамдир. Ёзувчи эса қуйгувчи, холос. Ҳар қандай гиштнинг маҳсулоти табиатдан олинганидай, ёзувчи ҳам асарни халқнинг ўзидан олиб, қайта сайқаллаб, яна ўзига тақдим этувчидир (Маҳорат ва истеъдод моҳир „қуювчи“ учун асосий „меҳнат“ қуроли).

Бадий асар мағзининг бутунлиги миллий руҳнинг асосий позицияда туриши билан баҳоланади. Миллий руҳ асар қаҳрамонларининг ички кечинмаларида, тугёнлари мавжида ва аксинча, офир дамлардаги ҳолатларда ҳам намоён бўлади. Хусусан, ўзбек тилининг миллий руҳни ифодалай олиш кучига эътибор қаратайлик. Тилимизда илтифот, мулозамат, ардоқ, таҳсин сўзлардан тортиб қарғишу салбий маънодаги сўзларнинг ҳам нозик ўринларда қўлланиб, алоҳида вазифа бажара олиши аҳамиятга моликдир. Ўзбек лингвокультурологиясидаги ушбу ҳолатлар бошқа тилларда қандай ифодаланиши тадқиқот ишининг туб мақсадидир. Айни бу масалада ёзувчи Учқун Назаровнинг „Чаён йили“ романи ва унинг Ингеборг Балдауф амалга оширган таржимасига мурожаат қиламиз. Ёзувчи асарда жонли ҳаёт манзарасини яратишнинг кўп қўлланиладиган лисоний усуллардан фойдаланади. Қаҳрамонлар диалогларини реал ҳаётдан шундайгина кўчириб қўя қолади. Иборалар, мақол, маталлар, эҳтиром сўзлари, айниқса, персонажлар тилидаги қарғишлар романда ўткир пафос шаклланишига кенг имкон яратган. Бу, албатта, ўзбек тили хусусиятлари доирасида. Улар немис тилига таржима қилинганда олмон китобхонлари бунини қандай тушуниши ҳар қандай кишини қизиқтириши табиий ҳол. Уларнинг тили, расм-русумлари, менталитети, табиийки, биздан тубдан фарқ қилади. Юқорида саналганларни таржима қилиш учун тийраклик ва топқирлик кераклиги шубҳасиз. Ингеборг Балдауф таржимонлик маҳоратини бу гал ҳам 3 йўналиш орқали ўрганиб чиқамиз:

**Лутф сўзлар:**

„Лутф“ арабча „мулойимлик, одобшлик“ маъноларини англатади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, нутқимизда илтифот, марҳамат, хушмуомалалик ҳамда хушхулқлик юзасидан ишлатиладиган сўзларга лутф сўзлар дейилади.

1. Тортинманг! *Seien Sie nicht scheu!*

(Scheu sein — уялмоқ, тортинмоқ маъносидаги бирикма)

2. Қуллук, хўжайин! *Zu Diensten, Herr!*

(Ўзбек тилида „хизматингиздаман“, „бош устига“ маъносини билдирувчи бирикма)

3. Балли! *Gut!*

(Олқишлаш, таҳсинлаш маъносидаги ушбу сўз „gut — яхши“ сифати орқали англашилган)

4. Келинг, айланай! *Kommen Sie, meine Liebe!*

(Ардоқлашни билдирувчи бу сўз „lieb — севимли, қадрли, азиз“ сифатининг отлашган шакли билан)

5. Баракалла! *Danke!*

(Ушбу олқишлаш ундови „раҳмат“, „ташаккур“ ундови билан)

6. Эсонмисиз, омонмисиз!? *Geht es Ihnen gut?*

(„Es geht“ — аҳвол сўраш ибораси билан)

7. Худодан айланай! *Dank sei Gott!*

(Беҳад суюнганда айтиладиган бу бирикма „Худога шукр“ тарзидаги турғун бирикма билан)

8. Ўргилай сиздан! *Sie schön, Sie so sehen!*

(Эркалаш, суйишни билдирувчи бу гап „Сизни кўриш қандай ажойиб!“ тарзида)

9. Худо сизни кам қилмасин! *Möge Gott Ihnen Reichtum mehren!*

(Миннатдорчилик ифодаланган бу гап „Худо сизга кўп бойлик берсин“ деган тилак билан)

10. Кам бўлманг, қизим! *Mögen Sie lange leben, meine Tochter!*

(Миннатдорчилик ифодаланган бу гап „Кўп яшанг, қизим“ тарзида)

11. Сиздан қизганиб бўладими!? *Wer könnte denn Ihnen böse sein?*

(Бу риторик сўроқ гап „Ким ҳам сизга жаҳл қила оларди?“ маъносида янглиш ҳолда)

12. Бандалик! *So ist das Leben!*

(Ҳамдардлик билдирувчи бу таскин сўз „Ҳаёт ўзи шунақа“ маъносидаги гап билан)

13. Раҳматли. *Die liebe Verstorbene.*

(Марҳум ортидан айтиладиган бу эҳтиром сўзи олмон тилида „lieb — қадрли“ сўзи билан сифатлантириш орқали таржима қилинган)

### **Қарғиш сўзлар:**

*Кимгадир омадсизлик, ташвиш, кулфат ва ўлим каби бахтсиз ҳодисаларни тилаб айтиладиган сўз, қарғиш ибораси ёки гаплар қарғишлар саналади.*

1. Эчкини пулини берибди, яшшамагур, буюрмасин!

*Der hat Euch den Preis für eine Fiege gegeben, soll ihn der Tod holen, möge er keine Freude daran erleben.*

(„Буюрмасин“ қарғиш сўзи „Унга қувонч ёки шодлик келтирмасин“ дея;

„Яшшамагур“ қарғиши „Уни ўлим олиб кетиши шарт“ тарзида берилган. Аслида, бу қарғиш сўзи ўз маъносидан йироқлашган. Яъни оддий ва одатий, ўта салбий бўёқдорликка эга бўлмаган қарғишга айланган. Асарда бу сўз бир неча бор такрорланган ва доим турлича ўгирилган.

Мисол учун:

*Hoffentlich erwischt es ihn bald!*

*Es hätte nicht viel gefehlt!*

*Möge es ihn bald ereilen!*

*Sollen sie doch verrecken!*

*Auf dass er nicht lange leben möge!*

Бу гапларнинг лексик илдизи битта маъно негатив „тилак“лар аталган кишининг яқин орада ўлиши кераклигига

қаратилади. Албатта, бу биров ўнғайсиз ҳолатни вужудга келтирган. Бироқ бунда немис миллатининг лексематик тил қатлами ҳисобга олинганлигини ҳам унутмаслик керак)

2. Жувонмарг! *Jung soll sie sterben!*

(Ушбу қарғиш асосида ҳам юқорида айтилган фикрлар ётади ва бу ҳам „У ёш ўлиши шарт“ дея таржима қилинган)

3. Юзинг куйгур, ноинсоф ит! *Verfluchter, ehrloser Hund!*

(Ўз маъносини деярли буткул йўқотган бу гап „Лаънати нокас ит“ дея маҳорат ила ўгирилган)

4. Лаънати ялангоёқ! *Verdammtes Barfußler!*

(Бу бирикма тилимизда камбағал, юпун, шунингдек, бахтли ва яхши ҳаётга интилмайдиган лоқайд кишиларга нисбатан ишлатилади. Таржимон уни сўзма-сўз тақдим этган. Ва салбийлик йўқолган. „Оёқ кийимсиз, лаънатланган киши“ бу немис тилида шунчаки сифатловчи аниқловчи бирикма. У камбағал инсонга нисбатан қўлланилади, яъни ўз маъносида)

5. Бўйи лаҳатда чирисин! *Soll seine Leiche im Tuch vermodern!*

(Чинакам немисча қарғиш. Немислар жасад юзига ёпиб қўядиган тоза рўмолча орқали ажойиб алмашинув юзага келган. Ўзбек тилига сўзма-сўз ўгирсак: „Жасади рўмолчада чирисин“. Бадиий: „Жасади кафанда чиригур“)

6. Дўзахда ёнасанлар! Уйларинг хонавайрон бўлмаса асти рози эмасман.

*Ihr werdet in der Hölle verbrennen! Und ich werde erst ruhig werden, wenn euer verdammtes Nest in Ruinen liegt!*

(Бу қарғиш ҳар икки тилда жуда негатив „тилак“ка айланган)

7. Гўрсўхта! *Wäre er doch ins Grab gefahren!*

(Ушбу қарғиш биров кўпол таржима қилинган ва маъно чекинган: „Қабрга кетсанг эди!“.

Ёки:

*Soll er ins ins Grab fahren!* „У қабрга жўнаши шарт!“

8. Насли бетайин, дарбадар! *Bettler ohne Herkunft!*

Юқоридаги қарғиш сўзларнинг аксар қисми ўз маъноси-



да ишлатилмайди. Оналарнинг ўз қизини ҳам қарғаш ҳоллари бунга мисол. Ахир ҳеч бир она фарзандига ёмонлик ёки ўлим тиламайди-ку. Шу боисданми, бу сўзлар лексик маъносидан узоқлашган. Улар кимнингдир жаҳли чиққанда тўсатдан айтиб юбориладиган асаб тизимларининг тафаккурга зид тарзда юзага чиқувчи мураккаб психологик ҳодисасидир.

Ушбу қарғишлар фақат таржима. Биргина сўздан иборат қарғиш немис тилига ўтганда бутун бошли гапга айланади. Чунки олмон тилида бундай қарғишлар деярли мавжуд эмас. Уларда аниқликка асосланиш ниҳоятда кучлилиги боис қарғиш ўрнига айнан ўз маъносини ифодаловчи сўкинишларни қўллаш ҳоллари кўпроқ.

### Вульгаризмлар:

Вульгаризмлар лотинча „*vulgarus*“ — „оддий, одатий“ сўзларидан келиб чиққан бўлиб, нутқда ишлатиладиган кўпол, ҳақорат ва сўкиниш, қисқа қилиб айтганда, одоб чегарасидан йироқ бўлган сўзлардир.

1. Суллоҳ! *Gefräßig!* (Еб тўймас)
2. Беҳаё! *Schamlos!* (Уятсиз)
3. Ўҳ, каллаварам! *Oh Gott, dieser Trottel!*  
(О Худо, мана бу тентак)
4. Галварс! *Dieser Esel!* (Эшак)
5. Хумпарлар! *Diese Idioten!* (Аҳмоқлар)
6. Кўрнамак! *Undankbar!* (Ношукур)  
*Niederträchtige!* (Пасткаш)
7. Зоти паст, келгинди!  
*Er ist Niemand. Ein Emporkömmling!*  
(У ҳеч ким, тайёрга айёр)
8. Имонсиз! *Gottloser!* (Худосиз)
9. Аҳмоқ! *Idiot!* (Жинни)
10. Шаллақи! *Keine Hemmungen!* (Ҳаёсиз)
11. Нотавон! *Jämmerlich* (Нотавон)
12. Нокас! *Trottel* (Тентак)

13. Искирт! *Abscheulich* (Жирканч)

14. Ҳа доғули, мегажин! *Ha, verlogenes Aas! Brunftsau*  
(*Verlogenen* — ёлғончи) (*Aas* — ҳайвон жасади)  
(*Brunftsau* — урғочи тўнғиз!)

15. Ғаламис! *Schweiner* (Тўнғиз)

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатадики, бадий таржимонлик учун нафақат аслият тили, балки ўз тилини, аввало, мукаммал билмоғи керак бўлади. Бундан 1—2 йил олдин Ўзбекистон халқ шоири устоз Жамол Камол менга шундай маслаҳат бергандилар: „Сен аслият тилини „4“ баҳога билсанг ҳам етарли, аммо ўз тилингни „5“ баҳога билишинг шарт. Чунки таржима тилининг имкониятларидан кенг фойдалана олсанггина китобхон кўнглига манзур бўладиган ишни амалга ошира биласан.“ Бундан кўринадики, Ингеборг Балдауф ўз тилини „5“ баҳога билувчилардан. У тилимиздаги ардоқ сўзларни шунчаки таржима қилмайди. Уларга турли-туман немисча муқобиллар тақдим этади. Зотан, ўшалутф сўзлар сўзма-сўз таржима қилинганда аслиятдан бутунлай йироқлашган бўларди.

Қарғишлар ҳамда вульгаризмларнинг кўпчилик қисмини ўз ҳолича ўгириб қўя қолган. Ва аксарияти олмон тилида ҳам шундай бўлгани учун мос келган. Худди яхшилик, меҳр-муҳаббат тушунчалари бутун инсоният учун бир хил бўлганидай, салбийлик ҳам ўхшаш экан. Бироқ ўзбек тилидаги баъзи қарғиш ва вульгаризмлар таржимондан катта маҳорат талаб қилади. Ингеборг Балдауф таржима жараёнида ўзбек тилининг изоҳли луғати билан ишлаганлиги сабабли ҳам ўша ноадабий қатламнинг луғатдаги берилишини олмончада акс эттирган. Аслида уларни ҳам мувофиқлаштириб қўйса бўларди. Чунки вульгаризмлар айнан берилиши шарт эмас. Шуларни ҳисобга олиб қуйидагиларни хулосалаш мумкин:

1. Таржимон биринчи галда ўз тилининг билимдони бўлиши шарт!

2. Фақат аслият тилига мансуб бўлган ҳолатлар таржима тилига хослаштирилиши керак.

3. Аслиятдаги ҳурмат-эҳтиром сўзларини муқобиллаштиришнинг имкони бўлмаса, уларни ташлаб кетса ҳам бўлади, агар бунда маъно ўзгармаса.

4. Миллатга хослик тушунчалари алоҳида изоҳлаб қўйилиши керак.

5. Қарғишлар таржима қилинганда, улардаги метафораларга эътибор бериш лозим.

6. Қарғиш ким томонидан ва кимга қаратилганлигини ҳам ҳисобга олиш фойдадан холи эмас.

7. Қарғишларни таржима қилиш эмас, эквивалентлаштириш даркор.

8. Вульгаризмларда кўп учрайдиган истиоралар, аҳамиятига қараб, шундайлигича таржима қилинса ҳам бўлади.

9. Вульгаризмлар таржимаси асарнинг бадиийлигини йўқотмаслиги ва қимматини туширмаслиги шарт!

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Каримов И.А.* „Ватан ва халқ мангу қолади“. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. — 112 б.

2. *Назаров У.* „Чаён йили“. — Т.: Шарқ, 2005.

3. *Nazarov U.* „Das Jahr des Skorpions“. — Берлин: Dageyli, 2002.

4. „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“. — Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2008.



## БИОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КИСЛОРОДА В ПРИРОДНЫХ ВОДОЁМАХ

АСКАРХОДЖАЕВА А.Н.

(студентка 3-го курса, ТГПУ, стипендиат  
Государственной стипендии им. Улугбека)

Научный руководитель — д.б.н., проф.

ШАМСУВАЛИЕВА Л.А.

Вода — самый распространенное вещество на поверхности планеты Земля, а также значительный экологический фактор и ресурс. Когда вода в природных водоемах хорошо перемешивается, в ней растворяется максимальное количество кислорода. Такое состояние называется насыщающей концентрацией.

Последнюю выражают в миллиграммах кислорода, которые могут быть растворены в 1 л воды до предельного насыщения. Насыщающая концентрация достигает значений 8–9 мг кислорода на 1 л воды в зависимости от температуры. Летом при более высоких окружающих температурах насыщающая концентрация падает до значений 8 мг л. Зимой в более холодной воде эта концентрация близка к 9 мг/л.

Если концентрация органических веществ в пробе воды достаточно велика, то при окислении органики бактериями и

простейшими может израсходоваться весь запас кислорода в пробе, иными словами, концентрация кислорода может уменьшиться до нуля. Когда в каком-либо природном водоеме кислород отсутствует полностью, говорят, что в таком водоеме создались анаэробные условия. В

Учитесь так, словно вы постоянно ощущаете нехватку своих знаний, и так, словно вы постоянно боитесь растерять свои знания.

*Конфуций*

анаэробных условиях или при очень малых концентрациях кислорода нормальная жизнь водных организмов, таких как рыбы, становится невозможной и они погибают. Не многие виды, способные не только выжить, но и бурно развиваться, обладают особыми адаптациями к этим условиям.

При малом содержании кислорода нормальная популяция аэробных бактерий (бактерий, которым необходим кислород) также погибает. Вместо них развивается популяция бактерий, использующих для своей жизнедеятельности серу. Атомы серы присутствуют в органических отходах, по строению они похожи на атомы кислорода, за исключением того, что имеют дополнительную электронную оболочку. Поэтому сера способна заменить кислород в реакциях окисления; при этом, например, вместо воды ( $H_2O$ ) образуется сульфид водорода ( $H_2S$ ). Хорошо знакомый запах тухлых яиц — это запах сульфида водорода (сероводорода).

Подводя итоги, можно сказать, что окисление органических отходов бактериями ведет к исчезновению кислорода в воде. В условиях, когда кислород полностью отсутствует, рыбы жить не могут, способны существовать лишь немногие виды животных, специально адаптированные к этим условиям. В такой анаэробной среде специализированные бактерии образуют среди других конечных продуктов сероводород с характерным запахом тухлых яиц.

При сбросе сточных вод органические загрязнения могут изменить концентрацию растворенного в воде кислорода, мы можем изучить реакцию водных организмов на такое загрязнение. При попадании в реку органических веществ с бытовыми и промышленными сточными водами концентрация растворенного кислорода в воде уменьшается. Это вызвано окислением органических веществ бактериями или простейшими.

Естественное перемешивание воды с воздухом способно возместить удаленный кислород, однако это происходит не сразу. Поначалу возникает конкуренция между факторами, способствующими обеднению воды кислородом (за счет окисления органических отходов), и факторами, восстанавливающими со-

держание кислорода в воде (перемешивание воды с воздухом).

В потоке выделяются четыре основные зоны:

1. Зона чистой воды (высокий уровень растворенного кислорода) выше места сброса сточных вод.

2. Зона ухудшения качества воды (уровень растворенного кислорода падает).

3. Зона ущерба (относительно постоянный и очень низкий уровень растворенного кислорода).

4. Зона восстановления (повышение уровня растворенного кислорода).

Разумеется, если сточные воды сбрасываются в реку многократно вдоль ее течения, то зона ущерба может протянуться на много километров. Такие условия возникают вдоль рек, протекающих в крупных городских и промышленных районах. Эта зона находится вверх по течению от источника сброса сточных вод; здесь в чистой воде обитают рыбы, моллюски, личинки поденок и ручейников и многие другие виды.

Чтобы выжить, этим животным требуется растворенный в воде кислород. Если концентрация кислорода в воде снижается, то эти чувствительные к кислороду виды исчезают первыми. К ним относятся также форель, окунь, лосось, минога. Хотя потребность различных видов рыб в кислороде неодинакова, экологи в целом полагают, что для поддержания жизнедеятельности рыб в воде должно содержаться не менее 5 мг кислорода.

Важное место в предохранении гидроресурсов от качественного истощения принадлежит очистным сооружениям. Очистные сооружения бывают разных типов в зависимости от основного способа обезвреживания нечистот. При **механическом методе** нерастворимые примеси удаляют из сточных вод через систему отстойников и разного рода ловушек. В прошлом этот способ находил самое широкое применение для очистки промышленных стоков.

Сущность **химического метода** заключается в том, что на очистных станциях в стоки вносят реагенты. Они вступают в реакцию с растворенными и нерастворенными загрязняю-

щими веществами и способствуют их выпадению в отстойниках, откуда их удаляют механическим путем. Но этот способ непригоден для очистки стоков, содержащих большое количество разнородных загрязнителей.

Для очистки промышленных стоков сложного состава применяют **электролитический (физический) метод**. При этом способе электрический ток пропускают через промстоки, что приводит к выпадению большинства загрязняющих веществ в осадок. Электролитический способ очень эффективен и требует относительно небольших затрат на сооружение очистных станций. При очистке бытовых стоков наилучшие результаты дает **биологический метод**. В этом случае для минерализации органических загрязнений используют аэробные биологические процессы, осуществляемые с помощью микроорганизмов. Биологический метод применяют как в условиях, приближенных к естественным, так и в специальных биоочистных сооружениях. В первом случае хозяйственно-бытовые стоки попадают на поля орошения. Здесь сточные воды фильтруются через почвогрунты и при этом проходят бактериальную очистку. На полях орошения скапливается огромное количество органических удобрений, что позволяет выращивать на них высокие урожаи. Из реки вода закачивается в неглубокие каналы на поверхность речных террас. Через толщу аллювиальных отложений она фильтруется, пополняя грунтовые воды. Грунтовые воды подаются по скважинам на дополнительную очистку и затем поступают в водопровод.

### **Литература:**

1. *Н.И. Корякина* Экологический вестник Узбекистана №4 -М.: 2002. — 3 с.
2. *В.Н. Соколова*. Охрана производственных сточных вод и утилизация осадков. -М.: Стройиздат 2002. — 17 с.
3. *И.С. Туровский* Обработка осадков сточных вод. -М.: Стройиздат. 2003. —13 с.

## ОСОБЕННОСТИ ПИАР-ТЕКСТОВ САЙТА *gestoran.uz*

**ДИЁРА АТАХАНОВА,**  
студентка 4 курса факультета  
международной  
журналистики УзГУМЯ



Научный руководитель —  
к.ф.н., доцент КАЮМОВА В.Ф.

Некоторые исследователи при описании способов создания имиджа выделяют стратегии, цели которых могут быть охарактеризованы как возвеличивание, оправдание и дискредитация.

В нашей работе мы будем опираться на классификацию, данную Н.Б. Руженцевой. По ее мнению, в целом в современном дискурсе реализуются три основных типа стратегий. В соответствии с авторской целеустановкой эти стратегии можно разделить на:

1. Стратегии, дискредитирующие оппонентов, умаляющие или пытающиеся уничтожить противников.
2. Стратегии, превозносящие союзников, т. е. стратегия презентации.
3. Стратегии самопрезентации.

По мнению Н.Б. Руженцевой, все стратегии и конкретные тактические схемы их реализации в той ли иной степени содержат провокационную и манипулятивную составляющие, которые направлены на то, чтобы создать или изменить картину мира адресата, передать ему авторскую

**Молодость быстро летит:  
лови уходящее время. День  
миновавший всегда лучше,  
чем нынешний день.**

*Овидий*



точку зрения на мир, событие или явления, волевым усилием внедрить ее в сознание читателя или телезрителя, то есть является одним из способов программирования.

Безусловно, одной из главных задач пиар-текста любой организации является задача осветить с положительной стороны ее деятельность для общественности. Стратегия самопрезентации сопровождается акцентированием в текстах положительных сторон и фактов профессиональной деятельности организации<sup>1</sup>.

Стратегия самопрезентации предназначена для того, чтобы показать общественности, что данная организация является сильной, значимой для общества организацией.

Данная стратегия включает в себя различные тактики, направленные на то, чтобы повлиять на восприятие окружающими адресанта:

- 1) тактика информирования;
- 2) тактика акцентирования положительной информации;
- 3) тактика оппозиционирования;
- 4) тактика признания существующих проблем и указания на путь их решения.

Все эти тактики различно реализуются в зависимости от существующего положения, наличия необходимых фактов.

Обратимся к текстам сайта [restoran.us](http://restoran.us). Тексты, создаваемые в ресторанном бизнесе, важны для привлечения публики и для самопрезентации того или иного ресторана.

Интересны названия ресторанов. В нашей подборке пиар-текстов, состоящей из 11 пиар-текстов узбекистанских ресторанов, все названия на иностранных языках и записаны латинским шрифтом: Amore Mio, Ariston Park, Antares, China Town, Chenson, Golden Hill, Mang'it и т. д. Это уже говорит о самопрезентации, ориентированности на иностранную, а значит, лучшую кухню. Причем интересно отметить, что назва-

---

<sup>1</sup> Руженцева Н.Б. Дискредитирующие тактики и приёмы в российском политическом дискурсе. — Екатеринбург: Урал.гос.пед.ун-т, 2004. С. 11.

ние ресторана, как правило, не имеет никакого отношения к его содержанию. Например, Ariston Park, Antares, Chenson, Golden Hill. Только в некоторых немногочисленных случаях выбор того или иного названия как-то можно объяснить. Например, Amore Mio — ресторан итальянской кухни, China Town готовит китайские блюда.

Внешне пиар-тексты ресторанов Узбекистана оформлены на сайте очень плохо: мелкий шрифт, отсутствие в большинстве из них членения текста на абзацы. В целом пиар-текст должен оказывать определенное воздействие на читателя. Когда же он не прочитывается из-за структурной нерасчлененности, говорить о каком-либо воздействии не приходится (например, текст ресторана Golden Hill, частично это относится к текстам ресторанов China Town, Amore Mio, Chenson и некоторым другим).

Правильно подобранный стиль изложения способствует привлекательности пиар-текстов ресторанов. По нашему мнению, это должен быть публицистический стиль, стиль с элементами официальности и отстраненности. Но в некоторых текстах, например, в пиар-тексте ресторана Ariston Park используются иностилевые вкрапления: Если же Вашей целью стоит романтический вечер наедине с любимым человеком, то ужин при свечах в VIP-кабинке ресторана станет идеальным выбором (целью стоит — официально деловой стиль, VIP-кабинка — разговорный стиль). С недавнего времени в ресторане стало возможно встречаться и большой компанией (стало возможно — официально-деловой стиль и большой компанией — нейтральный стиль). Уютное местечко — разговорный стиль. Шоу-балет развлекут Вас по полной программе (по полной программе — разговорный стиль).

Все тексты ресторанов относятся к описательному типу изложения. Описательный тип изложения имеет свои давно отработанные законы, каждый узел описания строится в определенной последовательности, в результате которой в сознании читателя должен возникнуть единый законченный образ описываемого. Незнание законов построения текстов описа-

ния, а также отсутствие четкой структуры и логики в построении пиар-текстов ресторанов Узбекистана делает их непривлекательными и нечитабельными.

Рассмотрим текст ресторана итальянской кухни „Amore Mio“.

В нем можно выделить такие структурно-композиционные части:

1) О кухне; 2) Расписание работы; 3) Количество посадочных мест; 4) О баре. Зал и летняя площадка с экранами; 5) Wi-Fi; 6) Оплата; 7) Адрес.

Уже из этого перечня видно, что нет логической последовательности в тексте. Например, там, где сообщается о баре, пишется и об экранах с креативно подобранным видеорядом: *В ресторане есть бар, где можно выпить коктейли и всякое такое. Зал и летняя площадка оснащены экранами: где можно посмотреть креативно подобранный видеоряд, скрашивающий и без того невероятно красивый интерьер.*

В разделе **оплата** имеется и рекомендация о посещении ресторана родителями с детьми до 20.00: *Посещение кафе родителями с детьми рекомендуется до 20.00. Для вашего удобства мы принимаем оплату по кредитным карточкам. Любое блюдо „Amore Mio Ristorante“ можно заказать с собой.*

В разделе **кухня** можно выделить такие подразделы: новое меню, уникальный формат ресторана, „зажигательные пятницы“, интерьер, гастрономические изыски, мобильный бар, легендарное прошлое, культурная жизнь, итальянские блюда, продукты для приготовления.

Как видно из приведенного перечня, нет четкой логической последовательности в представлении информации о ресторане.

В этом тексте используется название ресторана как на русском языке (3 раза), так и на итальянском языке (4 раза). Кроме того, латинское написание используется при обозначении напитка *Martini*, интерьера *hi-tech, lounge*. Это создаёт впечатление возвышенности, ориентации на запад и как следствие создаёт высокий имидж самому ресторану. Кроме того,

в тексте, написанном на русском языке, используются:

1. Имена собственные: итальянская кухня „Аморе мио“, Ташкентские (2 раза) рестораны, Ташкент и Италия, Итальянский шеф-повар Антанелло де Паскуал (3 раза).

2. Имена прилагательные. Их можно разделить на несколько групп на семантическом уровне:

А) общераспространенные прилагательные, которые уточняют значение существительных, к которым относятся. Например: *современная* (кухня), *актуальные* (предпочтения), *гастрономические* (предпочтения), *авторское* (осмысление), *популярные* (сочетания), *ингредиентные* (сочетания), *современные* (хиты), *гастрономические* (хиты), *авторское* (меню), *итальянский* (шеф-повар), *итальянская* (кухня), *уникальный* (формат), *исключительная* (атмосфера), *невероятная* (эkleктика интерьеров), *высокие* (окна), *уютные* (диваны), *мягкие* (диваны), *индустриальные* (арт-объекты), *светские* (события), *излюбленное* (место), *гастрономический* (изыск), *специальное* (меню), *оригинальная коктейльная* (карта), *мобильный переносной* (бар), *качественные диджейские* (сеты) и др. Названные прилагательные создают положительную оценку и благодаря их высокой частотности в целом весь текст делают позитивно окрашенным, хотя встречаются тавтологические ошибки (*мобильный переносной бар*) (оба прилагательных синонимы).

Б) прилагательные, которые редко используются в сочетаниях с приводимыми существительными: *стильные* (сифоны), *модные* (собратья) (о ресторанах), *культурная* (жизнь) (о развлекательных мероприятиях в ресторане), *легендарным* (прошлым) (о прошлом этого ресторана), *светлым* (будущим), *импортное* (происхождение) (о продуктах). Как видно из примеров, в этих словосочетаниях используются такие слова, которые обычно не употребляются друг с другом. Однако в этом тексте они преувеличивают значимость описываемого: не развлекательные мероприятия, а культурная жизнь; не прошлое ресторана, а *легендарное*; не просто будущее, а светлое.

В) прилагательные, которые получают окказиональное значение в сочетании с определенными существительными,

то есть созданными авторами пиар-текстов: *авторское осмысление популярных ингредиентных сочетаний, гастрономические (обеда), коктейльная (карта), мобильный переносной (бар), креативный (видеоряд), скрашивающий (интерьер).*

Полученные словосочетания в какой-то степени оригинальны, создают необычный, может, даже привлекательный, ни на что не похожий язык.

Г) прилагательные и существительные, используемые в переносном значении: *зажигательные клубные пятницы, море сюрпризов, блюда в исполнении шеф-повара, гастрономические хиты, культурной жизнью, импортное происхождение.* Все эти языковые единицы делают текст, видимо, по мнению его автора, более привлекательным и не похожим на другие тексты.

3. Имена существительные. Их лексическое наполнение в целом соответствует ресторанной тематике. Однако в некоторых случаях используется относительно новые „стильные“ слова, которые создают определенный „модный“ колорит: (гастрономических) хитов, (hi-tech) колонны, (индустриальные) арт-объекты, (мобильный переносной) бар, (качественные диджейские) сеты, (необычные) вернисажи, (гламурные) вечеринки, (модные) диджеи.

4. Употребляются слова не только с положительной оценкой, как было указано в пункте А, но и слова в сравнительной и превосходной степени, а также слова, в которых употреблена оценка высшей степени качества. Например:

В формировании меню участвовали лучшие шеф-повара Ташкента и Италии. Ресторан Аморе Мио в этом сезоне обещает стать не только эпицентром лучших светских событий.

Отличная кухня, безупречному сервису и насыщенной культурной жизни.

В этом тексте имеются и ошибки, связанные с функционированием лингвистических единиц. Укажем на них, исключая ошибки на сочетаемость, которые часты среди примеров пункта Б: модные собратья (о ресторанах), блюда в исполнении повара, скрашивающий невероятно красивый интерьер.

В предложении Любое блюдо „Amore Mio Ristorante“ можно заказать с собой — должно быть вместо заказать с собой взять с собой.

Имеются и стилистические ошибки: В ресторане есть бар, где можно выпить коктейли и всякое такое (словосочетание всякое такое разговорного стиля, которое неуместно в официальном тексте).

В целом можно отметить, что текст организован плохо. Структурные части, как мы уже отмечали, непоследовательны, сам текст перегружен информацией и в нем очень много слов, создающих положительную оценку и отвлекающих от основного содержания. Более того, сам текст очень длинный (12 шрифт, 1 полная страница формата А4). Но тем не менее он может привлечь внимание посетителей именно благодаря всем перечисленным положительным качествам

Из этого текста следует, что стратегия самопрезентации — ведущая в пиар-тексте ресторана „Amore Mio“. При этом используются такие тактики, как информирования и акцентирования положительной информации, что проявляется в использовании большого количества прилагательных с положительной оценкой, а также всех других слов и словосочетаний, отмеченных в пунктах 1-4.

### **Использованная литература**

1. *Накорякова К.Н.* Литературное редактирование. — М., 2002.
2. *Руженцева Н.Б.* Дискредитирующие тактики и приемы в российском политическом дискурсе. — Екатеринбург, 2004.

## СПОРТЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИЛМИЙ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ



**АХМЕДОВА САРВИНОЗ АЗАТОВНА**  
Навоий давлат педагогика институти  
„Жисмоний тарбия“ факультети  
„Жисмоний тарбия назарияси ва спорт  
турлари“ кафедраси мустақил изланувчиси

Мустақиллик буюк ютуқларимиз ҳамда эзгу анъаналаримизни тиклаш ва уларга ҳаёт ато этишнинг янги имкониятларини очди. Эришилаётган юксак спорт натижалари йирик халқаро мусобақаларда рақобатнинг кучайиши, машғулот ва мусобақа юкламаларининг мунтазам ўсиб бориши, ўзбек спорти географиясининг тобора кенгайиши ҳозирги босқичда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш илмий-услубий асосини такомиллаштириш заруратини белгилайди. Юқори натижалар спортнинг алоҳида шахсий ва умуман миллатга хос ирсий қобилияти, жамиятнинг даражаси ҳамда ижтимоий тузилишининг мезони бўлиб хизмат қилиши керак. Тайёргарлик технологияларини ҳар томонлама такомиллаштириш йўллари тўғрисидаги илмий қарашларнинг янги тизимини яратиш ва амалга ошириш ҳисобига юқори малакали спортчиларни тайёрлаш назарияси ҳамда услубиятини янгилаш

лозим. Ҳозирги замонда спорт ютуқларига эришишнинг шартли юқори малакали спортчилар тайёрлашни мақбуллаштиришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборат.

Олимпиядагача бўлган даврда мамлакатнинг терма жамоа-

Илм ва ҳикмат ҳалол  
луқмадан ҳосил бўлади, ишқ  
ва марҳамат ҳам ҳалол  
ризқдан пайдо бўлади.

*Ж. Румий*

ларига номзодлар қаторини ёш иқтидорли спортчилар захи-  
раси билан тўлдириб бориш керак. Яқин захирадаги спортчи-  
ларни аниқлаш чоғида, спортчининг келгуси спорт натижа-  
лари, ёшлараро халқаро мусобақалардаги муваффақиятли қат-  
нашиш кўрсаткичларига эътибор берилади. Яқин захирани  
баҳолашда спортчининг ёши, машғулот ва беллашувлар ста-  
жи, модель кўрсаткичларига мувофиқлиги каби кўрсаткич-  
ларга эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан ке-  
йинги йилларда Президентимиз спортни ривожлантириш ва  
унинг оммавийлигини ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик  
қилмоқда.

Бу борада спорт тараққиётининг бугунги босқичида биз  
шундай хусусиятларни кўрамизки, улар спортчини тайёрлаш  
жараёнига жиддий таъсир кўрсатади ва мураббий билан спорт-  
чи олдига янгидан-янги мураккаб вазифа ва топшириқларни  
қўяди бу вазифа ва топшириқларни эса, ўз навбатида, машқ  
жараёнини ташкил қилишнинг энг муносиб шакл ва усул-  
ларини излаб топишга мажбур этади:

— бугунги спортчилар эришган юксак кўрсаткичлар да-  
ражасини янада юксалтириш учун, жаҳоннинг энг юқори  
малакали спортчилар тайёрлаш услубини, шунингдек, спорт-  
чини тайёрлашда узоқ йиллардан бери қўлланилиб келаётган  
бугунги ташкилий-методик усулни ҳам батамом такомил-  
лаштириш талаб қилинади;

— энг йирик спорт мусобақаларида эришилган ютуқлар-  
нинг натижалари тобора ошиб бораётгани сабабли, мусобақа  
курашлари ниҳоятда кескинлашиб кетди. Бу ҳол спортчилар-  
нинг техник ва амалий маҳоратининг самарадорлиги, барқа-  
рорлиги ва устуворлигига, уларнинг кетма-кет бўлиб туради-  
ган масъулиятли стартлар шароитида ахлоқий, иродавий ва  
руҳий тайёргарлигига бўлган талабни бениҳоя оширади;

— юксак малакали спортчилар махсус жисмоний тайёр-  
гарликнинг шу қадар юксак чўққисига чиққанларки, энди  
ундан юқорироққа кўтарилиш энг оғир ва энг мураккаб



вазифа бўлиб қолди, шунга кўра, махсус жисмоний тайёргарлик самарадорлигини ошириш захираларини қидириш ва шу билан бирга, умуман, машқ жараёни тизимида янги усул ва услублар зарур бўлиб қолди;

— машқ юкламаларининг ҳажми шу қадар катталашиб, оғирлашиб кетдики, уни йиллик цикл доирасида, ҳар бир босқичи ичига оқилона сингдириш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди. Шу билан бирга унга машғулот самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир усули деб эътироф этилган муносабатда бўлиш зарурати туғилди. Шунга кўра, биринчидан, турлича имтиёзли йўналишларда бўлган юкламалар ўртасидаги энг кўп фойда берадиган нисбатини, иккинчидан, машқларни ташкил қилишнинг янги усулларини қидириш зарурати вужудга келди, зеро, бундай машқлар спортчида энергия захирасининг сарфланиши ва қайта тикланиши ўртасидаги аниқ муносабатга суянган ҳолда, унинг организм фаолиятидаги мосланиш имкониятларини тўла амалга ошириш учун энг мақбул шароитни кўзда тутди.

Машқнинг методик масалаларини ҳал қилишда фаннинг вазифаси ошди, юқори малакали спортчиларни тайёрлаб етказиш, спортчи организмдаги ҳаётни таъминловчи функционал услубларга тўлақонли таъсир кўрсатиш ва бундай услубларни ўта юксак фаолият даражасига кўтариш билан бевосита боғлиқдирки, эндиликда спортчини замонавий усулда тайёрлаб етказишнинг ўта мураккаб муаммоларини илмий-методик маълумотларсиз, фақат соғлом ақл ва ҳиссиётга суянган ҳолда ҳал қилиб бўлмайди.

Илмий-техник жараённи ва илғор тажрибаларни амалиётга киритиш спортчиларни тайёрлаш натижаларини аниқлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, спорт рекордларининг доимий равишда ўсиши, юқори малакали спортчиларни ёки бутун жамоанинг ютуқларини илмий асослашда, тайёргарликни ташкил қилиш шаклига, қизиқарли услубий ечимларни ҳаётга киритиш, спорт фани ютуқлари, шунингдек, кўпчилик аралаш фанларнинг ўрни йилдан йилга ўсмоқда.

Шу сабабли, спорт ютуқларининг илмий-техник жараёни спорт фани тайёргарлигининг бир қисми деб ҳисобланади. Бу ишга бошқа соҳа мутахассисларини: педагоглар, психологлар, биокимёгарлар, физиологлар, муҳандислар, математиклар, шифокорларни жалб қилиш спортчилар тайёргарлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса, республикада мажмуали илмий гуруҳни ташкил қилишни асосий вазифа қилиб қўяди. Буларнинг вазифасига: мураббий ва спортчиларга маслаҳат бериш, амалиётга замонавий илмий-техника ютуқларини киритиш, Ватанимиздаги ва хориждаги аралаш соҳаларни спорт фанига татбиқ этиш, спорт натижаларини оширишга олиб келишга ёрдамлашиш киради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. — Т.: Заг қалат, 2004.
2. Керимов Ф.А., Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. — Т.: ЎзДЖТИ, 2005.
3. „Соғлом авлод учун орденини таъсис қилиш тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони /Ўзбекистон овози. — 1993 йил 5 март.
4. „Болалар ва ўқувчи ёшларни жисмоний тарбиялаш“ Ўзбекистон Республикасининг Концепцияси //Маърифат. — 1992.



## «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» — НОТИҚЛИК САНЪАТИ МАНБАСИ

**Ҳ.Т. АҲМЕДОВА,**  
Кўқон Давлат педагогика институти  
(мутақил изланувчи)

**Илмий раҳбари: Б. Тўхлиев, филология  
фанлари доктори, профессор**

Мустақиллик мафкураси асосида қадимги туркий халқлар адабиётининг оғзаки ва ёзма намуналарини ўрганиш, уларнинг бағридаги кўплаб адабий-эстетик ҳодисаларни замонавий фан ютуқлари асосида жиддий тадқиқ этиш, миллий-маънавий қадриятларни пухта таҳлил қилиш, шулар асосида ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг бадиий-эстетик дидларини, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан меҳр-муҳаббатларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам энг муҳим вазифалар қаторида турибди. Мазкур вазифаларни бажаришда, уларни реалликка айлантиришда Шарқ, жумладан, қадимги туркий халқлар адабиёти намуналарининг жуда катта имкониятлари мавжуд. Зеро, уларда умуминсоний маданиятнинг ва маънавиятнинг жуда улкан намуналари мужассамлашган. Қолаверса, сўз санъатининг жаҳонга машҳур бўлган юксак намуналарининг бевосита Шарқ

халқлари адабиётига боғлиқ ҳолда юзага келганлигини ҳам эътироф этиш жоиз.

Биргина Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ асари бу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Ўн биринчи асрда яратилган бу муҳташам обида ўзигача бўлган барча оғзаки ва

Билим, ўйлаб кўрилса,  
мисоли бир жилов. У барча  
ёмон, ярамас ишлардан  
тийиб туради. Билим эгаси  
ўз тилаklarини топади, орзу-  
мақсадларига эришади.

*Ю.Ҳ. Ҳожиб*

ёзма анъаналардан пухта озиқланган ҳолда, ўз замонасининг энг долзарб муаммоларига адабий жавоб тариқасида юзага келган. У сўз санъатининг нодир намунаси бўлиши билан бирга нотиклик санъатининг ҳам бебаҳо дурдонасидир. Асарда сўзнинг ижтимоий-эстетик қадр-қиммати ҳақида фавқулодда теран қарашлар ниҳоятда гўзал бадиий шаклларда ўз ифодасини топган. Унда сўзнинг ижтимоий ҳаётда, одамлар орасидаги мулоқотлар жараёнидаги ижтимоий аҳамияти, бундаги аниқ амалий тавсия ва йўриқларга жуда кенг ўрин ажратилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ асари Шарқ одобномасининг, жумладан, мулоқот маданиятининг ўзига хос қомусларидан биридир. Унда нутқ одобининг, нотиклик маданиятининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари, меъёр ва мезонлари ҳақидаги қарашлар ҳам ўз аксини топган. Шулардан бири инсоннинг нимани сўзлаши, қандай сўзлаши ва қай миқдорда сўзлаши билан боғлиқ қарашлардир. Бу муаммо Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“ асарида ўзига хос тарзда кун тартибига қўйилган ва бошқа бирор адибда учрамайдиган шакллардаги ечимлари ҳам тақдим этилган.<sup>1</sup> Жумладан, асарда „Сөзләмәк-му эдгурәк азу йа шук турмақ-му эдгурәкини айтур“ („Сўзламоқ яхшироқми ёки сўзламай жим турмоқ (яхшироқми) эканлигини айтади“) дейилган алоҳида боб мавжуд.

Адибнинг назарида, икки кишининг ўртасидаги мулоқотнинг ҳам ўз одоб қоидалари мавжуд. Шулардан бири, кимки таклиф қилган бўлса, сўзни ўшанинг ўзи бошламоғи керак. Агар сўрмасдан олдин ҳам келган киши сўз бошлаб кетаверадиган бўлса, уни маданиятли инсонлар қаторига киритиш қийин бўлиб қолади. Юсуф Хос Ҳожиб, ҳатто бундай кишиларни бошқалар „йилқи“ (демакки, одам эмас) деб атасалар ҳам тўғри бўлаверади, деб таъкидлайди. Айниқса, улуғ инсонлар, жумладан, беклар олдида сўралмаган ҳолда ҳам гапираверадиган кишиларни соғлом одамлар қаторига қўшиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Каримов Қ. Илк бадиий достон, —Т.: Фан, 1976, 104—107-бетлар; Б.Тўхлиев. Оз сўз — олтин. // Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти, 1991, № 2, 12—15-бетлар.

Қызыл тил қылур қысқа йашлығ сәни  
Эсәнлик тиләсә қатығ ба аны (950)<sup>1</sup>  
Қизил тил сени қисқа ёшлик қилади,  
Эсон бўлайин десанг, сен уни қаттиқ боғла.

Юсуф Хос Ҳожиб тилни энг муҳим алоқа воситаси сифатида баҳолар экан, асосий урғуни унинг ижтимоий аҳамиятига беради. Тил, тилдаги сўз инсон қалбининг таржимони, унинг қалбидаги асосий фикрларни, ўй ва тушунчаларни бошқаларга етказиш воситасидир. Инсондаги сўзлаш қобилияти унинг шахс сифатидаги ўзига хосликларини намойиш этиш имкони ҳамдир. Ана шу имконият орқали у ўз билимларини намойиш эта олади, ҳатто худони таниши ва эътироф этишини ҳам билдира олади. Агар у сўзламаса, унинг билимлари бошқаларга ноаёнлигича қолиб кетаверади. Тилдан шикоят қилиш ножоиз. Унинг мақтовли жиҳатлари ниҳоятда кўп. Аммо унда инсонни ношоиста ҳолатларга солиш имкони ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам бу борада тегишли меъёрларни билиш жоиз. Тил туфайли инсон худони танийди ва бу ҳолатни бошқаларга англатади. Демак, тил кўнгил таржимонидир. Шунинг учун ҳам инсон учун энг муътабар нарса унинг тили ва дили (кўнгли)дир.

Бу Айтолды айды эшитгил элиг  
Тилин сөзләмәсә қалыр бу билиг  
Тылығ сөксә болмас тәлим өггуси  
Сөзуг өггуси бар йэмә сөкгуси  
Қамуғ тәбрәнигли бу сансыз қалын  
Тануқлуқ бэрур бир байатығ тилин  
Төрүтти тумән миң халайиқларығ  
Тили бирлә таңрығ<sup>2</sup> өгәрләр арығ  
Этөзлуг кишикә кэрәки бу-ул

---

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. —Т.: Фан, 1971, 196-бет. Мисоллар шу китобдан олинган. Кейинги ҳолатларда байтлар сираси асосий матндан кейин қавс ичида кўрсатиб кетилади.

Бириси тилин сөз бириси көңул  
Көңул тил төрутги көңул сөз учун  
Сөзи эгри болса куйәр ул кучун (1005—1010)  
Ойтүлди айтди: элиг, эшитгин,  
Тилда сўзлаб баён қилмаса, билим (яширин) қолади.  
Тилни сўкса ярамайди, унинг мадҳи жуда кўп,  
Сўзнинг мақтовлиси бор (ва) яна сўкишлиги ҳам.  
Тамоми тебранувчи, бу сон-саноксиз зич (одамлар),  
Яккаю ягона худонинг мавжудлигидан тили билан  
шаҳодат беради.

У туман минг халойиқни яратгандир,  
(Улар эса) тангрини тилларида холис мадҳ қиладилар.  
Танасида жони бор киши учун кераги ушбудир,  
Бири тил (ва) сўз, бири эса кўнгил (дил)дир.  
Дил (ва) тилни яратди, дил (эса) сўз учундир,  
Сўзи эгри бўлса, у киши ночор куяди.

Шундай экан, нима қилмоқ керак? Албатта, тўғри сўзнинг  
нафи кўп. Шунинг учун ҳам тўғри сўзлайдиган бўлсагина,  
тилнинг ҳаракатга келмоғи жоиз, бошқа ҳолатларда эса унинг  
тинч турмоғи афзалдир.

1011 Көни сөзләсә сөз көр асғы өкуш  
Қалы сөзләсә эгри барча сөкуш

1012 Көни сөзләр эрсә тилиң тэбрәсу  
Сөзун эгри эрсә өзун кэзләсу (1011-1012)  
Сўзни тўғри сўзласа, кўр, фойдаси кўп,  
Агар эгри сўзласачи, барчаси — сўкиш.  
Агар тўғри сўзласанг, тилинг тебрасин (гапиргин),  
Сўзинг эгри бўлса, сен уни яширгин.

Инсонни бошқалардан ажратиб турадиган биринчи белги  
ҳам унинг тилидир. Аммо тилдан фойдаланишда жуда кўп  
мураккабликлар мавжуд. Улардан бири қанча сўзлаш билан  
боғлиқ меъёрлардир. Агар умуман гапирмаса, бундай кишини

соқов дейишади; борди-ю, ҳаддан ташқари кўп гапирилса у  
эзмалар қаторига киради:

Тилин сөзләмәсә ағын тәр киши  
Өкуш сөзләсә аты йаншақ башы  
Кишида йавузы киши йаншақы  
Кишида ағыры киши-ул ақы (1013-1014)  
Тилинг билан сўзламасанг, кишилар лол дейдилар,  
Кўп сўзласа, унинг оти эзмалар бошидир.  
Кишиларнинг ёвузи — бу эзма кишидир,  
Кишиларнинг қадрлиси — бу саховатли кишидир.

Буларнинг барчаси Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзбек-туркий  
нотиклик анъаналарининг шаклланиши ва ривожидида ниҳоятда  
катта мавқе эгаллаб турганини кўрсатиб турибди. Бу мавқенинг  
бутун салобати, унинг мазмун ва моҳиятини атрофлича тадқиқ  
этиш эса мутахассислар зиммасидаги жиддий вазифалардан  
биридир.

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ (УРФ-ОДАТ)  
УДУМЛАРИНИНГ ТЕМАТИК ЖИХАТДАН  
ФАРҚЛАНИШИ ВА ИЖРО МАҲОРАТИ**

**БЕКМУРАТОВА НАСИБА,  
3-босқич талабаси**

**Илмий раҳбар: ф.ф.н., доцент  
М.Д. БЕКБЕРГЕНОВА**

**Ажиниёз номидаги Нукус давлат  
педагогика институти**



Қорақалпоқ халқи ўзига хос ажойиб удумлари, урф-одатлари билан бошқа халқлардан ажралиб туради.

Урф-одат, удум кўшиқлари, асосан, инсоннинг дунёга келиши, болалик даври, вояга етиши, оила қуриши, дунёни тарк этиши ва инсоннинг ҳаёт йўлларида учрайдиган турли ҳодисаларга боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Шунинг учун ҳам удум кўшиқларининг мазмуни теран, ихчам ва юксак маҳорат билан яратилган. Маросим кўшиқлари тематик жиҳатдан тур-ли хил турларга ажратилади. Қ.Мақсетов билан А.Тажимуратовнинг 1979 йили нашр қилинган „Қорақалпоқ фольклори“ дарслигида маросим кўшиқларини ички узвий мазмунига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин.

1. Тўй кўшиқлари: а) тўй бошлаш; б) келин салом.

2. Мунг-шеър кўшиқлари:

а) йўқлов, сингсиш, ёр-ёр.

Қ. Мақсетов „Қарақалпақ халқынын коркем аўизеки доретпелери“ (1996 й.) асарида маросим кўшиқларини беш гуруҳга ажратади. Улар: тўй боши, ёр-ёр, сингсиш, келин салом, йўқлов.

„Дунёда турмоқ“ учун  
дунёвий фан ва илм лозим-  
дур, замона илми ва фани-  
дан бебахра миллат бошқа-  
ларга поймол бўлур“

*Бехбудий*



Булар бир-биридан ўзининг мазмуни, ижроси, бадий ўзига хослиги, катта ижрочилик маҳорати билан ажралиб туради.

Булардан дастлаб тўй боши кўшиқларига тўхталиб ўтсак. Тўй боши халқимизнинг қадимдан отадан болага удум бўлиб келаётган кўшиқлардан биридир.

Тўй бўлса халқда шодлик, ўйин-кулги бўлади. Тўй удумлари ўғил уйлантириш, қиз узатиш, бешик тўйи, маълум ёшни белгилаш тўйлари кабилардир. Тўй боши кўшиғининг асосий мақсади тўй қиладиган кишини муборакбод этиш, эзгу мақсад тилаш, оила қураётган ёшларнинг бахтли-саодатли бўлишига тилакдошлик билдириш кабиларга ажратилади. Тўй боши халқнинг орзу-ҳавас қилиб тўй қиладиган кишига шодлик етказиш, шодлигига шодлик кўшишдир.

Масалан: Тўй дегани шодликнинг боши бўлар,  
Тўй деса қуруқ қолган бош юмалар.  
Бу тўйни кўшиқ билан бошлайин мен  
Сийлиқни тўрга беринг жон акалар.

Мана шу ҳолатда тўй бошланади.

Келин салом — ўғил уйлантириш тўйидир. Қадимда келин салом қиз узатилиб овул четига ёки хонадонга келган вақтда айтилган, ҳозирда ўғил уйлантириш тўйини келин салом бошлаб беради. Келин салом махсус ижрочилар томонидан айтилади. Келин салом айтувчи ўзини таништириб келинчакка ушбу элат удумларини шундай таърифлайди:

Ҳаводан учган учқур қуш,  
Сабаб билан бўлдик дуч.  
Кечагина сизлар қиз,  
Бугун келинчак бўлибсиз.

Келин саломда дастлаб ўтган ота-боболар, сўнгра яқин қариндошлар, кўни-кўшни, ёр-биродарларни, элатнинг удумларини ушбу мисралар билан таърифлайди:

Ҳа келинчак, келинчак  
Тушга қадар ухлама  
Бўлмагин сен эринчак  
Чақирилмаган уйларга  
Бормагин сен келинчак.

Маросим кўшиқларидан йўқловга тўхталиб ўтамиз. Йўқлов — бу ҳаётда ҳар бир инсоннинг бошидан кечирадиган, қазо қилишида айтиладиган (кўшиқ айтим) йўқлашдир.

Қорақалпоқ халқининг удуми бўйича инсон вафот этган жойда эркаклар икки белига таяниб, ташқаридан овоз чиқариб боради, хотинлар эса уйга киргандан кейин йиғлайди.

Йўқлов одам қазо қилгандан кейин унинг яқин кишиси, яқин қариндошлари томонидан айтиладиган маросимий кўшиқ.

Йўқлов айтиб йиғлаш, қазо қилган кишининг қадр-қимматини айтиш йўқловни англатади.

Йўқлов айтиш удуми ҳар бир халқда ҳар хил бўлади. Сабаби, халқларнинг ўликни жойлаштириши (кўмиши) миллий удумларига боғлиқдир. Йўқловни ижро қилиш ҳолати ҳар халқда ўзининг миллий ўзига хослигига эга. Қорақалпоқ халқида овоз чиқариб йиғлаш орқали йўқлов айтилиб, йиғлаш орқали марҳум эсга олинади:

Қулоқ солгин сўзимга  
Йиғилиб келган халойиқ.  
Насиҳат бериб ўзимга  
Айтганинг билан бўлайин  
Қариндошим ичида  
Учган бир оқша қуш эди  
Ўз элимнинг ичида  
Йиқилмас олтин байроқ эди

— деб марҳумни олтин байроққа ўхшатиб айтади. Йўқлов айтадиган шахсни йўқловчи деб, уни маросимга чақириб айттирган йўқловчининг ҳам ҳар хил шакллари бўлган.

Масалан, фарзанди йўқ киши қазо қилганда, ўрта яшар

ёки катта ёшдаги хонадан эгаси вафот этганда айтиладиган йўқловлар мавжуд бўлган. Хонадон соҳиби қазо қилса, унинг хотини томонидан йўқлов айтилган:

Қайирга битган қора тол,  
Қайрилмас экан деб эдим  
Отасидан болалари  
Айрилмас экан деб эдим.  
Ўлим қурғур ёнғин экан  
Ўзакка тушган қурт экан  
Есирлик келди бизларга  
Етимлик келди бизларга.

Сингсиш қизни узатиб кетиш олдидан қиз томондан ижро қилинадиган кўшиқ. Бу ҳақда Н. Давқараев шундай ёзади: „Қизни куёв тўрага бериб юбориш учун отасининг уйидан чиқишда одатда қиз сингсиб товуш чиқаради. Буни сингсиш дейилади“. Катта яшар бувиларнинг айтишларича, қадимда қизларни ўзи хоҳламаган йигитларга, ҳатто чолларга узатишган.

Сингсиш қизни хоҳламаган кишисига узатганда, қизнинг ички маънавий дунёсидаги кечинмаларининг мунгли ҳолатини ташқарига чиқариш учун айтилган. Қиз ўз тенгдошига етолмаганига куюниб янгаларига қараб ички дардаламини сингсиб айтган:

Ўфилжон опа ҳасратим айтсам  
Ҳасратим зиёд бўлса йиғламайми?  
Ким мададкор бўлур дейман термулиб  
Кетиб бораётирман йиғламайми?  
Ўфилжон опа энди хўш бўл кўришгунча  
Ўлган маъкул бундай хор-зор бўлиб юргунча.

Қорақалпоқ халқининг ажойиб удумлари ичида қиз узатиш тўйи ўзгача. Бу тўйнинг ҳам ўзига хослиги борки, унда „ёр-ёр“ айтилади. „Хаўжар“ қорақалпоқ халқида айтилса, қардош ўзбек халқида „Ёр-ёр“ деб айтилади. Қадимда „Ёр-ёр“ни удум бўйича узатилаётган қиз томон бир, куёв томон

бир бўлиб алоҳида айтилган. Бунда қиз ўзининг ички мунгли ҳолати, ўз уйдан кетиб бораётгани айтилади. Йигит томондан унга барчаси яхши бўлиши мумкинлиги юпатиб куйланади.

„Ёр-ёр“ узатилган қиз томондан, қизнинг опа-сингиллари, дўстлари томонидан ҳам айтилади:

Шилдир-шилдир қамишга  
Сирғам тушди ёр-ёр  
Сирдош эмас ёт элга  
Опам тушди ёр-ёр.

„Ёр-ёр“ кўшиқларининг ўзига хос айтилиши, ўз мусиқаси бўлади.

Хулоса шуки, давр талабларига қараб удумлар ҳам ўзгаришларга учраётир. Халқнинг онгига қадимдан сингиб кетган урф-одат, удумлари, ўзига хос ижро ўрни ва ижро маҳорати бор эканлиги алоҳида кўзга ташланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қ. Мақсетов. „Қарақалпақ халқининг кэркем аўйзеки дүретпелери“. —Н., „Қарақалпақстан“, 1996.
2. Қ. Мақсетов, А. Тажимуратов. „Қарақалпақ фольклори“. —Н., „Қарақалпақстан“, 1979.
3. Н. Дауқараев. „Шығармаларының толық жыйнағы“. —Н., „Қарақалпақстан“, II том. 1977.
4. „Қарақалпақ фольклори“. V том. —Н., „Қарақалпақстан“, 1980.



УДК 482:371.3

**ФОРМИРОВАНИЕ  
КОММУНИКАТИВНОЙ РЕЧИ  
СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ  
КУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ  
ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ**

**БОЙГИТОВА МУНИСА**  
(студентка факультета искусств)

Руководитель: Холмухамедова М.С  
ТГПУ им. Низами

Культурологическая лексика сосредоточивает внимание человека на главной смысловой стороне изречения, побуждает задуматься над поставленным вопросом. Попытавшись ответить на него, достигается более эффективное эмоциональное воздействие культурологической лексики на сознание, этику, эстетику слушателя, читателя.

В условиях межкультурной коммуникации важно учитывать, что высокий уровень владения языком предполагает не только большой запас знаний по лексике, в том числе и по терминологии, грамматике, стилистике, но и культурологии, а также и творческое применение этих знаний в соответствующих ситуациях с учётом национально-культурных особенностей коммуникантов. Адекватность понимания предполагает умение обучающимися интерпретировать систему терминологических звеньев, воплощающих содержание обучаемого текста. Отсюда основной задачей обучения понимания речевого текста является соотнесение лингвистических средств с определёнными смысловыми блоками: логико-когнитивными, экспрессивно-квалификативными, содержательно-прагматическими.

**Часто слышишь, что молодежь говорит: я не хочу жить чужим умом, я сам обдумаю. Зачем же тебе обдумывать обдуманное? Бери готовое и иди дальше. В том сила человечества.**

*Толстой Л.Н.*

В народном образовании важно соединить общечеловеческие мировые достижения и максимально учесть национальную специфику в обучении.

В Республике Узбекистан есть памятные дни - это праздники и знаменательные даты, которые отмечают народы, проживающие на нашей дружелюбной земле.

Созданы методические разработки преподавателями кафедры методики преподавания русского языка и литературы ТГПУ им. Низами, по темам: „Независимый Узбекистан“, „Национальные праздники, традиции, обычаи узбекского народа“, „Руза Хаит“, „День Памяти и Почестей“. Активно используются по тематике национально-культурная семантика, отражающая этику и эстетику народов:

*„Родина — мать, умей за неё постоять“;*

*„Скромность — достоинство человека“;*

*„Один человек копает арык, а тысяча им пользуется“.*

*„Одну изюминку сорок человек поделили“.*

Произведения устного народного творчества дают учащимся огромное количество фактов о жизни людей разных национальностей, о взаимоотношениях людей разных наций. Это способствует формированию как негативных, так и позитивных чувств и отношений.

Для того чтобы активизировать внимание и интерес студентов к определённым фактам и событиям, преподаватель даёт задания и вопросы, заставляющие их обращать внимание на нужные стороны действительности.

Преподаватель должен стимулировать студентов, самостоятельно „добывать“ знания из окружающей жизни, периодической печати, телепередач, кинофильмов. Содержание и глубина вопросов и заданий зависят не только от изучаемого явления, но и от азарта подачи материала, увлечённости студенческой аудитории, уровня владения русским языком.

Формируя у студентов представление о национальном празднике „Навруз“, преподаватель подбирает пословицы и поговорки, фразеологизмы и афоризмы к теме „Национальные

праздники, обычаи, традиции узбекского народа“ (по практическому курсу русского языка):

*„Долг джигита — быть всегда с народом“.*

*„Благополучие народа — твоё благополучие“.*

*„Человеком быть легко, человечным быть трудно“.*

*„Кто людям яму копает, тот сам в неё и попадает“.*

Проводя аудиторные работы, преподаватель ставит задачи и задаёт вопросы студентам:

**1. Какие национальные праздники, традиции, обычаи вы знаете?**

*Образец: „Навруз“ — это национальный праздник узбекского народа. В переводе с фарси он означает: „Нав“ — новый, „руз“ — день. Праздник отмечают 21 марта — в день весеннего равноденствия.*

*Не потрудиться — делу не получится, и вообще, люди в этот праздник поздравляют друг друга, сажают деревья.*

**2. Какие песни, стихи, афоризмы великих предков вы можете представить?**

*Образец: „Умный враг лучше глупого друга.“*

*„Кто другу роет яму наперёд,*

*В неё же сам и попадёт.“*

*(А.Навои)*

**3. Вспомните пословицы о войне и мире, о дружбе и согласии.**

*Образец: „Око за око, зуб за зуб“;*

*„Один за всех, все за одного“.*

В самостоятельной работе — студенты сами подбирают материал данной тематики по публикациям, литературе, Интернету.

*Образец: „Существует высказывание из Ветхого Завета, установленное древними задолго до рождения Христа. Оно основывалось на представлении древних, которые считали, что необходимо мстить ничего не забывая, не прощая.*

*Противоположным высказыванием является высказывание Иисуса Христа, который опровергнул этот закон древних: „Прощайте врагу своему, и если он ударит тебя в правую щеку, подставьте левую“.*

Преподаватель обращает внимание студентов на эти вопросы, побуждая их находить ответы на занятиях. Знания о национально-культурной семантике студенты получают на занятиях выразительного чтения и внеаудиторной работы, при самостоятельном образовании.

На современном этапе развития общества **экологическое воспитание** становится одним из важнейших видов воспитательной работы. Студенты пишут сочинения по экологии природы и экологии души.

Разрушение и загрязнение естественной среды обитания людей, варварское отношение к природным ресурсам, вредные для здоровья и жизни людей условия — всё это внушает тревогу за судьбу народа. Миллионы людей сегодня живут в экологически вредной среде.

Тревога за человечество, как сигнал бедствия, побуждает людей к активным действиям, в том числе и в области образования.

Сегодня учёные-педагоги ставят вопросы об экологическом образовании молодого поколения: о том, какие предметы и каким образом должны изучаться в школе, чтобы сформировать у молодёжи ответственное отношение к природе.

Учитывая экологические проблемы, в методические разработки по практическому курсу русского языка включены такие микротемы, с использованием культурологической лексики как: „Флора и фауна“, „Проблемы Арала“, „Природа и человек“, „Красная книга“, „Заповедники Узбекистана“.

Темы дополняются соответствующими к ним стихами, народными изречениями, пословицами и поговорками, афоризмами и крылатыми выражениями, такими как: „Охранять природу — значит охранять Родину“ (Пришвин), „Природа — единственная книга, каждая страница которой полна



глубокого содержания“ (Гёте), „Прежде природа угрожала человеку, а сейчас человек угрожает природе“ (Жак Кусто). Эти материалы помогают студенту глубже осмыслить и серьёзно задуматься над тем, что природа — это духовное богатство, и мы обязаны её защищать: экология природы и экология души едины!

Пословицы, поговорки, афоризмы выполняют важнейшую функцию — они сохраняют в народе „нравственное начало“, „вечные ценности“:

„Ты спрашиваешь, чем вызван крах нашей системы образования? Я не знаю точно, думаю, что утратой **нравственного начала...**“ (Лао Ше. Записки о Кошачьем городе, с. 231)

С учетом того, что у студентов в определенной мере уже сложилась способность к самостоятельному мышлению, процесс управления их деятельностью со стороны преподавателя не должен быть очень жёстким, строго регламентированным и слишком опекающим.

Преподаватель, ведя занятие, ставит проблему, даёт задание, при необходимости предлагает варианты их выполнения в виде примеров, поощряет правильное выполнение задания, по ходу исправляет ошибки и неточности в работе студентов, например:

**Задание.** Определите по словарю значения следующих слов (постройте или вспомните фразеологический оборот)

Упорство, лень, перетереть, труд, честь, невежда.

*Образец: „Упорство и труд — всё перетрут“*

**Задание.** Выучите пословицы и поговорки. Скажите, о чем они. Переведите на родной язык.

„Человек без знаний, что лампа без огня“ (русская пословица)

„Без старания нет знания“ (грузинская пословица)

„Мудрость дороже жемчуга“ (узбекская пословица)

„Знание дороже денег, острее сабли, сильнее пушки“ (грузинская пословица)

„Знание и мудрость — украшение человека“ (узбекская пословица)

**Задание.** Прочитайте афоризмы мыслителей Востока. Выучите их наизусть. Переведите на родной язык и язык специальности (для факультета иностранных языков: французский, английский, немецкий, корейский.)

Русские пословицы и поговорки, а тем более афоризмы никогда не употребляются просто так, они всегда используются в речи в тесной ситуативной обусловленности. Весь смысл их употребления как раз и заключается в том, чтобы прибегать к ним вовремя и к месту. Сами по себе данные фразеологизмы не играют в речевой коммуникации основополагающей роли, информация вполне может быть передана и воспринята и без них. Однако они значительно обогащают процесс общения, делают высказывание более ярким точным и запоминающимся.

### Использованная литература

1. *Верещагина, В.Г Костомарова.* - М: Русский язык, 1988. С. 272.
2. *Д.С-Б. Файзуллаев, Холмухамедова М.С.* „Фразеологизмы и афоризмы русского и узбекского языков в системе средств развития русской речи студентов национальных групп“. //Педагогик таълим. №1, Т.- 2004 г.
3. *М.С. Холмухамедова.* „Особенности пословиц и поговорок в узбекском и русском языках“//Педагогик таълим. №6, 2001 г.
4. *М. Жусупов.* „Звуковая интерференция и проблема вариативности функционально-стилевой маркированности языковой единицы и речи“ (Функциональные стили звучащей речи): Труды Междунар. конф.- М.: Изд-во МГУ им. М.В Ломоносова, 2005.-С.28-29.
5. *Жуков В.П.* „Словарь русских пословиц и поговорок“. М.,1968.

## E'TIQOD — DUNYOQARASHNING BARQAROR ELEMENTI

**VOHIDOVA DILSHODA VOHID qizi,  
Navoiy davlat pedagogika instituti  
„Ijtimoiy fanlar“ kafedrası  
katta ilmiy xodim-izlanuvchisi**



**Ilmiy maslahatchi — f.f.d. N.O. SAFAROVA**

Yurtboshimiz mustaqilligimizning ilk yillaridayoq: „Yaxshi odam har kuni e'tiqodini almashtirmaydi. E'tiqod va imon bir libos emaski, bugun bunisini yechib tashlab, ertaga yangisini kiysang“, — deya ta'kidlab, jamiyatni yakdillikka, o'zligini anglash va bu yo'lda sodiq qolishga chorlaydi. Darhaqiqat, davlat mustaqil bo'lgani — bu o'zboshimchalik yoki tahlikali dovdirash emas, balki qat'iy mas'uliyatni his etib, maqsadli pozitsiya sari muntazam harakat qilishdir. Buning uchun esa jamiyatni g'araz niyatdagi „ko'makdoshlar ko'magi“dan asrash, mustahkam e'tiqodni shakllantirish uchun ma'lum texnologiyalarni ishlab chiqish zarur edi. Zero, „Inson e'tiqodsiz, imonsiz yashay olmaydi. Chunki komil va sobit e'tiqod jamiyat ma'naviy qiyofasini belgilaydi“. Demak, yuksak ma'naviyatli jamiyat qurishning asosi insonlarning ongi va xulq-atvorida e'tiqod tushunchasini anglatish va amal qilishdan boshlanadi.

**Inson fanning u yoki bu soxasi haqida ilmiy amaliyotga va aniq tadqiqotlarga suyangan holdagina mulohaza yuritishga haqlidir.**

*Beruniy*

E'tiqod — jamiyatning o'z oldiga qo'ygan maqsad va vazifalarini bajarishi uchun zaruriy asosdir. „E'tiqod“ so'zi insonning amaliy so'zlashuvida ko'p ishlatilmasada, lekin yashash faoliyatining yetakchi mezonidir. Jamiyat negizi bo'lgan insonda e'tiqod bo'lsagina globallashuv jarayonidagi taqlidlar,

tanlovlar girdobida yashamaydi. Chunki e'tiqod ruhiyatni chiniqtirib, tizimli taraqqiyotga, sobitlikka undaydi. Inson o'zining mustahkam irodasi, tafakkuri, olam va odam masalasi to'g'risidagi bilimiga qat'iy amal qiladi va komillik sari intiladi.

E'tiqod tushunchasiga manbalarda quyidagicha ta'riflar keltirilgan: „E'tiqod“ — arabcha so'z bo'lib, qattiq ishonch, mahkam ushlangan maslak, dunyoqarash: biror kimsaga yoki narsaga bo'lgan ishonch, unga bog'langan umid; Xudoga yoki umuman biror g'ayritabiiy kuchga ishonish; imon, din, ko'ngilda tasdiqlash; dilda e'tirof etuvchi tushuncha, ixlos bilan qarash kabi ma'nolarni anglatadi.

„E'tiqod“ so'zi lotincha „veritas“ — haqiqat, voqelik, haqqoniyat va „vents“ — zehnli, adolatli degan so'zlarga mos keladi. Qadimgi slavyanlarda „вера“ — e'tiqod, „верство“ — e'tiqodlilik, „верования“ — e'tiqod qilmoq, degan so'zlar qo'llaniladi. Rus tilida keyinchalik „религия“ degan so'zlardan foydalanildi.

Falsafiy dunyoqarashda e'tiqod inson dunyoqarashining eng barqaror elementi bo'lib, odam ongi, ruhiyati bilan bog'liq ma'naviy-ruhiy holat deb ta'rif beriladi. Ya'ni e'tiqod insonning ichki ruhiy holati bilan bog'liq jarayon bo'lib, ma'lum bir g'oyaga mustahkam ishontirishning eng yuqori ko'rsatkichi e'tiqod deb baholanadi.

E'tiqod mardlikni, jur'atni taqozo etib, uning poydevorini yoshlikdan boshlab shakllantirish zarur. E'tiqod ma'naviyatning yuksak cho'qqilaridan biri sifatida namoyon bo'ladi. Jamiyatda e'tiqod tushunchasini targ'ib etishdan avval ushbu tushuncha haqidagi ilmiy fikrlarni bilish ham ahamiyatlidir.

E'tiqod birdaniga shakllanadigan jarayon emas. E'tiqod — inson ongida o'r mashgan motivlar tizimi, o'z xatti-harakatiga amal qilish majburiy, shakllanish jarayoni uzoq va murakkab, bilish hayotiy tajribada tasdiqlansa yoki rad etilsa paydo bo'ladi.

O'z navbatida, e'tiqodni bir qolipga, yagona mezonga solib bo'lmaydi. Chunki inson tafakkuri doimiy rivojlanishda bo'lib, ma'lum bir o'y-fikrlari o'zgarib borishi natijasida e'tiqod mezonlarining yangi qoidalari ham shakllanadi.

Demak, e'tiqod — murakkab ma'naviy uyushma bo'lib, shaxsning anglab olingan ichki pozitsiyasidir, uning bisotida mavjud bo'lgan bilimlari asosida vujudga kelgan va ma'lum bir ma'noda, insonning harakat qilishi uchun turtki berib turuvchi qudratdir. Zotan e'tiqod — bu o'z fikr va qarashlariga mahkam, sobit-qadamlik bilan ishonish va o'zgalarni ham o'zidek hisoblab, ularning lafziga samimiyat bilan ishonishdir. E'tiqod jur'atni, mardlikni, fidoyilikni taqozo qiladi. Bularsiz u quruq g'oya bo'lib qolaveradi.

E'tiqod — insonning shaxs sifatida shakllanishi, xulqi-odobi, uning faoliyatida g'oyalar yuzaga kelishi bilan xarakterlanadi. Har bir g'oya esa chuqur bilish, anglash va hayotda o'sha narsaga intilish, xohish-istak asosida e'tiqodga aylana boradi. Demak, e'tiqod chuqur anglangan, his etilgan g'oyalar, ya'ni hayotga, siyosatga, mafkuraga, ma'naviyatga, san'atga nisbatan shaxsning chuqur hayotiy munosabatini, faoliyatining xarakterini belgilaydi. U shaxsning shakllanishida murakkab intellektual-emotsional jarayon natijasida insonning hayotiy tajribasi, o'zlashtirgan bilimi va g'oyalari asosida yuzaga keladi, inson irodasini mustahkamlashga xizmat qiladi. E'tiqod inson chuqur anglagan, fikrlagan, his-hayajon bilan boshidan kechirgan, har qanday sharoitda ham qattiq turib himoya qiladigan bir kuch sifatida namoyon bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda e'tiqod — bu obyektiv hayotiylikning subyektiv tasvirlanishi, jamoat va alohida shaxslar tajribasini o'zlashtirishning natijasidir. E'tiqodning zamirida esa bir-biriga mushtarak bog'langan axloqiy fazilatlar, ya'ni Vatanga e'tiqod, sof vijdonlilik, poklik, sadoqat, mehr-oqibat yotadi. E'tiqod shaxs faoliyatining mustahkam motividir, uning yordamida shaxs o'zini boshqaradi, kelgusi dasturini amalga oshiradi.

E'tiqod o'tkinchi tuyg'u emas, davomiydir. Inson nimaga e'tiqod yoki ixlos qilayotganini, nimaga ishonayotganini o'zi bilishi lozim. Zero, e'tiqodning asosini aql va tafakkur tashkil etadi. Aql insonni hayvondan farqlaydi. Aqlni amalga oshirishda quvvat bo'luvchi manba e'tiqoddir. Aql — bu holat, tafakkur — bu holdir. E'tiqod esa yo'ldir. Shaxs holatdan holga o'tsa, aqlning qafasini

sindirib tafakkur sarhadlariga chiqadi. Va e'tiqod orqali yo'lida bardavom ketadi. Demak, insonning birgina aqli bo'lishi bilan ish bitmaydi. U tafakkur doirasini boyitib borsagina e'tirof etiladi. E'tiqodli bo'lganda esa ulug'lanadi, komil insonga aylanib boradi.

**Tayanch iboralar (kalit so'zlar):** e'tiqod, imon, o'zlikni anglash, mas'uliyat, qadriyat, moddiy va ma'naviy hayot uyg'unligi, ma'naviyat, ong, xulq-atvor, globallashuv, iroda, tafakkur, olam va odam masalasi, komillik, qattiq ishonch, mahkam ushlangan maslak, dunyoqarash, ixlos, haqiqat, voqelik, haqqoniyat, zehn, adolat, e'tiqodlilik, e'tiqod qilmoq, ma'naviy-ruhiy holat, mardlik, jur'at, fidoyilik, xohish-istak, g'oya, intellektual-emotsional jarayon, Vatanga e'tiqod, sof vijdonlilik, poklik, sadoqat, mehr-oqibat.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. *Karimov I.A.* O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura. T.1. — T.: O'zbekiston, 1996.
2. *Karimov I.A.* Yangicha fikrlash va ishlash — davr talabi. T.5. — T.: O'zbekiston, 1997.
3. Falsafa: qomusiy lug'at. — T.: Sharq, 2004.
4. Ijtimoiy himoya: atamalar izohli lug'ati. — T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.

## BOLANI MAKTABGA TAYYORLASH USULLARI



**DAULETOVA GO'ZAL MUROTBOYEVNA —**  
Psixologiya mutaxassisligi 1-bosqich magistranti

**TLEUMBETOVA QA'LLIGUL —**  
Psixologiya fanlari nomzodi,  
Nukus davlat pedagogika instituti

Maktabgacha tarbiyaning ahamiyatli vazifalaridan biri — bu bog'cha yoshidagi bolalarni maktabga tayyorlash bo'lib hisoblanadi. Shuning uchun tarbiyachi pedagog-psixologlar oldida bir qancha mas'uliyatli vazifalar turadi.

Rus psixologi L.I. Bojovichning ko'rsatib o'tganiday, bolaning maktabgacha bo'lgan davridan maktab davriga o'tishi bola uchun uning hayotidagi munosabatlar tizimining bir qancha o'zgarishi bilan farqlanadi. Shuning bilan birga maktab o'quvchisi bo'lish bola shaxsi uchun o'zgacha axloqiy yo'nalganlikni yaratishini aytib o'tish kerak.

Shuning uchun kichik maktab yoshidagi o'quvchi o'z vazifalarini qanday bajarayotganligi, o'quv jarayonidagi natijasi yoki natijasizligi uning uchun o'zgacha emotsional holatga ega bo'ladi.

Demak, maktabdagi o'qitish masalalari bu faqatgina bilim berish va bolaning intellektual rivojlanish masalalari bo'libgina qolmay,

uning shaxs sifatida rivojlanishi uchun tarbiya masalalarini ham o'z ichiga oladi. Shunga bog'liq bolaning maktabda o'qishga bo'lgan tayyorligining muammosi asosiy o'rinda turadi.

Uzoq vaqtlar davomida bolaning bilim olishga bo'lgan tayyorligining mezonni sifatida uning aqliy rivoj-

**Biron ishni qilishga qasd  
qilgan bo'lsam, butun  
zehnim, vujudim bilan  
bog'lanib, bitirmagunimcha  
undan qo'limni tortmadim.**

*A. Temur*

langanlik darajasi hisobga olib kelindi. Rus psixologi L.S. Vigotskiy birinchilardan bo'lib maktabda bilim olishga tayyor bo'lish faqatgina tafakkur, fikrlashning soni bilan emas, bilish jarayonining rivojlanganlik darajasi bilan o'lchanadi, degan fikrni olg'a surgan.

Uning fikricha, bolaning maktabda bilim olishga tayyor bo'lishi — avvalo, oldin o'rab turgan dunyoning voqea va hodisalariga mos toifalarini umumlashtirib va ajratib olishdan iborat.

A.V. Zaporozets, A.N. Leontyev, V.S. Muxina, A.A. Lyublinskayalar ham bolaning maktabda bilim olishga tayyor bo'lishi — bu bilim olish qobiliyatini yaratuvchi sifat majmuasiga bog'liq, degan konsepsiyani ma'qullagan. Ular bilim olishga tayyor bo'lish tushunchasini, bola tarafidan o'qish vazifalarining ma'nosi va ularning amaliy darslardan o'zgachaligini tushunib o'tishi, o'zini o'zi kuzatish va baholash ko'nikmalarini anglay bilishini, idrok xususiyatlarini rivojlantirishni, kuzatish, tinglash, yodda saqlash qobiliyatlarini, qo'yilgan vazifalarni yechishga erishish qobiliyatlarini kiritadi.

Demak, psixologlarning fikrlarini umumlashtirib, bolani maktabga tayyorlashda asosiy uch yo'lni keltirib o'tsak bo'ladi.

Birinchidan, bu umumiy rivojlanish. Bola maktabga borgan vaqtida uning umumiy rivojlanishi belgili bir darajaga yetgan bo'lishi kerak. Gap, birinchi navbatda, xotira, diqqat va asosan intellektning rivojlanishi haqida bormoqda. Bu yerda bizni bolada bo'lgan bilim va ko'z qarashlari bilan birga psixologlar tili bilan aytganda, ichki rejada harakat qila olish qobiliyati ham qiziqtiradi, yoki boshqacha qilib aytganda, ba'zi bir harakatlarini o'zicha ishlay olish ko'nikmalari.

Ikkinchidan, o'zining erkin boshqara olish qobiliyatini tayyorlash. Maktabgacha yoshdagi bola yorqin qabul qilishi mumkin, tez o'zgaruvchi diqqat va yaxshi xotirada saqlash qobiliyatiga ega, biroq ularni yetarlicha erkin boshqara bilmaydi. U qandaydir bir voqeani yoki bo'lmasa kattalarning suhbatini yodda saqlashi mumkin. Biroq, butunlay qiziqishini tortmagan narsaga uzoq vaqt diqqat qaratishi uning uchun qiyin.

Shu bilan birga maktabga borish vaqtida bu qobiliyatni rivojlantirish kerak. Ya'ni uning ishlagisi kelgan narsani emas,



ishlagisi kelmagan narsani ham ishlay olish qobiliyatini rivojlantirish zarur.

Uchinchidan, o'qishga majburlaydigan sabablarni shakllantirish. Bu yerda maktabga bormagan bolalarning maktabga bo'lgan tabiiy qiziqishi ko'zda tutilmaydi, gap bolalarning bilim olishga talpinishini uyg'otadigan haqiqiy va teran sabablarni tarbiyalash haqida boryapti. Bolaning o'quv ishlari oqsab qolmasligi uchun bu uch yo'lning hammasi ham teng ahamiyatga ega va ulardan hech birini esdan chiqarmaslik kerak.

Maktabga tayyorgarlikning belgili taraflarini ajratish mumkin. Bular jismoniy, intellektual, emotsional-erkin, shaxsiy va ijtimoiy-psixologik.

Jismoniy tayyorgarlik deganda nimani tushunamiz? Bu degani 6—7 yoshdagi bolalarning jismoniy rivojlanish me'yorlariga mos keladigan loyiq salmoq, bo'y, ko'krak hajmi, muskullarning ishlash faoliyati, teri qatlami va boshqa ko'rsatkichlar kiradi. Bundan tashqari, ko'rish, eshitish holatlari, qo'l va barmoqlarning mayda harakatlarini ishlay olish qobiliyati va harakatchanligiga aytiladi.

Intellektual tayyorgarlikning mazmuniga faqatgina so'z iborasi, ko'z-qarash, maxsus qobiliyatlar emas, balki bilim olish jarayonlarining rivojlanish darajasi hamda ularning yaqin rivojlanish hududiga moslashishi, ko'rgazmali badiiy fikrlashning yuqori shakllarini, o'quv vazifasini ajrata bilish, uning faoliyatini bir maqsadga aylantira olish qobiliyatlari ham kiritiladi.

Shaxsiy va ijtimoiy-psixologik tayyorgarlik deganda yangi ijtimoiy fikrning shakllanishi (o'quvchining ichki pozitsiyasi), o'qish uchun zarur bo'lgan odob-axloq me'yorlari guruhining shakllanishi, o'zini tutish erkinligi, o'z tengdoshlari va kattalar bilan munosabatda bo'lish me'yorlarining shakllanishi tushuniladi.

Agar bola to'g'ri yechim qabul qila olsa, uni amalga oshirishga intilib, topshiriqlarni yenga olsa, unda emotsional idrok tayyorgarligi shakllangan deb hisoblasa bo'ladi.

Bolaning tizimli turda maktabda o'qishiga tayyorligi konsepsiyalarining u yoki bu turlarini tanlab olishiga qarab tajribali psixolog uning asosiy mezonlarini tanlab, ularning diagnostikasi uchun mos metodikalarni ham tanlab oladi.

Bolaning maktabga tayyorligining mezonlari sifatida quyidagi ko'rsatkichlardan foydalansa bo'ladi:

1. Me'yoriy jismoniy rivojlanish va harakatlar uyg'unligi.
2. O'qishga bo'lgan qiziquvchanligi.
3. Xulq-atvorini boshqara olishi, o'zini tuta bilishi.
4. Aqliy faoliyat qobiliyatlarini egallashi.
5. Erkinlik, mustaqillikning paydo bo'lishi.
6. Do'stlari va kattalarga munosabati.
7. Mehnatga ishtiyoqi.
8. Kenglik va darslarga moslasha olishi.

Birinchi mezon bo'yicha, tayyorgarlik yetarli darajada rivojlangan muskullarning, harakatlarning aniqligi, qo'lning mayda, aniq va turli harakatlarni bajarishga tayyorligi, ko'z va qo'l harakatlarining uyg'unligini, ruchka, qalam, mo'yqalam bilan ishlay olish qobiliyatini ko'zda tutadi.

Ikkinchi mezon o'quv motivlarining bo'lishi o'qishga ahamiyatli munosabat yasaydi, bilim olishga intiladi, belgili o'quv darsliklariga qiziqishni o'z ichiga oladi.

Uchinchi mezon mazmuni — maktabning kun tartibini saqlash mumkinligini ta'minlaydigan tashqi harakatning erkinligini, darsda o'zini tashkillashtira olishi: o'qituvchi tomonidan bayon etilgan yoki kitobdagi ma'lumotlarni yodda saqlash uchun diqqatni jamlay olishdan iborat.

To'rtinchi mezonda aqliy faoliyat usullarini egallay olish ko'zda tutiladi. Bu, o'z navbatida, bolaning bilim olish jarayonlari rivojlanishining belgili darajasiga bog'liq bo'ladi. Bu narsalarni va hodisalarni kuzatish, ularda u yoki bu xususiyatlarni ajratishga, ma'lumotlarni sifatli turda yodda saqlash usullarini egallab olishga imkoniyat beradigan qabul qilishni, differensiyallashni (muhokama) anglatadi.

Beshinchi mezon — mustaqillikning ko'rinishini yoki paydo bo'lishini anglatadi. Uni barcha yangi va hayratlanarli narsalarni yechishning yo'llarini izlashga talpinish sifatida ko'rish mumkin. Ya'ni amaliy faoliyat davomida yechimlarning har xil variantlarini berishni, o'zgalarning yordamisiz ishlay olishni nazarda tutadi.

Oltinchi mezon — bolalarning o'zi va boshqalar uchun mehnat qilishga odatlanishni shakllantirishdan, shuningdek, topshiriqlarni bajarishning javobgarligi va ahamiyatini anglab olishdan iborat.

Yettinchi mezon mazmuniga jamoada ishlay olish, o'z tengdoshlari va kattalar bilan munosabatda bo'lish ko'nikmalarini shakllantirish kiradi.

Sakkizinchi mezon kenglik va vaqtga moslasha olish, o'lchov birliklarini bilish bilan bog'liq bo'ladi.

Demak, bolalarni maktabga qabul qilishda, ularning maktabga moslashish davrida va o'quv-tarbiyaviy jarayonini tashkillashtirishda 6—7 yoshdagi bolalarning psixologik xususiyatlarini hisobga olish katta ahamiyatga ega.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. *Karimov I.A.* O'zbekiston XXI asrga intilmoqda. T., 2000.
2. *Sodiqova Sh.* Maktabgacha pedagogika. T., 2012.
3. *R.I. Sunnatova, Q.D. Tleumbetova.* Psixolog sandiqchasi. T., 2011.



UDK 744:371.3

**MURAKKAB CHIZMALARNI O'QISHNI  
YORDAMCHI PROYEKSIYALASH USULI  
ORQALI YENGILLASHTIRISH**

**DILSHODBEKOV SH. D. — san'at fakulteti  
3-bosqich talabasi, Navoiy nomidagi  
davlat stipendiyasi sovrindori.**

**Примь rahbar — t.f.n., dotsent ADILOV P.  
Низомий номидаги ТДПУ**

Ma'lumki, chizma geometriya fazoviy geometrik shakllarni tekislikda tasvirlash va bu tekis tasvirlar vositasida ularning orasidagi pozitsion va metrik munosabatlarni aniqlash usullarini o'rgatadi. Shuning uchun ham bu ishlarni amalga oshirish bevosita grafik ishlarni bajarish bilan bog'liq bo'lishi tabiiydir. Bu masalalarning ko'pchiligi faqat ikki (gorizontal va frontal) ko'rinishda berilishi masalani yechishda birmuncha qiyinchiliklarga olib keladi.

Berilgan ikki (gorizontal va frontal) ko'rinishdagi masalaning uchinchi (profil) ko'rinishini topish masalani yechayotgan o'quvchi yoki talabadan chuqur fazoviy tasavvurni talab qiladi. Albatta, klassik sirtlarni, ya'ni kub, silindr yoki konuslarni fazoviy tasavvur qilish qiyin emas, lekin murakkab detal yoki sirtlarni uchinchi ko'rinishga ega bo'lmasdan tasavvur qilish tajribaga ega bo'lmagan o'quvchi yoki talaba uchun qiyinchilik tug'diradi. Ko'pchilik o'quvchi yoki talabalar pozitsion va metrik masalalarni yechishda qiyinchiliklarga duch kelishlarining asosiy sababi ularda masalada berilgan sirt yoki shakl haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lmasliklaridir. Shu bois, berilgan gorizontal va frontal proyeksiyaga ega bo'lgan sirtning profil proyeksiyasini topish uchun yordamchi proyeksiyalash usulidan foydalaniladi. Bu usul bizga berilgan sirtning fazodagi holatini tasavvur qilishga yordam beradi va chizmani o'qishni osonlashtiradi. Bu esa o'quvchi yoki talabalarning vaqtini tejashga va fanga qiziqishlarini oshirishga katta yordam

**Bilim bilan saodat yo'li  
ochiladi, shunga ko'ra, ilmi  
bo'l, baxt yo'lini izla.**

**Ahmad Yugnakiy**


beradi. Shu jumladan, o'qituvchi uchun ham bir qator qulayliklar yaratadi.

Chizma geometriya fanida yordamchi proyeksiyalash usulidan foydalanishdan asosiy maqsad, chizma geometriya faniga oid pozitsion va metrik masalalarni yechishni va chizmani o'qishni osonlashtirish, o'quvchi yoki talabalarda fazoviy tasavvurni takomillashtirish va fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirishdir.

Ma'lumki, Prezidentimiz tomonidan ta'limga, o'sib kelayotgan yosh avlodga katta ahamiyat berilmoqda. Ularning uzluksiz bilim olishlari uchun ko'pgina qulayliklar yaratilmoqda, oliy o'quv yurtlarining yetuk mutaxassisleri tomonidan o'quvchilarning fan haqida ko'proq va qiziqarli ma'lumotlar olishlari uchun ko'plab adabiyotlar va pedagogik texnologiyalar yaratilmoqda. Biz ko'rib chiqadigan yordamchi proyeksiyalash usuli ham o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishlarini va fazoviy tasavvurlarini oshirishga qaratilgan.

Chizma geometriya fanida pozitsion va metrik masalalar yechishning ikki asosiy usullari mavjud bo'lib, ular umumiy va xususiy usullardir. Umumiy usul ba'zan klassik deb ham atalib, u orqali hamma ko'rinishdagi masalalarni yechish imkoni mavjud. Umumiy usulning bunday imkoniyati bo'lishiga qaramasdan, ba'zi masalalarni yechishda chizmalarda chiziqlar juda ko'payib ketib, uning yaqqolligini kamaytirib tasavvur qilish darajasini pasaytiradi.

Xususiy usullar esa ba'zi masalalar guruhini yechishda juda qo'l keladi, chunki unda chiziqlar soni kam bo'lib, tasavvur qilish osonlashadi. Lekin bu usullar ma'lum masalalar guruhi uchun juda qulay bo'lsa, boshqa bir masalalar uchun noqulay bo'lib chiqadi. Shuning uchun ham xususiy usullarni bilish bilan birga, ularda qulay bajariladigan masalalar guruhini ajrata olish vaqtini tejashga olib keladi. Mazkur maqolada biz yordamchi proyeksiyalash usulining qulayliklarini va bu usulning fazoviy tasavvurni oshirishga beradigan yordamini ko'rib chiqamiz.




1-rasm

1-rasmda biz  $A$  nuqtaning fazodagi holatini ( $A$ ) yordamchi proyeksiyalash usulida topdik.

a) rasmda biz  $A$  nuqtaning ikkita izi, ya'ni ( $A'$ ) gorizontal va ( $A''$ ) frontal izlari bilan berilganini ko'rishimiz mumkin. ( $A$ ) esa nuqtaning fazodagi holati.


b) rasmda ishlangan masalaning profil ko'rinishi berilgan.



2-rasm

2-rasmda  $A, B$  kesmaning gorizontal ( $A'=B'$ ) va frontal ( $A'', B''$ ) izi berilgan. Yordamchi tekislik yordamida topilgan fazoviy holat esa  $A, B$  dir.

Rasmda ko'rsatilgan kesmaning fazoviy holatini qurish jarayonida yordamchi, ya'ni  $A''$  dan  $A$  gacha bo'lgan,  $B''$  dan  $B$  gacha bo'lgan chiziqlar o'zaro paralleldir.



3-rasm

3-rasmda to'g'ri to'rtburchakning tepa yuzasini  $A, B, C, D$  ni yordamchi proyeksiyalash usulidan foydalanib, uning fazoviy ko'rinishini hosil qildik.

Bizga to'g'ri to'rtburchakning ikki ko'rinishi — gorizontal ( $A', B', C', D'$ ) va frontal ( $A''=B'', C''=D''$ ) ko'rinishlari berilgan edi, biz shu ikki ko'rinishdan foydalanib uning fazoviy holatini ( $A, B, C, D$ ) qurdik.


Biz 1-rasmda nuqtaga oid, 2-rasmda kesimga oid va 3-rasmda esa to'g'ri to'rtburchakka oid masalalarni ko'rib chiqdik. Yordamchi proyeksiyalash usuli yordamida o'zingiz guvohi bo'lganingizdek, qulay va oson usul bilan masalaning yechimini topdik. Bu geometrik shakllarning fazoviy holatini tasavvur qilish qiyin emas edi, deyishingiz mumkin, albatta, to'g'ri, bu shakllarning hammasi kundalik hayotda uchraydigan shakllardir. Lekin, murakkab shakllar beriladigan bo'lsa (misol uchun ko'pburchaklar va h. k.) ularning fazoviy holatini tasavvur qilish qiyinchilik tug'diradi. Biz 1, 2, 3-

rasmlarda foydalangan usul bilan, ya'ni yordamchi proyeksiyalash usuli orqali har qanday murakkab shaklning ham fazoviy holatini tuza olamiz.

4-rasmda yuqoridagi 3-rasmda berilgan to'g'ri to'rtburchakning bir qismi kesik holatda berilgan. Shartli ravishda, ya'ni tushunarli bo'lishi uchun har bir yuzasini har xil rangda bo'yadik.

Och havorang to'g'ri to'rtburchakning frontal proyeksiyada va fazoviy holatda bor, gorizontaal proyeksiyasida yo'q, buning sababi bizga berilgan shaklga yuqoridan, ya'ni gorizontaal qarasak bu yuza bir chiziq bo'lib ko'rinadi. Qolgan ranglarda ham tegishli yuzaning rangi aks ettirilgan.

Maqoladan, ya'ni yordamchi proyeksiyalash usulidan kutilayotgan natija, o'quvchi-yoshlarda yoki talabalarda fazoviy tasavvurni oshirish va ularning fanga bo'lgan qiziqishlarini yanada mukammallashtirishdir. Chizma geometriya fanini maktablarda, shu sohaga kasb-hunar kollejlarida va mutaxassisligi chizmachilik bo'lgan yo'nalishlar uchun qo'llanilishi bir qancha qulayliklar yaratadi.



4 -rasm

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *Kolotov S.M.* Вопросы теории изображений. Издательство Киевского университета, 1972.
2. Chizma geometriya kursi: Oliy texnika o'quv yurtlari uchun darslik / *Sh. Murodov, L. Hakimov, P. Odilov* va boshq.; Sh. Murodovning tahriri ostida. — T.: O'qituvchi.
3. *Геронимус Я.Л.* Геометрический аппарат теории синтеза плоских механизмов. Государственное издательство физико-математической литературы. Москва, 1962.
4. *Murodov Sh., Hakimov L., Odilov P., Shomurodov A., Jumayev M.* Chizma geometriya kursi. — T.: O'qituvchi, 1988.

**BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH  
DARSLARINI INTERFAOL  
METODLARDA TASHKIL ETISHNING  
AHAMIYATI**

**ERGASHEVA UMIDA**  
**Nukus DPI 2-bosqich talabasi**



**Ilmiy rahbar: Pedagogika  
kafedrası o'qituvchisi  
SANAYEVA S.B. NavDPI**

***Tayanch iboralar:***

„Ta'lim to'g'risida“gi Qonun, „Kadrlar tayyorlash milliy dasturi“, interfaol usullar, boshlang'ich sinf davri, darsning bosh qahramoni, darsdagi epizod rol, „Zinama-zina“ metodi, guruhlarga beriladigan topshiriqlar, darsning sifati va mazmuni.

Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo'lgan ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo'lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta'lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. „Ta'lim to'g'risida“gi Qonun va „Kadrlar tayyorlash milliy dasturi“ning qabul qilinishi bilan uzluksiz ta'lim tizimi orqali zamonaviy kadrlar tayyorlashning asosi yaratildi.

Ta'lim samaradorligini oshirish va pedagogik texnologiyalarni amalga oshirishda interfaol metodlardan foydalanishning ahamiyati katta. Interfaol metodlar o'quvchi va o'qituvchining birgalikdagi faoliyatiga asoslanib, o'quvchilarni

**Viqor deb, kibr va g'ururdan, manmanlikdan o'z nafsini saqlamakni aytilur.**

***Abdulla Avloniy***



faol fikrlashga undaydi. Kerakli xulosalarga kelishni, ular o'zini tahlil qilishni va amaliyotda qo'llashni o'rgatadi. O'qituvchining asosiy vazifasi bu yerda o'quvchilarga yo'l ko'rsatish, yo'nalish berish, eng to'g'ri xulosani aytishdan iborat.

Interfaol usullar yana shunisi bilan ham ahamiyatliki, o'qituvchi o'quvchining fikrini hech qachon keskin rad etmaydi, faqatgina vaqti bilan to'g'ri xulosani aytib o'tib ketadi. Natijada, o'quvchi xatosini o'zi tushunib oladi. Bu esa ularda tushkunlikka tushish, fikrlashda tormozlanish kabi holatlarning oldini oladi. Interfaol metodlar o'quvchi va o'qituvchi o'rtasidagi o'zaro hurmatga asoslanadi. O'qituvchi qanday bo'lmasin o'quvchining fikrini tinglaydi va hurmat bilan qarashini bildiradi, shu bilan birga o'quvchilarni bir-birlarini tinglashga o'rgatadi. E'tirozlar, qo'shimchalar ham „hurmatli“, „sizning fikringizga qo'shilgan holda“, „bizning ham ayrim fikrlarimiz bor edi“ kabi so'zlar orqali bildiriladi. Bunday tarzda tashkil etilgan darsda o'quvchi o'zining hurmat qilinayotganligini sezadi, bunday sharoitda hech qanday tayziqsiz erkin fikrlay boshlaydi va uni ochiq bayon eta oladi. Shu bilan birgalikda u boshqalarni ham hurmat qilishga o'rganadi.

O'quvchilar dars davomida bo'sh qolmaydilar, ular mavzuga oid biror-bir muammo bilan band bo'ladilar. Natijada esa zerikish holatining oldi olinadi.

Ma'lumki, boshlang'ich sinf bolaning ilk bilimlarni egallash davri bo'lib, unga jiddiy yondashish o'qituvchilarga katta mas'uliyat yuklaydi. Jumladan, Yurtboshimiz ham bu masalada o'z fikrini, ya'ni boshlang'ich sinfga ikkinchi darajali deb qaramaslikni, unda har tomonlama bilimli, ijodkor, tashkilotchi o'qituvchilarning faoliyat olib borishlarini kuyunib ta'kidlagan. Darslarni tashkil qilishda o'qituvchi o'z oldiga maqsad qo'yar ekan, avvalo u bilimlarning, o'quvchi ongiga tez va oson yetib borishini hamda ularning faolligini oshirishni nazarda tutishi lozim. Shuningdek, darslarni qiziqarli va samarali tashkil qilishi shartdir. Buning uchun o'qituvchi ijodkorligi muhim o'rin egallaydi. O'qituvchi darsni loyihashtirishda mavzuga mos usullarni tanlab, o'quvchilarning mustaqil ishlashlarini ta'minlashga zamin yaratishi lozimdir.

Har bir dars bir asardir. Unda bosh qahramon o'quvchi va epizodda o'qituvchi bo'lishi hozirgi zamon ta'lim jarayonining asosiy ko'rinishi hisoblanadi. Bunda faqat o'quvchilarning faol ishlashlarini o'qituvchi ta'minlashi va ularni nazorat qilib borishi zarurdir. Interfaol usullarda ta'limni tashkil qilish „asar“ni qiziqarli, sermazmun qilishning asosidir. Boshlang'ich sinflarda o'qish darslarini turli-tuman interfaol metodlarda tashkil qilish o'qituvchining mahoratiga bog'liqdir. Bunda tanlangan metod fan mavzusining mazmun-mohiyatiga mos, o'quvchilarning yosh xususiyatiga to'g'ri kelishi muhimdir.

Boshlang'ich sinf o'qish darslarining interfaol usullaridan biri „Zinama-zina“ metodidan foydalangan holda tashkil qilish o'quvchilar faolligini oshirish sharti hisoblanadi, desak mubolag'a bo'lmaydi. Ushbu metod quyidagicha amalga oshiriladi:

O'quvchilar jamoasi guruhlariga teng taqsimlab olinadi. Har bir guruhga alohida-alohida mavzular berilib, mavzularni tahlil qilish vazifasi muddat bilan belgilab beriladi (10—15 daqiqa). Guruhlar o'zlariga topshirilgan vazifani berilgan muddatda bajarishadi va ketma-ket o'z taqdimotini o'tkazishadi.

Masalan, ikkinchi sinf „O'qish“ darsida „Yil fasllari“ mavzusi berilgan. Har bir guruhga alohida fasllar, ya'ni bir guruhga „Bahor“, ikkinchi guruhga „Yoz“, uchinchi guruhga „Kuz“ va to'rtinchi guruhga „Qish“ mavzusini yoritib berish so'raladi. Barcha guruhlariga mavzularning xususiyati va ahamiyatini yoritishlari so'ralib, o'n daqiqa muddat beriladi. Vaqt tugaganidan so'ng doskaga o'qituvchi „Yil fasllari“ deb yozilgan qog'ozni ilib, birinchi „Bahor“ mavzusini yoritgan guruhning taqdimotini o'tkazishini so'raydi. Shundan so'ng qolgan guruhlar ham, o'z taqdimotini o'tkazishadi. Bunda o'quvchilarning ziyrakligini va xotirasini oshirish uchun o'qituvchi guruhlariga qarshi guruhlar taqdimotini tinglab, qo'shimcha ma'lumotlar qo'shishni va qaysi ma'lumot noto'g'ri aytilganligini tekshirishni so'raydi. Bu bilan o'quvchilarning mavzularni diqqat bilan tinglashiga va idrok etishlariga zamin yaratadi.

Shuningdek, „Zinama-zina“ metodini o'qish darsida „O'zbekiston Vatanim manim!“ mavzusini umumlashtirishda quyidagi-

cha, ya'ni guruhlarning „O‘zbekiston madhiyasi“, „O‘zbekiston gerbi“, „O‘zbekiston bayrog‘i“, „O‘zbekiston Konstitutsiyasi“ mavzularini yoritishlari va taqdimotni ketma-ket o‘tkazishda qo‘llash mumkin.

|                                     |
|-------------------------------------|
| <b>„O‘zbekiston Vatanim manim!“</b> |
| „O‘zbekiston madhiyasi“             |
| „O‘zbekiston gerbi“                 |
| „O‘zbekiston Konstitutsiyasi“       |
| „O‘zbekiston bayrog‘i“              |

Bundan tashqari, o‘quv yili oxirida butun darslik mavzularini umumlashtirgan holda, mavzularga ajratib, qismlarga ajratib, guruhlarga bo‘lib berilib, mavzularni yoritish vazifasi jarayoni tashkil etilsa ham maqsadga muvofiq bo‘ladi. O‘tilgan mavzular takrorlanishiga zamin yaratiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, nafaqat „Zinama-zina“ metodi, balki boshqa interfaol usullardan oqilona foydalanib darsni tashkil etish ta’limning sifat va mazmunini yaxshilaydi, shuningdek, o‘quvchilarni hozirjavoblikka o‘rgatadi, ularning lug‘at boyligini ko‘paytirishga, ilmiy-nazariy bilimni yanada mustahkamlashga zamin yaratadi hamda o‘quvchilarda darsga qiziqish ortadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Kadrlar tayyorlash milliy modeli. — T.: Sharq, 1997.
2. O‘zbekiston Respublikasi „Ta’lim to‘g‘risida“gi Qonuni. — T.: Sharq, 1997
3. *Ишмухамедов Р.Ж.* Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. — T.: ТДПУ, 2005.

**SPECIAL LITERARY VOCABULARY IN  
LITERARY DIALOGUE**

**JAYANOVA SHAHNOZA,  
O'zDJTU ingliz filologiyasi  
ikkinchi fakulteti, 404-A guruh talabasi**



**Ilmiy rahbar: NORMURODOVA N.Z.  
Filologiya fanlari nomzodi, katta o'qituvchi**

Text linguistics is an independent branch of linguistics which studies text and its structure, the principles of text formation and perception, methods of text analysis, etc. The ideas of this science are traced back to the fundamental works by famous Russian and foreign linguists - A.A.Potebnya, Z.V.Sherba. V.V.Vinogradov, M.M.Bachtin, R.Jacobson, Z.Harris. As a separate branch Text linguistics came into existence in 60 - 70th, and it is connected with the researches of such well-known scholars as G.V.Kolshanskiy, I.R.Galperin, Z.Y.Turayeva, and O.I.Moskalskaya (1, p.24).

The problem of text categories raises the question of their taxonomy. It should be noted that there is a considerable diversity of opinions at this point. The most complete classification of text categories is suggested by I.R.Galperin. In his monograph (2, p.78) a detailed analysis of the following categories is given: informativity, segmentation, cohesion, continuum, prospection/retrospection, modality, integrity, completeness. In addition to that Z.Y.Turaeva (3, p.78) introduces

**He, who asks about that  
which he knows nothing,  
shows his erudition. He,  
who is ashamed to ask  
shows his stupidity.**

**Learning little by little  
a man becomes educated,  
as when many drops gather  
a sea is formed.**

*A. Haqouï*

such categories as progression, stagnation, the author's image, artistic space and time, causality, subtext.

Dialogue of a literary work is a complex and polyfunctional formation. Being an analogue of oral speech, it, on one side, reflects the regularities intrinsic to oral intercourse and on the other side it immediately expresses individual peculiarities of a speaker and characterizes his life standing, ideologic, aesthetic and social status'. The dialogic context is a portrayal of personages: it reveals their speech peculiarities, discloses their world outlook and clearly shows their emotional, ethic and moral traits. Thus, dialogue supplies material for characterization of the personages and in this way plays an important role in revealing the general conceptual information of the- text (4, p.12).

We reveal specificity of special vocabulary in literary dialogue and analyzed them with examples. So, among special literary words, as a rule, at least two major subgroups are mentioned.

They are: 1. Terms, i. e. words denoting objects, processes, phenomena of science, humanities, technique.

Terms are words denoting notions of some special field of knowledge.

For example, Arch. Cronin employed a lot of medical terms in some of his books. All this is done to make the narration bright, vivid and close to life. See the following extract from the novel by A. Cronin "The Citadel":

"No! They wouldn't". He put down the glass, feeling the thrill of an obscure yet positive diagnosis. "This is rather an uncommon skin condition. Miss Gramb. It's no good treating it locally. It's due to a blood condition and the only way to get rid of it is by dieting."

"No medicine!" Her earnestness gave way to doubt. "No one ever told me that before."

Dialectal words are such words which are connected with a certain area or region. They are not the property of the literary English. For example: a lass (a girl or a beloved), a lad (a boy or a young man), daft (unsound mind, silly), fash (trouble, cares). All these belong to Scottish dialect. Here are some examples of the

southern dialect: volk (folk), yound (found), zee (see), zinking (sinking). From Irish came the following dialect words: hurley (hockey), eejts (idiots) colleen (a girl). From the northern dialect came the following: to coom (to come), sun (son).

As our material has shown, literary dialogue is full of dialectal words let's turn to analysis these examples:

"You goin' out tonight?" he said. "I might. I might not. I don't know. Why?" "I got about a hundred pages to read for history for Monday," he said. "How 'bout writing a composition for me, for English? I'll be up the creek if I don't get the goddam thing in by Monday, the reason I ask. How 'bout it?"

— It was very ironical. It really was.

Common colloquial words. The essential part of these words constitutes common neutral vocabulary which is in everyday usage and is the part of Standard English. Colloquial words may be divided into several large groups:

- 1) Words which change their phonetic form,
- 2) Words which change their form and meaning,
- 3) Words which change their meaning in certain contexts etc.

Here is an example of a dialogue in which we can see different sorts of violation of phonetic rules:

"...Yuh gotta wife, hain't you?"

"Yes," replied Cowperwood.

"Well, the rules here are that yer wife or yer friend kin come to see you once in three months and yer lawyer — yuh gotta lawyer, hain't yuh?"

"Yes, sir," replied Cowperwood, amused.

"Well, he kin come every week or so if he likes... there hain't no rules about lawyers... the wardcn'U come and git yuh and give yuh yer regular cell summers downstairs. Yuh kin make up yer mind by that time what y "u'd like tuh do, what yu'd like to work at ..."  
(Th. Dreiser "Financer" p.67)

Jargons. Traditionally jargon is defined as language difficult to understand, because it has a bad form or spoken badly. Sometimes jargon may stand for the language which is full of technical or special words. The vocabularies of jargon are the words existing in

the language but which have acquired new meanings: there are the jargon of thieves, of jazz people, of the army, of sportsman, etc.

"On the high toby-spice flash the muzzle, In spite of each gallows old scout; if you at all spellken can't hustle, you'll be hobbled in making a Clout. Then your Blowing will wax gallows haughty, when she hears of your scaly mistake, she'll surely turn snitch for the forty- that her Jack may be regular weight".

(John Murray. "The Poetical Works of Lord Byron").

As our material has shown literary dialogue is full of special literary vocabulary, let's turn to analyses of vulgar words:

You prick. Three hundred. - Silly prick; fucking fucker asshole. Fuck. Pillowbiter. Shitstabber [Ravenhill, Shopping ...: 39].

"Lawd Gawd in heaven, I'll kill, every chink-chink goddamn chinaman white man on this sonofabitching bastard earth." (Wr.)

"Now, shut up, Holden, God damn it-I'm warning ya, " he said-I really had him going.

"If you don't shut up, I'm gonna slam ya one".

"Get your dirty stinking moron knees off my chest". (Maugham "Theatre"p.56).

As our material has shown literary dialogue is full of special literary vocabulary, let's turn to analyses of vulgar words:

You prick. Three hundred. — Silly prick; fucking fucker asshole. Fuck. Pillowbiter. Shitstabber [Ravenhill, Shopping ...: 39].

"Lawd Gawd in heaven, I'll kill, every chink-chink goddamn chinaman white man on this sonofabitching bastard earth". (Wr.)

"Now, shut up, Holden, God damn it-I'm warning ya", he said-I really had him going.

"If you don't shut up, I'm gonna slam ya one".

"Get your dirty stinking moron knees off my chest". (Maugham "Theatre"p.56).

Some special SD, such as pun, oxymoron, metaphor and etc.

— I despise its very vastness and power. It has the poorest millionaires, the littlest great men, the haughtiest beggars, the plainest beauties, the lowest skyscrapers, the dullest pleasures of any town I ever saw.

— Don't you like this filet mignon? -said William. "Shucks, now, what's the use to knock the town! It's the greatest ever (O. Henry "Short stories").

"And you really think that was love?"

"Well, it's what most people mean by it, isn't it?"

"No, they don't, they mean pain and anguish, shame, ecstasy, heaven and hell; they mean the sense of living more intensely, and unutterable boredom; they mean freedom and slavery; they mean peace and unrest"(S.Maugham "Theatre").

So, we come into conclusion, that literary dialogue can interplay the most important role in literary work. It is the basis part of special vocabulary (terms, dialectal words, slang, vulgar words, and jargons) and can be expressed by all stylistic devices in all levels.

#### **The list of used literature:**

1. *Ashurova D.U.* Text linguistics. — T.: Taffakur qanoti, 2012. — 32—33 p.
2. *Гальперин И.Р.* Стилистика. — М.: Высшая школа, 1987. — С. 300—306.
3. *Riffaterre M.* Criteria for Style Analysis//Word 1989. V.XV — VI.
4. *Jacobson R.* Linguistics and Poetics — Style in Language. Ed. By Sebeok, 1980. P.363.
5. [www.worldbook.com](http://www.worldbook.com)
6. [www.aldebaran.ru](http://www.aldebaran.ru)
7. [www.lib.ru](http://www.lib.ru), [www.twirx.com](http://www.twirx.com)





**МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ЁШЛАР ОНГИГА  
СИНГДИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ  
ТЕОЛОГИК-ЭКЛЕКТИК ТЎСИҚЛАР**

**ЖАЛОЛОВ БАҲОДИР — ТДПУ „Маънавият  
асослари“ мутахассислиги 1-босқич  
магистранти, Ўзбекистон Республикаси  
Президенти стипендияси соҳиби.**

**Илмий раҳбар катта ўқитувчи  
Р.БЕГМАТОВ**

Инсоният тараққиётининг сўнгги босқичида homo sapiens<sup>1</sup> деб аташ одат тусига кирган одамзод вакиллари пайдо бўлди, деб хулоса қилади ҳозирги ижтимоий-гуманитар фанлар. Хўш, бу авлод ўзидан аввалгилардан нимаси билан фарқланарди? Бу биологик тур фикрлаш қобилиятига эга бўлган „онгли одам“ саналади.<sup>2</sup> Энди бу одамлар жамоага аввалги даврдагидек фақатгина моддий эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки маънавий ташналикни босиш учун онгли бирика бошладилар. Шундай қилиб, илк жамиятлар ибтидоий тузум даврида куртак ота бошлади.

Ҳар қандай инсон (жамиятда яшаш малакасига эга бўлган одам) ўз орзу-истаклари билан яшаганидек, инсонлар уюшмаси саналувчи жамият ҳам ўтмишидан айрилмаган ҳолда

келажагини тасаввур эта олувчи социал мавжудот ҳисобланади. Айнан мана шу тасаввурлар йиғиндиси эса унинг ғояси бўлиб шаклланади. Шундай қилиб, миллий ғоя жамият аъзоларининг энг умумий манфаатлари туташган фикрий тизимдир.

**Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.**

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.**

*А. Навоий*

<sup>1</sup> Минюшев Ф.И. Социальная антропология. — Москва, 1997. С. 21.

<sup>2</sup> Крапивенский С.А. Социальная философия. — Москва, 1998. С. 40.

Инсоният ўз тараққиётининг ноосфера босқичига кўтарилгач, айниқса, миллий ғоя масаласи кун тартибига кўйиладиган бўлди. Халқаро ариаллардаги курашнинг куч ишлатиш усули ундан кўзланган натижани бера олмаётган; фикрга қарши фикр, ғояга қарши фақат ғоя билан курашиш тамоёйили оммалашган ҳозирги даврда ўзининг аниқ ривожланиш концепциясига таянмаган ҳар қандай миллат бошқалар таъсир доирасига тушишга маҳкумдир. Шуларни назардан қочирмаган ҳолда, Ўзбекистон шароитида миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб турганини таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ижтимоий онг даражасида тўғрилиги илмий жиҳатдан асосланмаган ҳар қандай назария индивидуал онгда ихтиёрий тарзда қабул қилинмайди, эътиқодга айланмайди. Миллий ғояни ёшларимиз, нафақат ёшларимиз, балки фуқароларимиз онгига сингдириш учун эса унинг бугунги жамиятимиз тараққиёти учун энг тўғри назария эканлигини исбот қилиб беришнинг ўзи кифоядир. Бу борадаги мақсад сари интилишга ғов бўлаётган муаммолардан бири — теологик эклектика хусусида бугун атрофлича баҳс юритамиз.

Эклектикага фалсафа фанлари доктори, профессор И.К. Каримов шундай таъриф беради: „Эклектика“ юнонча сўз бўлиб, „танлайман“ деган маънони англатади. Эклектиклар муҳим ва номуҳим, асосий ва ноасосий боғланишлар, алоқадорликлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олмай, нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонларини бир-бирига қориштириб юборадилар. Объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқа ва муносабатлардаги аниқ тарихий боғланишларни, аниқ (конкрет) ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда асосий, ҳал қилувчи боғланишларининг фарқига бормаслик билишнинг эклектик услубининг жиддий нуқсонидир“.<sup>3</sup>

Миллий ғоя ўзида халқимизнинг кўп асрлик бой тажрибасини акс эттирувчи жамият ойнаси вазифасини ҳам

---

<sup>3</sup>Каримов И. Фалсафа фанидан ваъз (лекция) матнлари. — Т., 2003, 86-б.

ўтайди. Маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган диний эътиқод эса шу хазинанинг пойдеворидир. Халқимизнинг бу ютуқларига миллий ғоямиздан етарли жой ажратилган. Бундан миллий ғоямиз фақат динга таянар экан-да, деган хулоса чиқариш янглиш саналади. Сабаби шуки, миллий ғоя фалсафий дунёқарашнинг маҳсули саналиб, у жамиятда етилган зарурият ифодаси сифатида майдонга чиқади. Чунки ҳозирги глобаллашув ва интеграция жараёнида инсонлар жамоасини бир дин ёки бир турдаги дунёқараш билан тартибга солиб бўлмай қолди. Диний дунёқарашдан узилмаган ҳолда ижтимоий онг даражасида фикр юритиш бутунги кунимизнинг энг асосий шартларидандир. Бу хусусида Иброҳим Каримов шундай ёзади: „Фалсафий қарашларни ҳам, диний қарашларни ҳам олим ва уламолар, бинобарин, одамлар ижод қилган. Уларнинг фалсафий ва диний қарашларини, кўпинча, бир-бирига мутлақ даражада қарама-қарши қўйиш ақли одамлар иши эмас. Ҳар бирида ҳам мавҳум ва реал ҳақиқатлар бор. Шу сабабли ижтимоий онгнинг бу икки шакли ўртасидаги тафовутларни ҳаддан зиёд бўрттириб, улардаги муштаракликни йўқ қилиб кўрсатиш тарихий ҳақиқатга хос эмас. Зеро, ҳозирги жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида қадимги содда фалсафа — натур-философиянинг таъсири бўлган“.<sup>4</sup>

Миллий ғояда дунё динлари эришган ва у умуминсоният бойлигига айланиб улгурган ижобий фикрлар яққол ўз аксини топган. Республикамиз Президентининг қуйидаги нутқи фикримизнинг далилидир: „Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди“.<sup>5</sup>

**Муаммони ижобий ҳал этишдаги методлар.** Муаммонинг ечимини шу ечимни топишга тўсиқлик қилаётган жараёнлар таҳлилидан бошлаймиз.

---

<sup>4</sup>Каримов И. Имон ва маслак тарихи. — Т., 2010, 199-б.

<sup>5</sup>Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: „Туркистон-пресс“ ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. — Т.: Ўзбекистон. 1999, 7-б.

Динлар моҳиятини очиб беришда, асосан, 3 хил йўналиш мавжуд:

1. Динни шу дин манбалари асосида ёритиш. Бу энг кўп қўлланиладиган усул саналади. Ҳар қандай воқеа-ҳодисани ёритишда биринчи манбаларга таянган маъқул, лекин бунда ҳам меъёр бўлиши шарт. Акс ҳолда салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин. Буни яҳудийлик (иудаизм) мисолида кўриб чиқамиз.

בְּרִשְׁמוֹנִים שָׁנָה וְשָׁשׁ שָׁנִים בְּלִדְחֵהֲגֵר אֶת־יִשְׁמַעֲאֵל לְאַבְרָם: ס 17:1 וַיְהִי אֲבָרָם בְּרִחְשָׁעִים  
שָׁנָה וְחֹשֶׁעַ שָׁנִים וַיָּדָא יְהוָה אֶל־אַבְרָם וַיֹּאמֶר אֵלָיו אֲנִי־אֵל שְׁדֵי הַתְּהַלֵּךְ לִפְנֵי וְהָיָה  
חָמִים: 17:2 וְאַתָּנָה בְרִיתִי בֵּינִי וּבֵינֶךָ וְאַדְבָּה אוֹתָךְ בְּמֵאד מְאֹד: 17:3 וַיִּפֹּל אֲבָרָם עַל־פְּנָיו  
וַיְדַבֵּר אִתּוֹ אֱלֹהִים לֵאמֹר: 17:4 אֲנִי הֵנָּה בְרִיתִי אִתְּךָ וְהָיִיתָ לְאַב הַמּוֹן נוֹיִם: 17:5 וְלֹא־יִקְרָא  
עוֹד אֶת־שִׁמְךָ אֲבָרָם וְהָיָה שִׁמְךָ אֲבָרָהֶם כִּי אֲבִי־הַמּוֹן נוֹיִם נִתְחַדֵּךְ: 17:6 וְהִפְרַתִּי אִתְּךָ בְּמֵאד  
מְאֹד וְנִתְחַדֵּךְ לְנוֹיִם וּמַלְכִים מִמֶּךָ יֵצְאוּ: 17:7 וְהִקְמַתִּי אֶת־בְּרִיתִי בֵּינִי וּבֵינֶךָ וּבֵין זָרְעֶךָ  
אַחֲרָיִךְ לְדֹרֹתֶם לְבְרִית עוֹלָם לְהַיּוֹחַ לְךָ לְאֱלֹהִים וְלִזְרַעֲךָ אַחֲרָיִךְ: 17:8 וְנִתְחַדֵּךְ לְךָ וְלִזְרַעֲךָ  
אַחֲרָיִךְ אִתּוֹ אֶרֶץ מִגְרִיף אֶת כָּל־אֶרֶץ כְּנָעַן לְאַחֲזָח עוֹלָם וְהָיִיתִי לָהֶם לְאֱלֹהִים: 17:9 וַיֹּאמֶר

Яъни Ибром тўқсон тўққиз ёшга етганда Яҳве (Худо) унга кўринди ва деди: Мен барча нарсага қодир Худоман. Мен сен билан аҳдлашаман ва сенинг авлодларингни кўпайтираман. Ибром ерга юзтубан ётди, Худо унга гапиришда давом этди: Сен кўп халқларнинг отаси бўласан, сен энди Ибром эмас, Эл-Ибром деб номланасан. Наслингдан шоҳларни чиқараман. Абадулабад мен сен ва сенинг авлодинг илоҳи бўламан. Сен ва авлодларингга ваъда қилинган ҳудудни абадий мерос қилиб бераман.<sup>6</sup>

Мана шу оятга биноан яҳудийлар ўзларини „Худо танлаган халқ“ деб билдилар. Бошқа миллатлардан ўзларини устун санаб, олий ирқликка даъво қиладилар. Агар яҳудийлик-

<sup>6</sup> Брейшит 17:01-08 (Библия. Бытие 17:01-08).

<sup>7</sup> Худонинг исмини турлича ўқиш мумкин. Шунинг учун уни кейинги ўринларда „Худо“ деб таржима қилдик.

<sup>8</sup> Матн эркин таржима қилинди.

нинг моҳиятини ёритишда фақат мазкур динга оид китобларга мурожаат қилинса, илмга „яхудийлар — олий ирқ“ деган тушунча кириб қолади. Бундай салбиятнинг олдини олиш учун эса яхудийлик ҳақида маълумот берувчи бошқа манбаларга ҳам кўз югуртириш зарур. Масалан, ислом динида бу даъво анахранистик хусусиятга эга:

يٰۤاَيُّهَا اِسْرَائِيْلُ اذْكُرُوْا نِعْمَتِيْ الَّتِيْ اَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَاِنِّيْ فَضَّلْتُكُمْ عَلَى الْعٰلَمِيْنَ ﴿١٩﴾

Эй бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилган пайтимни эсланглар!<sup>9</sup>

Демак, исломий нуқтаи назардан, бу даъво ўтмиш энди.

2. Динларни бошқа дин манбалари асосида ёритиш. Бу ҳол илмий адабиётларда соф номиналистик эклектика<sup>10</sup> шаклида учраб туради:

„Мусо яхудийларни Яҳва (Аллоҳнинг Таврот китобидаги исми)<sup>11</sup> ёрдамида Мисрдан олиб чиқиб кетди“.<sup>12</sup> „Мусо“ Куръондаги ном. Яхудийлар (қолган кўп дин вакиллари сингари) исломнинг илоҳий китобини тан олмайдилар. Нега энди тан олинмаган манба асосида уларнинг севимли пайгамбарини номлаш керак экан!? Бу зотнинг ибронийча номи **מֹשֶׁה** Моше. Худди шундай ҳолатларни Исҳоқ, Ёқуб ва Юсуф мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.<sup>13</sup>

Мазкур китоб муаллифларининг хизматларини асло ерга урмаган ҳолда айтишимиз керакки, асосий тушунчалар асоссиз равишда исломийлаштирилган.

<sup>9</sup> Куръони Карим 2:47.

<sup>10</sup> Тушунчалар қориштириб қўлланган.

<sup>11</sup> Баҳсли мулоҳаза.

<sup>12</sup> Жўраев У.Т., Саиджонов Й.С. Дунё динлар тарихи. — Т., 2001. 46-б.

<sup>13</sup> Ўша асар, 45-б.

3. Дин моҳиятини ёритишда атеистик ёндашув. Бунинг зарарли томони шундан иборатки, номуҳим хусусиятлар муҳимлари ўрнига кўтарилади ва илмий уйдирмалар тўқилади. „Муҳаммад Куръони ўзининг ўндан тўққиз қисмини Библиядан олган“<sup>14</sup>, деб ёзишга ёзди-ку Емельян Михайлович, лекин буни асослаш ҳаёлига ҳам келмади. Биз бу ерда бир динни бошқасидан устун қўйиш тамойилидан батамом йироқмиз.

Юқоридагилардан олинадиган умумий хулоса шуки, маънавиятимизнинг энг асосий бўғини бўлган дин ҳақида ижтимоий онг даражасида фикр юритишга уринар эканмиз, бирёқламаликдан холи бўлиш, ёритилаётган масала юзасидан муҳим ва номуҳим белгиларини аниқ ажратиб олиш, энг муҳими, илмий муаммога объектив ёндашиш давр талаби бўлиб шаклланмоқда.

---

<sup>14</sup> Ярославский Е.М. Библия для верующих и неверующих. — М., 1997.

## БАДИЙ ДИТАЛЬ МУАММОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА УНИНГ ҚОРАҚАЛПОҚ НАСРИДАГИ БАЪЗИ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

**ЖУМАНОВ ЗАРИПБАЙ**

Ажиниёз номидаги НДПИ қорақалпоқ  
адабиёти кафедрасининг  
катта илмий ходим-изланувчиси

Илмий маслаҳатчи: ф.ф.д., проф.  
Алламбергенов К.

Қорақалпоқ адабиёти тараққиётига назар ташласак, халқ ҳаёти, турмуш тарзини ўзида жамлаган, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган санъат намуналари кўплаб учрайди.

Президентимиз И.А.Каримов қорақалпоқ ижодкорларининг мана шундай юксак бадий маҳоратига: „Қорақалпоқ халқи азалдан илмга чанқоқлиги, бадий ижодга бўлган муҳаббати билан ўз ўлкасининг бошқалар англаб етмаган гўзаллиги билан, ранг-баранглигини акс эттиришдаги юқори таланти билан барчани ҳайратда қолдириб келмоқда“ — деб юқори баҳо берган эди.

Мустақиллик шарофати туфайли бундай юксак савиядаги бадий асарларни бугунги давр талабига мос шаклда баҳо-

Илимли бўлиш ўқиш,  
ёзиш билан ҳосилу мукамал  
бўладиган бир сабоқдир. Агар  
олим киши чиройли, хушхат  
ёзувга эга бўлса, бу унинг  
камолотга етганидан дало-  
латдир.

*Маҳмуд Аз-Замахшарий*

лашга кенг имкониятлар яратилди. Юқорида номлари келтирилган ижодкорларнинг асарларидаги бадий сўз санъати ёшларга фақат эстетик жиҳатдан тарбия бериб қолмасдан, уларнинг онгини истиқлол мафкураси руҳида шакллантиришга ҳам катта ёрдам беради. Шу боис

бундай асарларни миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, ҳаққоний баҳолаш ва уларни тарғиб қилиш бугунги давр адабиётшунослигининг энг долзарб эҳтиёжи ҳисобланади.

Тўғри, ҳозирги қорақалпоқ адабиётшунослигида бу борада бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, таълим муассасаларида XX асрнинг 20-йилларигача бўлган қорақалпоқ шоирларининг ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини танлаш ва таҳлил қилиш борасида янги ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, XX асрнинг 20—30 йилларидаги адабиётимиз вакиллари ҳисобланган Аяпберген, Аббаз, Сейфулғабит, Қазимавлик, И.Фазилов ижодларини янгича ёндашилган мақолалар чоп этилди.

Бадиий асарда мавзу, ғоя, образ, сюжет, композиция, конфликт, характер, ўхшатиш, эпитет, метафора каби бадиий қуроллардан ташқари қаҳрамон образининг яхлитлигини яратишда безак сифатида фойдаланадиган унсурларнинг бири бадиий деталь ҳисобланади.

Дарҳақиқат, илмий манбаларда кўрсатилганидек, бадиий деталь — бу бевосита ёзувчи маҳоратининг ва умуммиллий адабиётнинг қўлга киритган бадиий поэтик натижаларидан бири саналади. Деталь, аввало, ёзувчиларнинг умумий, мавҳум тасвиридан аниқликка, конкретликка, образлиликка олиб борувчи йўлдир. Таниқли рус адабиётшунос олимлари ёзганларидек, рус адабиётида деталь ёрдамида тасвирлашнинг энг моҳир қаламкашлари сифатида Н.В.Гоголь, А.П.Чеховлар ҳисобланишади. Ўзбек адабиётшуноси С.Умиров ўз диссертациясини тўлалигича машҳур сўз устаси А.Қаҳҳор насрига бағишлаганлиги тасодиф эмас.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам бу муаммо баъзи бир қирралари жиҳатидан тадқиқ объекти бўлиб келмоқда. Айниқса, лирико-психологик повестлар тадқиқ этилган диссертацияларда бадиий психологик деталларга алоҳида тўхталиниб, диалог, ички монолог, пейзаж, ҳаракат, қарашлар бадиий тасвир услублари ва деталлар сифатида ҳам алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниб, уларни бошқа миллий адабиётлар-



нинг бадий прозасидан олинган мисоллар билан таққослаб фикр юритилган. Хусусан, адабиётшунос Ж.Есенов XX асрнинг 60—70-йиллардаги қорақалпоқ повестларидан Т.Қайипбергеновнинг „Суўық тамшы“, „Тәнҳа өзине мәлим сыр“, Ш.Сейтовнинг „Көп еди кеткен тырналар“, К.Рахмановнинг „Айралық қосығы“, С.Салиевнинг „Көрүан мәнзилди гөзлер“, „Жол қыссасы“ каби повестлардаги бадий психологик деталларни алоҳида белгилаб, улардаги „суўық тамшы“, „тәнхә өзине мәлим сыр“, „тырналар“ каби деталларнинг ёзувчи маҳоратини, адабий қахрамоннинг ички психологик оламини тасвирлашдаги роли масаласига тўхталган.

Шунингдек, ҳозирги қорақалпоқ адабиётшунослигида бадий деталь ҳақида баъзи мулоҳазалар К.Алламбергенов, Қ.Турдибаевнинг айрим портрет муаммоли мақолаларида учрайди. Аммо қорақалпоқ адабиётшунослигида мазкур муаммони тадқиқ этиш ҳанузгача бир тизимга тушиб, алоҳида тадқиқот даражасига етмади.

Умуман, бадий деталь масаласи олдинги тузум таркибидаги республикаларда ўтган асрнинг 60—70-йилларидан бошлабоқ адабиётшуносликнинг бош муаммоларидан бирига айланиб улгурди.

Қозоқ адабиётшуноси Қ.М.Жусипов ўз мақоласида шундай ёзган эди: „Деталь асарнинг ҳар жойида бир неча марта такрорланиб, ўз-ўзини ривожлантириб, тўлдириб, асардаги бутун воқеаларга асосий йўналиш берувчи асос бўлиб хизмат қилади“. Бизнингча, бу жуда тўғри айтилган фикрлар бўлиб, рус адабиётшуноси Е.Добиннинг детални туташ сюжет ривожланиши билан биргаликда қарашлари билан қозоқ адабиётшуноси Б.З.Кабдоловнинг: „Деталь — это лейтмотив произведения“ деган мулоҳазалари оҳангдош саналади ва буларнинг барчаси бадий детални тўғри илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш имконини беради. Умуман, бадий асарда деталдан фойдаланиш ҳақидаги фикрларни Ж.Есенов ҳам тўғри англаб қуйидагича ёзган: „...образлы психологик деталлар шығармады анаў яки мынаў вариантларда, яки сол түринде өзгерместен бир неше рет қайталанып отыради ҳам сол ар-

қалы идея, қахарманлар психологиясы кем-кемнен тереңлесип барады“. Адабий танқидчи ўз мулоҳазаларини Т.Қайипбергеновнинг „Суўық тамшы“, „Тәнхә өзиңе мәлим сыр“, Ш.Сейтовнинг „Көп еди кеткен тырналар“, И.Юсуповнинг „Сейдан ғаррыниң геўиши“ асарлари мисолида таъсирчан матнлари материаллар билан далилланган. Ҳақиқатан ҳам, буларнинг барчаси бадий адабиётнинг сўнгги ютуқларига таянилганда ҳақиқатга тўла мос келади. Бунга бир мисол сифатида таъкидлаш жоизки, XX аср охирида ёзилган романлари орасида К.Мамбетовнинг „Виждон“ романида „виждон“ сўзи бош қахрамон, тарихчи олим Қасим Сейтназаров ва унинг рақиблари диалоглари ҳамда ички монологларида, муаллиф нутқида бир неча бор такрорланиб, асарнинг барча воқеаларини — сюжетини ўз атрофига жамлаб, бутун композицияни назорат остига олиб, уларни бошқариб боришини англаймиз. Бир сўз билан айтганда, К.Мамбетовнинг „Виждон“ романида бадий деталнинг бир қанча бошқа шакллари диалог, ҳаракат, портрет, пейзаж кабилари фаол учрайди ва улар муаллиф томонидан ўринли қўлланилганлигини таъкидлаш лозим.

К.Мамбетовнинг „Посқан ел“, „Түркистан“ романларидаги бадий деталга оид хусусиятлар кўп бўлган тарихий қахрамонларнинг умумий образини яратишдаги ҳаракат, портрет ва пейзаж тасвирларининг шаклий ва мазмуний аҳамиятга эга матндаги мисоллар билан имкониятлар кенгайди. Таъкидлаш мумкинки, бу борада ёзувчи икки романида ҳам („Посқан ел“, „Түркистан“) султонлар, қорақалпоқ бийлари билан ботирларининг ўзаро айтишув шартларини диалоглар орқали беришда, улар ўртасидаги келиш-мовчилик, конфликтлардан келиб чиққан якка ва гуруҳ шаклида курашиш, қиличбозлик қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни тасвирлашда катта маҳорат „Түркистан“да кўпроқ қалмоқ босқинчиларининг ёвузлиги сабабли келиб чиққан фожиавий манзара деталарини тасвирлашда юксак маҳорат сирларини намоён қилади. „Түркистан“даги оғир фожиавий

оқибатлар негизда юзага келган манзара деталларнинг ҳам фольклор хусусиятини кўпроқ мужассам қилгандек кўрингани билан уларнинг барчаси ўша даврнинг тарихий ҳақиқатига монанддир.

Хулоса қилиб айтганда, келтирилган бадиий деталлар сўнгги даврдаги қорақалпоқ насрида самарали қўлланилаётганлиги ва уларнинг ранг-баранглиги табиийдир.

Шунинг учун ҳам мазкур деталларни чуқурроқ ўрганиш фақат адабиётимизнинг эстетик-бадиий жиҳатдан юксалганлигини белгилабгина қолмасдан, XX асрдаги ва XXI аср бошидаги миллий адабиёт ютуқлари сифатида миллий қадриятларимизни англашда кенг йўл очади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Каримов И.А.* Асарлар. Т., 2004, Т.12.
2. *Пахратдинов Э., Алламбергенов К., Бекбергенова М.* XX асир қарақалпақ әлебияты тарийхы. — Н.: Қарақалпақстан, 2011.
3. *Умиров С.* Роль художественной детали в произведениях А.Каххара. Автореферат кан. диссерт. наук. — Т., 1967.
4. *Добин Е.* „Деталь и подробность“. „Литературная газета“, 1959.
5. *Добин Е.* Герой, сюжет. Деталь. М.: „СП“, 1962.
6. *Есенов Ж.* Шеберликтин сырлары.
7. *Жусипов К.М.* Деталь шеберлик айнасы. „Жулдыз“ жургалы, 1973. №2.
8. *Кабдалов Б.З.* Деталь в художественной прозе. АКД, Алма-Ата, 1982.
9. *Мәмбетов К.* Түркистан. — Н.: Қарақалпақстан, 1993.

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР  
БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИ  
КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ**



**З. КАДИРОВ — ТДПУ**

**касб таълими факультети 4-босқич  
талабаси, Улуғбек номидаги давлат  
стипендияси совриндори**

**Илмий раҳбар п.ф.н., доцент  
О. ҚҲЙСИНОВ**

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг кундалик фаолиятида, узлуксиз равишда турли ахборот ресурсларидан фойдаланар экан, доимий равишда ортиб бораётган ахборотлар ҳажми жамиятдаги интеллектуал салоҳиятнинг ошишига хизмат қилади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш жамиятни ахборотлаштириш жараёнини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартидир. Бу жараён ўз ичига таълимни самарали ташкил этиш мақсадида ахборот ва компьютер технологияларини қўллашни, уларнинг услуб ва воситаларидан фойдаланишни, таълим-тарбия жараёнининг барча жабҳаларини жадаллаштиришни, унинг сифат ва самарадорлигини оширишни, ёшларни ахборотлашган жамият шароитида яшашга тайёрлаш масалаларини қамраб олади. Модомики шундай экан, ўқитувчи ҳам ўз касбий фаолиятини замонавий ахборот технологиялари оқими асосида ошириб бориши мумкин. Ҳар бир ўқитувчи меҳнат фаолияти жараёнида ахборот технологияларидан унумли фойдаланиши учун аввало ўз ахборот муҳитини шакллантиришга замин яратиши керак.

„Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-биридан айрилмайдургон, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабудур“.

*Абдулла Авлоний*

Баҳолаш — таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг компьютер тизими ва ўзлаштириш мониторингини ташкил этиш учун, аввало, замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилишга, яъни унинг ҳолатини аниқламай туриб, ундаги жараёнларни самарали бошқаришга, таълимда маълум бир мақсадга эришишнинг иложи йўқлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ўқувчиларнинг яқунловчи билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга ҳақиқатан мослигини назорат қилиш мумкин. Бунда педагогик ташхис, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик маълумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади.

Маълумки, таълим жараёнини бундай баҳолаш, фақат ўқувчининг ўзлаштириш даражасини белгилаш билан чегараланиб қолмай, ўқиш жараёнини рағбатлантиришда муҳим педагогик восита ва ижобий мотив уйғотиш билан ўқувчи шахсига кучли таъсир этади. Шу нуқтаи назардан ўқувчи билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, айниқса, билимларини назорат қилишнинг компьютерлаштирилган тизими, замонавий ахборот-педагогик тизимларида, уларда билимни назорат қилишни ташхисий аҳамияти ва ҳаққонийлигини самарали бажариш мақсадида тинмай изланишлар ва такомиллаштириш ишларини олиб бориш тақозо қилинади. Мазкур масаланинг ечими ўқитишнинг мақсадга мувофиқ ва ҳаққоний бўлишида, иложи борича аниқ ва асосланган усул сифатида қайд қилинган.

Компьютер технологиялари асосидаги ўқувчилар билимини назорат қилиш фақат мутахассис-ўқитувчилар томонидан эмас, балки педагогик жараён иштирокчилари томонидан

ҳам амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай технологияларни мониторинг тизимида жорий қилишда педагогик жараён иштирокчиларининг ахборотга, билимга бўлган эҳтиёж ва иштиёқларини фаоллаштиришга эришиш зарур. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини назорат қилиш компьютер тизимининг асосий мақсади, улар эришган ютуқлар ва муваффақиятларни аниқлаш, уни такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш, шу асосда ўқувчиларга самарали ижодий фаолият кўрсатиш учун шароит яратишдан иборат. Бу мақсад, биринчи навбатда, ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштириш сифати билан, яъни ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш даражаси билан боғлиқ. Иккинчи томондан, компьютер назоратининг асосий мақсадини аниқлаштириш, ўзаро, шунингдек, ўз-ўзини назорат қилиш бўйича ёндашувларни амалга ошириш ҳамда ўзаро ва ўз-ўзини назорат қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши билан боғлиқ. Учинчидан эса, бу мақсад ўқувчиларда бажарилган иш учун жавобгарликнинг намоён бўлиши каби шахснинг ижобий сифатларини тарбиялашга қаратилган бўлади.

Айни пайтда ўқувчилар эришган билимлар, кўникма ва малакаларни назорат қилишнинг кенг тарқалган йўли — тестлар ёрдамида текшириш бўлиб, у компьютернинг ундан фойдаланувчи билан ўтказадиган мулоқотига асосланган. Мазкур тизим „ўқитувчининг техник қайта қуролланиши, унинг механизациялаштирилган меҳнати“ ёки „ўқитувчи машина“ деган шиорлар остида ўқитувчининг ўқувчи билан индивидуал ишлаш жараёнини мужассамлаштирувчи сифатида дунёга келган. Баъзан ўқув жараёнида сунъий интеллект тизимининг қўлланилиши баҳолаш жараёнининг мураккаблиги, хусусан, ўқувчини баҳолаш учун ўқувчига катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаши, баҳоловчи ва баҳоланувчи орасидаги ўзаро таъсир жараёнининг мураккаблиги бу масалани осон ҳал қилиш имкониятини бермади. Хусусан, ўқувчи билим ва малакасини компьютерлаштирилган ҳолда назорат қилиш, талаб қилинадиган билимлар мажмуасининг сифати-

ни аниқлаш муаммосини ҳал қилиш лозимлигини, бусиз эришилган билимларни баҳолаш мезонларини ва уларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш қобилиятларини белгилаш мумкин эмаслиги ойдин бўлди. Ўқувчиларнинг билимларини интеллектуал назорат қилиш ўқитувчидан зийракликни, адолат билан фаолият юритишни талаб қилади. Билимларни интеллектуал баҳолашнинг турли методлари мавжуд бўлиб, булар ичида кенг тарқалган методлар:

- оғзаки йўл билан текшириш;
- ёзма-график усулда текшириш;
- амалий-лаборатория машғулотларини бажариш орқали текшириш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқитувчи томонидан текширишнинг турли методлари қай даражада муваффақиятли эканлиги танланганлиги, ўқувчилар билимларини одилона баҳолашда муҳим кўрсаткичлардан саналади. Баҳонинг объективлиги, айрим ўқувчилар меҳнати натижаларини таққослаш имконини берувчи миқдор ва сифат кўрсаткичларига асосланади. Баҳонинг ягона талаблар асосида қўйилиши ҳам унинг объективлигидир. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишонччилик ҳисобланади. Услуб ишонччи бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда компьютер технологиялари асосида ўқувчилар билимини назорат қилиш қанчалик ишонччи эканлиги назарда тутилади.

**К ВОПРОСУ ОБ ИЗУЧЕНИИ  
ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ  
РУССКОГО ЯЗЫКА**

**ЗАРИМБЕТОВ А.А. — студент 3-курса  
филологического факультета Нукусского  
государственного педагогического  
института им. Ажинияза**



**Научный руководитель: проф.  
КОЩАНОВ К.М.**

Фразеологизмы — это устойчивые сочетания слов, имеющих в данном языке. Фразеологизмы являются «сливками» народной мудрости и красноречия, облечённые в словесные формы. Правильное и уместное использование фразеологизмов придает речи неповторимое своеобразие, выразительность, меткость, образность. С их помощью говорящий может тонко и красочно выразить свое одобрение, похвалу или наоборот — выразить свое отрицательное отношение, пренебрежение, неприязнь, неуважение к объекту речи или к его действиям.

К данному времени существует ряд спорных вопросов о фразеологизмах:

1. Смешение фразеологизма со словом. Между фразеологизмом и словом существует большое сходство. Фразеологизм, по выражению акад. В.В. Виноградова, эквивалентен слову. Но это не должно быть основанием для смешивания фразеологизмов со словами даже в тех случаях, когда они тождественны или близки по значению. К примеру, фразеологизмы по своему значению богаче, чем слова:

**Быстрое накопление знаний, приобретаемых при слишком малом самостоятельном участии, не очень плодотворно. Ученость также может родить лишь листья, не давая плодов.**

*Лихтенберг Г.*



Сергей работает плохо.

Сергей работает спустя рукава.

В этом примере во втором случае понятие выражено значительно экспрессивнее, хотя в основном **плохо** и **спустя рукава** имеет одно и то же значение.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги „Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари“ тўғрисидаги Қарори биз чет тиллари ўқитувчилари ва мутахассисларини ғоят руҳлантирди ва янги изланишларга ундади. Эндиликда олдимизда мисли кўрилмаган кенг кўламли вазифалар кўйилган бўлиб, улардан мақсад чет тилларни ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни замон талабларига мос сифат даражасига олиб чиқиш, йиллар давомида шаклланган маҳаллий ва хорижий ижобий тажрибадан фойдаланган ҳолда чет тилларини ўқитишнинг „ўзбек модели“ни яратишдан иборат. Ушбу Фармойиш доирасида амалга ошириладиган устувор вазифалардан бири таълим жараёнини ташкил этишда етакчи хорижий ўқув марказларини, чет тиллар бўйича халқаро экспертлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда „таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари, дарсликларни ишлаб чиқиш“дан иборат. Қарорда белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан тадбирлар, қизгин ишлар бошлаб юборилган.

„Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси“.

*И. Каримов*

Маълумки, таълим жараёни асосан ёшларга қаратилган. Ҳар бир ўқув фанининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мазкур мақолада ёшларга, хусусан, талаба-ёшларга чет тилларни ўргатиш билан боғлиқ ўзига хосликларга тўхталиб ўтамиз. Ҳар бир соҳада бўлганидек, чет тилларни ўрганиш қатор хусусиятларни ўз ичига олади. Хусусан, чет тилларни ўрганиш киши ёшига ҳам боғлиқ. Инсон қанча ёш бўлса, унда чет тилини ўрганишга лаёқат ва мойиллик шунчалик кучли бўлиши мутахассислар томонидан кўп бора исботланган. Янги, 2013 ўқув йилидан Ўзбекистонда ўрта мактабларнинг 1-синфидан чет тилларини ўрганишга киришиш айнан ушбу таъмоилга асосланади.

Мамлакатимизда ёшларга, хусусан, талаба-ёшларга чет тилларни ўргатиш тажрибаси ва таҳлили шуни кўрсатадики, чет тилларни ўрганишга тавсия этиладиган тил материаллари ва ўқув адабиётлари аксарият ҳолларда бевосита тили ўрганилаётган мамлакатга тааллуқлидир. Бу ўз-ўзидан тушунарли ва табиий, лекин, айни пайтда, бизнинг назаримизда ягона ҳолат ва имконият бўлиб қолмаслиги керак. Чунки, чет тилини ўрганишдан мақсад, фақат тилни ўзлаштириш ва шу орқали тили ўрганилаётган мамлакатни билиш ёки бирон-бир мутахассисликни эгаллаш билан чекланиб қолмаслиги керак. Чет элликлар билан уларнинг тилида мулоқотга киришган ҳолда ўз она-Ватани, мамлакати, давлати, маданияти, ўз миллати ва халқининг турмуш тарзини тарғиб қилиш олдинги ўринлардан бирида туриши керак. Айниқса, мустақил давлат сифатида шаклланиб, халқаро миқёсда ўз ўрнини топган, эндиликда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланиб бораётган Ўзбекистон учун чет тилларининг ўрни беқиёс. Демак, чет тилини ўрганиш жараёни тил ўрганиш методикаси доирасидан чиқиб, мафкура ва тарғибот каби соҳаларга кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида белгилаб берил-

ган таълим ва тарбиянинг яхлитлиги, таълимнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлган чет тилларни ўргатишда таълим ва тарбия масалалари ўзига хос равишда намоён бўлади. Шу ўринда, ўзида бир қатор қадриятларни жамлайдиган мафкура тушунчасига таянган ҳолда, ўзбек талаба-ёшларига чет тилларни ўргатиш хусусиятларига тўхталамиз. Мафкура асли нима? Мафкура — бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилган, ривожлантирилган, бир тизимга келтирилган замон ва макон тамойилларига асосланган ғоялар мажмуасидир. Жамоавий (коллектив) тафаккурнинг хилларидан бири бўлган мафкура маълум бир ижтимоий нуқтаи назарни ўзида акс эттирадиган ғоялар, дунёқарашлар ва тушунчалар тизими сифатида намоён бўлади.

Мафкура ҳар қандай жамият учун ўта зарур, мафкурасиз жамият узоқ яшолмайди. Мафкура ўз хусусиятига кўра жуда секин шаклланади, унинг мавжудлигини илғаб олиш қийин. Табиатда вакуум бўлиши мумкин бўлмаганидек, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда уни кимдир тўлдиради. Президентимиз таъбири билан айтганда, „Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга“. Ўзбекларга хос мафкура миллий ғоя, миллий мустақиллик мафкураси бўлиб, у қатор таркибий томонларни ўз ичига олади. Авлод-аждодларимиз, тарихий ёдгорликларимиз, маънавий меросимиз, муқаддас динимиз, оиланинг ва маҳалланинг беқиёс ўрни, тарбиянинг устуворлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек мафкурасининг асосини ташкил этади.

Чет тили ўқитиш амалиётида мафкуранинг ўрни қайси жиҳатларда юзага чиқади? Чет тилларини эгаллаш жараёнида талабалар чет тилидаги мафкурамизга ёт мазмундаги ўқув материалларига дуч келишлари мумкин. Бундай ҳолларда „Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя“ тамойилидан келиб чиқиб, ўқув материалларини шундай шакллантириш лозимки, улар мафкурамиз билан суғорилган бўлсин. Бундай ҳолат,



Энг аввало, чет тиллари бўйича дарсликлар ва турли хил ўқув адабиётларида ўз аксини топиши лозим. Мақсад шундан иборат бўлиши керакки, маълум бир лексик мавзу бир пайтнинг ўзида хорижий ва маҳаллий маълумотларни ўзида жамлаган уйғунликдан иборат бўлсин. Мисол тариқасида „Шаҳар“ мавзусига мурожаат қиламиз. Талабаларга тили ўрганилаётган мамлакат пойтахти (Берлин, Лондон, Париж ва ҳ.к.) мавзуси тақдим этилар экан, улар билан бир қаторда, эҳтимол улардан устувор ҳолда „Тошкент“ мавзуси ўз аксини топиши лозим. Бир қарашда мафкурадан холи бўлиб туюлган мазкур мавзу аслида беқиёс тарбиявий аҳамиятга эга. Унда Тошкентимизнинг жаҳоннинг бошқа пойтахтларидан кам эмаслиги, ватанпарварлик, пойтахтнинг диққатга сазовор жойларида ўз аксини топган диний ва архитектура ёдгорликлари билан фахр каби қатор мафкуравий қадриятлар юзага чиқади. Мавзунини ёритишда анъанавий матнни ўқиш ва уни таржима қилиш билан чегараланмасдан, замонавий интерфаол усулларга таянган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Улардан бир „лойиҳалаштириш“ методи бўлиб, талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда олдиндан олинган топшириқларга таяниб Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига ташриф буюрадилар, уларнинг ҳар бири тўғрисида маълумот йиғадилар, маҳаллий аҳоли ва меҳмонлардан интервьюлар оладилар. Мавзу аудиторияда ҳар бир кичик гуруҳнинг тақдимномаси билан якун топади. Ушбу ва шу каби мавзуларни „гуруҳ газетаси“, „деворий газета“, „радиорепортаж“, „саҳна кўринишлари“ каби қатор лойиҳалар доирасида ташкил этиш ва ёритиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, бу каби интерфаол усуллар талабаларда ўзларига ишонч, мустақил фикрлай ва ҳаракат қила олиш каби хусусиятларни шакллантиради. Лойиҳа, баъзан у режалаштирилган илк шаклдан ижобий томонга фарқланиши мумкин, чунки лойиҳа устида ишлаш давомида талабаларда янги ғоялар пайдо бўлади ва амалга оширилади.

Чет тилларни ўқитишда мафкуранинг ўрни, айниқса, ўқув адабиётларида яққол кўзга ташланади. Замонавий дар-

слик ва ўқув адабиётлари яратиш чет тилларни ўрганиш тизимининг бир қисми бўлиб, эндиликда чет тиллари дарсликлардаги шу пайтгача мавжуд бўлган бир томонлама ёндашувга чек қўйиш пайти келди. Бундай ёндашув дарсликларнинг асосини ташкил этадиган аксарият нутқ мавзуларининг асосан тили ўрганилаётган мамлакат ҳақидаги материаллар билан чегараланиб қолаётганлигидан иборат. Бунинг учун мавжуд дарсликлар мундарижасига назар солиш кифоя. Ҳар бир чет тили дарслигида ўша тилда гапириладиган мамлакат, унинг тарихи, халқининг турмуш тарзи, маданиятига бағишланган маълумотларнинг устуворлигини тан олган ҳолда, бундай ёндашувнинг фақат ўзи етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Янги авлод дарсликларида миллий мафкуранинг акс этиши бир қатор афзаллик ва ўзига хосликлардан иборат бўлиб, талабаларда ватанпарварлик, ўз юрти ва халқига муҳаббат, юртидан фахрланиш туйғуси, бағрикенглик, ўз ва ўзгалар қадриятига ҳурмат-эҳтиром каби фазилатларни шакллантиришга ҳисса қўшади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *И.Каримов*. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. —Т., 1999.
2. *И.Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
3. „Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари“ тўғрисида. „Халқ сўзи“ газетаси. 2012 йил 11 декабрь.



UDK 495

## XITOIY TILIDA NATIJA TO'LDIRUVCHI GAPLAR

**QODIROVA MADINA XOLIYOROVNA**  
**O'zDJTU Tarjima nazariyasi va amaliyoti**  
**fakulteti xitoy filologiyasi 4-bosqich talabasi**

**Ilmiy rahbar: f.f.n., dotsent. JIYANOVA N.E.**

Til u qay ko'inishda, qay usulda bo'lmasin, muomala, muloqot va axborot almashish vositasi sifatida insoniyat uchun juda katta ahamiyatga ega. Jumladan, xitoy tili dunyo tillari ichida eng ko'p so'zlashuvchi aholiga ega bo'lgan tillardan biridir. Shu bilan bir qatorda xitoy tili dunyo tillari ichida eng murakkab til hisoblanadi. Barcha tillarda bo'lgani kabi xitoy tilida ham o'ziga xos grammatik qoidalar va hech qaysi tilda uchramaydigan xususiyatlar mavjud. Xususan, xitoy tilidagi natija to'ldiruvchi gaplar xitoy tili grammatikasining o'ziga hos qismi sanaladi. Shuning uchun ham xitoy tilida qo'llanuvchi natija to'ldiruvchi gaplarni o'rganish, qaysidir bir tilga qiyosiy tahlil etish ancha murakkabdir.

Xitoy tili grammatikasida natija to'ldiruvchi gaplar o'ziga xos ahamiyatga ega bo'lib, gapdagi ish-harakatning ijobiy yoki salbiy natija bilan tugallanganligini ifodalaydi. Xitoy tilida natija bildiruvchi so'zlar shu harakatning natijasini anglatishda nihoyatda muhim hisoblanadi. Xitoy tilida qo'llanuvchi natija to'ldiruvchilar, asosan, *sifat va fe'l* so'z turkumlariga oid so'zlar bilan ifodalanadi. Shuning uchun ham biz sifat va fe'l so'z turkumiga oid so'zlar orqali ifodalangan natija to'ldiruvchili gaplarni misol tariqasida keltirgan holda tahlil etishga harakat qildik.

Jumladan, sifat so'z turkumiga oid natija to'ldiruvchi so'zlar: 好 hao, 对 dui, 错 cuo, 早 zao, 晚 wan;

Fe'l so'z turkumiga oid natija to'ldiruvchi so'zlar: 上 shang, 见 jian, 开 kai, 懂 dong, 到 dao, 成 cheng, 完 wan.

Чала билим эгаси бўлиш-  
дан кўра, билимсизлик аф-  
залроқдир.  
Ибн Сино

Endi tanishib chiqqanlarimiz asosida natija to'ldiruvchi gaplarning darak shakli bilan tanishib chiqamiz;

**Formula: ega + kesim + natija to'ldiruvchi + 了 (le) + to'ldiruvchi + 了 (le) masalan: 我做完昨天的作业了。Wo zuo wan zuo tian de zuo ye le.**

Men kechagi uyga vazifani qilib bo'ldim.

Ushbu misolda natija to'ldiruvchi vazifasida kelgan 完 (wan) asosiy fe'l 昨 (zuo) bilan birgalikda o'zbek tiliga qilib bo'lmoq deb tarjima qilinadi. O'zbek tilida ham ish-harakatning natijasi aniq ekanligini ifodalab keladi. „Qilib bo'lmoq“ so'zi o'zbek tili grammatikasida qo'shma so'z hisoblanib, yetakchi-ko'makchi shaklda keladi. Masalan: 他已经做好了离境准备。Ta yi jing zuo hao le li jing zhun bei.

U allaqachon chiqib ketishga tayyor bo'ldi.

Ya'ni formulada keltirilgan 2 ta (le)dan biri gapda, albatta, ishtirok etishi shart.

Agar gapda murakkab to'ldiruvchi ishtirok etgan bo'lsa, u holda uni gap boshiga ham o'tkazish mumkin. Masalan: 昨天的作业我做完了。Zuo tian de zuo ye wo zuo wan le.

Kechagi uyga vazifani qilib bo'ldim.

Natija to'ldiruvchi ishtirok etgan gaplarda asosiy fe'l ma'no anglatadi, undan keyin keladigan 2-fe'l yoki sifat (ya'ni natija to'ldiruvchi) ish-harakatning natijasini aniqlashtirib keladi, ammo ma'nosiga ta'sir o'tkazmaydi. Natija to'ldiruvchilar lug'at kitoblarda o'zi birikkan fe'llardan alohida tarzda keltiriladi. Chunki natija to'ldiruvchi vazifasidagi so'zlar yakka holda o'z ma'nosiga ega. Natija to'ldiruvchi sifatida qo'llanilganda esa gapdagi harakatning aniq natijasini ifodalaydi va erishilgan natija haqida ma'lumot beradi. Fikrimizning isboti sifatida xitoy tilida qo'llaniluvchi natija to'ldiruvchi vazifasida keluvchi so'zlarni jadval asosida keltirib o'tamiz.

| Mustaqil kelganda | Natija to'ldiruvchi vazifasida |
|-------------------|--------------------------------|
| 好 Hao — yaxshi    | 做好 zuo hao — bajarib bo'lmoq   |
| 完 Wan — tugatmoq  | 听 ting wan — eshitib bo'lmoq   |

O'z o'mida natija to'ldiruvchi vazifasida kelgan so'z tarjima qilinganda asosiy kesimning ma'nosiga ta'sir etmaydi, balki uning natijasini ko'rsatadi va o'z ma'nosini yo'qotadi. Masalan: natija to'ldiruvchi 好 „hao“ orqali gap mazmunini yanada chuqurroq tushunib olamiz. 好 „hao“ gapda ishtirok etganda ish-harakatning allaqachon tugallanganligini va yaxshi natijaga erishilganlikni bildiradi, tarjima qilinganda „....bo'lmoq, ...tugatmoq“ degan ma'nolarni anglatadi. Masalan:

写好 Xie hao — yozib bo'lmoq; 说好 shuo hao — gapirib bo'lmoq.

Yana bir natija to'ldiruvchi 到 „dao“ haqida to'xtalib o'tadigan bo'lsak, bu fe'l natija to'ldiruvchi sifatida gapda ishtirok etganda uch xil ma'noda qo'llaniladi. Masalan: 买到了 Mai dao le — sotib olib bo'lmoq; 找到了 Zhao dao le — topib olib bo'lmoq;

他已经找到了这本书。Ta yi jing zhao dao le zhe ben shu. — U bu kitobni allaqachon topdi.

Birinchi holatda qo'llanilganda biror-bir maqsadga allaqachon erishib bo'lganligini ifodalaydi. Ikkinchi holatda 到 „dao“ natija to'ldiruvchisi biror ish-harakatning ma'lum biror joygacha, masofagacha davom etib borishini, o'tgan zamonda sodir bo'lgan ish-harakatni ifodalaydi. Bunday gaplarda 到 „dao“ natija to'ldiruvchisi -gacha deb tarjima qilinadi. Masalan: 我学 到了第八课。Wo xue dao le di ba ke. — Men sakkizinchi darsgacha o'qib bo'ldim.

到 „dao“ ning natija to'ldiruvchi sifatida qo'llaniladigan uchinchi holati shundan iboratki, biror-bir ish-harakatning biror-bir vaqtgacha davom etganligini va tugallanganligini ifodalaydi. Garchi natija to'ldiruvchining gapdagi o'rni qolaversa ham, lekin ma'no jihatidan anchagina farqli bo'ladi. Masalan:

他每天晚上都学到零点。Ta mei tian wang shang dou xue dao ling dian. — U har kuni kechasi soat 12:00 gacha o'qiydi.

Natija to'ldiruvchi gaplarda inkor shaklini ifodalash uchun 没 „mei“ va 没有 „mei you“ dan foydalaniladi. Ya'ni gap tarkibida qo'llaniladigan har ikki holat ham noto'g'ri hisoblanmaydi. Natija to'ldiruvchili gaplarda inkor shaklini hosil qilganda quyidagi shakldan foydalanish mumkin:

Formula [**ega** + 没 **mei**/ 没有 **mei you** + **kesim** + **natija to'ldiruvchi** + **to'ldiruvchi**].

Masalan: 我没 (没有) 看到你的书。wo **mei** (**mei you**) kan **dao** ni de shu. — Men sening kitobingni ko'rmadim.

O'zbek tiliga tarjima qilinganda gap oddiy xabar mazmunini ifodalaydi. Mazmun tarkibida biror voqea-hodisaning natijasi anglashilib turadi.

Natija to'ldiruvchili gaplarning faqat inkor formasiga tegishli yana bir istisno holat mavjud bo'lib, bu inkor formada (faqatgina inkorda) ba'zi hollarda oddiy to'ldiruvchi gap boshida kelishi mumkin. Masalan; 你的话 我没有听懂。ni de hua wo mei you ting **dong**. — Sening gapingni men tushunmadim.

Xitoy tilida qo'llaniluvchi natija to'ldiruvchili gaplarning so'roq shaklini 4 xil usulda qo'llash mumkin. Birinchi usul eng sodda usul bo'lib, ya'ni darak gap oxirida so'roq yuklamasi 吗 „ma“ ni qo'llash orqali ifodalanadi. Buni quyidagi formula bilan ifodalash mumkin: Formula [**ega** + **kesim** + **natija to'ldiruvchi** + 了 (**le**) + **to'ldiruvchi** + 了 (**le**) + 吗 **ma?**].

Masalan: 你看到了我的衣服 吗? ni kan **dao** le wo de yi fu le **ma?** — Sen mening kiyimimni ko'rdingmi?

Ikkinchi so'roq shakli bevosita „mei“ so'zi orqali hosil qilinadi. Bu turdagi so'roq gaplar quyidagi tuzilishda bo'ladi: Formula [**ega** + **kesim** + „mei“ + **kesim** + **natija to'ldiruvchi** + **to'ldiruvchi**].

Masalan: ni kan **mei** kan wo de ben zi? — Sen mening daftarimni ko'rdingmi, yo'qmi?

Uchinchi tur so'roq forma o'tgan zamonda tugallangan ish-harakatning natijasini ifodalovchi natija to'ldiruvchili gaplarda qo'llaniladi. So'roq gapning bu shakli „mei you“ yordamida ifodalanadi. Bu turdagi so'roq gapimiz tarjima qilinganda ikkinchi so'roq shakl turiga o'xshab ketishi mumkin, lekin gapdagi o'rni jihatdan umuman farqlanadi. Masalan: 新干笔你买到了 没有 xin gan bi ni mai **dao** le **mei you?** — Sen yangi ruchka sotib oldingmi, yo'qmi? Bunday gaplar o'zbek tilida oddiy so'roq gap mazmunini beradi. Xitoy tili grammatikasida esa bunday gaplarni natija to'ldiruvchili

gaplar deb alohida guruh sifatida tahlil etiladi.

Agar so‘roq gap hozirgi yoki kelasi zamonda ifodalangan bo‘lsa, u holda bunday gaplarda [fe’l + 得了 **de liao**, fe’l + 不了 **bu liao**] birikmalarini ketma-ket qo‘llash orqali ham so‘roq forma yasash mumkin. Bunda „le“ „liao“ deb o‘qiladi. Masalan: 明天你的同屋来得了 来不了? ming tian ni de tong wu lai **de liao**, lai **bu liao**? Ertaga sening qo‘shning kela oladimi.

Ayrim hollarda „de“ va „liao“ gapda tushib qolishi mumkin, ammo „bu“ ishtirok etishi shart. 中文报你看得懂, 看不懂。Zhong wen bao ni kan dong, kan bu dong? — Sen Xitoycha gazeta o‘qiy olasanmi?

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlamoq lozimki, natija to‘ldiruvchi gaplar xitoy tili grammatikasining muhim qismidir. Ularni qo‘llash usullari va qoidalarini o‘rganish, xitoy tili grammatikasini o‘rganishda og‘zaki nutq ravonligini oshirishda muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, ikki til qiyosiy jarayonida tarjimondan bilim, mohirona tarjima qilish usulini talab etadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. „实用现代汉语语法“ 北京外国语学院出版。1983 年。
2. 汉语新目标。第二册。Han yu xin mu biao. Di 2 ce. Bei jing 2004.
3. „精选俄汉汉语词典。“ Jing xuan e han han e ci dian 1994.
4. „聪明屋“ 北京山出版社, 1997.
5. „汉俄词典 китайско — русский словарь“ 上海外国语学院。2006 年 — 北京。
6. Курдюмов В.А. „Курс китайского языка. Теоретическая грамматика“. Изд. 2-е. стереот. — М.: Цитадель-трейд: Вече, 2006.
7. Hoshimova S. Nosirova „Xitoy tili grammatikasi“. — T., 2011.
8. Ўзбек тили грамматикаси. — Т.: Академнашр, 1995, 2-жild.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ДАРСДАН ТАШҚАРИ ПАЙТЛАРДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА УСТОЗ — ШО- ГИРД ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

М.К. САТТОРОВА — ТДПУ 1-босқич талабаси

Илмий раҳбар: катта ўқитувчиси,  
Ҳ. Э. СУЛТАНОВ



Педагогик жараёнда тўпланган тажрибалар асосида кўплаб усул ва технологияларни қўллашга тўғри келади, ушбу методлардан бири ижодий тўгарак устахонасида устоз — шогирд анъанаси асосида ишлаш билан бирга компьютер графикасида ишлаш кўникмаларини ўрганиш усулидир. Бу икки усулдан аудиториялардаги машғулотлар ва дарсдан ташқари пайтлар мустақил таълим, ижодий тўгарак машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Ижодий устахонада устоз билан биргаликда ишлаш машғулотлари болалар ижодий фикрлашлари ва фаолиятларининг ривожланиши учун чексиз имкониятлар яратади. Ижодий устахона педагог учун болалардаги табиий қобилиятларни амалга ошириш ва уни ҳар хил ижодий фаолиятларда қўллашга ёрдам берадиган — **шахсиятга мўлжалланган**; болага ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат билан ёндашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш асосига қурилган — **якка-ма-якка таълим технологияси**; болалар билан бирга мақсадни белгилаб олиш, улар билан бирга ижод қилиш, уларга дўст сифатида қараш, уларнинг қизиқишларига, ижобий ҳиссиётларининг ҳамоҳанглигини яратишга қаратилган — **педагогик ҳамкорлик технологиясини**;

Барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яхшиси-хулқ гузаллиги ва барча ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида энг ёмони ҳасад экан.

*Нажмиддин Кубро*



ижодкорлик имкониятларининг ривожланиши даражасидаги — табақалаштирилган таълим; муаммоли ҳолатларни яратиш ва ўқувчилар унинг ечимини мустақил равишда топишларига, фаоллаштиришга қаратилган — муаммоли таълим; боланинг шахсиятини тарбиялаш, унинг илмий тадқиқот, ижодий фаолияти қобилиятлари имкониятини лойиҳалаштириш усули бўйича хусусий технологияни қўллаш каби замонавий педагогик технологияларни чексиз қўллаш имкониятидир.

Ижодий тўғарак устахонаси методига асосланган усул қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишни талаб қилади:

— боланинг таълим жараёнида ва ҳаётий фаолиятида олган билим, кўникма ва маҳоратларини такомиллаштириш;

— мустақил ижодий изланиш кўникмаларини ривожлантириш;

— санъатнинг барча тур ва жанрларига қизиқишларини ошириш, ҳар хил материаллар техникаларини ўзлаштириш хоҳишларини ривожлантириш;

— олган билимларини амалда кундалик ҳаётда қўллаш, шахсиятини ва атроф-борлиқ ҳақидаги фикрларини тубдан ўзгартириш;

— инсон ҳаёти табиат, санъат, кундалик турмуш билан уйғунлигини идрок этиш ҳақидаги маънавий саводхонлигини ошириш;

— миллий қадриятларни ва урф-одатларни севиш, ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш;

— жамиятдаги ўз ўрнини топишда, ўз ижодий меҳнат маҳсуллариининг жамиятга нечоғлиқ кераклигини ҳис қилиш, ўтмишдаги аждодларимиз меъросига ҳурмат назари билан қараш ва келажакка ишонч руҳида тарбиялаш.

Ижодий устахонада нимани амалга ошириш кераклигини шогирднинг ўзи танлайди, устоз фақат унинг ишидаги хатоларини тузатиб, қандай тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар беради. Устоз ва шогирднинг биргаликдаги ҳаракати асосида ижодий фаолият

яратилади. Шогирд тасвирий санъатнинг қайси тури ёки жанрида ишни бошлашни хоҳласа, устоз ёрдамида ўзининг фаолиятини режалаштиради: эскизлар бажаради, ишлаш учун материал танлайди, иш жойини тайёрлайди, кейин ўйлаган режасини амалга оширишга киришади. Ижодий устахонадаги ҳар бир шогирд — бу ўз асарини томошабинлар ҳукмига қўйишга тайёрланаётган рассом. Тўғарақда ижодий устахона усулида бажарилган ҳар бир иш, ўз ҳолича бир лойиҳа, тугалланган буюм бу конкурс, олимпиада ёки кўрғазмага қўйиладиган тайёр маҳсулот. Бир ўқув йили мобайнида бир шогирд кўникмаси, қобилияти ва ҳаракатчанлигига қараб тасвирий санъатнинг турли жанрларида тўрттадан йигирматагача ижодий иш қилиши мумкин. 15—20 та кишидан иборат битта ижодий гуруҳ ҳар хил тасвирлаш воситалари ва турли техникада бажарилган ишларидан бутун бир кўрғазма ташкил этиш мумкин.

Ижодий устахона усулида ишлаш оддий анъанавий машғулотлар жараёнида имкони бўлмаган, ҳар хил техника, ҳар хил тасвирлаш воситаларини қўллаш имконини туғдиради. Масалан, 20 кишидан иборат гуруҳ ҳар бири ўз қизиқишларига қараб, кимдир акварелда, кимдир мойбўёқда рангтасвир ёки гуашда, кимдир миниатюра, кимдир қаламда, кўмир, соус, сангина, ретушда қаламтасвир композициялари ва ҳ.к. ишлаши мумкин. Педагог учун ижодий устахона усулидаги фаолият тўғарақдаги ҳар бир болага эътибор бериши, улардан бир дақиқа ҳам узоқлашишга йўл қўймайдиган, лекин олинган натижадан катта ижодий қониқиш ҳосил қилинадиган нисбатан оғир, лекин қизиқарли фаолият ҳисобланади. Бу иш нафақат болаларни, балки уларнинг ижодлари билан қизиқиб келадиган ва ҳар доим маънавий кўмакка тайёр бўлган ота-оналар учун ҳам жуда қизиқарлидир.

Ижодий устахонада ишлашни режалаштириш тўғарақдаги, асосий эътибор ҳар бир боланинг хоҳиши ва қизиқишлари асосида ҳар бир ўқувчи хусусиятини ҳисобга олиб тузилади. Аммо педагог нафақат боланинг шу пайтгача ўзлаштирган билимлари, кўникма ва малакаларини ҳисобга оли-

ши, балки ўсиш нуқтасини ҳам белгилаб бориши, келгусидаги камолотга эришиш имкониятлари, уларнинг янги тажрибаларни эгаллашларида ёрдамлашиши, янги технологиялар ва техникалар билан таништириб боришлари керак бўлади. Ижодий устахонада машғулотда қатнашаётган болаларнинг ўзи ҳам доимо янги технологияларни излашади, янги тажрибани ўзлаштиришга, атрофдагилар билан ўртоқлашишга ҳаракат қилишади.

Машғулотлар жараёнида ижодий устахона усулидаги ишлаш методикасининг психологик жиҳатларига эътибор бериш жуда муҳим. Сир эмаски, тасвирий санъат билан энди шуғулланишни бошлаган болалар ўзига ишонмаслик, ўз ишини паст баҳолаш, „мен яхши чиза олмайман“, „чиройли чиқара олмасамчи?“, „ҳеч кимга ёқмасачи?“, „мен умуман ҳеч нарсани эплай олмайман“ каби чўчиш ҳисси юқори бўлади. Машғулотлар жараёнида аста-секин бу чўчиш ҳисси йўқолиб боради, чунки тасвирий санъат машғулотларида бажарган ишларига ҳар доим балл қўйиб борилмайди (охиригача етказилган, тугаллангандан кейин баҳоланади), тугаллаш учун вақтлар чегараланмайди. Охирги натижага эса албатта эришилади, ишни қайси пайтда тўхтатишни, ишини кўргазмага қўйиладими, конкурсга жўнатиладими ёки бирон кишига совға учун ишлашига қараб боланинг ўзи ҳал қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Б.Тожиев.* „Рангтасвир“ фанидан маърузалар матни. Низомий номидаги ТДПУ. —Т., 2000.
2. *Н.Я. Маслов.* Пленэр. —М., 1984.

## ЎҚУВЧИЛАР АҚЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**МАТКАРИМОВА МУҲАББАТ АБУОВНА —**  
Нукус давлат педагогика институти  
1-босқич магистранти



**Илмий раҳбар: психология фанлари номзоди**  
**ШЕРИМБЕТОВА ЗАМИРА**

Ўқувчилар турли ўқув вазифаларини ҳал қилиш жараёнида намоён бўладиган ақлий иш „услугларининг“ нисбатан барқарорлигидан, уларда ақл хусусияти ёки сифатининг маълум даражада ривожланганидан дарак беради.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал фарқларига бағишланган тадқиқотларида ҳар хил тоифадаги ўқувчилар тавсифланган: уларнинг баъзилари (аъло ўзлаштирувчи ўқувчиларда) тафаккурнинг юқорида таъкидланган икки тури орасида чамбарчас боғлиқлик намоён бўлади, яъни уларда конкрет ҳолатлардан мавҳум ҳолатларга ўтиш осон кечади. Бунда мавҳумлаштириш ва конкретлаштириш улар томонидан ақлий фаолият усули сифатида фойдаланилади. Болаларнинг бошқа тоифаси тафаккур фаолиятининг бир туридан бошқасига ўтишда доимий қийинчилик ҳис қиладилар. Баъзи ўқувчилар идрокка таяниш имконини берадиган тафаккурнинг кўргазмали усулларига

„ёпишиб оладилар“, аксинча, бошқалари бўлса, кўргазмалиликдан воз кечиб, сўзлар, туншунчаларга таяна бошлайдилар.

Ўқувчи кўпроқ тафаккурнинг кўргазмали усулларига таянганда ақлий фаолият бу ту-

Аксар ялқовлар ўзлари учун фойдали бўлган ишларга дангасалик қилиб, фойдасиз бўлган ишлар орқасинда умр ўтказарлар.

*Абдулла Қодирий*

рининг юқори ривожланганидан далолат беради, деб ўйла-маслик керак. Худди шундай тафаккурнинг кўрғазмали ҳаракат туридан сўз мантиқ турига ўтиши мавҳум тафаккурнинг кўпроқ ривожланганидан далолат беради, деб ҳисобламаслик керак. У ёки бу тоифадаги ўқувчиларда тафаккурнинг икки тури ҳам кучсиз ривожланган бўлади.

Мана шу ўринда Президент И.Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидлаб ўтганидек, „Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади“.

Психологик адабиётларда ақлий тараққиётнинг юқори даражада эмаслиги мавҳум тафаккурнинг етарли ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолларда болаларнинг мавҳум фикрлай олмаслиги маълум бўлади. Бироқ конкрет тафаккурнинг ривожланишида ҳам баъзи камчиликлар эътиборга олинмайди. Бу билан боғлиқ равишда худди ана шу конкрет тафаккур ривожланишида муҳим камчиликлар аниқланган.

Оммавий мактабларнинг қуйи ўзлаштирувчи ўқувчиларида ҳам худди шундай фактлар аниқланган. Арифметик масалалар ечишда уларга масалаларнинг ташқи шартли белгиларига таяниш (алоҳида сўзлар, абсолют катталиқ ва белгиланган сонларнинг кетма-кетлиги ва бошқалар), масалаларнинг конкрет мазмунини етарлича англамаслик хос. Худди шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчилари масалаларни ечишда катталиқларнинг номларида хатоликлар содир бўлади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар ўқишда қийналадиган ўқувчилар ақлий фаолиятининг баъзи хусусиятларини аниқлаш имконини берди.

Бироқ, бу секин ўзлаштирувчи ўқувчилар ўқишда доимий муваффақиятсизликларга учраганини англамайди. Бу мустақил ақлий фаолият талаб қиладиган вақтларда ақлнинг баъзи салбий хислатлари шаклланигандан далолат беради. Бундай ўқувчилар ўзлаштиришга қийналадиган материал устида кўшимча машқлар бажариши тафаккурнинг бу хислатларини ўзлаштириши учун ҳисса кўшиши маълум бўлади.

Шунинг учун ҳам ўзлаштириш темпи, тезлигида намоён бўладиган ўқувчиларнинг турлича уқувчанлик даражасини билиш ўқувчилар учун муҳим ҳисобланади. Уқувчанликни ўқувчи иши темпидан ажратиш зарур. Ўқув ишларини секин бажариш уқувчанликнинг пастлигидан далолат бермайди, худди шунингдек, тез бажариш юқори уқувчанлик кўрсаткичи эмас.

Психологик тадқиқотларда бундай фарқлашларнинг зарурлиги таъкидланган, лекин ўқитувчиларнинг ишларида таълим жараёнларида ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини характерлайдиган кўрсаткичлар орасида фақат иш тезлиги (темп) кўрсатилади, ўзлаштириш тезлиги бўлса ҳисобга олинмайди. Ўзлаштириш тезлиги ўзлаштирмовчиликни йўқотишда ва ўқувчиларни янада ривожланишга ундашда муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, уқувчанлик, ўқув фаолияти усулларини ҳамда билимларни ўзлаштира олиш қобилиятидир. Уқувчанлик, яъни ўқишга қобилиятлилиқ, шахснинг индивидуал, нисбатан барқарор хислати ҳисобланади. Бу тушунча мазмунига кўра „қобилият“ тушунчасига нисбатан торроқ ҳисобланади. Қобилият таркибига маълум фаолият турига нисбатан юқори уқувчанлик киради. Қобилият махсус ва умумий турларга бўлинганидек, умумий ва махсус уқувчанликни ҳам ажратиш мумкин. Умумий уқувчанлик кўп нарсада намоён бўлса, махсус уқувчанлик фақат бир соҳада, бир ўқув фанини ўзлаштиришда намоён бўлади.

Уқувчанлик ақлий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ, лекин улар айнан бир тушунча эмас. Ақлий тараққиёт — ёш улғайиши ва инсоннинг тажриба тўплаши билан ақлий фао-

лиятдаги сифат ва миқдор ўзгаришларининг мажмуидир. Юқори уқувчанлик юқори ақлий тараққиёт учун замин бўлиши мумкин, лекин юқори ақлий тараққиёт билан нисбатан қуйи уқувчанлик ҳам бирикиши мумкин, бунда у кўп меҳнат қилиши билан тўлдирилиши мумкин.

Л.С.Выготский томонидан киритилган „тараққиётнинг яқин зонаси“ тушунчасида катталар ёрдамида улар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ўқувчининг ақлий имкониятлари назарда тутилади. Тараққиётнинг яқин зонаси, актуал зонасидан фарқ қилади, актуал зонаси бола нимани мустақил ўзи қила олишида намоён бўлади.

Н.С.Кочарян тадқиқотларида секин фикрлайдиган бошланғич синф ўқувчиларининг психологик хусусиятлари баён этилган. Муаллиф ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, секин фикрлаш инсон индивидуаллигини характерлайдиган хусусият ҳисобланади. Секин фикрловчи бошланғич синф ўқувчиларида вақт чекланмаган пайтда тафаккур маҳсулдорлиги юқори бўлади. Одатдагидек фикрловчи синалувчига нисбатан секин фикрловчи ўқувчилар топшириқларни бажаришда мустақил, жавобгарлик ҳисси юқори, жавоб беришга шошилмайди, тушунишга ҳаракат қилади. Лекин вақт чегараланганда секин фикрловчи ўқувчида бундай афзалликлар намоён бўлмайди, улар бундай вақтда, кўпинча, орқада қоладилар.

В.С.Юркевич билиш эҳтиёжлари тараққиётини таҳлил қилиб, ақлий „дангасалик“ни интеллектуал пассивлик, болада қизиқишнинг йўқлиги натижаси сифатида таҳлил қилади.

Қатор ишларда ёмон ўзлаштирувчи ўқувчилар интеллектуал пассив болалар сифатида таҳлил қилинади, лекин „интеллектуал пассивлик“ атамаси қўлланилмайди ва бундай тадқиқотларда асосий эътибор ўзлаштирамовчилик сабабларига қаратилади.

Бунда интеллектуал пассивлик табиатини ўрганиш четда қолиб, ўқишдаги қийинчиликларни енгишга асосий эътибор берилади.

Л.В.Орлова интеллектуал пассивлик сабабларини ва типларини ўрганган. У интеллектуал пассивлик ақлий фаолиятнинг қуйи даражаси, ақлий кўникмаларнинг етарлича шаклланмаганлиги, интеллектуал вазифаларни бажаришда ақлий зўриқишга салбий муносабат сифатида таърифлайди. Муаллиф интеллектуал пассивликнинг 2 турини ажратиб кўрсатади:

1) интеллектуал пассивлик ақлий фаолият операциял-техник механизмларининг бузилиш натижаси сифатида;

2) интеллектуал пассивлик шахс мотивацион эҳтиёжлар соҳаси тараққиётида салбий муносабатларнинг кўриниши сифатида.

Л.В.Орлова кенглиги бўйича умумий ва хусусий интеллектуал пассивликни ажратиб кўрсатади.

Шундай қилиб, Л.В.Орлованинг юқорида таклиф этган таснифи интеллектуал пассивлик турлари ва сабабларини аниқ тушуниш имкониятини беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ақлий фаолияти хусусиятлари асосий аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Выготский Л.С.* Избранные психологические исследования. — М.: Издательство АПН РСФСР, 1960.

2. *Орлова Л.В.* Интеллектуально-пассивные учащиеся. // Вопросы психологии. 1991. № 6.

3. *Юркевич В.С.* Особенности познавательных потребностей и саморегуляций у старших подростков. / Психологические проблемы повышения качества обучения и воспитания. — М.: Педагогика. 1984.





UDK 42/48

## ISPAN VA INGLIZ TILLARIDA KISHILIK OLMOSHLARI

MIRSOLIYEVA FERUZA HOSHIMOVNA  
O'zDJTU talabasi

Ilmiy rahbar:  
KUCHKAROVA K. K.

Til muhim aloqa vositasidir. Inson boshqalar bilan muloqotda o'z qarashlarini, o'ylarini aynan mana shu til orqali yetkazib beradi. Til — umumiy tushuncha, ammo so'zlashuv har bir xalqlarning tilshunoslik tarixiga, qolaversa, har bir xalqning til madaniyatiga bog'liq. Chunki dunyo bo'ylab nechta xalq, millat bor bo'lsa, shuncha madaniyat, urf-odatlar xilma-xilligi mavjud. Ushbu xilma-xillik, albatta, til madaniyatida ham o'z aksini topadi. Hattoki, buni bir millatga mansub, ammo shevada so'zlashuvchilar o'rtasida ham uchratishimiz mumkin. Quyida ispan va ingliz tillarida kishilik

Кимки шогирдликка чин  
дилдан шод,  
Бир кун ўзи ҳам бўлгуси  
устод.

*Низомий Ганжавий*

olmoshlari hamda nutqda ularni qo'llash orqali til madaniyati qanday ekanligi xususida fikr yuritamiz.

Ispan tilida **kishilik olmoshlari** — **pronombres personales** deb ataladi va ular quyidagilar:

### **Birlik:**

I shaxs — Yo;

II shaxs — Tu;

III shaxs — El (mujskoy rodida);

Ella (jenskiy rodida);

Usted (hurmat ma'nosida).

### **Ko'plik:**

I shaxs — Nosotros (mujskoy rodida);

- Nosotras (jenskiy rod);  
 II shaxs — Vosotros (mujskoy rod);  
 Vosotras (jenskiy rod);  
 III shaxs — Ellos (mujskoy rod);  
 Ellas (jenskiy rod);  
 Ustedes (hurmat ma'nosida).

Ispan tilida grafik urg'u juda muhim ahamiyatga ega. Misol uchun: agar II shaxs birlikdagi **tú** olmoshiga urg'u qo'yilmasa, egalik olmoshi hisoblanadi va **sening** deb tarjima qilinadi.

*Tú es muy bien escritor (Sen juda yaxshi yozuvchisan).*

*Tu carta está sobre la mesa (Sening xating stol ustida turibdi).*

Yana bir misol: agar III shaxs birlikdagi mujskoy rod kishilik olmoshi — **él**, grafik urg'usiz qo'llanilsa, birlikdagi mujskoy rod aniq artiklga aylanadi.

*Él es profesor (U o'qituvchi).*

*El profesor es muy inteligente (O'qituvchi juda aqlli).*

Ispan tilida rod ham juda muhim ahamiyatga ega. **I, II, III shaxs olmoshlarining ko'plik shaklini** belgilayotganda, odatda, jamoada yoki guruhda ayol jinsi vakillari erkak jinsi vakillariga nisbatan ko'p bo'lishiga qaramay, ular orasida bitta bo'lsa ham mujskoy rod qo'llaniladi.

1) *En nuestro grupo hay diez chicas. Nosotras aprendemos las lenguas española y inglesa. (Bizning guruhimizda 10 ta qiz bor. Biz ispan va ingliz tillarini o'rganamiz)*

2) *En vuestro grupo hay diez chicas y un chico. Vosotros teneis que traducir esta obra (Sizlarning guruhingizda 10 ta qiz va 1 ta bola bor. Sizlar bu asarni tarjima qilishlaringiz kerak).*

Ingliz tilida **kishilik olmoshlari — Personal pronouns** deyiladi va ular quyidagilar:

**Birlik:**

I shaxs — I;

II shaxs — You;

III shaxs — He (mujskoy rod);

She (jenskiy rod);

It (jonsiz buyumlarga va hayvonlarga nisbatan).

### Ko'plik:

I shaxs — We;

II shaxs — You;

III shaxs — They.

Ushbu kishilik olmoshlari bosh kelishikda ishlatilib, gapda ega va kesim tarkibida keladi:

*I saw that picture.* (ega)

*A person helped me. It is she.* (kesim)

Umuman olganda, nutqda takrorning oldini olish uchun olmoshlardan foydalanamiz. Shunda nutqimiz chiroyli, betakror va, albatta, so'zlarga boy bo'ladi. Quyidagi misollar buni isbotlaydi.

*Peter is an engineer. He works at a factory.*

— *Where is Helen?*

— *She is in the garden.*

*The book is on the shelf. It is on the shelf.*

Ushbu misollardan ko'rib turibmizki, bir so'zni yana takror qo'llamaslik uchun, ammo unga ishora qilgan holda olmoshlardan foydalanamiz.

Ingliz va ispan tilidagi kishilik olmoshlarini solishtirib ko'rsak, farqli taraflari mavjud. Masalan, ingliz tilida **II shaxs birlikda ham, ko'plikda ham, hatto sen va siz ma'nolarida ham** faqat you olmoshi ishlatiladi. Hattoki, **tushum kelishigida ham you** ishlatiladi. Biz ushbu olmoshning birlik yoki ko'plik shaklda ekanligini, yoki qandaydir kelishik qo'shimchasi bilan tarjima qilishimiz kerakligini faqat kontekstga qarab aniqlay olamiz.

O'zbek tilidagi **sen** olmoshiga to'g'ri keladigan **thou (thee)** olmoshi hozir og'zaki nutqda ham, adabiyotda ham ishlatilmaydi. U faqat ko'tarinki ruhda yozilgan she'riyatda va nasrda uchrashi mumkin.

Ispan tilida esa maxsus hurmat ma'nosini bildiruvchi **usted** va **ustedes** olmoshlari mavjud. Garchi ushbu olmoshlar **II shaxs** uchun qaratilgan bo'lsa-da, gap kesimi **III shaxsda** ifodalanadi.

Xatlar va yozuvlarda qisqartirilib **ud** va **uds** deb yoziladi. **Usted** — eskirib qolgan „**vuestra merced**“ning qisqartirilgan shakli. Ispaniyada so'zlashuvning do'stona shakli keng tarqalganiga qaramay, begona kishilarga murojaat etishda hurmat shakli ishlatiladi.

Do'stona munosabatni bildiruvchi **tu** va **vosotros/as** oila a'zolariga, do'stlarga, bolalarga va hayvonlarga nisbatan ishlatiladi.

Ingliz tilida, odatda, gap kesimi (present simple da) faqatgina III shaxs birlikda **-s**, **-es** qo'shimchasini olib o'zgarishi mumkin. Boshqa hollarda gap tarkibida kishilik olmoshi kelmasa, qaysi shaxsda ekanligini aniqlab bo'lmaydi. Shu sababli gapda kishilik olmoshi deyarli har doim qo'llaniladi.

Ispan tilida esa fe'llar hamma zamonda har bir shaxsga ko'ra tuslanadi. Shuning uchun ham gap tarkibida kishilik olmoshlari tushirib qoldirilgan taqdirda ham qaysi shaxs xususida gap borayotganligini uning kesimiga qarab aniqlash mumkin. Ko'pincha, gapda kishilik olmoshlari tushirib qoldiriladi. Ammo **usted** va **ustedes** bundan mustasno. Chunki yuqorida ko'rib o'tganimizdek, ushbu olmosh II shaxs ma'nosini ifodalasa-da, fe'l III shaxs bilan ishlatiladi va biz u tarjimasini beruvchi III shaxsdagi **él**, **ella** olmoshlari bilan adashtirib qo'ymasligimiz lozim.

Xulosa o'rvida shuni aytish kerakki, har bir til o'ziga xos xususiyatga ega. Tillarni bir-biri bilan taqqoslab, ular o'rtasidagi farqlar va o'xshashliklarni bilib olamiz va ushbu bilimlarimiz amaliyotda biz uchun poydevor bo'ladi. Kishilik olmoshlarini ingliz va ispan tillarida solishtirish orqali ular haqida ko'proq ma'lumotga ega bo'lish mumkin. O'z navbatida, xalqlarning madaniyati, albatta, ularning til boyligiga ham ta'sir etmasdan qolmasligiga guvoh bo'ldik.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. *V.С.Виноградова*. Грамматика испанского языка. —М.: „Высшая школа“, 1978.
2. *М.Г'аппоров, R. Qosimova*. Ingliz tili grammatikasi. —Т., 2008.
3. *М.Намройев*. „Ona tili“. —Т., 2008.
4. *А.Наллалаев, G'.Botirov*. „Espacol“. —Т., 2012.
5. *Е.И.Родригез-Данилевская, А.И.Патрушев*. „Учебник испанского языка“. —М.: ЧеРо, 2005.



## ПРИЁМЫ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОВЛАДЕНИЯ СТУДЕНТАМИ НАВЫКАМИ ГОВОРЕНИЯ, ПИСЬМА И СЛОВАРНОГО ОБОГАЩЕНИЯ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

**Н. ДЖАЛИЛОВА** — студентка  
Узбекского государственного  
Университета мировых языков.

**Научный руководитель: НОРМУРАДОВА Н.З**

Знание иностранных языков и свободное владение ими сегодня является велением времени. В Постановлении Президента Республики Узбекистан „О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков“ (от 10 декабря 2012 г.) предусмотрены подготовка высококвалифицированных специалистов, владеющих иностранными языками, создание возможностей для развития международного сотрудничества, в том числе и научного. Особенно актуальна эта задача в отношении английского языка.

В современном мире почти пятая часть населения владеет в какой-либо степени английским языком, 322 миллиона человек считают его родным языком. По мере расширения сферы функционирования языка каждая страна считает необходимым усвоение английского языка гражданами своего государства. В 54 странах мира английский язык используется в качестве официального языка. Большая часть материалов в Интернете, в том числе и редкостных изданий представлена на английском языке. Поэтому так важно сегодня изучать английский язык и говорить на нём.

В высших учебных заведениях Узбекистана выделены специальные часы для изучения английского языка, но, помимо этого, студентам необходимо использовать различные источники для самостоятельного более глубокого изучения языка и овладения навыками общения.

**Беспредельная надежда и энтузиазм — главной богатство молодежи.**

*Р. Тагор*

В данной статье мы попытаемся изложить свои мысли о самостоятельном пополнении словарного запаса, овладении письменной и устной разговорной речью.

При изучении английского языка у студентов часто возникают трудности в произношении слов, словосочетаний, предложений (то есть не всегда получается безошибочное и безакцентное чтение и говорение). В настоящее время Интернет предоставляет широкие возможности для изучения языка. Интернет стал постоянным атрибутом нашей повседневной жизни, поэтому с успехом можно использовать его образовательные сайты.

Слушая „чисто английскую речь“, чувствуешь особенности произношения и обращаешь внимание на движение губ, а при посещении сайтов (My language Exchange, ITalki) в режиме он.лайн можно обмениваться мнениями в форме естественного общения, которое является одним из эффективных способов изучения и усвоения лексики языка.

Чтобы говорить на английском языке без акцента, надо побольше слушать различных бесед, диалогов, обращать внимание на произношение отдельных слов и фраз, интонацию предложений.

В этом отношении очень полезно просматривать фильмы с субтитрами на английском языке. Это помогает улавливать различные оттенки речи. Причем целесообразно сначала посмотреть фильм с субтитрами, обратить внимание на знакомые и незнакомые слова и выражения, затем посмотреть этот же фильм, но уже без субтитров. Такой просмотр поможет хорошо понять содержание и в то же время — усвоить нормы произношения.

В процессе изучения правильного произношения слов английского языка обучающийся должен громко и отчетливо произнести трудное слово и анализировать акт произношения: „Как двигаются мои органы речи?“ (губы, язык), „В каком положении находится язык?“, „Как свернуты губы?“. Нужно ответить себе на эти вопросы. Если определить правило произношения каждого звука в слове (в разных позициях), то можно освоить правильное произношение.

Для развития навыков письменной речи большое значение имеют упражнения в написании „деловых бумаг“ (различных документов), составлении информации и сообщений, оригинальных писем, сочинений.

Дружеская переписка также обогащает и развивает письменную речь.

На первом этапе формирования навыков письменной речи можно использовать такой прием, как ведение дневника на английском языке, куда помимо записей о повседневных событиях рекомендуется вносить письменную информацию о новостях культуры, спорта, студенческой жизни.

Известно, что основой изучения любого языка является накопление словарного запаса. Специалисты и методисты рекомендуют несколько способов для активного усвоения иноязычной лексики. Один из них — слушание и изучение популярных песен. При прослушивании песни необходимо записать встретившиеся незнакомые слова. Не составляет никакого труда найти в Интернете и записать текст песни на английском языке. Преимущество такого способа состоит в том, что при прослушивании и записи усваиваешь произношение новых слов и запоминаешь их.

Обогащению словаря способствуют также записи аудиокниг, различных диалогов, полилогов, прослушивание СД с синхронным наблюдением за их текстом. И даже если обучающийся не смотрит на текст, он усваивает произношение слов.

В заключение следует сказать, что для самостоятельного изучения английского языка существует множество оптимальных вариантов, и каждый студент, исходя из своего потенциала и возможностей, может выбрать наиболее приемлемый способ и, используя современные технические средства, углубить и закрепить свои знания иностранного языка.

### **Использованная литература**

1. <http://www.rediff.com>
2. <http://www.enhancemyvocabulary.com>
3. <http://www.englishteachermelanie.com>

## ЁШ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

НАРЗУЛЛАЕВА Н.

ТДПУ — мусиқий таълим мутахассислиги  
2-босқич магистранти, Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Давлат Президенти стипендияси  
совриндори.



Илмий раҳбар п.ф.н., проф. Ф.ХАЛИЛОВ.

Республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар барча соҳа-лардаги каби бўлажак ўқитувчиларнинг зиммасига ҳам катта вазифалар юклади.

Ҳозирги кунда мусиқа маданияти фани бирданига шакл-ланган фан эмас, балки мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтаётган фан сифатида эътироф этилмоқда. Бу таълим маз-мунида ҳар бир ҳудуднинг санъати ва мусиқа маданияти, урф-одатлари, маросимлари, бадиий анъаналари ўз ифодаси-ни топган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаётни ва атрофдаги гўзалликни билмай туриб тўлақонли бадиий ижодни амалга ошириб бўлмайди.

Мусиқа санъати эстетик дид, ҳиссиёт, идрокнинг бит-мас-туганмас манбаидир. Инсон юрагини ва ақлини забт этувчи мафтункор дунёдир. Инсон доимо гўзалликка инти-лиши ва кундалик ҳаётида шу гўзаллик қоидаларига амал қилиши керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш-да эстетик тарбияга алоҳида эътибор бериши жуда катта аҳамиятга эга бўлган жараён-дир. Ушбу муаммони ечишда мусиқа санъатининг ўрни катта-дир ва эстетик тарбиянинг энг асосий омилидир.

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери қадрланиб келинган, муал-лимларнинг эътиборларига суянган, виждонларига юк-ланган муқаддас бир вазифадир. Фикр инсоннинг шарофатли, ғайратли бўли-шига сабаб бўлади.

А. Авлоний



Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб, шахснинг табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Шунингдек, эстетик фаолиятга боғлиқлигини гўзаллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қобилиятли шахсни тарбиялайди. Эстетик ривожлантириш — бу шахснинг эстетик онги муносабатлари ва эстетик фаолиятининг вужудга келиши ҳақида такомиллашувдан иборат узок давом этадиган жараён дир. Эстетик тарбия шахснинг жамиятга эстетик маданиятини эгаллаб олишга боғлиқ бўлиб, турли йўллар ва шакллар ёрдамида амалга оширилади.

Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати, шунингдек, шахснинг айрим сифатларининг ўзаро таъсири натижасида эстетик маданияти доимо ўзгариб туради, шахс эстетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари бу эстетик онг, идрок, ҳиссиёт, эҳтиёжлар, муносабатлар ва эстетик фаолият дир.

Умуман олганда, эстетик тарбия вазифаларининг тўлатўкис бажарилиши ўқувчиларда ташаббускорлик, ижодкорлик, олдиндан кўра билиш, интилувчанлик, орзу қила билишлик каби фазилатларни шакллантиради.

Ақдан етук, жисмонан соғ, ахлоқан пок, миллий масъулият туйғусини англатадиган ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказган мамлакат мустақил ва барқарор ривожлана олади.

Шунинг учун ўқувчилар нафосат дидларини ривожлантириб, умуминсоний қадриятларни қанчалик кўп ўзлаштирган бўлсалар, шунчалик миллий қадриятларга эга бўладилар.

Юқорида қайд этилган фикр, мулоҳазаларни умумлаштириб шуни айтиш керакки, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишида мусиқа маданияти дарсларида ўтиладиган кўшиқлар, куйлар эшитиш жараёнида бастакорларимизнинг бизга етказиб берган бетакрор намуналари, мусиқа санъати имкониятлари жуда кенглигидан далолат беради.

Мусиқа таълими жараёнида ўқувчиларда мусиқа санъатига нисбатан қизиқиш ва ҳаваснинг ортиб бориши, мусиқа машғулотлари асосида уларда: ҳиссиёт, идрок тарбиясининг

ўсиб бориши, кўшиқларни хушоҳанг куйлаш, мусиқани иштиёқ билан тинглаш, шеърларни таҳлил қилиш орқали мусиқадаги хушсозлик, хушовозлик, яъни гўзалликни сезиш, уни баҳолаш малакалари шакллана бориши алоҳида аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусиқа таълимининг асосий мақсади ўқувчи-ёшларимизнинг нафосат дидларини бадиий асарлар орқали шакллантиришдир. Лекин бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатадики, кўпчилик ёшларимиз нафосат диди ҳақида етарли маълумотларга эга эмаслар.

Инсонда гўзалликни тушуниш бирданига вужудга келмайди, балки у жамият ва одамлар, атроф-муҳит таъсирида шаклланиб боради. Шунга кўра, инсониятнинг бадиий ривожланиш қонунлари ижтимоий ривожланиш қонунлари билан боғланган.

Нафосат тарбияси — энг аввало, ҳар бир кишида бадиий ҳиссиёт туйғуларини, бадиий дидни тарбиялашдир. Бундай юксак нафосатлилик ақл-заковатдан холи бўлади, деган маънони тушунмаслик керак. Шахснинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида бу икки томон бир-бирини тўлдиради. Чинакам санъат асарида ҳиссиёт чуқур ғоявий, ақлий мазмун билан идрок қилиш бирикиб кетади. Нафосат тарбияси ақл билан ҳиссиётни тарбиялаш, янада аниқроқ қилиб айтганда, ҳиссиёт воситаси билан ақлни тарбиялашдир. Бу икки томон бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Донолардан бири „гўзаллик“ ахлоқ-одобнинг туғишган синглизидир, деган эди. Дарҳақиқат, бу жуда тўғри таъриф. Одатда, одоб ва нафосат тарбияси ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Чунки нафосат тарбиясининг натижаси ахлоқ-одобда, чиройли хатти-ҳаракат, гўзал муносабатда ва ҳаётга, келажакка, инсонларга, табиатга муҳаббатда кўринади.

Халқимиз „Камтарлик ҳам хусн“ дейди. Мана шу биргина иборада чуқур маъно бор. Нафосат тарбияси туфайли ёшларда камтарлик ҳислати таркиб топади. Бу ҳислат кишиларнинг энг гўзал, энг чиройли белгисидир. „Кишининг

чиройи юзида“, дейди халқимиз. Бу гўзал табассум кишиларга мисоли қуёш бўлиб, қалбларга нур таратади. Киши бирор асарни ўқиб, чеҳраси ёришиб кетади. Ёки ёқимли бирор куй, ашула тингласа, боши майин тебранади. Бирор гўзал расм, манзарали тасвирга боқиб ундан кўз узолмай қолади, қалби қувончга тўлади. Хунук хатти-ҳаракатидан нафратлана билиш туйғусини ҳам нафосат тарбияси пайдо қилади. Бунда бадий асарларнинг роли муҳимдир. Масалан, „Зумрад ва Қиммат“ эртагида Қимматнинг хулқ-атвори, қилиқлари, хатти-ҳаракати ўқувчи қалбида нафрат ўйғотади. Зумраднинг теварак-атрофга муносабати, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, сезгирлиги, ширинсўзлиги каби хислатлари эса, аксинча, қалбларга қониқиш, қувонч, илиқлик, табассум, унга хайрхоҳлик пайдо қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, айрим ёшлар гўзалликни тор маънода тушунади. Яъни чиройни кўпинча хусну жамолда деб билишади, бир томонлама тушунишади. Ҳар томонлама тўлиқ маънода эса чирой, хусн-жамол қалб гўзаллигида, маъноли сўзидадир. Халқимиз ҳам „чирой хусни жамолда эмас, фазлу камолда“ деб беъжиз айтмаган! Гўзаллик тарбиясида шу нарсага эришиш керакки, ташқи қиёфани ҳаддан ташқари безайвермасдан, асосан, маънавий оламини безаш учун интилиш лозим. Шундай экан, бошланғич синфларда одоб гўзаллигига эришишимиз зарурдир. Бунинг учун ўқитувчиларимиз гўзал илм билан қуролланган бўлишлари муҳимдир. Бундан мақсад ўқувчи-ёшларга гўзаллик асосида тарбия беришдир.

Эстетик, яъни гўзаллик тарбиясини сингдиришнинг аҳамияти катта. Бундай тарбия, аввало, ёшларнинг турмушдаги гўзаллик ва хунукликни тушуниш, ҳис этиш орқали маълум бир кайфиятни шакллантиради, уларга гўзалликдан завқланиш, хунук қилиб, хатти-ҳаракатлардан нафратлана олиш қобилиятини пайдо қилади, кишиларнинг маънавий фазилатли бўлишига етаклайди.

Хуллас, эстетик дид, идрок, эстетик қобилият, ҳиссиёт маданияти бирданига пайдо бўлмайди, табиатдан тайёр ҳолда

берилмайди. Ҳар қандай инсоний қобилият қаторида гўзаллик туйғуси ҳам тарбиялаш, ривожлантириш, такомиллаштиришга муҳтождир. Буларнинг ҳаммасида инсон гўзаллиги намоён бўлади. Халқимиз „Яхши хуснингни ёмон хулқинг бузади“, деб бекорга айтмаган.

Нафосат тарбияси барча ёшдаги кишиларга баб-баравар зарур. Аммо бутун тарбия тизимида, амалда исботланганидек, нафосат тарбиясини сингдиришни инсоннинг болалик давридан бошлаш ниҳоятда муҳим, бу давр инсон ҳаётида иродавий дид, гўзаллик туйғуси ва ҳаётий тушунчанинг пайдо бўлиши ва шаклланиши давридир.

Болаликда ақл-фаросат, ахлоқий кўникмаларни тарбиялаш билан бир қаторда, уларга чиройли, нафис, гўзал нарсалардан завқ ола билишни, гўзалликни дағалликдан, кўполликдан тез ажрата олиш қобилиятини тарбиялашимиз керак.

Нафосат тарбиясининг асоси оиладан бошланади, гўдаклик даври вақтида овқатланиш, ухлаш тартибига риоя этиш, уйда озодалик, саранжом-саришталик, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат бола қалбида ўчмас из қолдиради. Бола олдида беҳад сўзларни айтиш, бачкана қилиқ, хатти-ҳаракатлар қилиш бола тарбиясига ёмон таъсир этади. Нафосат тарбияси орқали овқат пишириш, дастурхон атрофида ўтириб овқатланиш жараёнидаги азалий шарқона одат, одоб қоидаларига амал қилиш ўргатилади. Оила гўзаллик тарбиясининг биринчи ўчоғи бўлса, ундан кейин мактаб, ўқитувчи, тарбиячи ўғити, жамоатчилик, катталар таъсири таълим-тарбияда муҳим ўрин тутди. Мана шу жараёнда боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати кузатиб борилиши, хатолари сабр-чидам билан тузатиб турилиши лозим.



UDK 494.375:370.1

**ONA TILI TA'LIMI JARAYONIDA  
O'QUVCHILARDA VATANGA  
MUHABBAT TUYG'USINI  
TARIBIYALASH USULLARI**

**SH. NISHONBOYEVA**  
**QDPI 3-bosqich talabasi**

**Ilmiy raxbar: Katta o'qituvchi**  
**H. AHMEDOVA**

*„Biz o'sib kelayotgan yosh avlodni chinakam ma'naviyatli va ma'rifatli, o'z Vatani uchun jonini ham fido qila oladigan kelajak egalari qilib voyaga yetkazmog'imiz kerak“*

(I.A. Karimov)

Darhaqiqat, yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek, yosh avlodni ilmi, axloqli va o'z Vatanga, xalqiga sadoqatli qilib tarbiyalash har bir shaxs oldidagi asosiy vazifalardan bo'lmog'i zarur. Har bir avlod oldida insoniyat yaratgan jamiki boyliklarni, bilimlarni o'rganish, o'zlashtirish va rivojlantirish vazifasi turadi.

Vatanimiz mustaqillikka erishgach, davlatimiz iqtisodiy va siyosiy jihatdan rivojlanib, xalqaro maydonda obro'si mustahkamlanib borayotgan bir paytda o'quvchi yoshlarni Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash, ularda milliy urf-odatlariga muhabbat uyg'otish, tarixga hurmat, kelajakka ishonch bilan qarashga o'rgatish biz o'qi-

tuvchilarning, ayniqsa, til va adabiyot o'qituvchilarining asosiy vazifasidir.

Ona tili darsliklaridan o'rin olgan Vatan mavzusidagi matnlar o'quvchilarni mamlakatimizning ijtimoiy-siyosiy hayoti va xalqning jangovar mehnati bilan tanishtirishga yordam beradi. Darsliklardagi

**Inson yuksak kamolotga erishuv yo'lida harakat qilganidek, aqliy bilishga ham harakat qilsa, hech shubhasiz, o'zi intilayotgan so'nggi darajadagi baxt-saodatga erishadi.**

*Abu Nasr Farobiy*

Vatanga, insonga, uning e'tiqodi va ma'naviyatiga bag'ishlangan mavzularni o'rganish o'quvchilarni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashda alohida o'rin tutadi. Istiqlol tufayli erishgan yutuqlarimiz, xususan, ozod Vatanimizning ramzlari: bayrog'i, tamg'asi, madhiyasi haqidagi asarlar, matnlar milliy g'urur tuyg'ularini tarbiyalashga xizmat qiladi.

5-sinf darsligida bolalar uchun Vatan va uning tabiati, insoniy qadriyatlari haqida kichik-kichik matnlar berilgan. Darslikning dastlabki sahifalaridayoq Vatan haqidagi maqollar aks etgan 10 ta mashq berilgan:

1. Vatanni sevmog imondandur.
2. Ona yurtning omon bo'lsa, rang-u ro'ying somon bo'lmas.
3. Bulbul chamanni sevar, odam Vatanni.
4. O'z yurtningning qadri o'zga yurtda bilinadi.
5. Qush ham iniga qarab intiladi.

O'qituvchi mazkur mashq bajarilgach, mashq yuzasidan savol-javob o'tkazadi:

1. Bizning Vatanimiz qayer?
2. Mustaqillik nima?
3. Nima uchun Vatanni onaga qiyoslaymiz?
4. Nima uchun serquyosh O'zbekiston deb ataymiz?
5. Yurtimiz boshqa o'lkalardan qanday farq qiladi?

Savollarga javoblar olingach, mashqdagi maqollar sharhi so'raladi. O'quvchilar aytgan o'rinlar o'qituvchi tomonidan to'ldiriladi. O'quvchilardan Vatan, yurt to'g'risida qanday maqollar, she'rlar, rivoyatlar bilishi so'raladi.

Jannatmakon o'lka — O'zbekiston haqidagi rasmlar, ko'rgazmalar ko'rsatib, o'quvchilar bilan hikoya tuzdirilishi mumkin, shuningdek, bevosita darslikdagi „Ayrim unlilar imlosi“ mavzusiga bog'lanadi.

6—7-sinfda shakl va mazmun jihatdan uncha murakkab bo'lmagan Vatan, ona tabiat, istiqlol, kishilarning hayoti va mehnati, axloqiy munosabatlar haqidagi matnlarni o'qiydilar, shu mazmundagi matnlardan iborat mashqlarni bajaradilar.

8—9-sinf darsliklarida berilgan matnlar mavzulari ko'lami ancha kengaygan. Bu sinflarda ona tili darslarining kattagina qismi matn

ustida ishlashga qaratiladi. 8-sinf darsligida Ona yurt sog'inchi (T.Sodiqova) matni berilgan.

Ona yurt sog'inchi.

Vatan nima o'zi? Vatan — ona allasi taralgan, beshiging izlari chizilgan zamon. Ajdodlaring ko'milgan qabriston, ota-onangning izlari qolgan ko'chalar, sening lahjangda so'zlashadigan, qosh-u ko'zi xuddi sening kabilar yashaydigan qadrdon yer — Vatandır!

Birinchi bor bahorni tanigan, ilk bor varrak uchirgan, birinchi marta hayitlik olgan joying, birinchi o'qituvchi, birinchi muhabbatingni tanitgan makon — Vatandır.

O'z jonidan yaratgani uchun ham ona yaxshi-yu yomon bolasini tishida tishlab o'tadi. Vatan ham o'shanday bag'ri keng. Qadamlaringni ko'ksiga qo'yib, suyab yashaydi seni. Osmoni ko'rpang, maysasi dimog'ingni bosib yotadigan muattar bolishingdir. Vatan mung'aygan tandirli pastakkina tomli kulbangdan boshlanadi. Unga bo'lgan muhabbating ham shu ostonada tug'iladi.

Suhbatlar, hikoya qilishlar o'qilgan matnlar mazmuni bilan uzviy bog'langan bo'lishi, mavzuga qiziqish uyg'otishi, o'quvchilarni hishayajon bilan o'qishga tayyorlashi va matnni to'g'ri tushuntirishga yordam berishi zarur.

Darsda o'quvchilarning faolligini oshiradigan, tasavvurlarni boyitadigan usullardan foydalanish, matnni davom ettirish, qiziqarli mavzularda og'zaki hikoyalar tuzdirish kabi ijobiy topshiriqlardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

O'quvchilarni Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalash insonning o'z shaxsiy manfaatlarini jamoa, yurt, el-ulus manfaatiga moslashtira olish tarbiyasi demakdir. Bu esa o'quvchilarning o'z manfaatlarini ham jamiyat manfaatlarini ham farqlay olishni, ularni to'g'ri tushunishni, soxta qadriyatlarga, jozibali, ammo puch va g'arazli chaqiriqlariga uchmaslikni, aldanmaslikni talab etadi.

Ana shunday tarbiyani singdirishimizda ona tili darslari va sinfdan tashqari tarbiyalarning o'rni beqiyos.

Ona tili ta'limi jarayonida o'quvchilarni Vatanga muhabbat ruhida tarbiyalashda quyidagilarga e'tibor qaratmoq lozim:

- Vatan nimaligini, u qayerdan boshlanishini;
- Vatan sarhadlari bepoyonligini;

- Vatanimiz jahon ko'zgasida bir naqsh kabi ekanligini;
- Vatanimizdan jahonni lol etgan allomalar yetishib chiqqanini;
- Vatanimiz xalqi mehmondo'st va samimiy ekanligini;
- O'zbekiston ko'p millatli yurt ekanligini;
- Vatanimiz xalqi doimo tinchlik, do'stlik tarafdori ekanligini;
- Vatan sajdagoh kabi muqaddas ekanligini;
- Vatanni doimo asrash, avaylash zarurligini ona tili ta'limi jarayonida singdirib boriladi. Bunda quyidagilarga e'tibor qaratiladi:

- 1) kirish suhbatlariga;
- 2) darsliklardagi mashq va matnlariga;
- 3) rasm asosidagi matnlarga;
- 4) qoidalarni dalillash uchun, til qonun-qoidalarini tushunish uchun keltirilgan misollarga;
- 5) diktant va insholar mavzusiga;
- 6) sinfdan tashqari o'tkaziladigan tadbirlarga:

Shundagina o'quvchilar astoydil o'qishga va o'rganishga harakat qiladilar.

Zero, biz bo'lajak pedagoglar, ya'ni o'qituvchilarning ham eng muhim vazifasi o'quvchilarni o'z aziz Vatanlariga sadoqatli, vatanparvar yoshlarni tarbiyalashdir.





## ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ИЖОДИЙ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ (Мактаб чизмачилиги мисолида)

**МАФТУНА ПАРДАЕВА,  
Т.С-403 гуруҳ талабаси  
ТДПУ катта ўқитувчиси М.ХАЛИМОВ.**

Маълумки, жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълимнинг бугунги кундаги вазифаси ўқувчиларнинг ахборот-таълим муҳити шароитида, ҳар хил ўйинли технологиялар асосида, мустақил равишда ахборот технологияларидан оқилона фойдалана олиши, ўқитишнинг янги технологиялар асосида ташкил қилишга ўргатишдан иборат. Умумий ўрта таълим тўққиз йиллик мажбурий характердаги умумий ҳамда уч йиллик мажбурий-ихтиёрий характердаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидан иборат. Умумий ўрта таълим бошланғич таълимни ҳам қамраб олади. Мазкур босқичда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари, уларда билим олиш эҳтиёжининг юзага келиши, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларнинг ўзлаштирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатлар, меҳнат, ижодий фикрлаш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, касб танлаш кўникмаларининг шаклланиши учун педагогик шарт-шароит яратилади.

**Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўжизадир.**

*И.А. Каримов*

Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат ўқувчиларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эгалликларини белгилайди. Маълумки, тўққиз йиллик (I—IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбу-

рий бўлиб, таълимнинг бу турида ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлар, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Таълимни ташкил этишдан кўзланган мақсад эса ёш авлодга чуқур билим бериш, улардаги мавжуд лаёқат ва истеъдодларни ривожлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ёшлар орасидан билимли, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактаб ўқувчилари „Чизмачилик“ фанидан назарий билимларини ва амалий кўникмаларини яхши ҳамда мукаммал ўзлаштириб олишлари учун кўп машқ қилишлари лозим бўлади. Чизмани ўқишга ўргатиш ўқувчиларнинг чизмада тасвирланган предметга, унинг тузилиши ва таркибий қисмлари тўғрисида аниқ оғзаки тавсиф бера олиш, тўлиқ таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш демакдир. Ўқувчиларда буюм чизмасини бажаришга доир ва бирор жисм ёки моделнинг берилган чизмасини ўқишга оид топшириқни бажаришда, уларга таниш бўлган геометрик жисмларнинг ёки реал буюмларнинг геометрик шаклини фикран аниқ тасаввур қила билиш қобилиятларини ривожлантириш ва фазовий тасаввурларининг захирасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш керак бўлади. Фикран тасаввур қилиш қобилияти етарли ривожланмаган тақдирда бирор нарсани график равишда тўлиқ ва тўғри тасвирлаш қийин бўлади. Ҳақиқатан ҳам биз чизмани кўздан кечириб унда тасвирланган нарсанинг узунлиги, эни ва баландлиги ҳамда унинг элементларининг таркибий қисмлари ва шартли белгиларини ўрганиб чиқиб, нарсани кўз ўнгимизда яққол тасвирини гавдалантириб чизмасини ўқиймиз. Шундай қилиб чизмани ўқиш деганда нарсаларнинг бажарилган тасвирларига асосан унинг ташқи ва ички тузилишларини билиб ҳамда фаҳмлаб бир бутун образни тасаввур қилиш, унинг ўлчамларини, ишлов бериш усулларини

билиш тушунилади. Булардан кўриниб турибдики, чизмани ўқишда фазовий тасаввур энг асосий кўрсаткич экан, шу сабабли ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини паст бўлса, улар чизмани ўқишда қийналадилар ва чизмачиликка бўлган қизиқишлари сусайиб боради. Шунинг учун биз мактаб чизмачилик дарсларига бутун эътиборимизни қаратиб, ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини оширишга бор куч-ғайратимизни жалб қилишимиз зарур бўлади. Шундагина биз ёшларни келгусидаги таълим босқичига (касб-хунар коллежларига) тайёрлаган бўламиз. Замонавий ўқитувчи келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ҳамда тарғиботчиси бўлиши керак. Ҳозирги кунда мактаб ўқув режаларига ўзгартиришлар киритилиб, ҳар бир фанга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, шу жумладан, чизмачилик фанларига ҳам аҳамият катта бўлиб, ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ошириш учун турли методлар ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда. Хусусан, чизмачилик фанларини ўқитишда ижодий ўйинлардан фойдаланиш ўсиб келган ёш авлоднинг фазовий тасаввурларини кенгайтиришга, графикага оид билимларни реал ўзлаштиришга, идрок этиш самарадорлигини ошириш ҳамда ижодий фаоллигини ҳар томонлама камол топтиришга замин яратади. Ўйиннинг тарбиявий мақсади ўқувчида мустақиллик, иродани тарбиялаш, муайян ёндашувлар, нуқтаи назарлар, маънавий, эстетик дунёқарашни шакллантиришдаги ҳамкорликни, жамоага киришиб кета олишни, коммуникативликни тарбиялашга қаратилади. Ўйинлар куйидаги асосий йўналишларда бўлади:

- *дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;*
- *ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди;*
- *ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;*
- *ўқув жараёнига дидактик вазифа ўйинга айлантирилган тарзда мусобақалашини унсурлари киритилади;*
- *дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.*

Ўйин — фаолиятнинг бир тури бўлиб, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хатти-ҳаракатлари-

ни такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Ўйинларнинг мақсади, вазифаси ва қўлланилиши ҳар хил ва ранг-барангдир. Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Бу борада ўзбек методист-олимларидан профессорлар Э.Рўзиев, Т.Рихсибоев, доцентлар И.Раҳмонов, М.Ш.Исаева, А.Абдураҳмонов, А.Аширбоев, катта ўқитувчилар Л.А.Кузина, З.Мирзалиев ва бошқалар кўпгина изланишлар олиб борган бўлсалар, биринчилардан бўлиб доцент И.Раҳмонов муаллифлигидаги „Чизмачиликдан дидактик ўйинлар“ номли китобида таълим жараёнида фойдаланишга мўлжалланган бир неча дидактик ўйинларни келтириб ўтган. Бу китоб ҳанузгача ўз қимматини йўқотмаган ва таълим муассасаларида таълим жараёнига татбиқ қилиниб келинмоқда.

Ҳозирги кунда билим бериш технологияларининг узлуксиз ортиб бориши билан ўқувчиларда ўқишга нисбатан муносабатлари ўзгариб, бу билимларнинг барчасини ўзлаштириб олиш имкониятини камайтирмоқда. Ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан қизиқишларини ошириш учун уларга мавжуд билимлардан фойдаланиш, уларнинг фазовий тассавурини ошириш учун мавжуд билимларни қайта тиклаш стратегиясини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, ўйин ёш танламайди, ўйинни гўдак боладан тортиб мўйсафидларгача ўйнаши мумкин. Лекин одамлар ўз ёшига мос ўйинларнигина ўйнайдилар. Психологларнинг таъкидлашича, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади. Масалан, ёш ўқувчилар ҳаракатли, ижодий характердаги ўйинларга, катта ёшдагилар эса, кўпроқ ақлий фаолиятни талаб қиладиган ўйинларга мойиллиги кучли бўлади. Ҳар бир ўйин халқ педагогикасининг маҳсули ҳисобланиб, ўқитувчилар ҳам дарс жараёнида ушбу ўйинларнинг баъзи элементларидан самарали фойдаланишлари мумкиндир. Булар дидактик ўйинлар таркибига кирувчи ҳаракатли, ижодий, сюжетли-ролли, ишби-

лармонлар ўйинлари, конференциялар, ўйин-машқлар ва бошқалардир. Бу номлари келтирилган ўйинлар жамоавий ўйинлар, якка тартибдаги ўйинлар ва шу билан бирга ўқув материални ўзлаштиришга мўлжалланган ўйинлар ҳам бўлади. Улар таълим берувчи ўйинлар, билимни аниқлашга мўлжалланган ўйинлар, олган билим ва малакани мустаҳкамлашга мўлжалланган ўйинлар, ижодий характердаги ўйинлар ва бошқаларга бўлинади. Чизмачилик дарсларида ижодий характердаги ўйинларни қўллаш ва ўтказиш катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бундай ўйинларнинг асосий мақсади ва вазифаси ўқувчилар фазовий тасаввурларини ривожлантириш ва фаоллаштиришдан иборатдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқитувчилар чизмачиликнинг графика соҳасига жиддий эътибор бериб, чизмани ўқишга кам эътибор қаратмоқдалар. Шунинг учун чизмачилик дарсларининг ярмидан кўп вақти график ишларни бажариш билан ўтмоқда. Психологик нуқтаи назардан ҳадеб бир хил ишни бажариш инсоннинг миёсига салбий таъсир қилади ва чарчашни келтириб чиқаради. Амалиётда шуни кузатиш мумкинки, ўқувчилар бир дарснинг дастлабки 10—15 дақиқасида 10 та сўздан 9 тасини эслаб қолишини, яъни 90 % ўзлаштиришини, кейинги 5 дақиқада янги билимлар ололмаслиги ва эски билимлар билан ишлашини, навбатдаги 20—25 дақиқасида 10 та сўздан 6 тасини эсда сақлашини, яъни 60 % ўзлаштириши аниқланган. Ана шу изланишлар натижаларига кўра чизмачиликдан ижодий ўйинларни дарснинг 15—20 дақиқасидан кейин 5—6 дақиқа ўқувчиларнинг ишини алмаштириш ва фаоллаштириш ҳамда ўтилаётган мавзуга эътиборни қаратиш мақсадида ўтказиш мумкин. Ўйинларда шўхлик қилиш, ортиқча ҳаяжонланиш ўқувчилар учун табиий ҳолдир. Сабаби, ўқувчилар ўйинларда ўзларини эркин тутадилар ва ўзларига жуда юқори талабларни қўядилар, қийин вазиятлардан ўзларича чиқишга ҳаракат қиладилар. Шунда, ўзича ҳаракат қилган, ўзига ишонган ўқувчилар ҳар қандай қийинчиликни, мушкулликни енгишга қодир бўлади. Шунинг учун улар чизмачилик дарсларида ижодий ўйинлар ўтказилаётганда чизмалардаги тасвирлар ёки модель яққол тасвирларини юзаки идрок қилиб, бошқа кун-

далик маиший рўзгор буюмларига ўхшатишлари табиийдир. Ўқувчиларнинг бу хусусиятларидан фойдаланиш мақсадида модель ёки деталларни ҳаётдаги нарсаларга таққослаш орқали уларни мустаҳкам идрок қилишга эришиш керак. Шундагина уларнинг фазовий тасаввурини оширишга эришиш мумкин бўлади. Қуйида „Чизмачилик“ фанининг проекцион чизмачилик бўлимига тегишли мавзуларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ижодий ўйинлар келтирилган.


**1-ўйин номи:** Зукко ўқувчи.


**Ўйин шарти:** берилган кўринишларга мос яққол тасвирни топиш орқали яширин сўзни аниқлаш. 1-чизма.

**Мақсад:** ўқувчиларнинг чизмани ўқиш малакаси ва фазовий тасаввурини ошириш, кўринишларни таҳлил қилиш ва яққол тасвир билан қиёслашга ўргатиш.


**Жиҳозлар:** рақамланган деталь кўринишлари тасвирланган карточкалар. Деталь кўринишига мос техник расмлар ҳамда гап бўлаги яширинган карточкалар.

**Ўйин тафсилоти:** ўқитувчи гуруҳни иккига бўлади. Ҳар бир гуруҳга тартиб рақами қўйилган деталь кўринишлари карточкалари ҳамда унга мос бўлган деталь техник расмлари ва гап бўлаги алифбо тартибида белгиланган ҳолда тарқатилади. Ўқувчилар белгиланган вақт ичида деталь кўринишига мос яққол тасвирларни тўғри аниқласалар, француз олими Г.Монжнинг „Чизмачилик“ фанига оид айтган сўзини библио олишлари мумкин. 2-чизма.





1-чизма.



2-чизма.

2-ўйин номи: Ўйла, изла, топ.

Ўйин шарти: берилган кўринишларга мос яққол тасвирни яшаш. 3-чизма.

Мақсад: ўқувчиларнинг чизмани ўқиш малакаси, фазовий тасаввурини ва ижодий фаоллигини ошириш.

Жиҳозлар: иккитадан кўриниши берилган (V ва H кўри-ниш) тахта (доска), намуна, чизмачилик ўқув қуроллари.

| V<br>H |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--------|--|--|--|--|--|--|--|--|
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |
|        |  |  |  |  |  |  |  |  |

3-чизма.



**Ўйин тафсилоти:** ўқитувчи гуруҳни иккига бўлади. Ҳар бир гуруҳга моделнинг икки кўринишидаги (V ва H кўриниш) тахта (доска) берилади. Ҳар иккала гуруҳ белгиланган вақтда 8 вертикаль ва 8 горизонталь катاكلардаги модель кўринишларига мос бўлган яққол тасвирларни бажаришлари мумкин бўлади.

Биз юқорида айтиб ўтган ижодий ўйинларни нафақат мактаб чизмачилиги дарсларида, балки касб-ҳунар коллежлари чизмачилик дарсларида татбиғи фаннинг такомиллашуви-га, дарс самарадорлигини оширишга ёрдам берибгина қолмай, ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ва чизмачилик фанига бўлган қизиқишини оширади. Асосийси, ўқувчиларнинг барча имкониятларини, амалий кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки, ижодий ўйинлар бошқа методлардан шуниси билан ажралиб турадики, бунда ўқувчи жамоа билан ишлайди, гуруҳда баҳо учун рақобат кучаяди, эркин фикрлашга ўрганади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *I.Раҳмонов. Chizmachilik (9-sinflar uchun).* — Т.: O'zbekiston, 2010.
2. *И.Раҳмонов. Чизмачиликдан дидактик ўйинлар.* — Т.: Ўқитувчи, 1992.
3. *И.А.Воротников. Занимательное черчение.* — М., 1990.
4. *Ж.Хасанбоев ва б. Педагогика назарияси (Дидактика).* — Т.: Фан ва технологиялар, 2011.

## ТАЛАБАЛАРНИ ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ИЖОДИЙ ЛОЙИХАЛАШ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ

МАФТУНА ПАРДАЕВА

Низомий номидаги ТДПУ 4-босқич  
талабаси

Бугунги кунда республика ҳукуматининг қарор ва ҳужжатлари Ватанимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари талаблари даражасида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналари ва уларнинг яратилиш тарихидан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Таълим-тарбия ишларини янгилаш тўғрисида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналиши, жаҳоннинг илғор давлатлари эришган ютуқлари билан тенглашадиган, аммо ўзига хос жиҳатдан фарқ қиладиган, мукамаллашган таълим-тарбия тизимига айлантириш ҳозирда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Илмий-техника тараққиётининг ҳозирги замон талабларига мос келадиган шахсни камол топтириш, уларда „график саводхонлик“ни ва ижодкорликни тарбиялаш ҳамда яхшилаш бугунги ва эртанги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Булар қаторига ёшларни лойиҳалаш ишларига йўналтириш масалалари ҳам кирди.

Инсоннинг кийимига  
қарама, билимига қара. Илм  
— бу ота, балки у сўз бериш-  
да онадан фойдалироқдир. У  
ёмонликни тузатиш учун  
ҳамма нарсадан яхшироқдир.

*Маҳмуд Аз-Замахшарий*

Лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият (мослама, машина ва бошқ.) ижодий фикрлаш ва изланиш билан боғлиқ бўлади. Чизмачилик фанида бу борада дастлабки қадамларни бир неча адабиётлар муаллифлари А.Д.Ботвинников, В.А.Гервер, А.В.Мерзон ва авиаконструктор А.Н.Туполевнинг ишларида кўриш мумкин. Хозирда ўзбек методист-олимларидан И.Раҳмонов, А.Умронхўжаев, П.Одилов, Т.Рихсибоев, А.Аширбоев ва бошқалар ҳам бу борада салмоқли ишлар олиб бормоқдалар.

Техник ижодиёт доирасида ноёб муҳандислик фикрига эга бўлган истеъдодли ёшларнинг камайиб бориши ҳам бир ташвишли ҳолдир. Ўзига хос ноёб фикрловчи конструкторлар, ихтирочилар ва лойиҳачилар бўлмаса, рақобатбардош техникани яратиш мушкулдир. Бундай ёшларни мактабдан бошлаб тарбиялаш зарур бўлади. Агар бу жараёнга умумтаълим мактаблари барча фанлари жалб қилинса, улар орасида чизмачилик фанининг имкониятлари ниҳоятда кенгдир. Чунки, ҳар қандай оддийдан тортиб ўта мураккаб буюм, механизм ва архитектура-қурилиш иншоотларини ишлаб чиқишда ижодий изланувчи лойиҳачилар, биринчи навбатда, ҳаёдан ўтказиб, сўнгра қоғозга чизма кўринишида тасвирлайдилар. „Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси“ таълим йўналишида ўқитиладиган „Чизмачилик“ фанида „Лойиҳалаш элементлари. Лойиҳалаш ишларининг принциплари“ мавзусига 2 соатли маъруза ажратилган. Унда талабаларга лойиҳалаш элементлари, хусусан, ўйиб олиш орқали деталь ҳосил қилиш, деталнинг тарқоқ элементларини бирлаштириб, ягона кўринишга келтириш ҳамда мавзуга оид бажариладиган график амаллар хусусида маълумотлар берилади. Умуман, чизмачиликда „Лойиҳалаш масалалари“ дейилганда, кўпинча, у ёки бу детални, мосламани, машина ҳамда иншоотларни шаклан ва мазмунан ўзгартириш назарда тутилади. Бу ўзгартиришлар уларнинг таркибига янги конструктив элементлар киритиш, қисмлари-

ни реконструкциялаш, олдингисидан унумли, арзон ва қулайликларни таъминлайдиган турини яратишни талаб қилади. Масалан, фойдаланиб келинаётган бирор мосламани қайта лойиҳалаш натижасида уни яхшироқ ва унумлироқ қилиб такомиллаштирилади. Яъни мосламанинг янги ғоя билан мақбулроқ варианты ўйлаб топилади. Бу ерда ўз-ўзидан маълумки, излаб топилган натижа бир хил эмас, аксинча, кўп ечимли бўлиши ҳам мумкин.

Лойиҳалаш ишлари амалда график саводхонлик, технологик билимлар, конструкциялаш ва техник фантазия қилиш малакасига ҳамда тажрибаларига таянади. Янги лойиҳа дастлаб ижодий изланувчининг онгида фикран яратилиб, конструкторнинг ғоясини ифодаловчи восита бўлиб хизмат қилади. Яъни лойиҳа, ғоя ечими бўлган фаразнинг онгда яратилиб, унинг ёзма ва чизмаларда баён қилинишидир. Лойиҳалаш жараёнидаги ижодий изланувчанлик фаолиятининг муваффақиятли томони ҳам ана шундадир. Чизма ғоянинг ўзига хос маҳсули ёки мақбул бўлган фикр (ғоя)ни ишлаб чиқиш учун бажарилган бирламчи воситадир. Шунинг учун ҳам чизмачилик лойиҳаларида асосан график жиҳатларини ўрганамиз. Бу жараённи амалга оширишда машина деталларининг шакли, оғирлиги ва ўлчамларининг ўзгариши табиийдир.

***Лойиҳалаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:***

1. Биринчи босқич — *Берилган объект технологик жараён, буюм, асар ва нарсаларга оид техник ва тежамкорлик талабларини ҳал қилиш;*

2. Иккинчи босқич — *Объектни — қўйилган муаммонинг мақбул ечимини ижодий маҳсули сифатида излаб топиш ва лойиҳалаш.*

Янги конструкцияни жорий қилиш ёки амалдагиси модернизацияланганда турли техник ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва шунга ўхшаш талаблар бажарилади. Бу талаблар қуйидагича:

- амалдаги технологияларни ва конструкцияни соддалаштириш;
- материалларнинг мустаҳкамлик имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш;
- буюмга ишлов беришда чиқиндиларни камайтириш мақсадида деталнинг шаклини мақбул танлаш ҳамда чиқиндисиз технологияни ишлаб чиқиш;
- пардозлаш ишларида қўл меҳнатини камайтириш, материални тежаш;
- деталларнинг хизмат муддатини ошириш ва ҳоказо.


Лойиҳалашга оид масалаларни ечишнинг бошқалардан фарқ қиладиган асосий хусусияти шундан иборатки, уларнинг ечими кўп вариантли бўлишига қарамай, масаланинг шарти бўйича муайян техник-технологик ва иқтисодий талабларнинг бажарилиши билан характерланади.

Ушбу мақолада талабаларнинг ижодий лойиҳалаш кўникмалари ва фазовий тасаввурини ошириш талаб қиладиган масалаларнинг турли ва мақбул вариантларини яратишга топшириқлар келтирилган. Талаба бор билимини кўйилган вазифага қўллаб, ижодий изланишлар, таҳлил ва қиёслашлар натижасида малакасини ошириб бориш мумкин деб ҳисоблаймиз.


Куйида талабаларнинг бундай сифатларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи масалалар кўриб чиқилган.

**1-мисол.** Призманинг ингичка чизиқлар билан берилган қирраларини ва улар ётган ёқларини ўйиб ёки йўниб унинг бир неча вариантлари лойиҳалансин (1-шакл).

Талабалар бор билимларини сафарбар қилиб, ўзак призмадан бир-биридан фарқ қилувчи учта предметни лойиҳалашлари мумкин деган хулосага келадилар (2-шакл). Яъни ўзак призмани ўйиб ва йўниб ярим призма деб битта ва унинг оғма текислиги ўрнида қавариқ ёки ботиқ цилиндрик сиртлар билан чегаралаб яна иккита вариантини яшаш мумкинлигини англаб етишлари мумкин.




1-шакл.




2-шакл.

**2-мисол.** Учта тешик берилган бўлиб, биринчи, учинчи тешикка қопқоқ ва учинчисидан тифиз ўтадиган деталь ясалсин (3-шакл).

Талаба берилган тешикларга қопқоқ ва тифиз ўтадиган деталнинг учта кўринишини бажариш учун фикран ижодий изланишлар натижасида, унинг битта проекцияси 3-шаклдагидек, чапдан кўриниши тешикларнинг кўринишлари комбинациясидан иборат бўлади деган хулосага келишлари мумкин (4-шакл).




3-шакл.




- 1—цилиндр;
- 2—тўрт ёқли призма;
- 3—уч ёқли призма.

4-шакл.

**3-мисол.** Қирралари узиб қўйилган кубнинг учларини турли кўринишда бирлаштириб, ўйиб ва йўниб унинг бир неча вариантлари лойиҳалансин (5-шакл).



5-шакл.



6-шакл.

Талабалар биринчи мисолдаги каби ўзининг чизмани ўқиш бўйича ўзлаштириб олган тушунча, кўникма ва малакалари асосида бу масаланинг ечимини 6-шаклдагидек тўртта ёки ундан ортиқ вариантда лойиҳалаши мумкин.

Юқоридаги таклиф қилинган мисоллардан асосий мақсад, биринчидан, талабаларни ижодий лойиҳалаш малакаларига йўналтириш, яъни уларнинг график вазифаларни бажаришда ижодий изланиш қилиб, ўз билимларини масалаларнинг ечимига татбиқ қилиш бўлса, иккинчидан, уларнинг келгусида турли танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этишларига замин яратишдир. Бу эса, ўз навбатида, талаба танламоқчи бўлган мутахассислигига асос бўлиб, келгуси амалий фаолиятларида муаммоларни ечишда зарур бўлган янгича ёндашувларни вужудга келтиради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ahirboyev A.* Chizmachilik. —Т.: Yangi nashr, 2008.
2. *Raxmonov I.* Chizmachilik. O'qituvchi kitobi. —Т.: O'zbekiston NMIU, 2010.
3. *Гервер В.А.* Творческая работа по черчению. —М.: „Промсвещение“, 1996.
4. *Yodgorov J.* va boshq. Geometrik va proyeksion chizmachilik. —Т., 2007.



## LUG'AT — SO'Z XAZINASI



**IKROMJON HABIBJONOV — Muqimiy  
nomidagi Qo'qon davlat pedagogika  
instituti talabasi,  
Ilmiy rahbar: RASHID SHUKUROV —  
fil. fan. nom., dotsent.**

So'z libosdir, ma'no — yashirin asror,  
Ma'nosini bilay deb, ayla yuz takror.  
So'z pinhon ma'nasin qilmasa oshkor,  
Necha qayta o'qi — barchasi bekor.

*Rashid Shukurov*

Yosh avlodni ruhan sog'lom va yuksak ma'naviyatli qilib kamol toptirish ularni madaniy merosimizdan bahramand qilib tarbiyalashni taqozo etadi.

Shu nuqtayi nazardan, adabiy merosimiz namunalari bo'lgan mumtoz asarlarni o'quvchilarga imkon qadar chuqur va ilmiy asosda o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi. O'quvchilarning mumtoz asarlar mazmunini to'laqonli tushunishlarida esa lug'atlarning o'rnini kattadir.

**Aql-idrokli odamlarning nafi har doim ko'pchilikka tegib turadi. Bilim egalari esa elda aziz bo'ladi, hurmat qozonadi. Butun ishlar uquv-idrok bilan amalga oshadi. Barcha murakkab ishlar bilim bilan hal etiladi.**

*Yu.H. Hojib*

Lug'at dastlab eramizdan oldingi beshinchi asrda Gretsiyada yuzaga kelgan. Lekin qadimda faqat tushunilishi qiyin, eskirgan, kam qo'llaniladigan yoki boshqa tilda yozilgan matnni tushunish uchun zarur bo'lgan so'zlar lug'ati tuzilgan.

Keyinchalik adabiy tillarning yuzaga kelishi, ijtimoiy va madaniy taraqqiyot taqozosi bilan lug'at-

larning xilma-xil yangi turlari maydonga keldi. Lugʻatlar oʻz oldiga qoʻygan maqsad va vazifalariga koʻra lingvistik (filologik) va nolingvistik lugʻatlarga boʻlinadi.

Lugʻatlar oʻquvchilarning ijodiy tafakkuri, mustaqil fikrlash darajasi, ijodiy fikr mahsulini ogʻzaki va yozma shakllarda ravon bayon etishga olib keladigan behad qimmatli va boy soʻz zahirasini vujudga keltiradi. Bugungi kunda rivojlangan mamlakatlarda taʼlimning har boʻgʻini uchun (maktabgacha taʼlimdan oliy taʼlimgacha) yuzlab lugʻatlarning maxsus turlari yaratilgan.

XXI asrda oʻzbek lugʻatchiligi maʼlum yutuqlarga erishdi. Mustaqilligimiz sharofati bilan lugʻatchilik ishi umumxalq va umumdavlat ishi boʻlib qoldi. Qisqa vaqt ichida 12 tomli ensiklopedik lugʻat, 5 tomli izohli lugʻat, 85 mingdan ortiq soʻzni qamrab olgan imlo lugʻati, etimologik lugʻat va boshqa turli soha lugʻatlari tuzildi. Biroq lugʻatchilik ishlari hali zamon talabidan ancha orqadadir. Maktab, litsey va kollej oʻquvchilariga moʻljallangan imlo, talaffuz va turli izohli lugʻatlar yetarli deb boʻlmaydi.

Mustaqillik sharoitida oʻqitishga boʻlgan talab yangilanyapti. Barkamol insonni tarbiyalash esa oʻquvchi tafakkurini rivojlantirishni, uning erkin va ijodiy fikrlashini shakllantirishni talab etadi. Oʻquvchining soʻz boyligi uning mustaqil va ijodiy fikrlash darajasini aks ettirib, tafakkurining rivojlanishiga xizmat qiladi. Shuning uchun ham maktab oʻquvchilariga moʻljallangan maxsus lugʻatlar yaratish vaqti keldi. Yangi oʻquv dasturi va darsliklarda turli lugʻatlar bilan ishlashga alohida ahamiyat berilgan, vaqt ajratilgan.

Lugʻatlar oʻquvchilarning ijodiy fikrlash koʻnikmalarini hosil qiluvchi asosiy omillardan biri sifatida qabul qilinib, „Ona tili oʻqitishning asosiy vositalari“ sirasiga kiritilgan. Maktab, litsey va kollej dasturida lugʻatlar bilan ishlashga qaratilgan eʼtibor oʻzbek lugʻatchiligi oldiga juda tezlik bilan hal qilinishi lozim boʻlgan katta muammoni qoʻydi. Bu muammo avvalgi lugʻatlarni qayta nashr ettirish bilangina hal etilmaydi. Ijodiy topshiriqlarni bajarish uchun maktab oʻquvchilari qoʻlida „Oʻzbek tili sinonimlarining izohli lugʻati“, „Oʻzbek tili antonimlarining izohli lugʻati“, „Uyadosh soʻzlar lugʻati“, „Soʻz variantlari lugʻati“, „Adabiyot darsliklaridagi tushunilishi qiyin soʻzlar lugʻati“, „Takror undoshli soʻzlar lugʻati“ boʻlishi hayotiy zaruratdir.

Ana shu zaruratni his etib, „Adabiyot darsliklaridagi tushunilishi qiyin soʻzlar lugʻati“ni tuzishni maqsad qilib oldik.

Mumtoz adabiyotda Atoyi, Sakkokiy, Lutfiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Mashrab, Uvaysiy, Nodira va koʻplab boshqa ijodkorlar qalam tebratganlar. Ular oʻzlaridan nodir asarlar qoldirganlar.

Buyuk bobokalonlarimiz yozgan har qanday asar kishini ruhan yuksalishga, maʼnaviy kamolot sari yetaklaydi.

Bunday oʻlmas, durdona asarlar maktab, litsey va kollej oʻquvchilari uchun chiqarilgan adabiyot darsliklarida koʻplab berilgan.

Mumtoz asarlarda eski oʻzbek adabiy tiliga xos atamalar va arxaik soʻzlarning koʻp ishlatilganligi sababli oʻquvchilarda bu asarlar tarkibidagi ayrim soʻzlarning izohini tushunmaslik holati yuzaga keladi. Birgina soʻzning lugʻaviy maʼnosini anglamaslik asarning mazmuni toʻlaqonli ochilmasligiga olib keladi. Masalan, Alisher Navoiyning mashhur:

Zohid, sanga — hur, manga — jonona kerak,  
Jannat — sanga boʻlsun, manga — mayxona kerak.  
Mayxona aro soqiy-u paymona kerak,  
Paymona necha boʻlsa toʻla, yona kerak

ruboiysini olaylik, oʻquvchi asar tarkibidagi zohid — tarki dunyo qilib, toat-ibodatga berilgan odam; hur — jannat qizi, pari; soqiy — may quyuvchi, kosagul; paymona — may piyolasi, qadah ekanligini tushunmasa, asarning qiymatini toʻliq anglab yeta olmaydi.

Lugʻatning bu turdagi boshqa lugʻatlardan, xususan, „Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lugʻati“dan farqi shundaki, kitobda maktab, litsey va kollej darsliklarida berilgan, oʻquvchilar uchrashi mumkin boʻlgan soʻzlarning qamrab olinganligi foydalanuvchilarning vaqtini ancha tejashga yordam beradi.

Adabiyot darsliklaridagi tushunilishi qiyin soʻzlar lugʻati ilk marotaba tayyorlandi. Unda soʻzlar oʻzbek lotin alifbosi tartibida berilgan. Lugʻatga soʻz toʻplash va tanlashda maktab, litsey va kollej adabiyot darsliklarida qoʻllanilgan 3500 ga yaqin tushunilishi qiyin soʻzlar asos qilib olindi.

Xulosa qilib aytganda, kuchli va ayovsiz raqobatga asoslangan bozor iqtisodiyoti tadbirkor, ijodiy tafakkur sohibi bo'lgan, har qanday qiyin vaziyatdan o'z aql-idroki bilan omon chiqa oladigan mustaqil fikri, shu bilan birga, shuurida milliy ruhi mustahkam shaxsni tarbiyalashni talab qiladi. Bunda adabiy merosimiz namunalari bo'lgan mumtoz asarlarning o'rni beqiyosdir. Ularni o'rgatishda, o'quvchilar ongiga singdirishda esa lug'atlarning xizmati katta.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati. —T.: „Fan“. I—IV tomlar 1983, 1984, 1985-yil.
2. *Berdak Yusuf*. Mumtoz adabiy asarlar lug'ati, —T.: „Sharq“ nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2010.
3. O'zbek tilining imlo lug'ati. „Akademnashr“, 2013.
4. *Boqijon To'xliyev, Dilfuza To'xliyeva*. Alisher Navoiy hayoti va ijodi (albom). —T.: „Bayoz“ nashriyoti, 2013.



**DIE PRINZIPIEN DER ERSTELLUNG DES  
TERMINOLOGISCHEN WÖRTERBUCHS  
(AUS DEM BEREICH VON BEWÄSSERUNG)**

**Z.K. HUSAINOVA**

( Studentin)

**Usbekische Staatliche Weltsprachenuniversität**

**Wissenschaftlicher Betreuer:**

**Dr., Professor Ch.R. Rahimov, TSPU**

Die Aktualität dieser Arbeit ist dadurch zu erklären, dass die verhältnismäßig vollständige systematische Analyse des Wortschatzes einer Sprache nur im Rahmen von Wörterbüchern stattfinden kann. So wird der ganze Wortschatz der deutschen Sprache in verschiedenen Wörterbüchern fixiert. Doch auch hier ist es nicht leicht, alle existierenden Wörter mit allen Bedeutungen anzugeben, weil der Wortschatz jeder Sprache ungemein reich und mannigfaltig ist. Um im Wörterbuch registriert zu werden, muss das Wort in der Sprache längere Zeit existieren.

Um das Aufsuchen der Wörter im Wörterbuch zu erleichtern, ordnet man sie nach bestimmten Regeln. Diese Regeln werden von einem besonderen Zweig der Lexikologie, nämlich von der *Lexikographie*, ausgearbeitet. Die Wissenschaft, die sich mit dem Zusammenstellen von Wörterbüchern beschäftigt, heißt *Lexikographie*. Dieses Wort stammt vom Griechischen *lexikon* — 'Wörterbuch', ein alphabetisch geordnetes Nachschlagewerk für ein oder mehrere Sachgebiete oder für den Wortschatz einer oder mehrerer Sprachen, auch von Fach- Sonder- und Gruppensprachen; *grapho* — 'ich schreibe', eigentlich Wortbeschreibung, weil das ganze Wortmaterial einer Sprache in den Wörterbüchern gesammelt und systematisiert wird. Ausgehend davon, ist *Lexikographie* die Lehre von der Lexikonherstellung, auch diese selbstständige Aufzeichnung und Erklärung des Wortschatzes einer oder mehrerer Sprachen oder von Sachgebieten in Form von Wörterbüchern.

Alle Wörterbücher der deutschen Sprache lassen sich in zwei Hauptgruppen einteilen: einsprachige und zweisprachige Wörterbücher. Uns interessieren zweisprachige Wörterbücher, die dem Zweck dienen, nämlich beim Erlernen der deutschen Sprache und bei der Übersetzung aus dem Deutschen in die usbekische Sprache behilflich zu sein.

Die vorliegende Qualifikationsarbeit stellt sich großes Interesse, denn hinsichtlich der lexikographischen Arbeit ist noch viel zu tun. Es gibt keine vollen deutsch-usbekischen Wörterbücher, die das Gebrauchsgebiet, die Verknüpfungsmöglichkeiten des Wortes, stehende Wortverbindungen, entsprechende usbekische Äquivalente enthalten könnten. Wir hoffen, dass unsere Arbeit dazu einen kleinen Beitrag leisten würde.

*Das Ziel der vorliegenden Arbeit* besteht im Versuch, die Prinzipien der Erstellung des terminologischen Wörterbuches aufgrund der deutschen Bewässerungstermini zu entwickeln, davon ausgehend den Wortschatz der Bewässerung zu fixieren, zu systematisieren und zu charakterisieren. Das Ziel der vorliegenden Arbeit bestimmt *die folgenden Aufgaben*:

- Sammeln der Wörter, die Bewässerungstermini anbetreffen;
- Alphabetisches anordnen aller gesammelten Wörter;
- Beschreiben aller Wortarten vom morphologischen Standpunkt aus;
- Charakterisieren aller Wortarten nach ihrer Bedeutung;
- Übersetzen aller Bewässerungstermini.

Die ausgearbeiteten Prinzipien der Erstellung des terminologischen Wörterbuches beeinflussen selbstverständlich die Struktur unseres deutsch-usbekischen Wörterbuches, die Einordnung des Materials und die gestellten Aufgaben.

*Der praktische Wert* der vorliegenden Arbeit besteht darin, dass das zusammengestellte deutsch-usbekische Wörterbuch der Bewässerungstermini nicht nur im Deutschunterricht, sondern auch in der Arbeit der Dolmetscher und Übersetzer verwendet werden kann.

Unsere Arbeit umfasst rund 2000 Wörter aus dem Bereich der Bewässerung. Die Stichwörter sind alphabetisch geordnet. Die Wörter, die ein gemeinschaftliches Grundwort, Bestimmungswort oder Präfix haben, sind in einem Wortartikel zusammengefasst.

Das Erstellen eines Wörterbuches ist ein komplexer und meist langweiliger Prozess. Bei allen größeren Projekten wird die Arbeit von mehreren Personen ausgeführt. Sie führt zu einem gedruckten Wörterbuch, einem elektronischen

Wörterbuch oder zu einer lexikalischen Datenbank, die Grundlage für beides sein kann. Die Lexikographie ist eng verwandt, aber nicht identisch, mit der sprachwissenschaftlichen Disziplin der Lexikologie. Die Lexikologie untersucht systematisch Teile des Wortschatzes einer Sprache, ohne diesen aber vollständig kodieren zu wollen. Beim Erstellen eines terminologischen Wörterbuches soll durch terminologische Datenbanken ein kontrolliertes Vokabular, das wichtige Grundlage für die Technische Dokumentation und entsprechende Übersetzungen ist, entstehen. Terminologien können in einem Wörterbuch oder einem Glossar formuliert sein.

Heute wird Terminologie meist digital und mehrsprachig verwaltet. Terminologie ist die Menge aller Fachausdrücke, Termini, eines Fachgebiets. Sie ist Teil der Fachsprache, die zusätzlich über andere charakteristische Merkmale, etwa Phraseologie oder Grammatik, verfügt. Mit der Untersuchung und Aufstellung von Terminologien beschäftigt sich die *Terminologielehre*. Uns interessiert, wie Bewässerungsterminologie im Wörterbuch und terminologischen Datenbanken erfasst wird.

Die Wörterbücher sind Wortschatzinventare, deren Wörter unter bestimmten Gesichtspunkten ausgewählt, geordnet und erklärt sind. Dabei sind so viele Arten der Wörterbücher denkbar, wie es Gesichtspunkte gibt, unter deren Wortschatz betrachtet werden kann. Sie sind allerdings zum Teil verwirklicht. Die praktischen Bedürfnisse der breiten Öffentlichkeit und der Wissenschaft haben nur bestimmte Typen von Wörterbüchern entstehen lassen, von denen die wichtigsten genannt werden.

Obwohl uns eine Wörterbuchvorlage zur Verfügung stand, benötigten die inhaltlichen und technischen Vorbereitungen für das neue terminologische Wörterbuch der Bewässerungsterminen fast ein Jahr: Anpassungen der Vorlage an unser Eintragsformat, ein Alphabet, das sich nicht in den westeuropäischen Sprachraum, sondern ins Usbekische einordnet, die umfangreichen Auszeichnungsarbeiten, die Übersetzung der Bewässerungsterminen. Dies ist einer der Gründe dafür, warum die Wünsche nach neuen Wörterbüchern viel schneller wachsen als deren Bestand.

Ein anderer Grund liegt darin, dass der neue Verfasser des Wörterbuches mit seinen Möglichkeiten Übungen zu erstellen und Vokabeln für diese zu sammeln, die Notwendigkeit mit sich bringt, flektierte Formen möglichst umfassend zu behandeln. Mit der Entwicklung der Computertechnologien wurden deshalb Algorithmen entwickelt, die aus flektierten Formen mögliche

Grundformen ableiten. Ein Vorgang, der längst nicht abgeschlossen ist und uns mittelfristig noch reichlich Arbeit bereiten wird. Mit den Möglichkeiten der Rückführung flektierter Formen, bietet es sich an, allgemein die Übersetzung von Texten zu erleichtern: Texte können nun in ein Eingabefeld übernommen werden. Nach Anklicken eines Worts (oder mehrerer Wörter) erscheinen die Übersetzungsvorschläge dafür. Damit erübrigt sich das Übertragen einzelner Wörter in das Suchpfad.

Die Verben des terminologischen Wörterbuches der Bewässerungstermini liegen im Normalfall in ihrer Grundform, die Substantive in der Nominativform vor. Die flektierten Formen des Verbs sind nicht in dem Wörterbuch enthalten. Außerdem gibt dieses Wörterbuch alle stämmigen Wörter, die die wichtigsten Bewässerungsbegriffe bezeichnen, die dem deutsch-usbekischen Wörterbuch „Сув хўжалигига оид русча-ўзбекча-немисча луғат“ unter Redaktion von Рахимбаев Ф.М. entnommen wurden. Außer einzelnen Wörtern umfasst dieses deutsch-usbekische Wörterbuch auch Wortverbindungen, die nach dem Stichwort gesucht werden:

z.B.: *bewässern, Bewässerung (f), Bewässerungsfeld (n).*

*düngen, Dünger (m), Düngemittel (n), Düngung (f).*

*begießen, Syn. besprengen, bewässert sein, berieselt sein; Gießen (n), Sprengen.*

*Feld (n), Acker (m), Grund (m), Ackerbau (m), Feldwirtschaft (f).*

Alle Wörterbücher dienen den Zwecken, nämlich beim Erlernen einer Fremdsprache und bei der Übersetzung aus einer Sprache in die andere behilflich zu helfen. Uns interessierten die deutsch-russischen Wörterbücher. Die von ihnen gestellten Aufgaben beeinflussten selbstverständlich die Struktur unseres Wörterbuchs und die Einordnung des Materials.

Aber es gibt bis jetzt keine vollen deutsch-usbekischen terminologischen Wörterbücher, die das Gebrauchsgebiet, die Verknüpfungsmöglichkeiten des Wortes, stehende Wortverbindungen, entsprechende usbekische Äquivalente enthalten könnten. Da die Wörterbücher beim richtigen Einschätzen des modernen Wortschatzes und Erlernen einer Fremdsprache behilflich sein müssen, ist es klar, dass die Zusammenstellung der Wörterbücher in Usbekistan von großer Bedeutung ist.

Unsere Arbeit enthält praktische Bilanzen des Gebrauchs und der Nutzung der Bewässerungstermini. In unserer Arbeit wurden rund 2000 Wörter aus dem Bereich der Bewässerung gesammelt, alphabetisch zugeordnet und



klassifiziert. Dabei erleichtert die Benutzung von bereits vorhandenen Wörterbüchern die Sammlung des Wortmaterials wesentlich. Außerdem gibt es viele zweisprachige deutsch-russische technisch-wissenschaftliche Wörterbücher — terminologische Wörterbücher, z. B. Elektro-technisches, Chemisch-technologisches, polytechnisches Wörterbuch. Wir haben versucht ein terminologisches Wörterbuch im Bereich der Bewässerung zu erstellen, obwohl es schon zwei Wörterbücher solcher Typen gibt: Рахимбаев Ф.М. Русско-узбекско-немецкий водохозяйственный словарь und Французско-узбекско-русский словарь по специальности „Гидро-мелиорация“ и Гидротехнические сооружения, zusammengestellt vom Institut der Ingenieure von Irrigation und Mechanisierung der Landwirtschaft.

Was sehr praktisch ist, werden alle alphabetisch zugeordneten Wörter ausgehend vom Stichwort gesammelt:

**Abarbeitungszeit (f)**

bo'shatishvaqti — maksimal  
suv o'tkazish xususiyatiga ega  
bo'lgan GES  
turbinalarining o'tkazish  
xususiyatiga ega  
jamlangan suvni  
bo'shatishiga sarf b'olgan  
vaqt

**Abbauvorgang (m)**

pasayish, qisqartirish jarayoni  
tashlang'ich

**Abdampfen (n)**

suv o'tkazmaslik qobiliyati  
yaratilishi

**Abdichtung (f)**

**abdrehen**

burabochmoq, burab  
chiqarmoq (kran)

**Abdunsten (n)**

bug'lanish

**Abfallreiniger (m), -s**

chiqindilarni tozalovchi

**Abflachung (f) des Hochwasserwelle**

toshqin, to'lqinning yoyilishi  
(daryo o'zanida  
yoki qayirda toshqin  
balandligining  
kamayishi

**Abfluss (m)**

va uzunligining oshishi)  
daryo oqimi (ma'lum vaqt  
davrida daryo  
o'zanidan oqib o'tadigan suv  
miqdori)

Obwohl uns verschiedene Wörterbuchvorlagen zur Verfügung stehen, benötigen die inhaltlichen und technischen Vorbereitungen für das neue Wörterbuch. Anpassungen der Vorlage an das Eintragsformat, ein Alphabet und seine Codierung einordnet, die Übersetzung der begleitenden Seiten. Dies ist auch eine der Erklärungen dafür, warum die Wünsche nach neuen Wörterbüchern viel schneller wachsen als deren Bestand.

Wir meinen doch, dass es der erste Schritt in der Erstellung der terminologischen Wörterbücher mit der Übersetzung in die usbekische und russische Sprache ist. Das war eine gemeinsame Zusammenarbeit mit den Lehrern vom Institut der Ingenieure von Irrigation und Mechanisierung der Landwirtschaft. Wir hoffen auf die weitere Zusammenarbeit mit dieser Hochschule.

### Literaturverzeichnis

1. *Abulkasimowa S. N., Roschkowa P. S.* Wassermelioration und Wassertechnische Anlagen, Taschkent 1996.
2. *Raximbaev Ф. М.* Русско-узбекско-немецкий водохозяйственный словарь, Изд-во „Ўкитувчи“, Ташкент 1999.
3. Французско-узбекско-русский словарь по специальности „Гидромелиорация“ и Гидротехнические сооружения, Институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. Ташкент 1996.
4. *Wüster E.* Einführung in die allgemeine Terminologielehre und terminologische Lexikographie, Würzburg 2001.

## O'QUVCHILARNING MAFKURAVIY IMMUNITETINI MUSTAHKAMLASHDA TANQIDIY FIKRLASHNING AHAMIYATI

R.S. ISROILOVA.

NavDPI BTU fakulteti talabasi

Ilmiy rahbar — p.f.n. F.O.XODJIYEVA



Bugun O'zbekiston oldida turgan ezgu maqsadlarning ro'yobga chiqishi, uning ertangi kuni, xalqimizning erkin va farovon hayoti, XXI asrda jahon hamjamiyatida qanday o'rin egallashi avvalo unib-o'sib kelayotgan farzandlarimizning qanday insonlar bo'lib voyaga yetishi bilan uzviy bog'liq. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining 2010-yil 27-yanvarda bo'lib o'tgan qo'shma majlisidagi „Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish — ustuvor maqsadimizdir“ nomli ma'ruzalarida: „Ayni paytda, bosib o'tilgan yo'l — oldingi davrdagi erishilgan yutuq va natijalarni tanqidiy baholash orqali tegishli xulosalar chiqarish, ular asosida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish dasturlarini yanada takomillashtirib borish ham muhim prinsipial ahamiyat kasb etadi“, — deb ta'kidlagan edilar.

Hozirda xalqaro kuchlar tomonidan inson ongini o'zgartirish, ayniqsa, ularni bu maqsad yo'lida o'ylab topilgan turli oqimlarga

jalb etish, to'g'ri yo'ldan og'ishtirish uchun katta miqdorda mablag' sarflanayotgani va turli mafkuraviy xurujlar avj olgani hech kimga sir emas.

**Inson yuksak kamolotga erishuv yo'lida harakat qilganidek, aqliy bilishga ham harakat qilsa, hech shubhasiz, o'zi intilayotgan so'nggi darajadagi baxt-saodatga erishadi.**

*Abu Nasr Farobiy*

Jahon axborot maydoni tobora kengayib borayotgan shunday bir sharoitda yoshlarimizning ongini faqat o'rab-chirmab, uni o'qima,

buni ko'rma deb to'xtata olmaymiz. Faqatgina tanqidiy tafakkur sohiblari bunday xavfdan himoyalangan bo'ladilar. Ya'ni bugun xalqimiz, ayniqsa, yoshlar dilini, ruhiyatini, aql-idroki va umuman ma'naviyatini diniy aqidaparastlik, jaholatparastliklar xataridan tashqari, ayni paytda, jahonda yuz berayotgan siyosiy, mafkuraviy, ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy va estetik manfaatlar yo'nalishidagi oshkora va xufya kurashlarning keng miqyosdagi xatarli jihatlaridan, jumladan, „ommaviy madaniyat“ning yemiruvchi ta'siridan muhofaza qilishning muhim omillaridan biri bu yoshlarimizni tanqidiy tafakkur yuritishga o'rgatishdir.

Har qanday tanqidiy fikrlash ijtimoiydir, u insonning odamlar orasidagi faoliyati bilan bog'liq. Tanqidiy fikrlash inson fikrlash faoliyati shakllaridan biridir, ya'ni jamiyatni, ijtimoiy jarayon va hodisalarni tanqidiy ravishda baholash demakdir.

Darhaqiqat, jamiyatda xilma-xil fikrlash muhitini vujudga keltirishda tanqidiy fikrlovchi shaxslarning o'rni beqiyosdir. Dunyoga yangi ko'z bilan qaraydigan barkamol insonni shakllantirish, uning natijasi, mahsulasi orqali mustaqil, tanqidiy fikrlovchi, ijodiy izlanuvchi, kuchli irodali, g'oyaviy e'tiqodli, ma'naviyati yuksak, pok vijdonli shaxsni kamol toptirish, buyuk kelajagimiz poydevorini quruvchi va yuksaltiruvchi barkamol avlodni tarbiyalash respublikamiz pedagoglari oldida turgan eng muhim va mas'uliyatli vazifadir.

Bugungi kunda ommaviy madaniyat madaniy globallashuvning, madaniy ekspansiyaning, qolaversa, mafkuraviy tazyiqning eng xavfli qurollaridan biriga aylangan bir vaqtda yoshlarimizni tanqidiy tafakkur yuritish orqali ularda mafkuraviy immunitetini mustahkamlash imkoniyatiga ega bo'lamiz.

Chunki, tanqidiy fikrlash o'quvchi fikrlashining eng yuqori darajasidagi aqliy faoliyati bo'lib, g'oya va imkoniyatlarning ijodkorlik bilan uyg'unlashuvi, konsentratsiyasi va axborotlarni qayta fikrlash va qayta qurishdek murakkab jarayondir. Tanqidiy fikrlashda g'oyalar va ularning ahamiyati ko'pfikrlilik nuqtayi nazaridan ko'rib chiqiladi hamda ular boshqa g'oyalar bilan taqqoslanadi. Unda tahlil,

taqqoslash, izohlash, qo'llash, tortishuv, yangilik, muammolarni hal qilish yoki fikrlash jarayonini baholashga alohida e'tibor beriladi.

Ta'lim jarayonida ana shu vazifani hal qilish uchun shunday pedagogik vaziyatni vujudga keltirishimiz kerakki, bu jarayon o'quvchining tanqidiy fikrlash ko'nikmasini shakllantirishga xizmat qilib, ularni ongli munozaraga chorlash, o'z nuqtayi nazarlarini bayon qilishlariga imkoniyat yaratilishi, fikr almashish uchun qulay shart-sharoitlar yaratilishi lozim. Ta'lim jarayoni o'quvchining tanqidiy fikrlash ko'nikmasini shakllantirishning asosiy vositasi bo'lishi kerak. Bu jarayonda o'quvchiga turli mazmun va yo'nalishdagi axborotlar taqdim etilib, ularning bu xabarlar haqidagi nuqtayi nazarlari, qarashlari aniqlanishi kerak. O'quvchilarda tanqidiy fikrlashni shakllantirish uchun ularni nekbinlikka o'rgatish muhimdir. Nekbin shaxs — har narsani yaxshi tomondan ko'ruvchi, kelajakka ishonuvchi, optimist insondir. Chunki tanqidiy fikrlash faqat yomon holatlarni ko'ra olish emas, balki vaziyatni to'g'ri, obyektiv baholashdir. Vaziyatni to'g'ri baholash natijasida o'quvchilarning xatti-harakatlari ijobiy tarafga yo'naltiriladi. Ular ijtimoiy borliq, atrof-muhitga obyektiv munosabatda bo'la boshlaydilar. O'quvchilar o'zlarining obyektiv nuqtayi nazarlari yordamida, o'rtoqlari, atrofdagilarning xatti-harakatlarini baholaydilar va ularga nisbatan munosabat bildiradilar. O'quvchilar o'zlari duch keladigan muayyan muammolar va masalalarning yechimini topish uchun tanqidiy fikrlash ko'nikmasiga ega bo'lishlari zarurligiga ishonch hosil qilib, hayotiy zaruriyat ekanligini anglab yetadilar. Ularda bunday ishonch, avvalambor, o'qituvchilar, ota-onalar tomonidan hosil qilinishi kerak.

Ta'limning bugungi vazifasi o'quvchilarni kun sayin oshib borayotgan axborot-ta'lim muhiti sharoitida mustaqil faoliyat ko'rsata olishga, axborot oqimidan tanqidiy tafakkur orqali oqilona foydalanishga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoniyati va sharoitini yaratib berish zarur.

Xo'sh, o'quvchilarda qanday qilib tanqidiy fikrlashni shakllantirish mumkin?

O'quvchilarga tanqidiy fikrlash uchun, eng avvalo, ularning o'zlari mas'ul ekanliklarini anglatish lozim. Pedagogning vazifalaridan yana biri tanqidiy fikrlashni rag'batlantirib turuvchi muhitni yaratishdan iborat bo'ladi.

Tanqidiy fikrlashni paydo qilish uchun quyidagilarga e'tiborni qaratish lozim:

- o'quvchida o'ziga xos nuqtayi nazarni paydo qilish;
- bir fikrdan boshqasining afzalligini asoslash mahorati;
- murakkab muammolarni yechish mahorati;
- dalillarga asoslangan holda bahslashishga odatlantirish;
- yagona fikrni ishlab chiqish uchun o'zaro hamkorlikda ishlash mahorati;
- o'quvchilarda mavjud bo'lgan bilimlar tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishga qay darajada xizmat qilishini aniqlash.

O'quvchilarni faol o'ylash jarayoniga kiritish, muammoli vaziyatni yechish, mantiqiy jarayonlarni oqilona hal etishga o'rgatish bilim o'zlashtirishda ijobiy natijalarga olib kelishi muqarrar.

Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish oson emas. Bu muayyan yosh davrida tugallanishi va unutilishi mumkin bo'lgan masala ham emas. Tanqidiy fikrlashga olib boradigan aniq-ravshan yo'llar yo'q. Biroq, o'qitish shartlarining muayyan to'plami borki, uning yordamida tanqidiy fikrlovchilarni tarbiyalash mumkin. Jumladan, quyidagi shartlarga alohida e'tibor berish zarur:

1. Tanqidiy fikrlash tajribasini orttirishga vaqt va imkoniyat berish;
2. O'quvchilarga fikrlash imkoniyatini berish;
3. Turli g'oya va fikrlarni qabul qilish va uni qayta mushohada qilish;
4. O'quv jarayonida o'quvchilarning faol qatnashishlariga imkon berish;
5. O'quvchilarni tanqidiy mulohaza yuritishga qodir ekanligiga ishontirish;

6. O'rganilayotgan axborotni tahlil qila bilish, taqqoslay olish, izohlash hamda obyektiv baholay olish.

Demokratik jamiyatda har bir fuqaro o'z oldida turgan muammolarni oqilona yechish qobiliyatiga ega bo'lishi kerak. Shu boisdan o'quvchilarni darslarda ko'proq bahsli, tortishuvlarga sabab bo'ladigan muammolar yechimini topishga jalb etish lozim.

Bahsli savollarni yechish jarayonida o'quvchilarda tinglash, muloqot olib borish, turli fikrlarni taqqoslash, boshqa kishilar taqdiriga befarq qaramaslik kabi xislatlar shakllana boradi. Masalalarni yechish va tegishli hukm chiqarish, ma'lum ketma-ketlikda tafakkur yurgizish, to'g'ri yechimlarni topish malakalari o'zlashtiriladi, analitik fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi.

Ta'lim-tarbiya jarayoniga o'quvchini mustaqil, tanqidiy fikrlashga undaydigan strategiya va texnologiyalarni olib kirish, ularni tanqidiy fikrlashga undovchi ijodiy pedagogik muhitni qaror toptirish, o'qituvchi va o'quvchilar orasida ishchan muloqot, hamkorlik vaziyatini vujudga keltirish o'quvchilarda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish uchun nihoyatda zarurdir.

O'quvchilar axborotlar bilan tanishar ekan, uni qayta tahlil qilib, yaxshi va yomon jihatlarini o'rganib, baholaydi va ularda bunyodkor g'oyalarni vayronakor g'oyalardan farqlay olish imkoniyati yuzaga keladi.

Bugungi kunga kelib shaxsning tanqidiy fikrlash faoliyatiga XXI asrda ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy sohada sodir bo'layotgan hodisalarni yanada chuqurroq anglashga yordam beruvchi ko'nikma sifatida qaralmoqda. Prezidentimiz I.Karimov „Eng asosiy mezon — hayot haqiqatini aks ettirish“ asarida: „...mafkuraviy kurash tobora keskinlashib borayotgan bugungi zamonda shunday ustasi faranglar borki, ular har qanday yolg'onni ham haqiqat deb shunday boplab tushuntirib qo'yadiki, ba'zan qip-qizil uydirmalarga qanday ishonganingizni bilmay qolasiz“ — deb ta'kidlagan edi. Bugungi kunda odamlarning, birinchi navbatda, yoshlarning ong-u tafakkurini, ma'naviy olamini izdan chiqarishga qaratilgan bunday urinishlarga faqat tanqidiy tafakkur yurita oladigan insonlarga

o'zini va jamiyat hayotidagi turli xavf-xatarlarning oldini olishga qodir bo'ladi.

Shunday qilib, tanqidiy fikrlash bugungi kunning dolzarb mavzusi bo'lib, unib-o'sib kelayotgan yosh avlodning mafkuraviy immunitetini mustahkamlashga zamin yaratadi hamda yoshlarimizda bunyodkor g'oyalarni vayronakor g'oyalardan farqlay olish imkoniyati yuzaga keladi.

### ***Tayanch iboralar:***

Tanqidiy fikrlash, xilma-xil fikrlash, axborotni tahlil qilish, g'oyaviy tarbiyalash, mafkuraviy immunitet.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. *I. Karimov*. Eng asosiy mezon — hayot haqiqatini aks ettirish. —T.: O'zbekiston, 2009.
2. *Devid Kluster*. Tanqidiy fikrlash nima? K. Ishmatov tarjimasini. „Tanqidiy fikrlash asoslari“ dasturi. —T., 2001.
3. *Занков Л.В.* Обучение и развитие. — М.: Наука, 1998.





## ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛЛИГИНИ ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ҶУМЛАСИДА

**САВУРОВ БЕҲЗОД АЛИЖОН ўғли**  
Навоий давлат педагогика институти  
тарих факультети „Миллий ғоя,  
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими“  
йўналиши 3-босқич талабаси.

Илмий раҳбар — **Ф.Т.ФАЙЗИЕВ**

Ёшлар дунёқарашида миллий қадриятларга таяниш, унинг талқини ва жамиятимизда иқтисодий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда тутган ўрни бугунги муҳим муаммолар жумласидандир. Миллат учун ҳуррият — адолат тантанасининг олий ифодасидир. Ҳуррият бировни ўзига қарам қилишга, бировнинг мол-мулкини талон-тарож қилишга, бировга хиёнат қилишга, бировни ўлдиришга ёки зарар етказишга йўл қўймайди. Чунки ҳуррият қонунга асосланади: қонун доирасида олиб борилган ишлар ва хатти-ҳаракатлар ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар жиҳатидан ҳақли ҳисобланади. Қун-

далиқ турмушда, ўзаро муносабатларда инсон ҳуррияти (эркин фаолияти) қонун билан, ахлоқий нормалар билан чекланган бўлади. Ҳурриятни тўғри тушунганимиздагина ва уни ҳаётимизга тўғри татбиқ этганимиздагина, бу буюк неъмат — адолат ва ҳурриятни сақлаб қолишимиз ва ундан кейинги авлодларимиз баҳра олишлари мумкин.

**Фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллим тарбиясига боғлиқдир. Таълим билан тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди иккинчисига боғланган жон билан тан кабидир.**

*А. Авлоний*

Мустақил Ўзбекистоннинг кучли давлатдан кучли жамият сари тараққиёт даврида, асрий маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимизнинг тарихий тажрибаларидан тўғри фойдаланиб, уларнинг ибратли ишларидан сабоқ олиш мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларини амалга оширишга, мамлакатнинг маънан юксалишига хизмат қилади.

Бугун мустақилликнинг ўтган йилларига нисбатан барқарор таъминланганлиги, тинч шароитда яна энг муҳим устувор мақсад сифатида мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш устувор мақсад бўлиб қолаверади. Бу, бир томондан, мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатида фойдаланиш ҳуқуқини берганлиги билан, Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шу олий неъматдан баҳраманд бўлаётганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик йилларида ана шу муқаддас қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда яшаш ҳуқуқини ҳам берди. Уни сақлаб қолиш учун мустақилликни асраб-авайлаш керак бўлади. Маълумки, мустақилликкача миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби муқаддас миллий байрамлар тақиқланган эди. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом Мотурудий, Абдухолик Фиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Баҳоддин Нақшбанд, Амир Темур, Хожа Аҳрори Валий каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Тавалло, Усмон Носир, Мунавварқори Абдурашидхонов, Боту, Элбек сингари миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди. Бугун мустақиллик туфайли мазкур буюк салафларимизнинг номлари тикланиб, халқимиз уларни эъзозламоқда.

Миллий қадриятларимиз тикланиб, ўзлигимизни чуқурроқ англаб бормоқдамиз. Бугун, буни англаб етмаган, унга ўзининг холисона баъосини бериб қадрламайдиган ёшлар топилмаса керак. Бу мустақиллик йўлида бундан кейин ҳеч қандай муаммолар бўлмаслигини, ҳамма нарса жой-жойига тушиб кетганлигини англамайди. Тарихдан шу нарса маълумки, ўз мустақиллигини қўлга киритган халқлар уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қодир бўлсаларгина уни келгуси авлодларга қолдира олишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлида белгиланган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, маънавий янгиланиш борасида олиб борилаётган ишлар мустақилликни мустаҳкамлаш, уни авайлаб-асраш ва ҳимоя қилиш билан ҳамоҳангдир. Ёшлар фаолиятида бу ҳақиқатни англаш билан боғлиқ эътиқод, уларнинг мамлакатига нисбатан фидойилигини кўрсатади. И.А.Каримов „Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ (1997), „Тарихий хотирасиз келажак йўқ“ (1998) номли асарларида маънавият ва тарихий хотира масалалари давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этишини таъкидлаш билан бирга, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши тўғрисидаги шўро даврида яратилган уйдирмалардан, бир томонлама ёндашувлар ва камситишлардан холи бўлиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб берди. И. Каримов ўзининг кўплаб чиқишларида ўзбек халқи 3000 йиллик тарихга эга бўлган қадимий халқ эканини ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб келади.

Шўро даврида онгли равишда ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши сохталаштирилди. И.Каримов айтганидек, уни кўчманчи қабилаларни келиши билан боғлаб кўрсатишга ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, жаҳон цивилизациясининг қадимий масканларидан бири бўлган юртимизда қадимдан ўзининг ўтроқлашган турмуш тарзига, маданиятига, тили ва урф-одатларига эга бўлган бизнинг аجدодларимиз яшаган. Буни Қадимги Хоразм воҳасида яшаган аж-

додларимиз тарихи, „Авесто“ маънавияти ва маданияти, сўғдликлар ва Фарғона воҳасидан топилаётган археологик ёдгорликлар исботлайди. Демак, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши, шунингдек, ўзбек давлатчилиқ тарихини илмий, холисона яратиш тарихчи-археологлар, этнографлар ва манбашунослар олдида турган сиёсий, мафкуравий вазифа эканлиги алоҳида кўрсатиб берилди. Халқимизни тарих билан қуроллантириш маънавият соҳасидаги, миллий мафкурани шакллантириш соҳасидаги кечиктириб бўлмас вазифа эканлиги И. Каримов томонидан илмий асослаб берилди. Бу масала И. Каримовнинг „Тарихий хотирасиз келажак йўқ“ номли китобида мамлакатнинг тарихчи олимлари ва журналистлари билан ўтказилган суҳбатида (1998 йил 26 июнь) ўз ифодасини топган. Бу суҳбатда И. Каримов томонидан мамлакатда коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, давлатчилигимиз тарихи айнан бузиб кўрсатилганлиги яна бир бор таъкидланиб, ушбу нуқсонлар ва қарашларга қарши, тарихчилар томонидан мустақилликнинг ўтган йиллари давомида аниқ бир фикрга келинмаганлиги, асрлар давомида юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган биронта илмий тадқиқот яратилмаганлиги жиддий таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, „Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди?“, „У қандай босқичларни босиб ўтди?“ деган саволларга жавоб топиш ва тарихимизни бугунига назар ташлаш билан ўрганиш, яратиш орқали тарихий хотирани тиклаш лозимлигини тарихчилар олдига муҳим вазифа қилиб қўйди.

Мустақил Ўзбекистонда ёшлар дунёқарашида ўзига хос янги миллий ва умуминсоний қадриятлар тизими шаклланимоқда. „Юксак маънавият — енгилмас куч“ деган ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда амалга ошираётган маданий ва маърифий соҳаларда олиб бораётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг

ҳаракат дастуримизда алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Айниқ-са, ўзлигимизни англаш, миллатимиз ва халқимизнинг гурур ва ифтихорини юксалтириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида заҳмат чекиб, эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлолига асосланган янги кадриятлар тизимини барқарор қилиш, бу тизимда умуминсоний, миллий, мафкуравий, синфий, диний, иқтисодий ва бошқа кадриятларнинг диалектик уйғунлигига эришиш, инсон қадри, қобилият, истеъдодини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги долзарб вазифаларни ҳал қилиш ҳозирги авлод умрининг мазмунига айланди.

Бугунги ёшлар миллий тарихини ўрганмоқда. Она тили, маданиятини, урф-одат ва анъаналарининг қайта тикланиб бораётганлиги уларнинг ўзлигини англашга шарт-шароит яратиб бераётганлиги ҳам муҳим ютуқдир. Бугун ёшлар шунчаки миллий кадриятларини ўрганиб қолаётгани йўқ. Улар дунё халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлмоқда. Хорижий давлатларда ўқиш, билим олиб, фан-техника ютуқлари, илғор технологияларни эгаллаб, жамиятимиз ижтимоий ҳаётига жорий этиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Айни пайтда дунёда глобаллашув жараёни тезлашмоқда. Дунё халқлари, давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучаймоқда. Ўзбекистон ҳам ундан четда тургани йўқ. Турли халқларга хос бўлган кадриятлар Ўзбекистон ёшлари ҳаётига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бунда халқаро ахборот тизими, Интернет, ОАВ, реклама, турли хил кино кўрсатувлари билан боғлиқ асарлар ёшлар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатиши, турли хил кадриятларнинг кириб келишига шароит ҳозирлайди. Унинг қайси жиҳатларидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни ёшлар яхши билишлари лозим. Кадриятларни бир-биридан фарқлашлари,

миллий қадриятларини йўқотмаган ҳолда муносабатда бўлишлари муҳим муаммодир.

Ижтимоий ҳаётда, айрим ёшларнинг хатти-ҳаракатларида миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатларни кузатиш мумкин. Айрим ёшларнинг диний экстремизм, ақидапарастлик ғояларининг тарафдори бўлиб содир этган воқеалари билан миллий қадриятларимиз ўртасида ўзаро тўғри келмайдиган ҳолатларни кузатиш мумкин. Бунга Тошкент, Бухоро, Андижонда бўлиб ўтган ҳамда ёшлар дунёқарашида миллий қадриятларимизни сингдириш ва унга содиқ қилиб тарбиялашда муҳим вазифалар турганлигини кўрсатади. Тўғри, аксарият ёшларимиз миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ўзларининг тўғри муносабатларини шакллантирганлар. Унинг кераклигини, қадрли қадриятларни тарғиб этадиган уринишларга, хусусан, ақидапарастликка нисбатан ўзларининг салбий муносабатларини билдиришларини юксак баҳолаш лозим. Бугун жаҳон ахборот майдонида ёшларни миллий қадриятларга қарши тарбиялашларга уринишлар ортиб бормоқда. „Қадриятларга муносабатни ўзгартирмасдан демократик жамият қуриб бўлмаслиги тўғрисидаги“ фикрларнинг остида қандай яширин мақсадлар ётганлиги тобора аён бўлиб бораётир. Бу ёшларни ўз халқига, Ватани ва миллий қадриятларига нисбатан писандсизлик руҳиятида тарбиялашга қаратилган. Бундан кўпроқ „ғарбона“ қадриятларга мойилликни ўргатишга бўлган яширин мақсадлар мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни муҳим; миллий қадриятларни яхши билмаган ёшларнинг хатти-ҳаракатларида носоғлом ақидапарастлик ҳолатлари тезроқ жой олади. Келажак авлодларимизни миллий маънавиятга ворислик руҳида тарбиялаш, янги қадриятлар тизимига миллий-маданий мерос ва анъаналарга таяниш орқали ёшларнинг умуминсоний қадриятларни тўғри баҳолашларига янги имкониятлар очиб берилади.

## *Таянч тушунчалар*

Қадрият, хуррият, мустақиллик, глобаллашув, маънавият, маданият, ахлоқ, миллат, мерос, экстремизм, ақидапарастлик.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. —Т.: Ўзбекистон, 2005.

2. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. —Т.: Ўзбекистон, 2003.

3. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.

4. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. —Т., 2006.

5. *Назаров К.* Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). —Т., 2004.

**АФСОНАВИЙ ГУЛДУРСУН**

**САПАЕВА ГУЛАСАЛ АЗИМОВНА —  
Ажиниёз номидаги НДПИ  
1-босқич магистранти.**



**Илмий раҳбар т.ф.д., Я.А.АБДУЛЛАЕВА.**

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.<sup>1</sup>

Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ.<sup>2</sup> Шундай экан, биз ёшлар ҳам ўзимиз туғилиб ўсган тупроқ, туманнинг тарихини билишга, кимлигимизни англашга, дунё маданияти тарихида қандай ўрин тутишимизни билишга интиламиз.

Мен туғилиб ўсган Эллиққалъа диёри Қадимги Хоразмнинг юраги десам, ҳеч муболаға бўлмайди. Чунки бу ҳудудда Қадимги Хоразм тарихига оид жуда кўплаб ёдгорликлар сақланиб қолган ва ўтмишдан гувоҳлик бериб турибди. Шундай ёдгорликлардан бири бўлмиш, туманимиз ҳудудида мил.авв. II—I асрларда қурилиб то XIV асргача ҳаёт мавжуд бўлган Гулдурсун қалъаси ҳақида ҳар хил

„Кишида сабр қаноатли хусусият мавжуд бўлса, у кишидан албатта доно етишиб чиқади“.

*Абу Наср Форобий*

<sup>1</sup>И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.

<sup>2</sup>И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., 2008 й.



афсоналар бор. Масалан, ўз отаси ва қабиладошлари ҳалокатига сабабчи бўлган хиёнаткор қиз Гулдурсун ривояти ва яна бошқа ҳар хил ривоятларни учратиш мумкин. Шулардан бири тумани-миз тарихини ўрганишга ўз ҳиссасини кўшган тарих фани ўқитувчиси отам Сапаев Азимбой кўлида сақланиб турган, жуда эскириб қолган ва эски ўзбек ёзувида битилган бир китобда келтирилган „Гулдурсун қалъаси“ ҳақидаги ривоят алоҳида аҳамиятга моликдир. Унда куйидагича ривоят қилинади:

Зулмаг шаҳрининг подшоси Қайтус эди. Унинг ўғли йўқ эди. Худодан илтижо қилиб бир ўғил фарзанд тилайди. 9 ой, 9 кун ўтиб хотини фарзанд кўради. У қиз бўлиб, ниҳоят чиройли эди. Исмини Зўҳриё кўядилар. Подшо бўлган фарзанд ўғилми-қизми, — деб сўрайди. Қиз, — деб жавоб берадилар. Қайтус жаллодларини чақириб, туғилган қизни чўлу сахрога чиқариб ташланглар, токи лошини бўрилар есин, деб буюради. Бир ўтинчи бобонинг йўли тушиб кўрадики, бир норасида қиз йиғлаб ётар эди. Бобо уйига бориб кампирига сахрода бир норасида қиз йиғлаб ётганини айтади. Уларнинг ҳам фарзанди йўқ эди. Кампир бобога олиб кел, — дейди. Бобо қизни олиб келади. Улар подшо Қайтус қизини чўлу сахрога чиқариб ташлаганини эшитадилар. Шунинг учун ҳам қиз 13 ёшга етганида ўтинчи бобо уни Қайтусга олиб бориб, бу қиз сизники, у вояга етди, уни куёвга чиқаришингиз керак, — дейди. Қайтус менинг бундай қизим йўқ, — дейди. Қайтус қизнинг чиройли ҳусни-жамолини кўриб, бу қиз менга хотинликка муносиб экан, деб кўнглига тугиб кўяди. Бобога яна бир бор қиз меники эмас, агар совғага олиб келган бўлсанг, ташлаб кетавер, дейди. Бобо Зўҳриёни ташлаб кетади. Қайтус Зўҳриёни ўз қизи эканлигига ҳеч ишонмайди, бобонинг сўзини ёлғон деб ўйлайди. Зўҳриёнинг ҳуснига маҳлиё бўлиб қолган подшо уни хотинликка олмоқчи бўлади. Қиз ҳеч рози бўлмайди.

Подшо қизнинг ўнг кўлини чошиб, уни чўлу сахрога чиқариб ташлашни буюради. Қизнинг ўнг кўлини чошиб, уни чўли сахрога чиқариб ташлайдилар. Шу чўлга Хоразм подшоси Ҳасанхон шикорга чиқади. Унинг одамлари бир

саксовул тагида хусни-латофатда тенгсиз бир қиз беҳуш ётганини кўрадилар. Қизга сув ичириб хушига келтирадилар ва кимлигини сўрайдилар. Қиз кимлигини айтади. Бу хабарни подшога етказадилар. Подшо қизни келиб кўради. Қизнинг хусни-жамолини кўрган Хоразм подшоси унга ошиқи беқарор бўлиб қолади ва уни саройга олиб боришни буюради. Қиз бироз ўзига келгач, подшо уни хотинликка олмоқчи бўлади. Қиз рози бўлмайди. У менинг бир кўлим йўқ, мен подшога муносиб хотин бўлолмайман, деб жавоб беради. Подшо ба-рибир қизни хотинликка олишини айтади. Рози бўлишдан бошқа чораси йўқлигини билган Зухриё, — мен беҳуш ётган ерга бир қалъа қуринг, қалъанинг устунлари гулдан бўлсин, атрофи боғ бўлсин, — дейди. Ҳасанхон қиз айтганидан ҳам яхшироқ қалъа қурдиради. Қалъанинг устунлари гулдан бўлганлиги туфайли уни Гулустун, деб атайдилар. Ҳасанхон катта тўй қилиб Зухриёни хотинликка олади ва шу қалъада узок вақт турмуш кечирадилар. Улар ҳақида гўёки қандайдир сабабларга кўра Ҳасанхон ва Зухриё ғозга айланиб учиб кетган эмиш, деган ривоят ҳам бор. Улар ҳозиргача Гулустун (яъни Гулдурсун) қалъасига вақт-вақти билан келиб айланиб юрар эмиш, ғозларнинг кўкраги қип-қизил эмиш. Гулдурсун атрофида яшовчи кишилар шундай икки ғозни кўп бора кўрганликларини айтадилар. Яна кимдир уларни отаман деб милтиқ тўғрилаганида ғозлар кўздан ғойиб бўлганлигини айтади.

Ҳикоя қилаётганимиз Гулдурсун қалъаси тўрт девор билан ўраб олинган нотўғри тўртбурчак (280x230 м) шаклида кўш пахсали антик қалъа бўлиб, сиртки деворларида найзасимон шинаклари бўлган, қалъага кириш жойи жануби-шарқ томонида бўлиб, тўғри бурчакли мудофаа иншооти қурилиши услуби сақланиб қолган. XII—XIII асрларда қалъа қайтадан қурилган. Бу қалъа қадимда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги халқ ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи Гиря каналининг Кирққиз, Аёзқалъа ва Тупроққалъа каналларига ажралиш жойига қурилган.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup>С.Исмоилов. Қадимги Хоразм қалъалари. Т., 2007 й.

Афсонага кўра, қалъа номи Гулустун деб номланади. Бундан шуни кўришимиз мумкинки, қадим-қадимдан халқимиз ўзининг бой маданиятига, айниқса, архитектура соҳаси бўйича ўзига хос маданиятга эга бўлган.

Бугунги кунда бу қалъа туристик манзилгоҳлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳали очилмаган сирлари кўп. Туманимиз тарихини чуқур ҳурмат қилган ҳар бир ёш тарихчи бу қалъа ўтмишига катта қизиқиш билан қарайди. Афросиёб, Бухоро, Хива каби дунёга танилишини истайди.

Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур.<sup>1</sup>

Демак, юқоридаги афсона орқали биз ўз тарихимизнинг кичик бўлса ҳам бир саҳифасини ўрганишга муяссар бўлдик.

Ҳа, афсоналар тарихдан сўзлайди. Менимча ҳам бу афсона замирида улкан тарихий ҳақиқат ётибди. Чунки ҳар бир тарихий далил бирор-бир ривоят ёки афсонага таянади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т., 2008.*
2. *И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т., 1998.*
3. *С.Исмоилов. Қадимги Хоразм қалъалари. —Т., 2007.*

---

<sup>1</sup>*И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.*

## ФОРОБИЙНИНГ МАТЕМАТИКАГА ДОИР АСАРЛАРИ

САВЕНКО О.В., ТУРАЕВА Л.Й.  
Термиз давлат университети

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ ибн Тархон Форобий 873 йилда Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган ерда (ҳозирги Тошкентдан тахминан 200 км шимоли-ғарбда) Фороб деган жойда туғилган. Фороб кейинчалик Ўтрор деган ном олган. Форобий туркий қабилалардан бўлган оилада туғилган ва бошланғич маълумотни туркий тилда олган.

Форобий — илмий мероси фан, адабиёт, мусиқа, табиатшунослик, тиббиёт, кимё соҳаларини қамраб олган. Мазкур асарлар орасида ноёб, қимматлилари: „Илмларнинг келиб чиқиши ва тавсифи“ („Китоб фи-ихсо ал-улум ва ат-таъриф“), „Фанлар классификацияси ва таърифи“, „Идеал шаҳар аҳолисининг маслағи“ каби асарлари бўлиб, бу асарларда Форобий эркинлик, тенглик, осойишталик, ҳаққонийлик, идеал жамоа ва унинг аҳолиси, илм-фан ва унинг равнақи, классификацияси, келиб чиқиши, ривожланиши ва уларни бошқариш каби масалаларни ёритишга катта эътибор беради.

Унинг тиббиётшуносликка доир

„Инсон аъзолари ҳақида рисола“, „Ҳайвон аъзолари тўғрисида сўз“, „Аристотель билан Гален ўртасидаги муносабат“ каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар инсон ва ҳайвон органлари, уларнинг функцияси, бир-бирига ўхшаш асослари ва тафовути каби масалалар

Инсон юксак камолотга интилиш йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билимга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ниятидаги юқори даражали бахт-саодатига эришади.

*Абу Наср Фаробий*

ёритилган, тирик организмлар анатомияси, физиологияси ва психологияси фанларига асос бўлган оламшумул асарларидир.

„Илмларнинг келиб чиқиши ва тавсифи“ асарида Форобий табиий фанларни 8 бўлимга бўлади, уларни конкретлаштириб, бир қанча предметларга ажратади. Булар прогностика, тибийёт, агромаданият, навигация, алкимё, оптика ва шу кабилар бўлиб, уларнинг ҳар қайсисини алоҳида таърифлайди ва бу таърифни асослайди. Форобий алкимёни экспериментал фан сифатида изоҳлайди, ҳар хил моддалардан „олтин олувчиларни“ қаттиқ танқид қилади. Табиий фанларни изоҳлар экан, муаллиф минерология, ҳайвонот ва олами уларнинг умумий хусусиятларига катта аҳамият беради. У ҳайвонот дунёсини фикрловчи, ақлли ва ақлсиз, фикрламайдиган ҳайвонлардан ташкил топган деб таъкидлайди.

Инсон организми, унинг функцияси ҳақида гапирар экан, Форобий организм бир бутун ва яхлит тизимдан иборатлигини, турли ўзгаришлар ва касалликлар эса овқатланишнинг ўзгариши билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтади.

Одамнинг келиб чиқиши ҳақида олим янада илғор фикрни олға суради. Инсон, даставвал, табиатдан, айнан ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан. У гарчи фикрловчи инсон қиёфасини олган бўлса ҳам, барибир ўз аждоди — ҳайвонлар билан баъзи ўхшашликлари сақланиб қолган. Одам организми марказий нерв тизими орқали бошқарилади, бош мия организмда ўзаро муносабатни юзага келтириб туради. Форобийнинг таъкидлашича, организмда икки ҳил бошқариш кучи мавжуд: булардан бири ҳайвоний бошқарилиш, бу ҳайвонларга хос хислат ёки ноақл (ал-ҳайвон ғайри нотик) ва фикрловчи, ақлли (ал-ҳайвон ан-нотик), нутқий хусусият деб таърифланади. Шундай қилиб, у ҳайвонларда нутқ ўсмаган — бирламчи сигнал тизимига бўйсунувчилар деб кўрсатган бўлса, одамларнинг нутқий фазилати ўсган — иккинчи сигнал тизимига хос фазилати деб таърифланади. Бундан кўриниб турибдики, Форобий ҳали Европа олимларига қадар, 1000 йил аввал физио-

логия фанининг фундаментал асоси бўлган бирламчи ва иккиламчи сигнал тизимига илмий асос солган.

Табиатшунослик икки хил танлашни тан олади — бу инсон қўли ва фаолияти билан юзага келтирилган танлаш ва табиатнинг ўзи яратган ва яратадиган танлаш. Форобий ўз асарларида сунъий (инсон ёрдамида) турларнинг вужудга келишини ва табиий (инсон аралашувисиз) ўсимлик ва ҳайвон турларининг вужудга келганини дунёда биринчи бўлиб таърифлайди ва биологиянинг фундаментал асоси бўлган мазкур масалани илк бор илмий асослаб берди. Бу шунини кўрсатадики, мазкур масала билан шуғулланган инглиз олими Ч.Дарвингача ҳали минг йил аввал мазкур масалани Форобий биринчи бўлиб ҳал қилган эди. Шундай қилиб, Форобийнинг табиий-илмий асарлари анатомия, физиология, тиббиёт ва биологияда табиий эволюция қонунларини асослашда илмий-назарий замин бўлиб хизмат қилди.

Форобий ўзининг юқорида зикр этилган чуқур илмий-назарий мулоҳазаларини бундан минг йилдан ортиқ вақт илгари, ҳеч қандай илмий асослар мавжуд бўлмаган даврда асослаганлиги ҳисобга олинса, унинг қандай буюк даҳо эканлиги маълум бўлади.

**„Илмларнинг классификацияси ва таърифи ҳақида“** китобининг математикага бағишланган бўлими араб тилида Қоҳирада 1949 йилда нашр этилган бўлиб, унинг рус тилига таржимаси 1972 йилда нашр этилган (А.Кубесов ва И.Муҳаммад таржимаси).

Бу асарнинг қўлёзмалари Париж, Истамбул, Мадрид кутубхоналарида сақланмоқда. Кремонлик Герардо томонидан XII асрда асарнинг лотин тилига қилинган таржимаси эса 1588 йилда Парижда нашр этилган. Бу асар бошқа тилларга ҳам таржима қилинган.

Асар 7 қисмдан иборат: булар сонлар ҳақидаги фан, геометрия, оптика фани, юлдузлар ҳақидаги фан, мусиқа ҳақидаги фан, оғриқлар ҳақидаги фан, механизм ва автоматлар ҳақидаги фан қисмларидир. Сонлар ҳақидаги фан қисмида бу фан амалий ва назарий бўлиши айтилади. Амалий ҳоли ҳисоблашда

қўлланилади, назарий ҳоли эса сонларнинг бир-бирига тенглиги, катта-кичикликлари, пропорционал бўлиши ёки бўлмаслиги, сонларнинг турлари ва бошқалар ўрганилади.

Геометрия фани, деб ёзади Форобий, назарий ва амалий геометриядан иборат. Амалий геометрия, Форобийнинг фикрича, дурадгор ёғоч жисмларининг чизиқлари ва сиртларини аниқлашда, темирчида — темир жисмларини, ғишт билан ишловчида ғиштларни, ер ўлчовчида — ер сиртларини ўлчашда қўлланилади.

Назарий геометрия чизиқ, квадрат, учбурчак, доира ва бошқа шаклларнинг нимадан ташкил топганидан қатъи назар, улар материяси қандай эканлигидан қатъи назар, уларни фақат геометрик жисм сифатида ўрганеди. Бу фан геометрик шаклларнинг ўзаро муносабатлари, ўлчовлари, катталиклари, пропорционал бўлмаслиги, умумий ўлчовга эга ёки эга эмасликлари, уларнинг турли шакллари ва бошқаларни ўрганеди. Бу хоссалар исботлар орқали тушунтирилади. Сўнгра оптика фани, юлдузлар ҳақидаги фан, муסיқа ҳақидаги фан, оғриқлар ҳақидаги фан, механика ва автоматлар ҳақидаги фанларнинг мазмунлари, асосий тушунчалари ҳақида фикр юритилади.

„Геометрик ясашлар ҳақида“ китобида Форобий конструктив геометрия масалаларини баён этади, геометрик ясаш методларини системали равишда кўрсатади. Бу асарни Швецияда, Упсал университети кутубхонасида сақланаётган ягона нусхадан рус тилига С.А.Краснова ва А.Кубесов таржима қилишган (Ал-Фарабий. Математические трактаты. Алмата-1972).

Форобийнинг бу китоби 10 бобдан иборат: биринчи боби доира марказини аниқлаш деб номланади, бунда 16 масала ва уларнинг ясаш усуллари кўрсатилган. Булардан қуйидагиларни келтирамиз.

Форобий баён этган юқоридаги геометрик масалалар ва уларни ясаш усуллари шуни кўрсатадики, машҳур файласуф олим, математика фанини амалий эҳтиёжларни қондиришда, ҳунар ишларига кенг равишда татбиқ этган. Айниқса, ўша даврда юксак тараққиётга эришган ҳунармандчилик, архитекту-

ра, бинокорлик ишларида геометрик яшашларнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, бу соҳада махсус асар ёзган. Шу сабабли Форобийнинг бу асари ўша даврдаги хунармандлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга қўлланма ҳисобланади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, кўп масалаларни яшаш усуллари айрим ҳолларда Эвклид „Негизлари“даги яшашларга ўхшайди, айрим ҳолларда эса улар „Негизлар“да учрамайди. Шу сабабли бу асарда Форобийнинг ўзи томонидан кўрсатилган бир қанча яшаш усуллари бўлиб, булар олимнинг геометрия соҳасидаги ижодий ишлари ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Юшкевич А.П.* Арифметический трактат Мухаммеда ибн Муса ал-Хоразми. Труды института истории естествознания и техники. т.1. —М., 1964, 85—127 стр.
2. *Салье М.* Мухаммед ал-Хоразми — великий узбекский ученый. —Т.: Фан, 1954.
3. *Ал-Фараби.* Математические тракты. Казахстан, Алма-Ата, 1972.
4. *Казибердов А.Л.* Сочинения Абу Насра ал-Фараби в рукописях Института востоковедения АН Уз. —Т.: Фан, 1975.
5. *Хайруллаев М.М.* Абу Наср Форобий. —Т.: Фан, 1961.



## ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИ ТАРИХИДАГИ БАДИЙ ШАКЛЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ТАСБАЕВА ДИЛАРАМ ДАМИРОВНА  
Ажиниёз номидаги НДПИ катта илмий  
ходим-изланувчиси

Илмий раҳбар: ф.ф.н., доц.  
БЕКБЕРГЕНОВА М.Д.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарыда: „Барчамизга аёнки, инсон юрагыга йўл, энг аввало, таълим-тарбиядан бошланади“, — дея алоҳида таъкидлаган эдилар.<sup>1</sup> Негаки, бадий адабиёт тарбия масаласыда асосий кучлардан бири саналади. Сўз қудрати инсон қалбига шоир ва ёзувчиларнинг асарлари орқали бемисл таъсир кўрсатади. Шу боисдан ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос бадий адабиёт, ёзувчи, шоирлар, драматургларнинг бадий ижод намуналарини ўқиб-ўрганиш, уларнинг инсоний ғояларини халқ ўртасыда кенг тарғиб қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида қорақалпоқ шеърияти шу пайтгача олимлар томонидан хилма-хил аспектда тадқиқ қилинди. Жумладан, ф.ф.д., проф. С.Ахметов, ф.ф.д., проф. К.Мамбетов, ф.ф.н. Т.Мамбетниязов, ф.ф.н. Қ.Худайбергенов каби адабиётшунослар қорақалпоқ шеъриятининг ривожланиш тарихини, лириканинг ўзига хослигини, лирик қаҳрамон муаммоси юза-

Кимки эл учун ҳимматини  
оширса, эл ичида иззати тўлиб  
— тошади.

Ҳикмат

<sup>1</sup>И.А. Каримов. Жоқары манаўият — жеңилмес күш. —Т.: Маънавият, 2008. 130-б.

сидан ўз монографияларини яратдилар. XIX аср қорақалпоқ лирикасининг жанрий хусусиятлари муаммоси бўйича профессор Қ.Жаримбетов докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.<sup>1</sup> XX асрнинг 70-йиллари — 2000 йиллар қорақалпоқ лирикаси бадий шаклларининг эволюцияси ва типологияси бўйича филология фанлари доктори Қ.Оразымбетов докторлик диссертациясини ёқлади ва монография яратди.<sup>2</sup>

Лирика (юнонча сўздан олинган, юнонларда лира — торли чолғу асбоби бўлиб, шаклан дуторга ўхшаб кетади. Лирика — лира жўрлигида куйлаш маъносини англатган) — бадий адабиётнинг уч жанридан бири, — дея таъриф берадилар адабиётшунос олимлар С.Аҳметов ва Қ.Султанов.<sup>3</sup> Адабий жанрлар орасида лирика инсоннинг ички психологик кечинмаларини тасвирлаши, унда чуқур лиризмнинг мавжудлиги жиҳатидан эпос ва драмадан ажралиб туради.

Филология фанлари доктори, профессор К.Мамбетов қорақалпоқ адабиётидаги лирика тараққиётини уч босқичга бўлиб ўрганади:

1. Қорақалпоқ лирикаси манбалари. Умумтуркий адабиётга хос лирика, яъни терма, тўлғов ва хос кўшиқлар. Бу анъана қадим замонлардан XVIII асрга қадар давом этган.

2. Шарқ мумтоз шоирлари лирикасининг анъаналари, яъни қорақалпоқ адабиётида ғазал, мухаммас ва рубоий каби жанрларнинг пайдо бўлиши.

3. Қорақалпоқ адабиётида жаҳон адабиёти жанрларига хос бўлган лирик намуналарнинг юзага келиши.<sup>4</sup>

Терма, тўлғов ва хос кўшиқларнинг манбалари қадим замонлардан буён шаклланиб келаётган халқ оғзаки ижодидан бошланади. Дастлаб фольклор жанри ҳисобланган терма

---

<sup>1</sup>К.Жаримбетов. XIX асир қарақалпақ лирикасының жанрлыә қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. —Н.: Билим, 2004.

<sup>2</sup>Қ.Оразымбетов. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардын эволюциясы ҳәм типологиясы. —Н.: Билим. 2004.

<sup>3</sup>С.Аҳметов, К.Султанов. Әдебияттануў. —Н.: Қарақалпақстан, 1987. 201-б.

<sup>4</sup>К.Мәмбетов. Әдебият теориясы. —Н.: Билим, 1995. 174-бет.

ва тўлғовлар туркий тилда сўзлашувчи халқлар шеъриясида, хусусан, қорақалпоқ шеъриясида кенг ривожланган лирик шакллари. Олимларнинг маълумотларига кўра, „толғау — толғау сөзинен алынган. Яғний кеўилди толғандырып турған дәрттә сөз бенен айтыў тийкарында пайда болған әйиемти туркий поэзиясының жанрлық белгилерининг бири...“.<sup>1</sup> Тўлғов шаклининг лирика жанрига оид бўлишининг асосий белгиси — инсон ички ҳаяжонларини баён қилувчи хусусиятга боғлиқ саналади. Жанрнинг тарихий тараққиетида тўлғов лирик хусусият билан бирга кўламдор эпик воқеаларни ҳам тасвирлаши боис эпос жанрининг белгисини ҳам ўзида мужассам этади. Қорақалпоқ адабиети тарихида фольклор анъанаси ёзма адабиётга Соппасли Сибира жиров, Асан қайғи, Доспанбет, Жийен Жиров, Кунхожа, Ажиниёз, Бердақ ижоди орқали кириб келган. Ҳар бир сўз устаси ўзича мустақил равишда терма тўлғовларни янги шаклда ривожлантирган. XX аср қорақалпоқ шеъриясида терма тўлғовлар А.Мусаев, А.Дабиллов, С.Нуриимбетов, Т.Жумамуратов, Т.Кабуловлар шеъриясида шаклланиб борди. Қорақалпоқ шеъриясида анъанавий шакллардан ташқари, адабий алоқалар асосида янги поэтик турлар майдонга келди. Масалан, XIX аср қорақалпоқ адабиетида шарқ шеърияси шаклларида рубоий, мухаммас, ғазал, мувашшаҳ сингари жанрлар Ажиниёз ижодида учрайди. XX аср қорақалпоқ шеъриясида Шарқ ва Европа адабиётларидаги лирик жанрларнинг турли шакллари бадий таржима асосида М.Дарибаев, Т.Жумамуратов, И.Юсупов, Т.Матмуратов, Ш.Сеитов, М.Сейтнийазов, К.Рахманов, Т.Кабулов кабилар шеърияси орқали кириб келди. Айниқса, жаҳон адабиети тарихидаги ранг-баранг поэтик шакллар қорақалпоқ шеъриясининг ёрқин юлдузи И.Юсупов ижодидан жой олди. „И.Юсупов өз ана тилине дунья халықларының ең атақлы шайырларының шығармаларын аударған. Солардың ишинде А.С. Пушкинның, М.Ю. Лермонтовтың, Т.Шевченконың, Уильям Шекспирдин сонетлерин, Омар Хайямның рубайларын, Әлийшер Науайы ҳәм Хафыздың ғаззеллерин, Бай-

---

<sup>1</sup>К.Мәмбетов. Әдебият теориясы. —Н.: Билим, 1995. 176—178-бетлар.

роннын, Гётенин, Гейне, Шиллердин қосықларын аударған хәм бизиң әдебиятымызға жана лирикалық формаларды, темаларды хәм образларды алып келди, миллий әдебиятымызды идеялық — көркемлик, формалық жақтан хәр тәреплеме байытты<sup>1</sup>. „Сорша“ туркумидаги сонетлар, „Булақ ҳаққында баллада“, „Градусник ҳаққында баллада“, „Әжинияз монологы“, „Арал элегиялары“, „Эпиграммалар“ каби асарлар шоирнинг миллий шеъриятга олиб кирган янги жанрлари ҳисобланади. Маълумки, сонет 14 мисрадан ташкил топған лирик жанр шакли. У дастлаб Европа Уйғониш даврида Италия адабиётида XIII аср охири ва XIV аср бошларида Данте Алигьери, XIV асрда Франческо Петрарка, Англия адабиёти Уйғониш даврининг йирик вакили Вильям Шекспир шеъриятида шаклланади ва шундан сўнг бошқа давлатлар адабиётига тарқалған.

Ўз шеъриятида миллий фольклор анъаналарини кенг раванак топтирган қорақалпоқ халқ шоири, адабиётимизнинг чинорларидан бири Т.Жумамуратовнинг „Ақсақ кемпир, бүкшенлеген ғарры шал“ сонети миллий шеъриятдаги янги шакл бўлиши билан бир қаторда, чуқур фалсафий мазмунга эга асар ҳамдир. Т.Жумамуратов ўз шеъриятида фольклор жанрлари саналган жир, терма, тўлғов, айтим кабилар тараққиётини таъминлади. Мазкур жанрларни ҳозирги қорақалпоқ шеъриятида қўллабгина қолмай, таъриф, мухаммас, ғазал, тўртликлар, баллада, сонет каби янги поэтик шаклларда ижод қилган сўз заргаридир.

Қорақалпоқ шеърияти тарихида лирик жанрнинг бошқа шакллари ҳам ривожланди. Жумладан, Европа поэзиясининг ода, октава, верлибр шакллари, Шарқ поэтик шаклларида қасида, маснавий, мустазод ва ҳ.к. қорақалпоқ шеърияти тарихида бадий шаклларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши миллий шеъриятимизнинг жанрий ва шаклий жиҳатдан ҳар томонлама тараққий этиб, тўла ривожланганлигидан далолат беради.

---

<sup>1</sup>Э.Пахратдинов, К.Алламбергенов, М.Бекбергенова. XX әсир қарақалпақ әдебияты тарийхы. —Н.: Қарақалпақстан, 2011. 510-б.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижодидан ХХІ аср — истиқлол давригача қорақалпоқ шеърियाи жанрий шакллари-нинг хилма-хиллиги лирик жанр тарихий тараққиёт босқич-ларини белгилаб беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият. 2008.*
2. *С.Ахметов, К.Султанов. Эдебияттаныў. —Н.: Қарақалпақстан. 1987.*
3. *К.Мәмбетов. Эдебият теориясы. —Н.: Билим. 1995.*
4. *Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. —Т.: ФАН. 1992.*
5. *Литературный энциклопедический словарь. —М., 1987.*
6. *К.Жәримбетов. ХІХ әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажланыў тарийхы. —Н.: Билим. 2004.*
7. *Қ.Оразымбетов. Хәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы ҳәм типологиясы. —Н.: Билим. 2004.*
8. *Ә.Пахратдинов, К.Алламбергенов, М.Бекбергенова. ХХ әсир қарақалпақ эдебияты тарийхы. —Н.: Қарақалпақстан. 2011.*

## ЭКЗИСТЕНЦИЯ И ИСТОРИЧЕСКИЕ СОБЫТИЯ В РОМАНЕ М. БУТОВА „СВОБОДА“

ТЕН А.

УзГУМЯ студент 4 курса

Научный руководитель ХЕГАЙ О.Ч.,  
к.ф.н., доцент.



В своей работе мы хотели бы рассмотреть произведение М. Бутова „Свобода“. Данное произведение является интересным и своеобразным по своей композиции и экзистенциальной тематике. М. Бутов — один из ведущих писателей русской современной прозы, в произведениях которого отражена русская действительность начала 90-х годов XX века.

Наша попытка рассмотрения романа „Свобода“, который является яркой литературной приметой современной русской прозы, затронет тему экзистенции через призму одиночества и психологизм героя, покажет влияние исторических событий на героя романа М. Бутова „Свобода“.

Экзистенциализм, как философское течение, начал развиваться на рубеже XIX—XX вв. Становление экзистенциализма проходило в достаточно беспокойное время. Это период двух мировых войн, нестабильной социальной обстановки. Старые ценности быстро разрушались, а новые только начали приходить на замену старым; экзистенциализм явился философией одиночества, переоценки внутренних ценностей, собственного существования. Само название (в переводе с лат. *exsistentia* — существование) подразумевает под собой

Учитесь так, словно вы постоянно ощущаете нехватку своих знаний, и так, словно вы постоянно боитесь потерять свои знания.

*Конфуций*

философию существования. Для данного философского направления основными особенностями являются:

— потребность постигнуть бытие как взаимосвязь или целостность между субъектом и объектом («Я» — «Окружающий мир»);

— отрешенность от окружающей действительности, создание собственного мира, так называемый „микромир“;

— анализ действий и поступков через призму исторических событий;

Для экзистенциализма характерно рациональное решение тех или иных аспектов, связанных с жизнью субъекта. Также следует отметить катарсис героя, его очищение и переоценку ценностей, накопленных за определенный временной промежуток. Экзистенция сама по себе является безграничной в своем понимании и вбирает в себя различные аспекты человеческого бытия. У Хайдеггера описание структуры экзистенции сводится к описанию ряда действий человеческого существования: заботы, страха, решимости, совести и др., которые определяются через смерть и суть различные способы соприкосновения с ничто, движение к нему, бегство от него и т.д. Поэтому именно в „пограничной ситуации“, в моменты глубочайших потрясений, человек прозревает экзистенцию как корень своего существа. Понятие времени для э. не является критерием значимости, экзистенциалисты считают, что время в экзистенциальном ключе не бесконечно и не поддается исчислению, а, наоборот, неповторимо и единично. Это дает автору рассмотреть своего героя не в стагнации, а наоборот — в развитии.

Своими предшественниками экзистенциалисты считают Б. Паскаля, С. Кьеркегора, М. де Унамуно, Ф. М. Достоевского и Ф. Ницше. На экзистенциализм оказали влияние философия жизни и феноменология Э. Гуссерля.

В начале 90-х годов XX в. общество лихорадило и трясло. Нет, оно не было больно. Просто разрушился привычный ритм жизни, на смену социалистическому строю пришли

времена „дикого капитализма“; это было странное время. Многие ударились в бизнес, почувствовали „запах“ денег и свободы, но были ли они действительно свободны? Главный герой романа „Свобода“ пытается найти свою свободу, уйдя в „изгнание“. Пытаясь отстраниться от событий, происходящих в России, он начинает рассматривать свою жизнь с позиции экзистенциализма. Происходящие исторические события его не волнуют, но даже на основе косвенных упоминаний об этих событиях дают нам понять, что главный герой не принимает образ „новой России“, все эти процессы лишь подталкивают его к затворничеству. Создался некий политический и общественный вакуум, в котором можно было встретить и дворника с высшим образованием, и продавца, имеющего кандидатский минимум. Этот типаж был отражен и в романе, где герой встречает дьякона: „Дружили с дьяконом. Дьякон был широких взглядов и под настроение — отменный матерщинник. Прежде филолог, он, после ста пятидесяти граммов храмовой горькой за обедом, принимался ругать меня на староиспанском“. Религия разрешена, но тянутся туда не простые люди, а типичные представители нового времени: „церковь быстро становилась государственной модой, серьезные промышленники и набирающие силу коммерсанты стремились приобщиться (а наш батюшка время от времени выезжал что-нибудь освящать: больницу, культурный центр или автосервис“, автор горько иронизирует по этому поводу: „Покойники не очень-то к нам спешили и чаще всего проплывали мимо в желтых, иногда с траурной полосой автобусах, а деньги убитых горем родственников шли куда угодно, только не в церковный ящик“.

Для людей, долгое время живших в эпоху тотальной цензуры, свобода слова казалась чем-то странным, далеким. Почувствовав вседозволенность, люди начали стремительно избавляться от советского прошлого, создалась странная ситуация: не разрушено старое общество, но и не построено новое. В этот период появляются различные политические



партии, зачастую националистического характера, которые лгали о демократических свободах, прикрываясь националистическими лозунгами. На фоне этих политических событий главный герой, не желая примкнуть ни к партиям, ни к различным слоям общества, уходит в самого себя. Все эти события служат лишь фоном, но именно они являются связующим звеном в концепте потребности постигнуть бытие как взаимосвязь или целостность между субъектом и объектом («Я» — «Окружающий мир»).

В заключение хотелось бы отметить, что экзистенциализм в романе М. Бутова тесно переплетен с историческими событиями, происходящими в стране. И хотя эти события по сути дела являются лишь фоном, они дают нам возможность понять, как главный герой рассматривает свою жизнь в экзистенциальном ключе.

### **Использованная литература**

1. *Бутов М.В.* Свобода. — М.; 1999.
2. *Гайденко П.* Экзистенциализм и проблема культуры, — М., 1963.

**ПЕРСПЕКТИВЫ ИЗУЧЕНИЯ  
ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ В  
НОВЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ**

**ТИЛЕУМУРАТОВА Б.А. — старший  
науч. сотрудник исследователь  
Нукусского Государственного  
педагогического института им. Ажинияза**



**Научный руководитель: проф. д. б.н.  
КОНСТАНТИНОВА Л.Г.**

Лекарственные растения Каракалпакстана хорошо изучены в середине прошлого века. Изучена их распространенность, основные лечебные свойства. Однако в последние годы изменилась экологическая ситуация — повысилась сухость воздуха, резко возросла континентальность, произошли опустынивание, трансформация природной среды Южного Приаралья, что, естественно, повлияло не только на распространение, но и качественные изменения растительности как лекарственного сырья.

В растениях образуется огромное количество различных веществ, оказывающих воздействие на организм, в том числе физиологически активные вещества (ФАВ) или биологически активные вещества (БАВ).

Они используются для лечения и профилактики практически всех заболеваний.

Лекарственные растения и получаемые из них фитопрепараты имеют существенное преимущество перед синтетическими, поскольку обладают более

Часто слышишь, что молодежь говорит: я не хочу жить чужим умом, я сам обдумаю. Зачем же тебе обдумывать обдуманное? Бери готовое и иди дальше. В том сила человечества.

*Л.Н. Толстой*

длительным и мягким действием на организм и обычно не накапливаются в нем.

Сопутствующие вещества, содержащиеся в растениях, часто усиливают действие основного лекарственного вещества, реже встречаются аллергические реакции.

Основное количество лекарств, используемых для лечения печени и сердечно-сосудистых заболеваний, составляют фитопрепараты.

Качественный состав и количество этих веществ зависят от условий произрастания растений, фаз их развития, времени сбора растения, способов сушки, условий хранения сырья, способов приготовления и т.д.

В зависимости от наличия действующих веществ растения применяются при различных группах заболеваний.

Все это определяет новые задачи.

Согласно классификации лекарственных растений Акопова, нами поставлена задача — изучить следующие лекарственные растения:

I. Растения, стимулирующие и тонизирующие центральную нервную систему:

1. Гармала обыкновенная Эдираспан *Peganum haimala* L.

2. Хвойник хвощевой (Эфедра хвощевая) *Enhedra equisetina* Bunge. Семейство эфедровые *Ephendraceae Wettst* Кызылша

3. Желтушник раскидистый — Ақбасқурай *Erysimum canescens* Roth.

II. Растения, оказывающие успокаивающее (седативное) действие на центральную нервную систему:

1. Валериана туркестанская *Valeriana turkestanica* Sumn. Семейство валериановые *Valerianaceae* Batsch.

2. Душица обыкновенная *Origanum vulgare* L. Семейство яснотковые *Lamiaceae* Lindl.

3. Пустырник туркестанский *Leonurus turkestanicus* V.Krecz.et.Kupr. Семейство Яснотковые *Lamiaceae* Lindl.

III. Растения болеутоляющего и обезболивающего действия

1. Белена черная Мындууана *Nyoscyamus nitre 2 L.*
2. Мята азиатская Азия мятасы *Mentha asiatica Boriss.*
3. Подорожник ланцетолистый Қалемүш атқулақ *Plantago lanceolata L.*

IV. Растения противосудорожного действия:

1. Паслён чёрный Ийт жүзим. *Solanum nigrumj L.*
2. Полынь обыкновенная *Artemisie Vilgaris L.*

V. Растения, применяемые при заболеваниях органов пищеварительной системы:

1. Золототысячник колосовидный Масақга талғақшөп *Centaureum spicatum L. Fritsch.*

2. Одуванчик обыкновенный Эпиуайы сары гүл *Taraxacum Vulgaris Schrenk.*

3. Перец однолетний Қызыл бурыш *Capsicum annuum J.*

VI. Растения сосудорасширяющего и спазмолитического действия, применяемые при заболеваниях органов пищеварительной системы:

1. Гледичия обыкновенная Қәдимги гледичия *Cleditschia triacanthos L.*

2. Каперсы колючие *Capparis Spinoza L.* Геуил Семейство каперсовые *Capparidaceae Juss.*

VII. Растения сосудорасширяющего и спазмолитического действия, применяемые при начальных формах гипертонической болезни:

1. Каперсы колючие *Capparis Spinosa L.* Геуил Семейство каперсовые *Capparidaceae Juss.*

2. Календула лекарственная *Calendula officihalis L.*

3. Свекла обыкновенная Эпиуайы ләблеби *Beta vulgaris L.*

4. Солянка Рихтера (черкез) *Salsola richteri.*

5. Зверобой продырявленный *Hypericum perforatum L.* Семейство зверобойные *Hypericaceae Juss.*

VIII. Растения антисептического, противолихорадочного и ранозаживляющего действия:

1. Лен низкий Зығыр *Linum humile mill.*

2. Горец птичий Қызыл тары (*P. avicularis L.*)

3. Ива белая Ақ тал *Salix alba L.*

IX. Растения вяжущего и противовоспалительного действия:

1. Алтей лекарственный *Althaea officinalis L.* Семейство мальвовые *Malvaceae Juss.*

2. Подорожник большой Аткулақ *Plantago major L.*

3. Мать- и -мачеха обыкновенная *Tussilago farfara L.* Семейство астровые *Asteraceae Dum.*

X. Растения противокашлевого и отхаркивающего действия:

1. Петрушка обыкновенная *Petroselinum crispum (Mill.)*

2. Крапива двудомная Уйшөп *Urtica dioica L.* Семейство крапивные *Urticaceae Engl.*

3. Кукуруза Мәкке *Zea mays L.*

XI. Растения мочегонного действия:

1. Калина обыкновенная Қәдимги калина *Viburnum opulus L.*

2. Пастушья сумка Шопан дорба *Capsella bursa pastoris J. Medik* Семейство капустные *Brassicaceae Burnett.*

3. Хвощ полевой Қырық бууын *Equisetum arvense L.* Семейство хвощевые *Equisetaceae L.C. Rish.*

XII. Растения, применяемые при маточных кровотечениях:

1. Кунжут индийский Гүнжи *Sesamum indicum L.*

2. Бессмертник самаркандский *Helichrysum maracandicum M. Pop* Семейство астровые *Asteraceae Dum.*

3. Тысячелистник обыкновенный *Achilla millefolium L.* Семейство астровые.

XIII. Растения, оказывающие кардиотропное действие и применяемые при заболеваниях сердца:

1. Долана Семейство розоцветные *Rosaceae Juss.*

## 2. Инжи обыкновенный Қәдимги әнжир *Ficus carica* L.

Лечебное действие многих сотен видов лекарственных растений, применяющихся в настоящее время в научной и народной медицине, связано с наличием в них биологически активных веществ, которые оказывают влияние на различные физиологические процессы организма человека и животных. Эти вещества называются действующими веществами. Наиболее распространенными действующими веществами являются алкалоиды, гликозиды, флавоноиды, кумарины, эфирные масла, дубильные вещества, витамины и др.

Нами изучены особенности распространения (картирования) фенологии, лекарственных свойств данных растений.

### Литература

**Акопов И.Э.** Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применения. Т.: Медицина 1986.

## ФОРМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИГР ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУПП

**ТОИРОВА ДИЛНОЗА**

студентка ТГПУ им. Низами

Ст. преп. ХАМРАКУЛОВА Ш.А.

В контексте инновационной стратегии учебно-воспитательного процесса существенно возрастает роль преподавателя как непосредственного носителя новаторских идей. Инновационная деятельность становится обязательным компонентом личной педагогической системы. При всем многообразии обучения (диалогические, компьютерные, проблемные, модульные и др.) ведущие функции осуществляет преподаватель. С внедрением в образовательный процесс современных технических средств обучения он выступает как консультант, советчик, аниматор, воспитатель. Это требует от него специальной педагогической подготовки, так как в профессиональной деятельности реализуются не только узкоспециальные, предметные знания, но и знания в области педагогики и психологии, технологии обучения и воспитания. На этой базе формируется готовность к восприятию, оценке и реализации педагогических инноваций.

**О молодость! Молодость!  
... Может быть, вся тайна  
прелести состоит не в  
возможности все сделать, а в  
возможности думать, что все  
сделаешь.**

*И.С. Тургенев*

Современная методика поставила перед преподавателями иностранных языков такую задачу:

— надо учить в аудитории запоминать материал всем вместе (насколько это веселее и полезнее), употреблять нужные

слова и фразы множество раз непосредственно в речи.

Чтобы запомнить, надо много раз повторить, а чтобы появился навык, надо много раз совершить речевое действие, т.е. мотивированно употребить ту или иную фразу. Такая мотивированность легко возникает в игре.

Игра, согласно исследованиям ученых, наряду с трудом и учением — один из основных видов деятельности.

Характеризует игру наличие прямых или косвенных правил, отражающих содержание игры, логическую и временную последовательность ее развития. Игра в теоретическом плане исследователями рассматривается как деятельность, как процесс, как метод обучения. Игра как деятельность включает целеполагание, планирование, реализацию цели, анализ результатов, в которых личность полностью реализует себя как субъект.

Игры имеют спектр целевых ориентаций. Это дидактические, воспитывающие, развивающие, социализирующие.

Дидактическая цель игр направлена на расширение кругозора, познавательной деятельности, применение знаний, умений и навыков в практической деятельности, развитие общеучебных умений и навыков, развитие трудовых навыков.

Воспитывающие цели предполагают воспитание самостоятельности, воли, формирование определенных подходов, позиций, нравственных, эстетических и мировоззренческих установок, воспитание сотрудничества, коллективизма, общительности, коммуникативности.

Развивающие игры направлены на развитие внимания, памяти, речи, мышления, мотивации учебной деятельности, воображения, фантазии, творческих способностей, эмпатии, рефлексии, умений сравнивать, сопоставлять, находить аналогии, находить оптимальные решения.

В педагогической литературе существует понятие педагогической игры. Обширная группа методов и приёмов организации педагогического процесса в форме различных педагогических игр составляет „игровые педагогические техноло-



гии". Основу использования игровых технологий составляет активизирующая и интенсифицирующая деятельность обучаемых.

С точки зрения выработки умений по видам речи, по типам компетенций возможна следующая классификация игр: фонетические, лексические, грамматические, речевые, ролевые.

Дидактическая задача каждой игры определяется содержанием материала и воспитательными целями.

Формы организации игр могут быть различными: игры-путешествия, игры-соревнования, эстафеты, игры-загадки, и т.д.

Обучая будущих педагогов, мы стараемся на каждом занятии использовать игры, игровые моменты, связанные с изучаемой темой. Это игры-соревнования „Кто больше?“, „Кто скорее?“, „Эстафеты“, которые используются как для запоминания и воспроизведения слов и грамматических форм, так и для употребления их в речи. Некоторые из них:

**„Снежный ком“.** Один студент говорит фразу. Каждый последующий повторяет ее и добавляет слово, расширяя фразу, или еще фразы, образуя текст.

**„Собери правильно“.** Преподаватель на отдельных карточках пишет части слов или предложения. Карточки (в беспорядке) раздает студентам. Их задача — восстановить слова или предложения. Цель — развитие навыков словообразования и словоупотребления.

**„Лучший рассказ“.** Группы вытаскивают карточку со словами. Задача — написать текст, используя эти слова (слов может быть 3—5—10 и т.д.)

Для активизации внимания, сознательного, заинтересованного отношения к изучаемой теме можно использовать игровое задание **„Разгадывание кроссворда“**, составленного на материале знакомой и незнакомой лексики.

Для развития речевых умений студентам предлагаются ситуации и этюды, требующие творческого решения. Студенты должны творчески применить речевые образцы, которые

им были получены ранее, в новых ситуациях. Речь обучаемых спонтанна, условия говорения приближаются к условиям естественного общения. Типичной формой работы становятся коллективные формы, когда группа работает самостоятельно под наблюдением преподавателя.

Приведем примеры использования игровых технологий на занятиях русского языка художественно-графического факультета:

игра „Аукцион картин“, игра „Узнай художника“, игра „Найди героя по описанию“, игра „Я знаю пять художников-пейзажистов“, „Я знаю пять художников-передвижников“...

Каждое занятие по иностранному языку строится по определенному стандарту и включают в себя обязательные и факультативные компоненты, из которых некоторые имеют твердое временное закрепление, постоянное место в занятии, а некоторые более или менее свободно располагаются в структуре урока.

Первым обязательным и закрепленным по времени компонентом является психологически организационный компонент, который обычно называют созданием установки, или введение в языковую среду. Им, как правило, открывается каждое занятие. Хотя эта часть занятия невелика по времени, она достаточно важна. От оптимальности её организации часто зависит успех занятия в целом, смогут ли студенты полностью переключиться на нужный вид деятельности, и, следовательно, эффективно работать в течение всего занятия. Необходимо также учесть, что в условиях обучения внеязыковой среды роль этого компонента еще более возрастает, поскольку речь идет о деятельности, которая не будет иметь положительного подкрепления: ведь внезанятия студенты общаются на родном языке. Именно поэтому необходимо использовать разнообразные формы и

приемы организации начала занятия и др. Эти формы и приемы можно разнообразить и дополнить с учетом потребностей особенностей обучающихся.

Как можно заметить, полилог позволяет:

— многократно задавать один и тот же вопрос (как бы „вращаться“ вокруг одного вопроса). Это дает возможность студентам многократно „видеть“, „слышать“ нужную конструкцию;

— включать в разговор всех студентов группы, объединять всех общением. Это, в отличие от монолога, где говорит один, а остальные пассивны, от диалога — где только двое заняты разговором, полилог активно вовлекает в общение всех студентов. Позволяет быстро менять тему разговора, „перескакивать“ от одной мысли к другой, оставлять часть вопросов без ответа, что дает возможность педагогу обрабатывать большое количество лексического и грамматического материала.

На наш взгляд, использование активных методов обучения в игровых технологиях поощряет фантазию студентов, стимулирует зарождение оригинальных идей, развивает творческие силы и способности.

### **Использованная литература**

1. *А.А. Акишина, О. Е. Коган. Учимся учить.* — М.: Русский язык, 2002.

2. *Н. Н. Азизходжаева. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Учебное пособие.* — Т., 2003.

**МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ****ТӨЛЕГЕНОВ М. — Ажиниёз номидаги  
НДПИ 1-босқич магистранти****Илмий раҳбари: академик  
БАЗАРБАЕВ Ж.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган сана 1991 йил 1 сентябрь ҳалқимиз тарихидаги туб бурилиш нуқтаси бўлди. Узоқ йиллар давом этган Россия мустамлакачилиги, совет мустабид тузумидан озод бўлиш туфайли ҳалқимиз жаҳон ҳамжамиятида, умуминсоний цивилизация тараққиётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш имконига эга бўлди.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш учун, аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Зеро, кишилар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан табиий равишда бирга келадиган муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Собиқ тоталитар тузум даврида олиб борилган, ҳалқларни ялпи манқуртлаштириш сиёсати ҳалқимизни ҳам ўз тарихидан, маданиятидан, маънавий қувватидан, миллий ҳиссиётидан, ўзлигидан айиришга анча-мунча улгурди. Советлар давридан қолган бундай оғир „мерос“ ҳақида кейинчалик Президент И.А.Каримов „Бу тузум ўз ҳалқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди“<sup>1</sup>,

Таълимни тарбиядан,  
тарбияни эса таълимдан  
ажратиб бўлмайди — бу  
шарқона қараш, шарқона ҳаёт  
фалсафаси.

*И.А.Каримов*

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. —Т.: „Ўзбекистон“, 1996, 7-бет, 46-бет.

— деган эди. Тарихнинг аччиқ сабоқларидан бири шуки, маънавият, ахлоқ-одоб инсон хатти-ҳаракатларининг, фаолиятининг, эҳтиёжларининг мезонига айланмай туриб, жамият биронта муаммоларни самарали ҳал этиши ва ижтимоий тараққиётга эришиши мумкин эмас. Биргина мисол — Туркистон ўлкасининг XIX аср 70-йилларида Россия империясининг мустахлакасига айланиши тарихи. Халқимиз тарихидаги бу қайғули ҳодисанинг кўплаб сабабини келтириш мумкин. Аммо энг асосийси, элга бош бўлиши лозим бўлган ҳукмдорлардан тортиб, бой ва уламоларгача ўз шахсий манфаат доирасида ўралашиб қолганлиги, истиқлол учун курашган зиёлиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, жамият кишилари бирлаша олмагани, десак хато қилмаймиз. Зеро, XX аср бошларида тараққий-парвар зиёлилардан бири айтганидек: „Инсоннинг дунёда яшамоғи учун молу жонга эҳтиёжи бўлса-да, дунёни иззати ва охиратни саодати учун восита бўлинган илму адибга зиёдароқ эҳтиёжи бордур“.<sup>1</sup>

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан маънавият масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, социал, маданий, маънавий, бир сўз билан айтганда, барча жабҳаларида тарихий бурилиш бўлди. Президентимизнинг 1992 йил нашр қилинган „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ китобининг алоҳида боби „Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари“ деб номланади ва унда илк бор маънавий меросни тиклаш ва жамият маънавиятини юксалтириш масалалари батафсил таҳлил этилди. Юртбошимиз Мустақил Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли ҳақида фикр юритиб, хусусан, шундай дейди: „Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир“.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> „Ойна“ (1914—1915 й.). —Т.: Академия, 2001, 42-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1996. 80-бет.

Мамлакатимизда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик учун кенг шарт-шароитлар яратилди. Пировард натижада демократик-ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуришнинг ҳуқуқий, сиёсий заминлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда, комил инсонни тарбиялашнинг ижтимоий зарурияти янада яққол кўринмоқда.

Истиқлолнинг ҳозирги даврида жамият тараққиётида мисли кўрилмаган даражада катта муваффақиятларга эришилган бўлса-да, шу билан бирга, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқасига ўтиш осон эмаслиги фуқаролар томонидан англаб етилмоқда. Шундай шароитда Ўзбекистон ҳукумати бир томондан мустамлакачиликнинг узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган асоратли ҳолатларини бартараф этишда, иккинчи томондан эса, тараққиётнинг ҳозирги янги босқичдаги барча соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда маданий, маънавий омилларга алоҳида аҳамият бермоқда.

Маънавий-маърифий омилларнинг ҳозирги кундаги ўрни ва ролига устувор аҳамият берган ҳолда Президентимиз шундай дейди: „Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир“.<sup>1</sup>

Тарихий тараққиёт йўлида инсоният тўплаган тажриба ва сабоқлар маънавий мезон ва қарашлар тизими сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. И.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбатида: „Тарих — халқ маънавиятининг асосидир“, — деб айтган сўзларининг мазмун-моҳияти ана шун-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. —Т., 2000. 24—25-бетлар.

да. Тарих сабоқлари инсонни хатолардан асрайди, ҳушёрликка ўргатади. Бироқ таъкидлаш жоизки, маънавият фақат мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтадиган тарихий қадрият бўлмай, доимий ривожланиб, янги давр қадриятлари билан бойиб, уйғунлашиб борадиган доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: „Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир“.<sup>1</sup>

Мустақилликнинг ҳозирги ривожланиш даражасида келажакда залварли ютуқларга эришишнинг муҳим кафолатларидан бири, назаримизда, совет мустабид тузуми шароитидаги мавжуд ҳолатлар, жумладан, маданият, санъат соҳасидаги ўзига хосликни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишдир. Дарҳақиқат, тарихга мурожаат этиш, ўша даврдаги ютуқлар ва концептуал тарздаги хато, камчиликлар нисбатини аниқлаш бизнинг келажакдаги ҳаракатимизга зарур шарт-шароит яратади.

Маънавиятсиз келажак йўқ. Зеро, бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Шунинг учун мамлакат келажаги унда яшаётган кишиларнинг онги, маънавияти даражаси билан боғлиқ. Инсон руҳияти соғлом бўлса, ўзлигини англаса шахсга айланади. Киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарашига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлганидагина, демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши мумкин бўлади. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, маънавий тикланиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: Ўзбекистон, 1998. 21-бет.

ҳаракатларимиз, ислоҳотларимиз келажакда мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига ва дунёда ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. —Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. *Каримов И.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. —Т., 2000.
5. „Ойна“ (1914—1915 й.). —Т.: Академия, 2001.





УДК 796:370.1

## ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИГИНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

ТУРДИЕВ УМИД КАМОЛИДДИНОВИЧ —  
Навой ДПИ

Баркамол авлод тарбияси жамиятда мунтазам ва узлуксиз давом этувчи ижтимоий-педагогик ҳодисадир. Бунда таълим-тарбиянинг бошқа соҳалари каби жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари (функцияси) ва уларни изчил амалга ошириш зарур бўлган усуллари ҳамда технологиялари қўлланилади. Шу сабабдан бу соҳа ҳозирги даврда энг муҳим ва глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Умумтаълим ва касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнларида ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний тайёргарликларини ўрганиш ҳамда уларнинг баркамоллигини тарбиялашда жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланишнинг йўллари ва қўлланиладиган янги технологияларни ўрганиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ишимизнинг асосий мақсад ва вазифаларини ифодалайди.<sup>1</sup>

Чиройли сўзларни кўп гапириш эмас, балки ишончли далиллар билан айтишдир. Қисқа ва аниқ гап мўлжалга тегади.

*Халид ибн Суфён*

Маълумки, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, спорт, туризм (пиёда юриш саёҳати), халқ миллий ўйинлари (кураш, от ўйинлари, дорбоз, ҳаракатли ўйинлар ва ҳ.к.) жисмоний жиҳатдан тетик, бақувват, эпчил,

<sup>1</sup> Ахматов М. Келажакка хизмат қилувчи тизим. //Халқ таълими. 2001, №1.

чидамли, абжир қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Уларни ўргатиш, кундалик турмуш шароитига киритиш ҳамда доимий равишда улар билан шуғулланишни асосан бола туғилган кунлардан бошлаб боғча, мактаб ва юқори босқичдаги ўқув муассасаларида давлат дастури асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, ёшлиқдан жисмоний тарбия воситаларини (спорт тури ҳам) бажаришга одатланган киши бир умр улар билан мунтазам шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкам сақлай олади ва узоқ умр кўришни таъминлайди. Бунда жисмоний меҳнат, соғлом турмуш тарзи, гигиеник қоидаларга риоя қилиш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва овқатланиш тартиб-қоидаларини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муаммога доир адабиёт манбаларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, педагогик кузатишлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари билан суҳбат-мулоқотлар, ўқувчи ва талаба ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш муносабатларини сўров (савол)-жавоб варақалари (анкета) асосида ўрганиш натижалари асосида қуйидагиларни баён этишга жазм этдик, яъни:

1. Оилада кичик ёшдаги болалар (1—6) тарбиясида жисмоний тарбия воситаларидан (машқлар, ўйинлар) фойдаланувчи ота-оналар кўпчиликни ташкил этмайди. Чунки улар болалар тарбиясида қўлланиладиган машқ-ўйинларни яхши билишмайди (60—65%) ва махсус услубий қўлланмалар, тавсияномаларга эга эмас (70—75%), жисмоний тарбия мутахассислари, айниқса, ўқитувчилар билан бу соҳага алоқадор эмас (50—55 %).

2. Самарқанд, Бухоро, Навоий каби шаҳарлар ва туман марказларидаги мактабгача болалар тарбия муассасаларида одатий машқлар (сафда тизилиб 4—5 та машқ бажариш) ва қўл ушлашиб доира ёки қаторда туриб бажариладиган машқларни ўтказишади. Бу жараён катта ёшдаги гуруҳ (5—6 ёш) болаларининг мустақил ҳаракат қилиши ва қизиқиб ўйнайдиган фаолиятларини сусайтириши билан бир қаторда уларнинг ҳаракатида жисмоний сифатларни шакллантиришга салбий таъсир

ўтказмоқда. Бунинг асосий сабабларидаи бири шундаки, аксарият кўпчилик тарбиячи-ўқитувчилар жисмоний машқларнинг турлари ва ҳаракатли, айниқса, миллий ҳаракатли ўйинларнинг номлари ҳамда мазмунларини етарли даражада ўзлаштириб олишмаган.

3. Умумтаълим мактабларининг бошланғич (I—IV) синфларида жисмоний тарбия дарслари мутахассислар томонидан ўтказилиши тўла йўлга қўйилган. Қишлоқ жойларида бу синфларга фан ўқитувчиларининг (биология, адабиёт, математика ва ҳоказо) дарс бериши ҳам учрайди. Яъни бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси факультетини битирган мутахассислар ҳали ҳам етишмайди. Яна бир муаммоли жиҳати борки, бошланғич таълим педагогикаси факультетларида жисмоний тарбия махсус соҳа сифатида ўқитилса-да, битирувчиларнинг аксарият кўпчилиги бу соҳада назарий билимга чуқур эга эмас ва амалий кўникмалар (айниқса, хотин-қизлар) етарли даражада эгалланмаётир.

Эътироф этиш зарурки, V—VII синф ўқувчиларида спортга бўлган қизиқиш, айниқса, футбол, баскетбол, кураш, теннис, югуриш, сакраш, улоқтириш каби турлар бўйича баҳслашиш анча устун туради.

Аксарият кўпчилик жисмоний тарбия ўқитувчилари „Жисмоний тарбия“ дастури тартиби ва шу асосда тузилган чораклик режалар, айниқса, ҳар галги (ҳар сафарги) дарс мазмунларида чегараланган миқдорда машқ-ўйин турлари ва миқдорлари билан қаноатланиб қолишмоқда. Ваҳоланки, бунда бир хил машқларни кетма-кет такрорлаш ўқувчиларнинг дарсларга қизиқиш жараёнларини пасайтиради, баъзан эса умуман тўла сўндиради.

Лекин, баъзи бир тажрибали ўқитувчилар, педагогик маҳорат сари интилувчилар, ноанъанавий воситалар ва усуллардан фойдаланувчи илғор педагоглар режадаги турларни четлаштирмасдан, уларга турдош бўлган ўйин-ҳаракатларни қўшиб ўтказди. Табиийки, бу ҳолат ўқувчиларнинг дарсларга қизиқиши, машқ-вазифаларни пухта бажариши, энг муҳими эса жисмоний ривожланишига асос бўлади.

Назаримизда бундай педагогик фаолиятларни юқори синфларда (VIII—IX) ҳам қўллаб, гимнастика, енгил атлетика, бадий гимнастика (қизлар), кураш (ўғил болалар) каби дарс турларида амалга ошириш лозим. Чунки, асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, ўқитувчининг амалий кўникма-фаолиятининг пастлиги натижасида баъзи дарслар (гимнастика, бадий гимнастика) умуман ташкил этилмаётир, десак хато бўлмаса керак.

4. Иқтидорли болаларни спортга жалб этиш, уларни тарбиялаб катта маҳоратларга эриштириш жараёнлари маълум бир ихтисосликка қаратилиши, асосан, спорт учун, шуғулланувчиларнинг нуфузли спорт мусобақаларида муваффақиятларга эришишига қаратилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг бир жузвий-салбий томони ҳам борлигини эътироф этиш керак. Яъни катта спортга йўл олган ёшлар спортнинг асосан бир тури атрофида истаса-истамаса чамбарчас боғланиб қолмоқда. Бундай спортчилар Олий таълим муассасаларида ҳам бу фаолиятни такомиллаштиради. Уларнинг баъзилари етакчи мураббий бўлиб етишмоқда. Аммо бу тор ихтисосликда тарбия олган кўпчилик мутахассис ёшлар ўқув юртларида жисмоний тарбиядан дарс беришларига тўғри келмоқда.

Барча тур ва тоифадаги ўқув юртларининг „Жисмоний тарбия дастурлари“ мазмунида гимнастика, енгил атлетика (югуриш, сакраш, улоқтириш), курашлар, спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол ва ҳоказо), бадий гимнастика, сузиш каби спорт турлари бўлиб, уларни мажмуий (комплекс) равишда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун эса ўқитувчи биттагина ихтисослик (спортнинг битта тури) билан уларни мақсаддагидек ташкил қилиш ва ўтказишга қодир бўлмайди. Бу жараёнлар эса мактаб ўқувчилари ва бошқа ўрта махсус (касб-хунар коллежлари) ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг дарсларга бўлган муносабатларини сусайтиришга сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида эса ўқувчи ва талаба ёшларнинг жисмоний баркамоллиги давр талабларига жавоб бермаётир. Буни чораклик (семестр) ва йиллик яқунлар бўйи-

ча тестлар асосида қабул қилинган амалий натижаларнинг юқори даражада эмаслигидан ҳам билиш қийин эмас.

5. Бу жараён билан изчил боғлиқ бўлган ўта муҳим бир воқелик мавжудки, яъни ўқувчи ва талабаларнинг ёши, жинси асосида шуғулланиш шарт бўлган „Алпомиш“ ва „Барчиной“ махсус тестларидир.

Ўқув муассасаларида бу жараён бўйича ўтказилган тадбирлар, тайёргарлик ва „Нишон“ ҳамда „Ҳисоб“ (зачёт) талабаларининг бажарилишини исботловчи ҳужжатларнинг (протокол) кўрсатишича, атиги 4—5 % ўқувчи ва талабалар бу меъёрларни бажаришмоқда. Синов-тажрибаларда (якуний баҳо) иштирок этувчиларнинг 60—70 % тестларни бажаришга бағишланган дарслар ёки тайёргарлик машғулотларида фаол иштирок этмаётир.

Бундан хулоса шуки:

— жисмоний тарбия факультетлари, педагогика коллежларининг жисмоний тарбия бўлимларида мутахассис кадрлар тайёрлашда асосан мажмуий (комплекс) фаолиятлар билан қуроллантиришга эътибор бериш лозим;

— касбий-амалий малакаларни ошириш муассасаларида кичик ихтисосликка эга бўлган мутахассисларга ўқув юртининг „Жисмоний тарбия“ дастурлари асосида қўшимча машғулотларни кўпайтириш ва уларни сифатли эгаллашларига диққатни жалб этиш зарур бўлади.

6. Туризм шакл, мазмун, усул ва моҳият жиҳатдан кўп қиррали амалий фаолият ҳисобланади. Унинг таркибида пиёда юриш саёҳатининг мавжудлиги ҳамда унинг жисмоний баркамолликни тарбиялашдаги хусусиятлари эътиборга моликдир.

Бир кунлик ёки тунаб келиш (1—3 ва кўпроқ) шаклидаги пиёда саёҳатида шахсий жиҳозлар, буюмлар, озиқаларни орқалаб 8—10, 10—15 км ва ундан ортиқ масофаларни пиёда юриб ўтиш учун чидам, эпчиллик, куч сифатлари талаб этилиши билан саёҳат қатнашчиларининг табиатни кузатиш, ўрга-

ниш, вақтида дам олиш, ҳордиқ чиқаришига эътибор жалб этилади.

Саёҳат жараёнида ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш билан билим доиралари кенгайтирилади ва фаол ҳаракатлар билан юриш натижасида жисмоний чиниқиш таъминланади. Бу жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган кўпдан-кўп фаолиятлар мавжуддир.

Туризмнинг соғломлаштирувчи ва таълим-тарбия берувчи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда барча ўқув муассасаларида юриш саёҳатини изга тушириш ва энг муҳими, махсус тестлар таркибига киритиш лозим. Уларнинг амалда бажарилишини эса ўқув юртлари раҳбарлари, юқори идораларнинг масъул ходимлари ўз зиммаларига олиши, доимий равишда назорат қилишлари муҳим аҳамият касб этади.

7. Мамлакатимизда аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, бунда жисмоний тарбия ва спортдан мақсадли фойдаланиш зарурлиги борасида беқиёс кўп тадбирлар ўтказилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг соғлом турмуш тарзи мазмунидаги ўрни, болалар спортини ривожлантириш, халқ миллий ўйинларини омма ўртасида кенг ёйиш ва жисмоний тарбия ва спортнинг бошқа муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бунда таниқли олимлар, етакчи мутахассислар, спорт ташкилотларининг раҳбар ходимлари муаммовий мавзуларда кескин баҳслар уюштирмоқда. Уларнинг таклифларини қайта таҳлил қилиш ва мумкин бўлган томонларини амалга оширишда самарали натижаларга эришилмоқда. Бунда болалар спорти, касб-ҳунарга тайёрлашда таянч-амалий жисмоний тарбияни яхшилаш, хотин-қизлар спортига эътибор, аҳоли истиқомат қилувчи жойларда оммавий соғломлаштириш спорт тадбирларини ташкил қилиш каби муаммолар кўпчиликини қизиқтирмоқда.

Илмий-амалий анжуманлар жараёнида кўп йиллик меҳнатлари ва илмий-педагогик соҳадаги фаолиятларнинг юксакли-

гини эътиборга олиб табриклаш, тақдирлаш (юбилей маросими) каби янги анъаналар йўлга қўйилмоқда.

Ҳаёт йўлининг 60—70—75 йиллиги ва илмий-педагогик фаолиятларнинг 40—50—60 йиллиги муносабати билан Ш.Х.Хонкелдиев (Фарғона ДУ), Т.С.Усмонхўжаев, К.М.Маҳкамжонов (Тошкент), А.Қ.Атоев, Ҳ.А.Ботиров (Бухоро ДУ), Ў.Иброҳимов, Ж.Тошпўлатов (Термиз ДУ), мазкур мақола муаллифлари ва яна бир қатор фан докторлари, профессорларнинг (Самарқанд, Жиззах, Нукус ва ҳоказо) таваллудлари қизиқарли ўтказилди. Бу, ўз навбатида, ёш олимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар, магистрантлар ва талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятларига катта ҳисса қўшмоқда.

Бу жараёнлар ҳам ёшларни жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашдаги намунавий тадбирдир.

8. Наврўз, ҳосил байрамлари ва бошқа бир қатор оммавий маданий тадбирларда намоёиш этилаётган халқ миллий ўйинлари, халқ миллий ўйинларига бағишланган республика мусобақалари, шунингдек, катта тўйларда доимий равишда қўлланилиб келинаётган миллий курашларимиз, улоқ-кўпкари, пойга, дорбоз ва бошқа ўйинлар аҳолининг маънавий ва жисмоний баркамоллигини ўстиришга хизмат қилмоқда.

Миллий курашларимизнинг халқаро спорт мақомига эга бўлиши ва барча ҳудудларда курашга бўлган эътиборнинг кучайиши болалар ва ўсмирлар ўртасида иқтидорли спортчиларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жисмоний баркамолликни тарбиялаш ва ўқувчи-ёшлар ўртасида курашларни ривожлантиришга асос солмоқда.<sup>1</sup>

Улоқ-кўпкари, пойгаларнинг қизиқарли ўйин эканлиги ва уларнинг юксак даражадаги жисмоний тайёргарликларини тарбиялашдаги амалий моҳиятларини тушунган, билган ёшлар кўпаймоқда. Аммо шароитларнинг етишмаслиги, яъни отлар-

---

<sup>1</sup> Атоев А.Қ. „Болаларни чаққон, эпчил ва баққуват қилиб тарбиялаш“. —Т., 1981.

нинг қиммат нархи, уларни боқиш, парваришлаш муаммолари бунга катта тўсиқлик қилмоқда. Шу сабабдан моддий имконияти баланд бўлган тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари бундай ёшларга амалий ёрдам қилишлари, от спорти клубларини ташкил этиб, ёшларни жалб этишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

9. Аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда, шунингдек, қишлоқ шароитларида болалар ва ўсмирлар учун бўш вақтларда биргалашиб ўйнайдиган мусобақаларни ўтказиш, ўйин майдонлари билан таъминлаш, керакли асбоб-ускуналарни бериш, ўйинларнинг мазмунли ва ташкилий жиҳатдан қизиқарли ўтказилиши учун мутахассислар, спорт ишқибозларининг амалий ёрдамларидан фойдаланиш лозим. Бунда оилавий бўлиб ўйнаш, баҳслашиш йўли билан ёшларнинг жисмоний баркамоллигини ошириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчи ва талаба, ёшларнинг, шунингдек, оилавий шароитларда жисмоний баркамолликни тарбиялаш йўллари кўп. Уларни янада яхшилаш, оммавий равишда шуғулланишни ташкил қилиш муаммоларини ҳал этишда ўқув муассасаларининг раҳбарлари, жисмоний тарбия мутахассислари ва шунингдек, аҳоли истиқомат қилувчи жойлардаги мутасадди жамоаларнинг иш фаолияти ҳамда масъулиятларини кучайтириш лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. —Т.: Ўзбекистон, 1992. 1-том. 36-б.
3. *Каримов И.А.* Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. —Т.: Шарқ, 1993. 2-том. 92-б.
4. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг „Соғлом авлод учун“ орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқи. —Т.: Ўзбекистон. 1994. 2-том.
5. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори (Республика Президенти Ислон Каримовнинг „Универ-



сиада-2000“ спорт анжумани қатнашчиларига табриги). —Т., 2000.

6. Ўзбекистон Республикаси „Таълим тўғрисида“ги Қонуни.

7. *Ахматов М.* Келажакка хизмат қилувчи тизим. // Халқ таълими. 2001, №1.

8. *Рисқиев Т.Т.* ва бошқ. Баркамол авлод орзуси (Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурини амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг публицистик мулоҳазалари тўплами). —Т.: Шарқ, 1999.

9. *Ливицкий А.Н., Ҳамроқулов А.К., Панкратьева О.В., Юнусов Т.Т.* Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбиясининг назарияси ва методикаси. —Т., 1995.

10. *Рисқиев Т.Т.* ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси (Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурини амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг публицистик мулоҳазалари тўплами). —Т.: Шарқ, 1999.

11. *А.Қ. Атоев.* Болаларни чаққон, эпчил ва баққуват қилиб тарбиялаш. —Т., 1981.

## ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ҚУЛОҚЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ВА АМАЛИЁТИ

Ш.ЗОҲИДОВА, НавДПИ магистранти

Илмий раҳбар: т.ф.н. Х.Қурбонов



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳотлар бошланди. Мустақиллик шароитида ижтимоий фанлар, жумладан, тарих фанида ҳам янгилашниш жараёни бошланиб, тарихчилар зиммасига тарихни илмий асосда холисона тадқиқ этиш ва уни халққа етказиш вазифаси юкланди. Бу борада советлар даврида бузиб кўрсатилган ёки яшириб келинган тарихий ҳақиқатни тиклаш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: „Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз“ — дея таъкидлаган эди.

Совет даврида иқтисодиётни таназулга маҳкум этган давлат мулкининг ҳукмронлиги хўжалик, маданий ва интеллектуал ҳаётни мажбуран коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, фожиали оқибатларга олиб келган оммавий қатағон сиёсати амалга оширилди.

Кейинги йилларда совет ҳукмронлиги даврида амалга оширилган коллективлаштириш,

Бу куннинг тадбири сабабли  
эртанинг тадбирига эҳтиёж  
қолмаган киши ақлидир.

*Беруний*

қулоқлаштириш, сургун, қатағон сиёсатларини ўрганиш ва холис тарихни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги „Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида“ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги „Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида“ги қарори ҳуқуқий асос бўлди.

XX асрнинг 20-йиллар сўнгги ва 30-йиллар бошларида Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштириш асосида ўтказилган „қулоқлаштириш“ кампанияси яқин-яқингача тарихий адабиётларда совет давлат тузумининг, коллективлаштириш сиёсатининг қишлоқ районларидаги улкан ғалабаси тарзида талқин этиб келинди. Бинобарин, бу ғайриинсоний кампаниянинг қурбони бўлган кишилар ва уларнинг фарзандларига яқин-яқингача ёт унсурлар сифатида қаралиб, уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари пайҳон этиб келинди. Аммо XX асрнинг сўнгги йилларида, айниқса, СССРнинг давлат сифатида ҳалокатга учраши ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ташкил топиши билан совет даври тарихининг қайта ўрганилиши ва шу даврда рўй берган сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг қайта баҳоланиши натижасида „қулоқлаштириш“ совет давлати амалга оширган энг шармандали кампаниялардан бири эканлиги маълум бўлди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги „Ёппасига жамоалаштириш районлари қулоқ хўжалиklarини тугатиш тадбирлари тўғрисида“ги мудҳиш қарорида тугатилган қулоқ хўжалиklar уч тоифага ажратилган.

Биринчи тоифага аксилинқилобий қулоқ фаоллари, террорчилик ҳаракатлари ва советларга қарши исёнларнинг иштирокчилари кирган. Уларни дарҳол концлагерларга қамаш ва уларга нисбатан репрессиянинг олий чораси — отув жазосини қўллаш кўрсатилган.

Иккинчи тоифага кулоқ фаолларининг қолган унсурлари кирган. Айниқса, энг бой ва ярим помещчиклар ёппасига жамоалаштириш туманларидан СССРнинг олис узоқ туманларига, муайян ўлканинг узоқ районларига сургун қилинадиган бўлди.

Учинчи тоифага кулоқларнинг қолган қисми кириб, уларнинг жамоа хўжаликлари ерларидан ташқаридаги янги ўзлаштириладиган ерларга сургун қилиниши белгилаб кўйилди.

Кулоқ сифатида ҳибсга олиниб, бадарға қилинадиган хўжаликлар бутун мамлакат умумий деҳқон хўжалиklarининг 3—5% дан ошмаслиги кераклиги кўрсатилди.

Кўпдан-кўп хато, нуқсон, ноқонуний тадбирлар кимларни кулоқ қилишни масъул раҳбарлар, ижрочиларнинг ўзлари билмас, тушунмасдилар. Шу боис, қарийб бир йил ичида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети бу масалада иккита низом, йўриқнома қабул қилишга мажбур бўлган. Бу ўринда 1930 йил 6 апрелдаги „Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси татбиқ этилиши лозим бўлган кулоқ хўжалиklarининг белгилари ва шундай хўжалиklarни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида“ ги 52-сонли қарор ҳақида тўхталиш жоиздир. Марказий давлат ва ҳукуматнинг кулоқлаштириш масаласидаги директив кўрсатмаларига асосланиб республика ҳукумати қандай хўжалиklarни кулоқ хўжалиklари деб ҳисоблаш мумкин? деган саволга мазкур қарор қуйидагича жавоб қилган:

1. Қишлоқ хўжалиги ишларида, касб-ҳунармандчиликда, корхоналарда мунтазам равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқон хўжалиklари.

2. Ўз пахта майдонининг ярмидан кам бўлмаган қисмига пахта экадиган, боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик хўжалиklарида бир мавсумда 150 кун, бошқаларида 120 кундан ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хўжалиklar.

3. Чорвачилик хўжалиklарида ёлланма меҳнатдан фойдаланишда бир йилда 2 ёлланма ходимни ишлатган хўжалиklar.

4. Меҳнатга яроқли эркаклар бўлмаган тул хотинлар оиласи, етим-есирлар, ногиронлар ва ҳарбий хизматчилар оилалари хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ишлари учун битта доимий ёлланма ишчидан фойдаланган хўжаликлар.

5. Тегирмон, обжовуз, турли дон ва меваларни қуритгич ва тозалагичлар, бошқа саноат корхоналарига эга бўлган хўжаликлар.

6. Алоҳида жиҳозланган биноларни яшаш учун ёки корхона учун доимий ёки мавсумий фойдаланиш мақсадида ижарага берадиган хўжаликлар.

7. Механик двигателларга эга бўлган мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини мунтазам равишда фойдаланиш учун пулга ана шу машиналар билан муайян ишларни амалга оширадиган хўжаликлар.

8. Ижарага топширадиган деҳқон учун асоратли шартлар билан ерни олувчи хўжаликлар.

9. Оиласида меҳнатга яроқли эркаклар ва ўз ерига ишлов бериш учун хўжалик имкониятлари бўла туриб ўзининг ерини ижарага берувчи ёки унга чоракорлар орқали ишлов берувчи хўжаликлар.

10. Савдо ва саноат йўли билан эксплуатация қилиш мақсадида боғ, узумзор ва шунга ўхшашларни ижарага олувчи хўжаликлар.

11. Аъзолари савдо, судхўрлик билан шуғулланувчи хўжаликлар, жумладан, руҳонийлар.

Округлар ижроия комитетлари ва Қозоқ-Қорақалпоқ Автоном район ижроия комитетига ушбу қарорни ЎзССР Молия халқ комиссарлиги билан келишган ҳолда маҳаллий шароитларини эътиборга олиб юқорида белгилаб қўйилган қулоқ хўжаликларининг белгиларини ўзгартириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Қарорда ЎзССР Меҳнат, Адлия ишлари ва Молия халқ комиссарликларига келишилган ҳолда қулоқ хўжаликлари типдаги деҳқон хўжаликларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги

қонунлар кодексини татбиқ этиш тартиби ҳақида йўриқнома ишлаб чиқиш ва уни ХКСга тасдиқ қилиш учун тақдим этиш топширилди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудидаги қулоқ типдаги деҳқон хўжалиklarини ҳисобга олиш жорий этиладиган бўлди. Бунинг учун қишлоқ советлари зиммасига қарорда қайд этилган хўжалиklarни аниқлаш ва уларни меҳнат комиссарлиги томонидан таъсис қилинган ягона формадаги китобга киритиш мажбурияти юклатилди.

Қишлоқ советлари зиммасига ўз вакиллари томонидан ҳар йили энг камида бир марта қулоқ хўжалиklarини текшириб чиқиш ва ана шу хўжалиklarда юз берган ўзгаришларни „ҳисоб-китоб“ китобларида ана шу масала юзасидан тўла ахборот бериб туриши кўрсатилди.

Қулоқ хўжалиklarини ҳисобга олиш, устидан назорат олиб бориш ЎзССР Меҳнат халқ комиссарлиги ва округ ижроия комитетларига топширилди.

Ўзбекистон ҳукумати бу масалага яна такрор қайтиб қулоқ хўжалиklarини охиригача аниқлаш тўғрисида 1931 йил 7 январда қарор қабул қилди. Бунда СССР МИК ва ХКСнинг 1930 йил 23 декабрдаги қарори асос қилиб олинди. Қарорда социализмнинг кенг жабҳа бўйлаб ҳужуми ва ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатишнинг амалга оширилиши ўрта ҳол деҳқонлар манфаатини ҳимоя қила бориб, барча қулоқларни ҳақиқий аниқлашни таъмин этадиган тадбирлар кўринишини талаб қилаётгани таъкидланган. Жойларда қулоқ хўжалиklarини охиригача аниқлаш бўйича ишларнинг тўғри ташкил этилиши ва ўз вақтида ўтказилиши учун бутун масъулият райижроком раиси, район молия бўлими мудири ва пахта-ғалла тайёрлаш бўйича район вакили таркибидаги „учлик“ зиммасига юкланган.

Эски Бухоро райони Сариосиё қишлоқ советида ҳуқуқ тикланган 22 кишидан 9 таси бой, 6 таси савдогар ва 2 таси имом экани маълум бўлган. Харгуш қишлоқ советида ҳуқуқ тикланган 36 кишидан 18 тасида ер-сув ислоҳоти бўйича ке-

силган бой, 14 таси имом, 8 таси эшон ва 5 таси савдогар экани аниқланган.

Вобкент районидаги қатор қишлоқларда сайлов ҳуқуқларини нотўғри тиклаш ҳоллари содир этилган. Кучки Расул қишлоғида ер-сув ислоҳоти бўйича кесилган 2 тадан доимий батраги бўлган 4 та бойнинг ҳуқуқи тикланган. Янги Бозор қишлоқ советида ер-сув ислоҳоти бўйича кесилган 6 та йирик бойнинг ҳуқуқи тикланган. Шунга ўхшаш ҳоллар Қиёқ-Хўжа ва Суяин қишлоқ советларида ҳам содир бўлгани ўша махфий хатда келтирилган.

Ғиждувон райони Пермаст қишлоқ советида 3 та бойнинг сайлов ҳуқуқларини тиклаш ҳодисаси юз берган. Булардан ташқари, худди шундай 6 та ҳодиса содир бўлгани қайд этилган.

Янги Бухоро районида 9 марта бойларнинг сайлов ҳуқуқлари нотўғри тикланган.

Қоракўл районидаги қатор қишлоқ советларида 6 та йирик бой ва савдогарнинг сайлов ҳуқуқлари тикланган. Худди шундай ҳоллар Шофиркон районида ҳам содир этилган.

Ҳукуматнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг рўйхатини оммавий равишда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги сўнгги фармойиши (директиваси) районларда фойдаланиш учун фақат 26 апрелда юборилган.

Эски Бухоро районида ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг қатъий рўйхати ижроия комитетида ҳам, қишлоқ советларида ҳам бўлмаган.

Шофиркон районида ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг ҳисоби мутлақо йўқ.

Бухоро округидагидек бундай аҳвол Самарқанд округида ҳам юз берган. Бу округда ҳам ҳуқуқдан маҳрум қилинганларни ҳисобга олиш жуда бўш йўлга қўйилган. Аксарият ҳолларда райижрокомлар билан қишлоқ советларининг маълумотлари бир-биридан кескин фарқ қилган.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, истиқлол шарофати

билан бугунги кунда „қулоқлаштириш“ масаласида алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бундай хайрли, шарафли ишнинг уддасидан чиқиш имконияти тўла яратилгани, бундай улугвор ишларнинг тепасида Президентимиз Ислам Каримовнинг ўзи бош-қош бўлиб турганлиги, тарихимизни янгитдан бунёд этиш, уни поклаш ишига ўзлари бевосита раҳнамолик қилаётгани ҳам мазкур мавзунини янгича, холисона тадқиқ этиш имконини беради.

**„Шу боис, — деб кўрсатди Президентимиз, — ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим“.**

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. „Туркистон“ газетаси мухбирининг берган саволларига жавоблари // Туркистон, 1999 йил 2 февраль.
3. Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. — Халқ сўзи, 1999 йил 13 май.
4. Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. — Халқ сўзи, 1999 йил 23 июль.
5. Трагедия советской деревни. Том 2. Ноябрь 1929 г. — декабрь 1930 г. Москва РОСПЭН. М., 2002.
6. ЎзР МДА. 837-фонд, 8-рўйхат, 311- иш, 80—82-варақлар.





## ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ УМСТВЕННО ОТСТАЛЫХ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Ш.М.МЕЛИЕВА,  
ТГПУ, магистрантка 1-го курса

Научный руководитель к.п.н., доц.  
Д. НУРКЕЛДИЕВА

Основной задачей специального дошкольного обучения и воспитания умственно отсталого ребенка является обеспечение максимально возможного уровня физического, умственного и нравственного развития, подготовка к обучению в специальной школе. Эта работа должна проводиться с учетом индивидуальных возможностей каждого ребенка. Развитие умственно отсталого ребенка с первых дней жизни существенно отличается от развития нормальных детей. У многих детей-олигофренов задерживается развитие прямохождения — держать голову, сидеть, стоять, ходить они начинают значительно позднее чем их нормально развивающиеся сверстники. Эта задержка у многих детей бывает довольно существенной и может захватывать не только первый, но и второй год жизни ребенка. Как правило, у всех умственно отсталых дошкольников наблюдаются отсутствие или значи-

тельное снижение интереса к окружающему, общая патологическая инертность, что, однако, не исключает крикливости, беспокойства, раздражительности и двигательной расторможенности. В дальнейшем у них не возникает интереса к игруш-

Пошайтесь быть хотя бы  
немного добрее — и вы уви-  
дите, что окажетесь не в сос-  
тоянии совершить дурной  
поступок.

*Конфуций*

кам, подвешенным над кроваткой или находящимся в руках у взрослого, не происходит своевременного перехода к общению со взрослыми на основе совместных действий с игрушками, не возникает новая форма общения, свойственная младенческому возрасту в норме, — жестовая. Это отставание и своеобразие сказываются и на развитии первых действий с предметами — хватании, на развитии восприятия, тесно связанного в этот период с хватанием. Отсутствуют и предпосылки развития речи: предметное восприятие и предметные действия, общение со взрослыми, и, в частности, доречевые средства общения. Наблюдается недоразвитие артикуляционного аппарата и фонематического восприятия, в результате чего у умственно отсталых детей не возникает своевременно лепет. Это процесс рефлекторный, в норме он появляется во второй половине первого года жизни ребенка, протекает в основном независимо от условий окружающей среды, от влияния взрослых и связан непосредственно с состоянием ЦНС. В целом умственно отсталый ребенок в раннем возрасте имеет существенные отклонения в психическом и речевом развитии. В то же время тенденции его развития те же, что у нормально развивающихся сверстников. Многие в их развитии — отставание в овладении предметными действиями, развитии речи и познавательных процессов — в значительной мере носит вторичный характер. Перцептивные действия у умственно отсталых детей начинают формироваться в дошкольном возрасте. На основе появившегося у ребенка интереса к предметам, игрушкам возникают и простейшие представления об их свойствах и отношениях. В этом плане переломным годом для умственно отсталого ребенка является пятый год — дети уже могут делать выбор по образцу (по цвету, форме, величине); у отдельных детей имеется также продвижение в развитии целостного восприятия. Однако все это проявляется скорее только как тенденция развития. К концу дошкольного возраста лишь немногим более половины умственно отсталых детей достигают уровня развития восприятия, характерного для начала

дошкольного возраста нормально развивающихся детей. Другой важной стороной чувственного познания является наглядное мышление, тесно связанное с процессом восприятия. Для умственно отсталых дошкольников характерно отставание в темпе развития наглядно-действенного мышления. Далеко не всем детям к концу дошкольного периода оказывается доступным выполнение даже таких практических задач, в которых действие, выполненное рукой или орудием, прямо направлено на достижение практического результата, т.е. на перемещение предмета, его использование или изменение. В отличие от нормально развивающихся детей, у их умственно отсталых сверстников возрастные изменения в развитии наглядно-действенного мышления без специального обучения незначительны. До конца дошкольного возраста у них фактически отсутствует возможность решения наглядно-образных задач. Элементарное словесно-логическое мышление у умственно отсталых дошкольников развивается замедленно и имеет качественное своеобразие. По-иному, чем в норме, складывается соотношение наглядного и словесно-логического мышления. Игра в младшем дошкольном возрасте может возникнуть только на основе предметной деятельности на определенном уровне. К школьному возрасту фактически не возникает предметной деятельности. Действия с предметами остаются на уровне манипуляций, в большинстве случаев неспецифических. Интерес детей к предметам, в частности к игрушкам, оказывается кратковременным, так как побуждается лишь их внешним видом. После 5 лет в игре с игрушками умственно отсталых детей все большее место начинают занимать процессуальные действия. Однако подлинная игра не возникает. Без специального обучения ведущей деятельностью у умственно отсталого ребенка остается не игровая, а предметная. В игре наблюдаются стереотипность, формальность действий, отсутствует замысел, нет даже элементов сюжета. Дети не используют предметов-заместителей, не могут замещать действия с реальными предметами изображением действий или речью. У умственно отста-

лого ребенка без специально организованного обучения в игре не развиваются и функции речи. Отсутствует не только планирующая или фиксирующая речь, но как правило, и сопряженная. Продуктивная деятельность у умственно отсталых дошкольников вне специально организованного обучения практически не возникает; не появляются конструктивные умения, не возникает предметный рисунок. При обучении без учета особенностей развития детей этой категории предметные рисунки могут появиться, но эти рисунки, с одной стороны, примитивны, фрагментарны, не передают целостного образа предмета, искажают его форму и пропорции, а с другой — представляют собой усвоенный ребенком графический штамп, не отражающий реального предмета. Особенно показательным является тот факт, что дети, даже умеющие рисовать, не используют в своих рисунках цвет ни как средство изображения, ни как средство эмоциональной выразительности. Элементы трудовой деятельности (прежде всего навыки самообслуживания) у умственно отсталых дошкольников начинают формироваться под влиянием требований окружающих. Этот процесс требует значительных усилий со стороны родителей и воспитателей. Поэтому в семье, как правило, идут по линии наименьшего сопротивления: родители сами раздевают, одевают, кормят ребенка. Однако существуют семьи, в которых родители пытаются ставить перед ребенком определенные задачи и добиваются некоторых успехов. Поэтому умственно отсталые дошкольники имеют разный уровень овладения навыками самообслуживания. Характер умений и навыков таких детей заслуживает более детального рассмотрения. Движения детей, связанные с самообслуживанием, неуверенные, нечеткие, часто замедленные или, наоборот, беспорядочно суетливые, недостаточно целенаправленные. Сильно выражена несогласованность движений обеих рук. В ряде случаев даже у старших дошкольников нет понимания последовательности и логики всех действий, входящих в навык. Например, при умывании дети берут сухое мыло и, не намочив его, кладут на место, а

затем открывают кран. Страдает и характер каждого отдельно взятого действия, входящего в состав навыка. Например, умея пользоваться ложкой, ребенок держит ее, зажав в кулак, набирает неумеренное количество пищи и большую ее часть разливает, не донеся до рта. С точки зрения сформированности элементов трудовой деятельности умственно отсталые дети старшего дошкольного возраста представляют собой еще более неоднородную категорию. Но тот факт, что дети, к которым предъявлялись последовательные требования с учетом их индивидуальных особенностей, овладевают навыками самообслуживания, свидетельствует о достаточной потенциальной возможности развития у них практической деятельности. У умственно отсталых дошкольников развитие речи существенно отличается от развития речи у их нормально развивающихся сверстников. Отставание в развитии речи возникает у них с младенчества и продолжает накапливаться в раннем детстве. Соответственно к началу дошкольного возраста у них отсутствует готовность к усвоению письменной речи. Не сформированы такие предпосылки речевого развития, как предметная деятельность, интерес к окружающему, потребность в общении со взрослыми, не сформировано фонематическое восприятие, недостаточно развит артикуляционный аппарат. Многие умственно отсталые дети не начинают говорить не только к началу дошкольного возраста, но и к 4—5 годам. Для большинства умственно отсталых детей развитие речи в дошкольном возрасте только начинается. Первые слова появляются у них после 3 лет, фразы — к концу дошкольного возраста. С точки зрения развития речи умственно отсталые дошкольники представляют собой весьма неоднородную категорию. Среди них имеются дети, совсем не владеющие речью, и дети с формально достаточно хорошо развитой речью. Но всех их объединяет ограниченное понимание обращенной речи, привязанность к данной ситуации, с одной стороны, и оторванность речи от деятель-

ности — с другой. Речь не отражает истинных интеллектуальных возможностей ребенка, не может служить полноценным источником передачи ребенку знаний. Фразовая речь, формирующаяся у некоторых детей, отличается большим количеством фонетических и грамматических искажений. Овладение грамматическим строем речи на протяжении дошкольного возраста, как правило, не происходит. Особенно страдает связность речи. Одной из характерных особенностей становится стойкое нарушение согласования числительных с существительными. Пассивный словарный запас значительно превышает активный, но это касается, как правило, восприятия отдельных изолированных слов. Есть слова, которые умственно отсталый ребенок произносит с опорой на картинку, но не понимает, когда их произносит другой человек, вне привычной ситуации. Это свидетельствует о том, что у умственно отсталых дошкольников длительное время сохраняется ситуативное значение слова. Семантическая нагрузка слова у них значительно меньше, чем у нормально развивающихся сверстников. Без специального обучения у умственно отсталых дошкольников совсем не развивается регулирующая функция речи. Во многих случаях наблюдается эхολаличная речь. Речь умственно отсталых дошкольников настолько слабо развита, что не может осуществлять и свою важнейшую функцию — коммуникативную. К сожалению (и это характерно для умственно отсталых дошкольников, в отличие, например, от дошкольников с нарушением слуха), недоразвитие коммуникативной функции речи не компенсируется другими средствами общения, в частности мимико-жестикуляторными. Таким образом, без специального дошкольного обучения и воспитания умственно отсталые дети достигают школьного возраста с существенными речевыми нарушениями. Нарушения развития детей характеризуются все большим разнообразием по механизмам, степени выраженности, структуре и симптоматике. Это вызывает необходимость их углубленного изучения в процессе их коррекцион-

ного воспитания и обучения. Предстоит совершенствовать экспресс-диагностику в системе комплексного изучения детей с одновременным учетом состояния интеллектуальной, сенсорной и аффективно-волевой сфер. По каждому разделу важно разработать диагностические и прогностические показатели. Интегрированный характер дошкольного коррекционного воздействия реализуется объединением усилий специалистов разного профиля, направленных на изучение и обучение этих детей. Комплексностью решения образовательных-воспитательных и коррекционно развивающих задач, их взаимосвязью и взаимообусловленностью, усилением внутрипредметных и междисциплинарных связей посредством проведения интегрированных, комплексных занятий (по развитию изобразительной деятельности и речи, музыкальных и физкультурных занятий, по подготовке к обучению грамоте и конструированию и т.д.). Ребенок с его особенностями и потенциальными возможностями — активно действующий субъект, а его воспитание — процесс управления его личностным развитием. Важным условием интеграции является возможность включения семьи в коррекционную работу с ребенком.

### Использованная литература

1. *И.В. Дубровина, А.Д. Андреева, Е.Е. Данилова, Т.В. Вохмянина. Психокоррекционная и развивающая работа с детьми: Учебное пособие для студентов средних педагогических учебных заведений / Под ред. И.В. Дубровиной. 2-е изд., стереотип. - Издательский центр „Академия“, 2001. - 160 с.*
2. *Петрова В.Г., Белякова И.В. Кто они, дети с отклонениями в развитии? — М.: Флинта: Московский психолого-социальный институт, 1998. - 104 с.*
3. *Лейтес Н.С. Умственные способности и возраст. — М., 1972.*

## ТАЪЛИМИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

**МУЗАФФАРОВА НОДИРА  
МАРДОНОВНА**

**ТДПУ гуманитар таълим йўналишларида  
чет тиллар кафедраси ўқитувчиси**



Таълим-тарбиянинг давлат ва жамият учун қадр-қимматини олдиндан белгиловчи ижтимоий негизлар муҳимлигига қарамай, улар асосий нарсани — таълимнинг шахс билан боғлиқ қадриятларини, яъни инсонларнинг ўз билимига, унинг даражаси ва сифатини оширишга рағбатлантирадиган муносабатларини акс эттириши лозим.

Шу нуқтаи назардан, таълим қадриятлари таркибидаги умумий ва хусусий жиҳатларини, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши, бойитиб боришини кўриш муҳимдир. Мазкур қадриятларни таҳлил қилиш, умумлаштиришда зарур бўладиган тизимли ёндашиш, ўз навбатида, „таълим қадриятлари“ тushunchасининг яхлитлигини назарда тутати. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таълим сифатини оширишда таълимий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтиш лозим деган фикрга келган ҳолда илмий тадқиқот ишимизнинг объектини белгилаб олишга ҳам имконият яратилади.

Таълимий қадриятлар шахсга илмий-назарий билимларни бериш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, ўзига ҳос аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омиллар мажмуасидир.

Таълимий қадрият — таълимнинг миллий йўналганлиги,

*Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак.*

*Ислом Каримов*



унинг миллий тарих билан уйғунлиги, Ўзбекистон халқлари маданиятини асраш ва бойитиш, таълимнинг миллий ривожланишнинг муҳим воситаси экани, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилишдан иборатдир.

Педагогик таълимни муносабатлар маданияти билан бойитиш зарур. Таълимнинг ташкил этилиши ва мазмунида ўқувчи ва ўқитувчи ўзаро муносабатларига — мойил асос қилиб олиниши керак. Ўқитувчи ўқувчини маънавий ҳимоя қилиши, турли салбий ҳодисалардан асраши борасидаги зарур маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ (махсус усул ва тарбиявий технологиялар талаб этувчи педагогик ҳимоялаш). Жамиятнинг маънавий янгиланиши касб-ҳунар ва ҳаётий йўлни танлаш каби таълим қадриятини вужудга келтиради. Бу ерда таълимнинг ҳақиқий шароитларида қадриятларни тахмин қилиш, асослаш ва буларнинг ҳаммасини ижтимоий контекстда ҳал этиш муҳимдир.

Таълимий қадриятлардан яна бири — шахсни ижтимоийлаштириш ва унинг ижтимоий-маданий қадриятларини қайта тиклаб, ижодий фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ўқув юрти, жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат.


Демак, таълимий қадриятлар асосида таълим сифатини оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- талабаларнинг келгусидаги педагогик фаолиятининг ўзига хос жараёнларига;
- таълимга оид меъёрий ҳужжатларга;
- талабаларнинг соғлиғига;
- талабаларнинг дунёқарашига;
- талабаларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига;
- таълим жараёнининг самарали ташкил этилишига;
- талаба шахсини ривожлантириш учун шарт-шароитларнинг яратилишига;
- педагогик жамоанинг фаолиятини умуминсоний қадриятларга йўналтирилганлигига;
- талабалар жамоасининг ўзаро таъсир этиш тизимининг ижобий шакллантирилганлигига;
- талабаларнинг ижодкорлик ва яратувчанликка йўналтирилганлигига.

Демак, таълим сифатини оширишда педагогиканинг асосий масалалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- нимани ўқитиш керак?
- нима учун ўқитиш керак?
- қандай ўқитиш керак?
- қандай ҳажмда ўқитиш керак?
- кимларни ўқитиш керак?
- кимлар ўқитиш керак?
- қаерда ўқитиш керак?
- қанча муддат ўқитиш керак?
- нимадан фойдаланиб ўқитиш керак?

Юқоридаги масалаларни тўғри йўлга қўйиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади.



Таълим сифатини ошириш ва уни юксалтиришга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар мавжуд. Бу омилларни тўғри ташкил этиш педагоглардан юксак малака, масъулият, маҳорат, ижодкорлик, билимдонлик, нотиқлик, ташкилотчилик каби хислатларга эга бўлишни талаб қилади. Таълим сифатига таъсир этувчи омиллар қуйидаги схемада батафсил кўрсатилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Фарберман Б. Л.* Основы теории инвариантных тестовых заданий. // Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. 1997, № 3—6.
2. *Подласый И. П.* Педагогика. —М.: Владос, 1999. 2-жилд. I—573-б., II—255-б.
3. *Фарберман Б. Л.* Илғор педагогик технологиялар. Т.: ОЁМММИ, 2000.
4. *Хайдаров Б., Нуриддинов Б., Расулов А.* ва бошқалар. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тренинглари учун қўлланма. Т., УМКХТРИ, 2002.

## ONA TILI DARSLIKLARI UCHUN ILOVALAR YARATISH ZARURIYATI

**SHAMURATOVA MALOHAT ILHOMBEKOVNA —**  
Nukus davlat pedagogika instituti filologiya  
fakulteti 3-bosqich talabasi.



**Ilmiy rahbar:**

**p.f.n.**

**YULDASHEVA SHAHLO SHUKRULLAYEVNA**

Biz darsliklar yaratishning huquqiy, konseptual asoslari, umumta'lim maktablari uchun yangi avlod darsliklarining mazmunini o'rganib chiqib, ayniqsa, ona tili darsliklaridagi mavjud ilovalarni tahlil qilishni, ularning afzallik tomonlari va shu bilan birga kamchiliklarini aniqlashni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik. Darsliklar hajmini oshirib yubormaslik, „semirtirmaslik“ haqidagi masala tez-tez kun tartibiga qo'yilmoqda. Shu jihatdan yondashganda bizning tadqiqotimiz ahamiyatsizdek tuyuladi. Biroq biz ona tili darsliklarining bir qancha avlodini qiyoslab, ulardagi ilovalarni tahlil qilishni, ularni takomillashtirishni, yangilashni nazarda tutmoqdamiz. Bizning ilovalarimiz hajmi darsliklar hajmining oshib ketishiga olib kelmasligi lozim. Aksincha, o'quvchi vaqtini iqtisod qilish, o'qituvchilar mehnatini yengillashtirishga yordam beradigan ilovalar yaratish bo'yicha metodik tavsiyalar tayyorlanib, amaliyotda sinovdan o'tishi, beradigan samarasiga ko'ra amaliyotga joriy qilinishi ko'zda tutilmoqda.

Ўз устингизда ишланг ва одоб ўрганишдан тортинманг. Умрингизни нодонликда зое кетказманг. Агар илму одоб олисда бўлса ҳам, излаб топманг. Ҳар қандай буюмни ҳам, молу дунёни ҳам илмдан улуғ ҳисобламанг. У дунёнинг ҳам ғамини енг. У дунёни бу дунёга сотманг.

„Насихати ҳукамо ва мақолоту кубаро“ асаридан

Buning uchun, avvalo, amaldagi darsliklarda ilovalarning berilishi, ulardan foydalanishning ahvoli, o'quvchi va o'qituvchilar faoliyatida samaralilik darajasini tahlil qilish zarur.

Shu maqsadda o'qituvchi va o'quvchilar bilan suhbat, so'rovnomalar o'tkazildi.

1. Mavzuni tushunish yoki uyga vazifa uchun berilgan mashqlarni kutilgandek bajarish uchun darslikdan boshqa qanday manbalarga zarurat sezasiz?

A) Zarurat sezmayman.

B) Ko'pincha, lug'atlarga ehtiyoj sezaman.

C) Ota-onam yoki aka-opalarimdan yordam so'rayman.

D) Kompyuterdan, Internetdan foydalanaman.

2. Siz o'qiyotgan ona tili darsligida mashqlarni bajarish jarayonida qo'shimcha manbalardan foydalanish bo'yicha topshiriqlar qo'yilganmi?

A) E'tibor bermagan ekanman.

B) Lug'atlardan foydalanish ko'rsatilgan.

C) Adabiyot yoki tarix darsligidan foydalanishga doir topshiriq berilgan.

D) Gazeta, jurnallardan foydalanishga doir topshiriq berilgan.

3. Ona tilidan uyga vazifalarni bajarish jarayonida oilaviy kutubxonangizdagi lug'atlardan foydalanasizmi?

A) Oilaviy kutubxonamizda lug'atlar mavjud emas.

B) Kerakli lug'atni topa olmayman.

C) Lug'atlardan foydalanishga zarurat bo'lmagan.

D) Foydalanaman.

4. Ona tili darsligingiz oxirida ko'rsatilgan ilovalardan qachon, qanday foydalanasiz?

A) Foydalanmayman.

B) Ilovalar keltirilmagan.

C) Ilovalar borligiga e'tibor bermagan ekanman.

D) Ba'zan foydalanaman.

5. Ona tili darsligidan qo'shimcha foydalanish uchun nimalar bo'lishini xohlar edingiz?

A) Darslikka e'tirozim yo'q.

B) Jadval va sxemalar, lisoniy tahlil tartibi, to'g'ri talaffuz va imlo lug'atlari qo'shimcha qilinishini xohlardim.

C) Ayrim imlo va tinish belgilarining qo'llanilishi qoidalari qo'shimcha qilinsa.

D) Tushunilishi qiyin ayrim so'zlar uchun lug'at keltirilsa.

So'rovnomalar natijalari shuni ko'rsatdiki, aksariyat o'quvchilar (65 foiz) mavzuni tushunish yoki mashqlarni kutilgandek bajarish uchun darslikdan boshqa manbalarga murojaat qilmas ekanlar. Bu ham ijobiy, ham salbiy holatdir. Ijobiy jihati — darsliklarda uyga vazifa uchun mashq va topshiriqlar maxsus ajratilgan. Ular o'quvchilarning psixofiziologik xususiyatlariga mos keladi, deb xulosa chiqarish mumkin. Salbiy jihati o'qituvchilar qo'shimcha manbalarga ehtiyoj bo'lsa ham, ana shu ehtiyojni qondirishning imkoni bo'lmaganligidan o'quvchilarni qiyin vaziyatda qoldirmaslikni o'ylab ijodiy mashqlarga e'tibor qaratmaydilar, deb tushunish mumkin. 15 foiz o'quvchi „Ko'pincha, lug'atlarga ehtiyoj sezaman“, 10 foiz o'quvchi „Ota-onam yoki aka-opalarimdan yordam so'rayman“, yana shuncha o'quvchi „Kompyuterdan, Internetdan foydalanaman“ degan javoblarni berishgan.

So'rovnomadagi ikkinchi savol — „Siz o'qiyotgan ona tili darsligida mashqlarni bajarish jarayonida qo'shimcha manbalardan foydalanish bo'yicha topshiriqlar qo'yilganmi?“ deb qo'yildi. 70 foiz o'quvchi „E'tibor bermagan ekanman“, 10 foiz o'quvchilar „Lug'atlardan foydalanish ko'rsatilgan“, 12 foiz o'quvchilar „Adabiyot yoki tarix darsligidan foydalanishga doir topshiriq berilgan“, 8 foiz o'quvchilar „Gazeta, jurnallardan foydalanishga doir topshiriq berilgan“ degan javoblarni berishgan.

„Ona tilidan uyga vazifalarni bajarish jarayonida oilaviy kutubxonangizdagi lug'atlardan foydalanasizmi?“ deb qo'yilgan savolga 45 foiz o'quvchilar „Oilaviy kutubxonamizda lug'atlar mavjud emas“, 25 foiz o'quvchi „Kerakli lug'atni topa olmayman“, 25 foiz o'quvchi „Lug'atlardan foydalanishga zarurat bo'lmagan“, 5 foiz o'quvchilar „Foydalanaman“ degan javoblarni berishgan. 45

foiz o'quvchilar „Ona tili darsligingiz oxirida ko'rsatilgan ilovalardan qachon, qanday foydalanasiz?“ deb qo'yilgan savolga „Foydalanmayman“ deb javob berishgan bo'lsalar, yana shuncha o'quvchi „Ilovalar borligiga e'tibor bermagan ekanman“ degan javobni tanlaganlar. 5 foiz o'quvchilar „Ilovalar keltirilmagan“ va yana shuncha o'quvchilar „Ba'zan foydalanaman“ deb javob berishgan.

O'quvchilar uchun berilgan so'nggi savol „Ona tili darsligidan qo'shimcha foydalanish uchun nimalar bo'lishini xohlar edingiz?“ deb qo'yildi. 35 foiz o'quvchi „Darslikka e'tirozim yo'q“ deb hisoblasalar, 30 foiz o'quvchilar „Jadval va sxemalar, lisoniy tahlil tartibi, to'g'ri talaffuz va imlo lug'atlari qo'shimcha qilinishini xohlardim“ degan javobni berishgan. 15 foiz o'quvchilar „Ayrim imlo va tinish belgilarining qo'llanilish qoidalari qo'shimcha qilinsa“ deb xohishlarini bildirganlar. „Tushunilishi qiyin ayrim so'zlar uchun lug'at keltirilsa“ deb xohlovchilar esa 20 foizni tashkil etdi.

So'rovnomalarni o'tkazish va uning natijalarini tahlil qilishdan shunday xulosaga keldikki, darsliklardagi ilovalar o'quvchilarning ehtiyojlariga mos kelmaydi.

Ona tili darsliklarida lug'atlar bilan ishlashga doir mashq va topshiriqlar o'rin olgan. Masalan, 5-sinf ona tili darsligida quyidagi mashqlar shunday xarakterdadir.

486-mashq. Uyga topshiriq. „O'zbek tilining izohli lug'ati“dan peshana, burun, og'iz, tish, quloq, yuz, bel so'zlarining ma'no turlarini aniqlang. Ular ishtirokida gaplar tuzing.

504-mashq. Uyga topshiriq. Quyidagi paronimlarning ma'nolarini izohli lug'atdan toping va ular ishtirokida gaplar tuzing.

Ramz—razm, yolqin—yorqin, sada—sado.

555-mashq. „U kim, bu nima?“ bolalar ensiklopediyasidan olingan parchani o'qing. Qomusiy lug'atlarda nimalarga e'tibor berilar ekan. Shu haqda o'ylab ko'ring.

Bu kabi mashqlarni 8-sinf ona tili darsligida ham ko'rish mumkin.

75-mashq. Uyga vazifa. „O'zbek tilining izohli lug'ati“dan

foydalanib soʻz birikmasi va soʻzning maʼnodoshligiga misollar topib yozing.

Yuqorida oʻtkazilgan soʻrovnomalardan maʼlum boʻldiki, aksariyat oʻquvchilarning oilaviy kutubxonalarida lugʻatlar yetarli emas. Demak, lugʻat bilan bajarilishi zarur boʻlgan mashqlar bajarilmasdan yoki chala bajarilgan holda qolib ketadi. Oʻquvchining ogʻzaki va yozma nutqini, soʻz boyligini oʻstirishga qaratilgan maqsad va vazifalarga erishilmasdan, darslar nomiga oʻtiladi. Shu bois muayyan sinf doirasida oʻrganiladigan soʻzlar, orfogrammalar, lisoniy birliklar yuzasidan lisoniy lugʻatlar va qomusiy lugʻatlardan yetarli darajada ixchamlashtirilgan holatda ilovalarga kiritilishi zarur. Asosan, oʻrganilgan atamalar lugʻati keltirilgan boʻlib, biz nazarda tutgan lugʻatlar amaldagi darsliklarning hech biriga kiritilmagan.

Ilovalarda oʻrganilgan mavzularga doir lisoniy tahlil tartibi, sxema va jadvallar berilsa, darslarning samaradorligini oshirishga xizmat qilgan boʻlar edi.





## МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

**ШОДИЕВ АНВАР ХУРРАМОВИЧ**  
Навоий давлат педагогика институти  
3-босқич талабаси.

Илмий раҳбар — ф.ф.н. У.Х.Имомов

Маданий мероснинг ёшлар ижтимоий масъулиятини шакллантиришга таъсири муаммолари кейинги йилларда олимларимиз томонидан кенг кўламда тадқиқ этилмоқда. Бизнинг назаримизда, ижтимоий-маънавий воқелик сифатида маданий мероснинг тизими ижтимоий масъулият тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ҳозиргача кенг ва махсус фалсафий таҳлил қилинмаган. Шу сабабли, илмий-назарий ва услубий адабиётларда ушбу муаммони ҳар томонлама ва мукамал фалсафий таҳлил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизнинг стратегик мақсади бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият қуришда бу омил фаол иштирокчи бўла олади. Шундай экан, таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш, унинг барча қирраларини ҳаёт талаблари, шарқона қадриятлар асосида олиб бо-

Ҳар қандай миллатнинг  
равнақи, умумбашарият  
тарихида тутган ўрни, миқёси  
ва шуҳрати бевосита ўз  
фарзандларининг ақлий ва  
жисмоний етуклигига боғ-  
лиқдир.

*И.А.Каримов*

қона қадриятлар асосида олиб бо-  
ришда раҳбарнинг ўрни ва роли  
бениҳоя каттадир. Юртбошимиз-  
нинг „Ислоҳотларнинг тақдири,  
жамиятимизнинг равнақи, авва-  
ло, раҳбар кадрларнинг изланув-  
чанлигига, янгиликка интилув-  
чанлигига, фидойилигига, та-  
факкурига ва ташкилотчилигига

боғлиқ“, — деганларини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўп ҳолларда аксиомага айланган ўқитиш ва тарбиялаш услубшунослигида шундай фикрлар мавжуд: „ёмон ўқувчи йўқ, ёмон ўқитувчи бор“. Агар ушбу тезиснинг мазмун-моҳиятини англаб етган ҳақиқатда устоз-шоғирдлик, ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари янгидан изга тушади. Ёш авлод тарбиясини қай ҳолатда, тарзда ташкил этилса, у шу ҳолатда амалга ошади. Ёшлар масъулиятини шакллантириш ва унинг мазмун-моҳиятини ташкил этувчи омилларни тўғри тушуниб етиш билан белгиланади. Улар қуйидагиларда ўз аксини топади:

— маънавий омил — бу миллий тарбиямизни шакллантириб боришдаги шарқона урф-одатлар, миллий-маданий юксалиш, тарбия унсурларини йўлга қўйишдаги ота-боболаримизнинг маънавий мерослари, тажрибаларини бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаш ва сингдириш ғоявий омил — баркамол авлодни бунёдкор ғоялар, Ватанга меҳр-муҳаббат, гурур, эътиқод ва туйғуни шакллантириш, бунда „Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. Бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса, вайронкор интилишлар сабаб бўлади“;<sup>1</sup>

— мафкуравий омил, истиқлол мафкураси унинг тамойилларини чуқур тушуниб етиш, уларни мунтазам равишда такомиллаштириб боришга эришиш;

— ҳуқуқий омил жараёнини Вазирлар Маҳкамасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонунда ифодаланган ҳуқуқий тамойил ва кўрсатмаларнинг объективлашиши;

— илмий омил, таълим-тарбияни унинг назария ва амалиёти соҳасида эришган ва жорий илмий-экспериментал натижаларнинг динамик синтези, тўпланган билим ва кўникмалар мазмуни;

— стратегик омил — тарбия жараёнини амалга оширишда, масъулият ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган тарбия

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т.: „Ўзбекистон“ нашриёти, 2002. —56-б.

механизмларини, таркибий қисмларини ўрганиш, тартибга солиш, қўллаш.

Биз, айниқса, глобаллашган, тезкор коммуникациялашган, тўлиқ ахборотлашган мафкуравий тўқнашувлар кучайган, доимо билиниб турадиган даврда яшаётган эканмиз, энг аввал ёшларимиз онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим.

Ёшларда ташқи ғоявий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам маънавий иммунитет шакллантириш керак бўлади. Бунинг учун ёшларимизга эркин, мустақил фикр юртишни ўргатиб бориб, имон-эътиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, доно, турли ахборотлар қаршисида ўз фикрига эга бўлишига маънавий-моддий мадад кўрсатишимиз талаб этилади. Яна ўтмиши буюк юртимиз тарихи, миллий қадриятларимиз ҳамда улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо илмий ва маънавий меросини ёшларимиз онгига, қалбига сингдиришимиз лозим. Чамаси бир неча йиллар аввал таниқли сиёсатшунос С. Хаттингтон бундан буён бутун дунё фақат гамбургерлар истеъмол қилади, Америка телевидениясини кўради, америкача кийимлар кияди, деб тахмин қилган эди. Бундай қарашлар замирида қандай мафкуравий мақсадлар ётганини пайқаш қийин эмас. Кейинги вақтлар бутун дунё Ғарб раҳнамолигида бирлашуви, келгусида ягона ҳукумат бўлган битта қудратли давлат ташкил топиши, пулга сиғиниш, космополитизм (жаҳон фуқароси) ва индивидуализм фалсафасини тарғиб этаётган қарашлар тизими вужудга келмоқдаки, улар дунё қиёфасини қай тарзда ўзгартириб юборишини ҳеч ким башорат қила олмайди. Бундай ғаразли фаолият, қарашлар киши онгига ошкор ва яширин барча воситалар ёрдамида, ОАВ, Интернет ҳамда ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган кинофильм, видеофильмларда, рекламаларда зўр бериб тарғибот, ташвиқот қилинмоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, „ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил

қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига сadoқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур“.<sup>1</sup> Бугун бутун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали исталган киши ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин бўлиб қолди. Албатта, унинг кишилар дунёқараши, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, айнан шу тизим орқали оддий ахлоқий меъёрларга зид порносайтлар ўрин олгани, ушбу замонавий ахборот технологияси имкониятидан трансмиллий жинойтчи гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар, миллатчи секталар бемалол фойдаланаётгани исбот талаб қилмайдиган далилдир. Тўғри, уларга қарши кураш кетяпти, бироқ, мазкур бало кўлами ҳам ҳазилакам эмас.

Ғарб тижорат компанияларининг бутун дунёдаги миллий, диний, ахлоқий меъёрларига даҳл қилмайдиган тузукроқ маҳсулотлари ҳам бор-ку, десангиз, масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор-да. Нима сабабдан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўзи ҳам, рекламаси ҳам кўнгилдагидек эмас?! Ахир биз, аввало, мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга бел боғлаган тадбиркорларимизни кўллаб-қувватлашимиз керак эмасми? Нима, биз учун ғарб компаниялари манфаатлари афзалроқми? Телекоммуникация соҳасидаги муаммоларнинг яна биттасига эътибор қилайлик. Нодавлат телеканаллар, кабель телевидениеси ёки махсус мосланган антенналар воситасида Евровидение, Россия ва бошқа мамлакатлар телевидениесида миллий ахлоқ-одобга зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши, уларнинг илм-маърифатга рағбати ошиши мумкинми? Ғарб оммавий мадания-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 119-бет.

ти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирувчи реп, поп, рок муסיқаларига маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, ота-бобомиз севиб тинглаган мумтоз кўшиқ санъатимиз, ўлан, баёз, лапар ва айтишувлар, бетакрор муסיқий оҳанглариимизни тинглашармикан? Ачинарлиси шундаки, бугун ёшларимиз ғарб эстрадасининг „юлдуз“ларини таниш тугул, ҳатто уларнинг исми-шарифи, ҳаёт кечинмаларини, кўпол қилиб айтганда, неча марта турмушдан ажрагани-ю, бир кунда кўринишини (имижини) қанча бор ўзгартирганини, неча марта ҳаммомга борганини беш кўлдай биледи, аммо „Шашмақом“дан биргина куй номини сўрасангиз, ойдан тушгандай елка қисадилар. Ана шундай ёшларимиздан буюк мутафаккирларимиз Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Термизий, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий ҳақида ва уларнинг жаҳон илм-фанига кўшган ҳиссасини сўрасангиз, афсуски, билмайдилар. Дарифки, маданий ҳаётимиздаги айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда кўйилаётган сахна асарлари савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўконларини олди-қочди, бепарда мавзуларни ёри-тадиган нашрлар босиб кетаётгани ёшлар таълим-тарбиясига салбий таъсир қилмоқда. Ана энди айтингчи, бундай вазиятда ёшларимиз онгига Ватанга садоқат, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросга юксак ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бор куч ва салоҳиятини мамлакатимиздаги демократик ислохотларга, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига тўлиқ сафарбар этиш учун нималар қилмоғимиз керак бўлади?

Ўзбек халқи қийин, оғир ва кўлдан келмайдиган ишларни ҳам жамоавий байрамга айлантира оладиган ажойиб қобилиятга эга. Бу ҳашар бўлиб, кишилар қон-қариндошлигидан қатъи назар бир-бирларига беғараз кўмак, ёрдам берадилар. Бу тад-

бир катта дастурхон атрофида барчанинг овқатланиши билан якунланади. Шу йўл билан қадимдан масжиду мадрасалар, алоҳида оилалар учун уйлар, кўприклар қурилган, йўллар очи-либ, ариқлар чиқарилган, қишга чорва молларига ем-хашак тайёрланган, қишлоқ, гузар ва маҳалла кўчалари тозаланиб обод қилинган, қабристонлар тартибга келтирилган ва ҳоказо.

Ўзбек халқи қадриятлари тизимида меҳнат энг марказий ўринни эгаллайди. Инсоннинг меҳнатга бўлган муносабати-га, лаёқатига қараб жамоа баҳо беради. „Бир йигитга қирқ ҳунар кам“ деб бежизга айтмаган доно халқимиз. Меҳнат ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларнинг ечимини топиш омили ҳисобланади.

Номус, ор, уят, виждон, диёнат, шаън, иззат-нафс сингари қатор тушунчалар жамоадаги руҳий муҳитни белгилайди. Жамоа ҳар бир аъзосининг оилавий ҳаётидан ҳам доимо хабардор бўлиб келади. Жамоанинг маълум бир қисм маблағи ва даромади беваларга, камбағалларга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга беғаразлик тарзида ёрдам кўрсатилиб келинади. Етим қолган болаларни ўз қарамоғига олиб, таълим ва тарбиясига, касб-ҳунар эгаллашига бош-қош бўлиб келади. Буни буюк бо-бокалонимиз Амир Темур тузукларидан ҳам англаб олишимиз мумкин: „Мен сифатларимизнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим“.<sup>1</sup>

Маром ҳар қандай меҳнатнинг асоси. Ҳар қандай меҳнат меъёрга эга бўлиши билан у енгил кечади. Меҳнат сирлари зудлик билан ўзлаштириб олинади. Аниқ меҳнат жараёни ма-роми ҳар кунга, ойга ва йилга мослаштириб олинади.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. —Т., 1991. —58 б.

## **Таянч тушунчалар**

Маданий мерос, қадрият, ижтимоий масъулият, маънавий омил, мафкуравий омил, ҳуқуқий омил, глобаллашув, Интернет, космополитизм, индивидуализм.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
2. Темур тузуклари. —Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 1991.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. *Хантингтон С.* Столкновение цивилизаций. —М.: АСТ, 2006.

# BADIIY TASVIR VOSITALARINING SAID AHMAD NUTQIY INDIVIDUALLIGINI TA'MINLASHDAGI O'RNI

(„Jimjitlik“ asari misolida)

SHOPULATOVA NASIBA

Navoiy DPI O'zbek tili va adabiyoti mutaxassisligi 2-bosqich magistranti



Ilmiy rahbar — f.f.n. R.S.NURITDINOVA

Har qanday milliy til kabi o'zbek tili ham o'zbek millatini birlashtiruvchi, uning milliy ruhini ifodalovchi vositadir. Chunki Prezidentimiz ta'kidlaganidek: „Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili bu millatning ruhidir. Ona tilini yo'qotgan har qanday millat o'zligidan judo bo'lishi muqarrar“.<sup>1</sup> Keyingi yillarda o'zbek tilshunosligida ijodkorning so'z boyligidan o'ziga xos tarzda foydalanishi, morfologik shakllar va sintaktik qurilmalarni tanlashi va boshqa jihatlarida yozuvchining individual uslubi masalalariga e'tibor qaratilmoqda.

Badiiy tasvir vositalariga ijtimoiy ta'sir usuli mavqeyini berishga erishish ijodkordan katta mahorat talab etadi. Yozuvchi o'zi bayon qilayotgan fikrni o'quvchiga ixcham, aniq, ta'sirchan va tushunarli qilib yetkazib berish uchun uzundan uzoq ta'rif va tavsiflar o'rniga o'xshatish, kinoya, sifatlash, majoz kabi vositalardan foydalangan holda lo'nda va aniq qilib tushuntirishga harakat qiladi. Yozuvchi voqelikni badiiy-estetik jihatdan ta'sirchan va yorqin ifodalash uchun tilning fonetik, leksik va grammatik imkoniyatlaridan o'ziga xos foydalanadi.

**Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi, ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir.**

*A. Temur*

<sup>1</sup> Karimov I.A. Adolat, Vatan va xalq manfaati har narsadan ulug'. —T.: O'zbekiston, 1998. —59-bet.



Bu yozuvchining individual uslubi; soʻzlashuv nutqi imkoniyatlaridan foydalanishi va umumxalq tilining chegaralangan qatlamlari boyligini oʻzida aks ettirishi bilan xarakterlanadi.

Sintaktik gradatsiya, sintaktik sinonimiya, bogʻlovchilarning maxsus qoʻllanishi, antiteza, monolog, sukut, inversiya, takroriy gaplar, ritorik soʻroq kabi uslubiy figuralar fikrning oʻta taʼsirchan ifodalanishiga xizmat qiladi. Badiiy asar tili va individual uslubni oʻrganish muayyan yozuvchining til birliklaridan foydalanishdagi mahoratini belgilashdan iborat. Shu maqsadda yozuvchi Said Ahmad asarlariga murojaat qildik.

Adib oʻxshatish, gradatsiya, takror, ellipsis va boshqa tasviriy vositalardan unumli foydalangan. Badiiy asarning emotsionalligini oshiruvchi usullardan biri oʻxshatishdir. Oʻxshatish ikki narsa yoki voqea-hodisa oʻrtasidagi oʻxshashlikka asoslanib, ularning biri orqali ikkinchisining belgisini, mohiyatini toʻlaroq, aniqroq, boʻrttiribroq ifodalashdir. Adabiyotlarda har qanday oʻxshatish munosabati tilda ifodalanar ekan, albatta, toʻrt unsur nazarda tutiladi, yaʼni: 1) oʻxshatish subyekti; 2) oʻxshatish etaloni; 3) oʻxshatish asosi; 4) oʻxshatishning shakliy koʻrsatkichlari.<sup>1</sup> Masalan: Mirvali pastga tushib, qoʻlini peshanasiga soyabon qilib, xuddi arra bilan qirqilgandek tik qoyaga qaradi. Oʻttiz metrli teleminora qoyaning qoq belida fil xartumidek ildizga ilinib qolgan edi. („Jimjitlik“, 19-b.) Bu misolda: Mirvali — oʻxshatish subyekti; arra bilan qirqilganlik — oʻxshatish etaloni; qoya — oʻxshatish asosi; xuddi va -dek — oʻxshatishning shakliy koʻrsatkichlaridir. Ushbu matnda ketma-ket kelgan oʻxshatishlarni uchratdik. Bu esa yozuvchining mahoratidan dalolat beradi. Bu oʻrinda kelgan ketma-ket oʻxshatishlar badiiy nutqning taʼsirchanligini oshirishga xizmat qilgan. Bunda: teleminora — oʻxshatish subyekti; fil xartumi — oʻxshatish etaloni; ildizga ilinib qolmoqlik leksemasi — oʻxshatish asosi; -dek — oʻxshatishning shakliy koʻrsatkichi hisoblanadi.

Biz izlanishlarimiz jarayonida quyidagi oʻrinlarda yozuvchi uslubiga xos individual maxsus yaratilmalar, yaʼni xususiy-muallif oʻxshatishlarini uchratdik:

---

<sup>1</sup> M. Yoʻldoshev. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. —T.: Fan, 2006. —63-b.

Akalarini izlab ostonaga emaklab kelgan kenja o'g'il og'zidagi bittagina tishini ko'rsatib Tolibjonga talpindi. Tolibjon xuddi kapalakning qanotidan ushlayotgandek avaylab uni ko'tardi. Bag'riga iliqqina tekkan bola tani uni seskantirdi. Vujudi titrab ketdi (Jimjitlik, 58-b.). Keltirilgan misolda bola kapalakka o'xshatilgan. Kapalak — nafis, dilgir, nozikligi va chiroyliligi bilan barchani o'ziga maftun etadi. Lekin kapalak eng nimjon, umri qisqa hasharotdir. Unga ehtiyotsizlik munosabatida bo'lsak, umriga zomin bo'lishimiz mumkin. Shu o'rinda bolaga ham e'tibor, parvarish lozimdir.

Badiiy nutqning emotsional-ekspressivligini ta'minlovchi sintaktik figuralardan yana biri gradatsiyadir. Gradatsiya (lot. *gradatio* — bosqichma-bosqich kuchaytirish) nutq parchalaridan biri ikkinchisining ma'nosini (mazmunini) kuchaytirib borishdan iborat uslubiy jarayon.<sup>1</sup> Masalan: Mirvali, „hozir kartinka ko'rasanlar“ deb, simni yechib, uchini jiydaning ayrisiga tashlab tortdi. It oyog'idan osilgancha ko'tarila boshladi. Oxiri u odam bo'yi ko'tarilgandan keyin Mirvali sim uchini jiyda tanasigamahkam qilib bog'ladi. It tipirchilar, vangillardi. Mirvali qo'ynidan gugurt chiqazib, bir parcha qog'ozni yondirdi-da, itning bo'yniga tutdi. Xuddi fonar yog'i sepilgandek itning junlari lop etib yonib ketdi. Olov ichida qolgan it dahshatli ulidi. Endi u kattakon mash'aladek lovullab yonardi. Saldan keyin itning ovozi o'chdi, qimirlamay qoldi (Jimjitlik, 23- b.). Keltirilgan misolda dastlab voqealar hikoya tarzida bayon qilingan. So'ngra itning holatini ifodalash uchun adib ko'tariluvchi gradatsiyadan foydalangan. Tipirchilash, vangillash, ulish leksemalari orqali itning ruhiy holat kechinmalarini ochib bergan. Badiiy nutq so'nggida esa o'chmoq leksemasi orqali adib pasayuvchi gradatsiyadan foydalangan. Bir o'rinda mohiyatiga ko'ra gradatsiya turlaridan unumli foydalanish adib mahoratining bir ko'rinishidir.

Biz adib asarlari tahlili jarayonida badiiy nutqning ta'sirchanligini oshirishga xizmat qiluvchi sintaktik figuralardan biri takrorga ham

---

<sup>1</sup> *Hojiyev A.* Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. —T.: O'zE, 2002, 31-b.

yuzlandik. Takror — ayni soʻzning sintaktik birlik sifatida ikki va undan ortiq holda qoʻllanishi<sup>1</sup> boʻlib, yozuvchi oʻz asarlarida badiiy nutqning taʼsirchanligini oshirish, qahramonning ruhiy holat kechinmalarini ifodalash uchun foydalanadi: — Pulni-ku, toʻlaysan. Senga pul choʻt emas. Qurbonlar umrini nima bilan toʻlaysan? Azob-uqubatda yoʻqolgan navqiron umrimni nima bilan toʻlaysan? Sarson-sargardon boʻlib, oʻlib ketgan xotinimning umrini nima bilan toʻlaysan? Yoʻq boʻlib, toʻzib, patarat topib ketgan oilamga qancha haq toʻlaysan? Kiyimlarni yoq. Boʻlmasa tepkini bosaman (Jimjitlik, 45-b.). Keltirilgan misolda adib „toʻlamoq“ leksemasini takror qoʻllash orqali ritorik soʻroq gaplarni yuzaga keltirgan. Ushbu badiiy nutqda qahramonning junbushga kelgan gʻazab va nafratini ifodalashda ritorik soʻroq usuli juda qoʻl kelgan va asarning badiiy-estetik qimmatini oshirib, yozuvchining maqsadini ochib berishga xizmat qilgan.

Badiiy nutqda uslubiy gʻalizlikning oldini olish uchun xizmat qiladigan, lingvistik iqtisodga asoslangan sintaktik figuralardan biri ellipsisdir.

Ellipsis (yun. „*elleipsis*“ — tushish, tushirilish)<sup>2</sup> nutqiy aloqa jarayonida gap boʻlaklarining muayyan maqsad bilan tushirilish hodisasidir. Bunday jarayon lisoniy tejamkorlik asosida amalga oshadi va badiiy matnlarda jonli nutqqa xos tabiiylikni amalga oshirish uchun xizmat qiladi: Bu dunyo shundoq bolam. Olam yaralibdiki, birovga baxt, birovga alam keladi (Jimjitlik, 8-b.). Ushbu oʻrinda „keladi“ leksemasi — kesimning tushirilishi orqali adib nutqiy tejamkorlikka erishgan. Qaysi aybi uchun, qaysi beodobligi uchun? — dedi oqsoqol uning koʻziga qarab. — Chet elga yuborilganlar jazo oʻtash uchun yuborilmaganlar (Jimjitlik, 11-b.). Ushbu oʻrinda ham tejamkorlik qahramonning gʻazab va nafrat ruhiy holatini ochib berishga, badiiy nutqning taʼsirchanligini oshirishga xizmat qilgan.

---

<sup>1</sup> *Hojiyev A.* Tilshunoslik terminlarining izohli lugʻati. —T.: OʻzE, 2002, 101-b.

<sup>2</sup> Oʻsha manba, 133-b.

O'xshatish, gradatsiya, takror, ellipsis vaboshqatasviriy vositalar chuqur falsafiy ma'nolar tashuvchi matn darajasiga ko'tarilar ekan, ularning badiiy-uslubiy imkoniyatlari kengayib, murakkablashib boradi. Said Ahmad ijodida esa ular asarning badiiy-estetik kuchini oshirishda, emotsional-ekspressiv ma'nolarni shakllantirishda asosiy omillardan biri bo'lib xizmat qilgan.

### ***Tayanch tushunchalar:***

Uslubiyat, ekspressivlikni ta'minlovchi vosita, sintaktik gradatsiya, sintaktik sinonimiya, bog'lovchilarning maxsus qo'llanishi, o'xshatish, badiiy tasviriy vositalar, troplar, antiteza, monolog, sukut, inversiya, takroriy gaplar, ritorik so'roq, ellipsis.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. *Karimov I. A.* Adolat, Vatan va xalq manfaati har narsadan ulug'. —T.: O'zbekiston, 1998.
2. *Qilichev E.* O'zbek tilining amaliy stilistikasi. —T.: O'qituvchi, 1995.
3. *Hojiyev A.* Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. —T.: O'zE, 2002.
4. *Yo'ldoshev M.* Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. —T.: Fan, 2006.



## ЎЗИНИ ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

Э.АЛИМОВА — ТДПУ „Педагогика ва психология“ таълим йўналиши 3-босқич талабаси

Илмий раҳбар — психол. ф. н.

Н.И. ХАЛИЛОВА

Шахсда ўзини ўзи назорат қилишнинг шаклланиши муаммоси психология фанининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ўзини ўзи назорат қилиш муаммоси доирасида хориж психологлари томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, хориж психологлари ўтказган тадқиқотларда ўзини ўзи назорат қилишнинг таркибий қисмлари, яъни ўзини ўзи назорат қилишнинг тузилиши, ривожланиш даражаси, шахс хусусиятлари ва психик жараёнлар билан ўзаро боғлиқ-

Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздор. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиффор айтади.

Ҳадис

лиги, хулқ-атвор ва фаолият жараёнида ўзини ўзи назорат қилишнинг ўрни ва функциялари ҳамда ўзини ўзи назорат қилишнинг ёш ва индивидуал хусусиятларга алоқадорлиги масалалари атрофлича ўрганилиб, бу борада катта ҳажмдаги илмий маълумотлар тўпланган. Ўзини

ўзи назорат қилиш муаммоси борасида М.И.Боришевский, В.В.Давидов, Л.Б.Ительсон, А.Н. Леонтьев, Т.И.Гавакова, Ю.Куль, Е.П.Ильин, В.Прейер, С.Л.Рубинштейн, Г.Спенсер, Е.И.Бойко, Ж.Сёлли, Я.И.Цурковский, Г.А.Собиева, Н.И.Кувшинов, А.С.Линда, А.Я.Арет, Г.Ширбутани, П.П.Блонский, Л.В.Доменская ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзини ўзи назорат қилиш муаммосини психологик жиҳатдан ўрганган олимлардан бири З.Фрейд бўлиб, у шахснинг ўз хулқ-атворини бошқариш қобилиятини тушунтириш учун қарор қабул қилиш, хулқ-атворни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча ички психик агентларни санаб ўтади. З.Фрейд ўзини ўзи назорат қилишни „Мен“нинг ўзини ўзи ҳимоялаш инстинкти сифатида таҳлил қилади. Унинг назарида, „Мен“нинг ривожланиши автоматик тарзда ўзини ўзи назорат қилиш кучайишига олиб келади. Кейинчалик хориж психологлари ўзини ўзи назорат қилиш ўзлаштирилган стратегия эканлигини уқтира бошладилар (А.Бандура, Б.Мишель, Г.Девирсон, Ф.Логан, Д.Премарк, Б.Энглин, Е.Торенсон, М.Махони ва бошқалар). Натижада ўзини ўзи назорат қилиш ўзини ўзи идора қилиш билан турлича тушунча эканлиги амалда исботини топди.

Инглиз экспериментал психологияси асосчиси Ж.Сёлли биринчилардан бўлиб, ўзини ўзи назорат қилиш феноменининг ўзига хос жиҳатларини кўра билган. Ж.Сёлли ўзини ўзи назорат қилишнинг диққат, хотира, хаёл, тафаккур каби психик жараёнларда ўзига хос иштироки борлигини исботлаб берган. Ж.Сёлли бўйича ўзини ўзи назорат қилишнинг онтогенезда ривожланиши ҳиссиёт ва фикрларни назорат қилишнинг шаклланишини ўзида мужассамлаштирган қатор босқичларни қамраб олади. Ахлоқийлик одатга айланиб қолган ўзини ўзи назорат қилишнинг турли шакллари натижасидир. Ж.Сёлли фикрича, „...ўзини ўзи назорат қилиш деганда вазминлик ва кўзғалувчанликни бошқариб, уларни мақсадга йўналтиришга интилиш қобилияти тушунилади“. Демак, шуни таъкидлаш мумкинки, Ж.Сёлли ўзини ўзи назорат қилишни ўзини ўзи бошқариш тушунчаси билан бир хил деб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг қуйидаги фикрида ҳам бундай ёндашув яққол сезилади: „Эҳтиёжлар ва хатти-ҳаракатлар назоратида ўзини ўзи назорат қилиш бошқа руҳий кучларни бошқариш механизмидан ҳам фойдаланади“.

Мазкур фикрлардан кўринадики, ўзини ўзи назорат қилиш шахснинг эмоционал иродавий соҳалари билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, шахснинг ўз олдига мақсадни қўйиши, унга нисбатан интилиши ҳамда ўзини ўзи бошқариш малакалари ўртасида узвий алоқадорлик кузатилади.

Ўзини ўзи назорат қилиш тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлашга қаратилган бир қатор таърифлар мавжуд. Жумладан, катта рус энциклопедиясида ўзини ўзи назорат қилиш деганда шахснинг ўз хулқ-атвори, фикрлари ва ҳиссиётларини онгли назорат қилиши, бошқариши ва ўз фаолиятини режалаштириши тушунилади. Ўзини ўзи назорат қилиш ўз фикрларини онгли равишда ўзгартириш, салбий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имконини беради. Келтирилган таърифдан кўришимиз мумкинки, ўзини ўзи назорат қилишда онглилик, ўзини ўзи бошқариш қобилияти ва режалаштира олиш функцияларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, шахснинг хулқ-атвори, қарашлари, ҳиссиётлари ҳамда фаолият жараёнида ўзини ўзи назорат қилишнинг мавжуд бўлиши эътироф этилади.

Г.А.Собиевнинг фикрича, ўзини ўзи назорат қилиш деганда кенг маънода шахсий хатти-ҳаракатлар, хулқ-атвор, ҳиссиёт ва фикрларга нисбатан танқидий ёндашиш, шахсий хулқ-атворни идора қилиш ва уни бошқара олиш малакасини тушуниш керак.

Ўзини ўзи назорат қилишнинг моҳиятига бундай ёндашувда, юқоридагилардан фарқли равишда, ўзини ўзи назорат қилиш шахс хулқ-атворининг ўзига хослиги, эмоционал ҳиссий ҳолатлар ҳамда унинг инсонлар жамоаси, шахслараро муносабатлар, жамият ҳақидаги қарашлари, фикрлари билан узвий боғлиқлиги таъкидланади. Шу билан бирга, ўзини ўзи назорат қилиш хусусиятлари шахсда ўзини ўзи англаш, идора қилиш ва ўзини ўзи бошқариш малакалари шаклланганлиги билан белгиланади.

Н.И.Кувшинов психологияда ўзини ўзи назорат қилиш муаммосини атрофлича ўрганган олимлардан саналиб, унинг изланишлари предметлар билан бажариладиган меҳнатдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали қўйилган мақсадга эришишга асосланган фаолиятни онгли идора қилиш ва режалаштириш механизмларини ўрганишга қаратилган. Муаллиф назарида, шахс ўзини ўзи назорат қилиши, ўз олдига мақсад қўйиши ва уни амалга ошириш жараёнида хатти-ҳаракатларини онгли равишда ташкиллаштириши, режалаштириши ва бошқаришини назарда тутди.

А.С.Линда ўзини ўзи назорат қилишни инсоннинг шахсий фаолияти ва хулқ-атворини идора қилиш билан боғлиқ ўзини ўзи англаш компоненти сифатида қайд этади. Муаллифнинг фикрича, ўзини ўзи бошқарган ҳолда ҳаракат қилиш, айниқса, ўз-ўзига баҳо бериш, шахсий фаолият ва хулқ-атворни коррекциялаш ва такомиллаштириш шахс ўзини ўзи назорат қилишининг асосини ташкил этади. А.С.Линда ўзини ўзи назорат қилиш жараёнида фаолият ҳамда хулқ-атворни идора этиш ва тўғрилашда инсоннинг фаол иштирокини инкор этувчи фикрларга қаршидир.

Мазкур ёндашувдан кўринадики, шахснинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ва фаолият жараёнидаги ўзини ўзи назорат қилиш ўзини ўзи англаш механизми билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки шахс қачонки ўзидаги ижобий ва салбий сифатларни англай олса, мавжуд қобилият ва имкониятларини баҳолай олсагина, ўзини ўзи назорат қилиш таркиб топади. Шунингдек, шахс хулқ-атвори ва фаолияти жараёнидаги нуқсонларни бартараф этишда ўзини ўзи назорат қилиш механизми асосий ўрин эгаллайди. Мазкур тадқиқот ва таърифларга кўра, ўзини ўзи назорат қилиш режалаштириш, бошқариш, идора этиш ва коррекциялаш каби жараёнларни ўзида мужассамлаштиради.

С.И.Ожеговнинг рус тили изоҳли луғатида шахснинг ўзини ўзи назорат қилиши унинг ўз шахсий хатти-ҳаракати ва хулқ-атворини назорат қилиш қобилияти сифатида тушунтирилади.



Келтирилган таърифдан кўринадики, муаллиф ўзини ўзи назорат қилишда шахсий хулқ-атвор, фаолият жараёни муҳим ўрин эгаллашини кўрсатиб беради.

Ўзини ўзи назорат қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар қаторига В.В.Чебишева томонидан олиб борилган изла-нишларни киритиш мумкин. Ўзини ўзи назорат қилиш деган-да, муаллиф, ишнинг мақсади ва режасини инобатга олиб ҳара-кат қилувчи ва унинг натижасига жавобгарликни ҳис этувчи ҳамда шу аснода ўз хатти-ҳаракатларини идора қилувчи хо-димнинг онгли фаолият жараёнини тушунади. В.В.Чебишева ўзини ўзи назорат қилишнинг ўзига хос жиҳати унинг фаоли-ятни узлуксиз назорат қилиб туришидан иборат, деб таъкид-лайди. Муаллиф асосан фаолият жараёнидаги ўзини ўзи назо-рат қилиш масаласига эътибор бериб, бунда ўзини ўзи назо-рат қилиш бажарилаётган хатти-ҳаракатларнинг мақсадини белгилаб олиш ҳамда натижасига нисбатан жавобгарликни ҳис этишда намоён бўлишини асослаб беради.

Л.Б.Ительсоннинг таъкидлашича, умуман олганда, ўзини ўзи назорат қилишни жорий этилган режалар ва меҳнат жараё-нини идора этиш билан аралаштириб юбормаслик керак, чунки бундай вазиятда ўзини ўзи назорат қилиш тушунчаси мақсад-га йўналтирилган фаолият тушунчаси билан аралашиб кетади. Л.Б.Ительсоннинг таъкидлашича, белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун меҳнат фаолиятини режалаштириш, идора этиш ва коррекциялаш жараёнида, албатта, ўзини ўзи назо-рат қилиш феномени иштирок этиши лозим, бунда режани амалга ошириш усулларини қўллаш эришилган натижалар, қўйилган мақсадлар асосида тўғрилаш ишларини амалга оши-риш ва уларнинг меҳнат вазифалари олдидаги аҳамиятини ба-ҳолаш орқали назорат қилувчи, баҳоловчи функция рўёбга чи-қади. Демак, ўзини ўзи назорат қилиш меҳнат жараёнининг барча босқичларида мавжуд бўлади, лекин текшириш функ-циясини бажариш чоғида ҳар бир босқични бир-бири билан чал-каштириб юбормаслик керак. Муаллиф меҳнат жараёнида ўзини ўзи назорат қилишнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтади. Унга

кўра, бажарилаётган фаолиятнинг мақсадини аниқлаш, унга мос равишда ҳаракат усулларини танлаш ва натижага эришишда ўзини ўзи назорат қилиш марказий жараён сифатида гавдаланади.

Шундай қилиб, хориж психологларининг қарашларини умумлаштириб, уларнинг назарида ўзини ўзи тарбиялаш деганда жорий ва келажакдаги фаолият учун зарур бўлган шахсий сифатларни ривожлантириш ва шакллантириш мақсадида шахснинг ўз устида анланган, режалаштирилган, тизимлаштирилган ишларни олиб бориши тушунилишини таъкидлаш мумкин. Агар шахс ўз сифатларини таҳлил қила билса ва баҳолай олса, унинг адекватлигини жамият томонидан қўйилаётган талаблар асосида текширишга қодир бўлса, ўзини ўзи тарбиялашга муваффақ бўлади. Демак, ўзини ўзи назорат қилиш ўзини ўзи тарбиялашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Албатта, ўзини ўзи назорат қилиш ўзини ўзи тарбиялашнинг бутун мазмунини қамраб олмайди, лекин улар бир-бирисиз мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзини ўзи назорат қилиш ёрдами билан ўзини ўзи тарбиялаш воситасида шахсий сифатларни шакллантириш ўрта синф ўқувчилари учун хос бўлган муҳим жиҳатлардан биридир.

Хориж психологлари томонидан илгари сурилган ғояларда ўзини ўзи назорат қилишнинг мазмун-моҳияти, тузилиши, турлари, функция ва тамойиллари батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, улар томонидан ўзини ўзи назорат қилиш тушунчаси ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи бошқариш каби ёндош тушунчалар билан қандай муносабатда эканлиги аниқлаштирилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Большой толковый психологический словарь / Пер. с англ. — М.: Ребер Артур, АСТ, Вече, 2003. Т. 1 (А-О).
2. *Ительсон Л.Б.* Об особенностях формирования самоконтроля при производственном обучении // *Воп. психол.* — М., 1961. — №2.

3. Крыско В.Г. Психология и педагогика. —М.: Омега —Л., 2007.
4. Лидерс А.Г. Психологический тренинг с подростками: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. —М.: Академия, 2003.
5. Нестерова О.В. Педагогическая психология в схемах, таблицах и опорных конспектах: учеб. пособие для вузов. —М.: Айрис-пресс, 2008.
6. Психология: Учебник для гуманитарных вузов. Под общей ред. В.Н.Дружинина. —СПб.: Питер, 2003.
7. Титорская Г.В. Формирование действий планирования при самоконтроле и оценке у учащихся с церебральными параличами в процессе трудового обучения: Автореф. дис. канд. психол. наук. —М., 1987.
8. Фрейд А. Подростковый возраст // Теория и практика детского психоанализа: В 2 т. Т. 1. —М.: Эксмо, 1999.

**ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ШАХСНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ТАРБИЯНИНГ РОЛИ**

**ЭРДАНОВА ЛАТОФАТ ЖАВЛИЕВНА  
ТДПУ 2-босқич талабаси**

**Илмий раҳбар: „Умумий педагогика“  
кафедраси доценти РЎЗМЕТОВА Х. А.**



Кимга ёшлигидан берилмас одоб,  
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.  
Хўл новда эгилар қай ҳолда эгсанг.  
Қурқни тўғрилар фақат ўт-оташ.

*Саъдий Шерозий*

Таянч иборалар: Маънавият, тарбия, инсонпарварлик, ахлоқ, одоб, „Таълим тўғрисида“ги Қонун, „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“, Миллий модель Коцепцияси.

Инсоният яратилгандан буён унинг тарихи доимий равишда тарбия муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқ эканига гувоҳ бўламиз. Чунки ҳаёти ва турмуш тарзи, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи, жамият тараққиёти негизида тарбия туради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Халқ таълими тизимида ҳам сўнгги ўн йилликлар давомида юзага келган

**Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.**

*И.А.Каримов*

муаммоларни ҳал этиш вазифаси республика ҳукумати ҳамда мутасадди ташкилотларни таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришларни амалга оширишга ундади. Бу борада саъй-ҳаракатларнинг самараси сифатида 1992 йил июль ойида мустақил Ўзбекистоннинг илк „Таълим тўғрисида“ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун мазмунида республика таълими тизими, унинг асосий йўналишлари, мақсад, вазифалари, таълим босқичлари ва уларнинг моҳияти каби масалалар ўз ифодасини топди. Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятига эгаллиги билан белгиланади. Шу боис 1997 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонуни ва „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ қабул қилинди.

Миллий модель Коцепциясининг мазмуни ўзбек халқининг миллий турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий анъналари билан ҳамнафасдир. Зеро, халқ орасида қадимдан „маърифатли инсон“ тушунчаси қўлланилиб келинган бўлиб, у ўзида кенг маънони ифода этади.

Зардушт (эрамизгача бўлган 589—512-йиллар) томонидан ёзилган панднома — „Авесто“да шундай насиҳат қилинади: „Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим“.

Муқаддас Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам баркамол инсон тарбиясига кенг ўрин ажратилган. Тарбия масаласи бир умр асосий фалсафий-ахлоқий, маданий-маърифий бурч ҳамда вазифа бўлиб ёшларга авлоддан-авлодга ўтиб келган. Тарбиясиз ҳеч қандай ривожланиш ва тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида миллий хусусияти, яшаш жойига кўра, урф-одатлари ва анъналари, дунёқараши, руҳияти ва орзулари мужассамлаштирилган ижтимоий ва маънавий маданиятини яратди. У

яратган маданий бойликлар, ёдгорликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилди, уларда ифодаланган ғоя ва тажрибалар педагог олимлар, буюк мутафаккирларнинг бола тарбияси ҳақида баён этган фикрлари учун муҳим манба бўлди. Чунончи, Исмоил ал-Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттот, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар ўз асарларида ахлоқ, одоб, нафосат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ғояларини баён этишда халқ педагогикасидан самарали фойдаланганлар.

Бола туғилганидан ота-онасининг парвариши орқали атроф-муҳит билан танишади. Турмуш фаолияти бошланиши билан эса ишлаб чиқариш тажрибаси ва малакаларини ўзлаштиради, шу жараёнда унда ақлий ва жисмоний камолот, маданият, ахлоқ ва эстетик қарашлар шаклланади.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида кўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоялари ва ҳаётий тажрибаси у яратган оғзаки ҳамда ёзма ижод намуналари, асарларида ёрқин ифодаланади. Уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, очиқкўнгиллик, тўғрисўзлик, саховатлилик, тинчликсеварлик каби инсоний фазилатлар хусусида фикр ва ғоялар баён этилган. Бу фикр ва ғоялар тарихий-ижтимоий шароит билан узвийликда бўлиб, умумбашарий хусусият касб этади, улар эркинлик асосида ривожланиди, халқнинг эзгу орзу-ниятларининг ифодаси бўлди. Масалан, Кайковус „Қобуснома“ асарида ёшларни ўз билимини оширишга, камтар бўлишга даъват этиб дейди: „Эй фарзанд, ҳар қанча доно бўлсанг ҳам, ўзингни халқдан донороқ ҳисоблама, чунки сен ўзингни нодон ҳисобласанг, доно бўласан“.

Инсонпарвар шахс ота-онага, қариндошга садоқат ва мурувватда бўлади, беморларга, моддий ва маънавий муҳтож-

ларга хайрхоҳ бўлади, марҳумларни хотирлайди, имон ва эътиқодли бўлади.

Ана шу инсоний фазилатларни амалий фаолиятда ифода-лаш билан инсонпарварлик хислатини намоён этади. Зеро инсонпарварлик, бу — ўзбек халқи миллий руҳиятининг олий даражадаги фазилати, умумбашарий қадриятларнинг асосидир. Инсонпарварлик — ота-она ҳақида қайғуриш, қариндош ва ёру дўстларга садоқатда, беморларга ҳамдард бўлиш, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтожларга меҳр-мурувватли бўлиш, марҳумларни хотирлаш, имон ва эътиқодли, адолатли ва диёнатли бўлиш, жамият равнақи, халқ фаровонлиги йўлида фидойилиқдир.

Ҳозирги даврда таълимда инсонни инсонпарвар қилиб етиштириш, ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқли бўлиши асосий масаладир.

Чунки инсонпарварлик — инсонда бу фазилатларнинг намоён этилишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масаланинг мазмуни аниқ баён этилган. Бугунги кунда педагогикада ҳам бу муаммога алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда мана шундай инсонийлик ҳислатларини ёшларимиз онгида шакллантириш педагогика фанининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, ёш авлодни юксак маънавий-ахлоқий шахс сифатида шакллантириш таълим-тарбия тизимида долзарб вазифа саналади.

Бу борада Президентимиз И.А. Каримов „Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари“ асарида аجدодларимиз комил инсонни тарбиялашга доир бой мерос қолдирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади: „Қадимги аجدодларимиз, — дейди И.Каримов, — комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмайди,

садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди“.

Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти шу юртда яшовчи ҳар бир шахснинг, айниқса, ёшларнинг маънавий камолотига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки, маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарурий шартларидан бири ҳам бой ва сермазмун маънавиятга эга бўлишдир. Фақат моддий жиҳатдан бой ҳамда илғор бўлиш жамият норасолигининг ҳолис кўрсаткичидир.

Юксак маънавиятли шахс деганда ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний камол топган, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини ўзида мужассам этган, мустаҳкам миллий ғурур ва ифтихор туйғуларига эга маънавий жасорат эгаси тушунилади. Бундай инсоннинг улғайиши ва куч-қудрати манбаини — маънавият ташкил этади.

„Маънавият“ тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги „маънавият“ тушунчаси орқали ифода этиш мумкин.

Маънавий-ахлоқий тарбия кенг қамровли тушунча бўлиб, у тарбия назарияси ва методикаси фанининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Бу соҳада Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд, Шайх Нажмиддин Кубро, Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий, Форобий, Аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Огаҳий, Абдулла Авлоний, Беҳбудий сингари фузалою уламоларимиз, донишманд шоирлару олимларимизнинг таълимотлари илмий-назарий жиҳатдан қимматли бўлиб, улар тарбия назарияси равнақиға муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Шунинг учун ҳам маънавиятнинг негизи ва маъ-



но-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлардан биринчиси — инсоннинг руҳан покланиши ва қалбан улғайишидир. Бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар билан бирга, бундай олийжаноб фазилатлардан бутунлай узоқ бўлиб яшайдиган, ўзини дунёнинг ҳақиқий эгасидек ҳис қиладиган „нафснинг қули ва ўткинчи ҳою ҳавас эгалари“нинг борлиги табиий бир ҳолдир. Шундай қилиб, тарбия фақат тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабат сифатида тушунилмаслиги лозим. У нафақат кенг ижтимоий доирада амалга оширилади, балки табиатига кўра амалда барча ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни ўзида қамраб оладиган ижтимоий ҳодиса саналади: тарбия ҳаёт учун ва унинг давомийлигини таъминлаш учун ташкил этилади. Маънавий-ахлоқий тарбияни тўғри ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини оширишда педагогик маҳоратнинг роли ва ўрни беқийсдир.

Маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш жараёнининг педагогик мақсадлари унинг ижтимоий мақсадлари, ижтимоий моҳияти ва ижтимоий функциялардан келиб чиқади. Улар, биринчидан, ўқувчиларнинг ахлоқий кўринишлар ва тегишли фаолият усуллари амалий татбиқ этиш, кўникма ва малакаларини эгаллашни таъминлаш, иккинчидан, шу асосда ўрганилаётган сифатнинг юқори даражасини шакллантиришдан иборат.

Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг фаолиятли босқичини лойиҳалаш маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган тарбия шакл, метод, восита ва вазиятларини тўғри белгилаб олиш ва кутилган натижаларга эришишни кафолатлашдир.

Хулоса қилиб айтганда юксак маънавиятли инсон билимли, маълум касб-ҳунар соҳибидир, ўз Ватанининг содиқ фуқаросидир, ўз давлати қонунларини билладиган ва уларга амал қиладиган, юрти билан ғурурлана оладиган, ўз Ватани бойликларини сақлайдиган, гўзалликлардан баҳраманд бўла оладиган шахсдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А. Зуннунов, Р. Жураев. Ўқувчиларни инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари. —Т.: Шарқ, 2008.

2. Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясининг фаолиятли босқичини лойихалаш ва амалга ошириш. —Нукус. „Билим“ нашриёти, 2010.

3. М.Х.Тўхтаходжаева, С.Нишонова, Ж.Ю.Ҳасанбоев, М.Х.Усманбаева, С.А.Мадиярова, А.С.Калдыбекова, Н.У.Нишонова, Н.Сайдахмедов. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси. —Т.: Иқтисод-молия, 2010.

4. З.К. Исмаилова. Миллий ғоя ва маънавий-ахлоқий тарбия. —Т.: Молия, 2007.



## O'QUVCHILARDA IJODIY FIKRLASH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHDA LUG'ATLAR BILAN ISHLASH

M.YUNUSOVA QDPI talabasi

Ilmiy raxbar: dots. R.SHUKUROV

Ona tili darslarida o'quvchining ijodiy fikrlash malakalarini hosil qilish maqsadida, eng avvalo, ularning lug'at boyligiga e'tiborni qaratish lozim. O'quvchining so'z boyligi uning o'qigan badiiy asarlari, turli ilmiy-ommabop adabiyotlar, darsliklar, ommaviy axborot vositalari orqali to'plangan ma'lumotlari orqali belgilanadi. So'z boyligi yillar davomida ongli va ongsiz tarzda to'planadi. Ona tili darslarida o'quvchi xotirasida to'plangan so'zlardan to'g'ri foydalanish, ularni talaffuz qilish, xatosiz yozish bo'yicha metodik tavsiyalar beriladi. Nutqni rivojlantirish bilan birga bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri savodxonlik — imloviy xatolarni kamaytirishga ham erishish mumkin.

Ona tili ta'limidan asosiy maqsad „O'quvchilarda tilning ichki imkoniyatlaridan, uning tasviriy vositalaridan nutq jarayonida samarali va o'rinli foydalanish ko'nikmalarini, fikrni turli yo'sin va shakllarda ifodalay olish malakalarini hosil qilishdan iborat ekan, bunga erishishni boy va barkamol so'z xazinasiz tasavvur etib bo'lmaydi. Shuning uchun so'z boyligi omili davlat standartida muhim o'rin egallashi

O'zgalarning xatosidan  
pand olgan saodatlidir.

*Hadis*

lozim“,<sup>1</sup> deya mutaxassis olimlar akademik listey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilarining so'z boyligini oshirishda lug'atlar bilan ishlash omilining muhimligini bayon qiladilar.

<sup>1</sup> Ne'matov H., G'ulomov A., Ziyodova T. Hozirgi o'zbek adabiy tilini o'rganishda o'quvchilar so'z boyligini oshirish. — Akademik listey va kasb-hunar kollejlari o'qituvchilari uchun qo'llanma. — T.: „Xalq merosi“. 2000. 7-b.

O'quvchilarni lug'atlar bilan ishlashga o'rgatishni ko'p hollarda 5-sinfdan boshlash lozimligi ta'kidlanadi. Bizningcha esa, lug'at bilan ishlashga o'rgatishni tizimiy bir shaklda boshlang'ich ta'limdayoq boshlash maqsadga muvofiqdir. Bu davrda lug'atlardagi umumiste'molda eng ko'p qo'llanuvchi, talaffuzi qiyin so'zlarga e'tibor qaratgan ma'qul. Umuman olganda, o'quvchilarning lug'at ustida ishlashi, lug'atlar darsliklarning ajralmas qismiga aylanishi (shunday bo'lishi zarurligini biz qat'iy tavsiya qilmoqchimiz), lug'atlar umumta'lim maktablaridagi har bir dars, mashg'ulotlarning tarkibiy qismi bo'lib qolishi lozim. Buning uchun, birinchidan, har bir fan o'qituvchisi o'z sohasi doirasida lug'at daftari yuritishni tashkil qilishi juda muhimdir. Buning boshqa bir jihati ham borki, bunda o'quvchi o'z lug'at zaxirasiga ega bo'lib boradi. So'zlarni yozib borish o'quvchilarning lug'at boyligini ko'paytirishi bilan birga, savodxonligini ham oshiradi. Bunga erishmaslik hozirgi kun ta'lim tizimi talablarida ko'zda tutilayotgan maqsadni to'la amalga oshirishga monelik qiladi.

Chunki o'quvchi o'zi o'qiyotgan fanlar, ularning sohalari bo'yicha ko'plab atamalarni yaxshi ajratib berolmaydi, ularning ma'nolarini aniq bilmaydi. O'qituvchi maktabda lug'at bilan ishlashni, birinchi navbatda, o'quvchiga lug'at tuzdirishdan boshlasa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Dars jarayonida matn o'qilganda, darslikda biror izoh talab qilinadigan so'z bo'lsa, uni muntazam ravishda lug'atga kiritish an'anaga aylantirilsa, bu, albatta, yaxshi natija beradi. Masalan, matnda maqom so'zi uchrab qoldi. Agar o'quvchi uning matndagi ma'nosini bilmasa, bu matnni to'g'ri anglamaydi. Shunga ko'ra, bu so'zni darhol izohlab, lug'at daftariga yozib qo'yish lozim. Maqom. 1. joy, o'rin, turar joy; 2. daraja, bosqich; 3. musiqada asosiy kuy, ohang.<sup>2</sup>

O'quvchi ana shu so'zning ma'nolarini yaxshi anglasagina, „Ularning oilasi shu maqomda yashaydi“ jumlasini mazmunini to'g'ri anglashi mumkin. Ya'ni „Ularning oilasi shu joyda yashaydi“ deb anglashga imkoniyat yaratilgan bo'ladi. Maqom so'zi boshqa manbada quyidagicha izohlanadi:<sup>3</sup>

<sup>2</sup> O'zbek klassik adabiyoti asarlari uchun qisqacha lug'at, —T.: Fan, 1953. 190-b.

<sup>3</sup> O'zbek tilining izohli lug'ati. Moskva: Русский язык. 1981. I том. — 456-b.

1. Musiqiy ohang, kuy.
2. Tartib, o'lchov.
3. O'yinda usulga, ritmga mos qo'l, oyoq... harakati.
4. Xatti-harakat, usul.
5. O'rin, joy (kam qo'llaniladi).
6. Martaba, mavqe (kam qo'llaniladi).

Keltirilgan izohlardan ko'rinib turibdiki, bu gapdagi maqom so'zini „Ularning oilasi shu tartibda yashaydi“ deb ham tushunish mumkin. Binobarin, o'quvchini so'z ma'nolarini izohlash bilan birga, uning kontekstdagi ma'nosini ilg'ay olishga o'rgatish kerak.

Darslikda ilova qilingan lug'atlardan foydalangan holda, avvalo, har bir o'qituvchi o'zi uchun o'tiladigan mavzularga mo'ljallab metodik qo'llanma shaklidagi lug'atlar to'plamini yaratishi kerak. So'ng dars davomida o'quvchilar tomonidan yuritiladigan „Lug'at daftari“ga kerakli so'zlar yozib borilsa, ular darslikda berilgan mashqlarni, vazifa va topshiriqlarni bajarish uchun tayanch material bo'ladi. Lug'at daftariidagi so'zlarni ko'paytirish maqsadida guruhlararo, sinflararo tashkil qilingan musobaqalar o'quvchilarni mustaqil ishlashga, kutubxonalardan foydalanishga o'rgatadi, kitobga bo'lgan ma'naviy ehtiyojni kuchaytiradi.

**МУСИҚА МАДАНИЯТИ  
ДАРСЛАРИДА ЯНГИ  
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

**Ю.УЗАКОВА**

**ТДПУ инглиз тили ва адабиёти  
факультети 2-курс талабаси**

**Илмий раҳбар: У. Ю. ГУЛЛИЕВ**



Ўзбек халқимиз таълим-тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, авлодларда инсонпарварлик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик, поклик, одоблилик каби умуминсоний фазилатларни тарбиялаб келган. Ҳозирги кунимизда бу қадриятларимизни, яъни маънавий тарбияни ёшларда шакллантириш долзарб масаладир. Маънавий тарбия ўзида бир неча жиҳатларни қамраб олганки, унинг ҳамма қирраларини кичик бир мақолада ёритиш қийин. Шунинг учун биз маънавий тарбияни комплекс вазифа сифатида қабул қилган ҳолда унинг бир қиррасига муסיқий таъсир орқали юксак инсоний ҳис-туйғуларни шакллантириш ва бу борада янги педагогик технологиялардан фойдаланиш масалаларига тўхталишни кўзда тутган ҳолда қуйидаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб оламиз:

1. Ўқувчиларда муסיқага муҳаббат, қизиқиш уйғотиш, муסיқий қобилиятларини ўстириш.

2. Ўқувчиларда миллий муסיқий меросимизга ва у орқали Ватанга муҳаббат, унга фойда келтириш, ўз бурчини тўғри тушуниш ҳиссини тарбиялаш.

**Илмсиз тажриба билан шуғулланишга қизиқадиган киши, рули ишламайдиган ёки компассиз кема бошқарувчисига ўхшайди у қайерга боришини ҳеч қачон аниқ билмайди.**

*Льонардо да Винчи*

3. Ўқувчиларнинг бадиий ижодкорлик қобилиятини ўстириш, уларни ҳаётга, ўқишга, меҳнатга ва гўзалликка интилиш қобилиятини, атроф-муҳитни идрок қилишда зийраклик каби хусусиятларни ривожлантириш.

Дастурнинг бош мезони қилиб „Муסיқа ва ҳаёт“ мавзуси олиниши ўринли. Чунки инсон ҳаётини муסיқасиз тасаввур қила олмайди. У бизга ҳамроҳ, ишларимизда мададкор, маънавий бойлигимизнинг бир қисмидир.

Муסיқа ёшлар диққатини гўзаллик, яхшилик, инсонийликка жалб этишда катта таъсир кучига эга эканлигини назарда тутиб, мактаб ҳаёти қандай муסיқа руҳи билан суғорилганлигига аҳамият бериш лозим. Болалар учун тушунарли, улар томонидан кўп куйланадиган куй-қўшиқларни танлаш ва ушбу муסיқа асарларини қайта-қайта тинглаш истагини уйғотиш, ҳаргал янги таассуротларга эга бўлишларига эришиш керак.

Болаларга аталган қўшиқ ва куйлар билан бир қаторда фольклор қўшиқлар, сержило оҳангларга бой бўлган ўзбек миллий чолғу куйлари ва мазмунан бой бўлган мумтоз қўшиқларни талабаларга ўргатиш бу асарларнинг ўрта мактабга кириб боришига, ўқувчиларда бу санъат меросимизга ихлос, муҳаббат уйғотишга, уни ҳурматлашга ўргатади.

Форобий ўзининг муסיқага бағишланган асарларида ўтмишнинг муסיқа меросига катта эътибор бериб, ҳар бир етук санъаткор уч нарсага эга бўлиши кераклигини таъкидлайди:

1. Ҳар бир билимнинг усул ва қоидаларини тўла билиши лозим.

2. Шу билимнинг турли ҳолатларида ҳосил бўлган усул ва қоидаларнинг натижаларини шарҳ ва изоҳ этишга қобилиятли ҳамда истеъдодли бўлиши керак.

3. Муסיқа санъати ҳақида нотўғри назарияга эга бўлган ёзувчиларнинг нотўғри назарияларини танқид эта билсин, хато ва тўғри назариялар ўртасидаги фарқни кўрсата билсин ва хатоларни ойдинлаштира олсин.

Бу ўғитлар бугунги кунимизда ҳам ўз маъносини йўқотмаган.

Халқ таълимини янада такомиллаштириш, мактаб ва мактабдан ташқари ишларда таълим-тарбия жараёнининг усул ва воситаларини янги ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган.

Ўқувчиларнинг музикаий тажрибасини, улардаги маънавий жиҳатларни янги музикаий-педагогик технологияларни асослашчи қўйидаги методикалар орқали ўрганиш мумкин:

- дарсда музика билан учрашув;
- уй фонотекаси учун музика;
- дўстлар учун музика.

Методиканинг „Дарсда музика билан учрашув“ вариантыда ўқувчиларга ўқув йили ва чоракнинг якунловчи дарслари дастурини тузиш таклиф этилиб савол ташланади: — „Агар сен музика ўқитувчиси бўлсанг, чорак ёки йил якунидаги дарс учун қайси асарларни танлаган бўлардинг ва ўқувчиларга нималарни сўзлаб берардинг?“. Танланган натижаларни қайта ишлашда дастурга турли жанр ва шаклдаги асарларни киритган, дарсда тинглаганларини ва асосийси, дарс дастурига кирмаган асарларни танлаганларга юқори баҳолар қўйилади. Бу методиканинг энг асосий жиҳати — ўқувчида у ёки бу асарга нисбатан аҳамиятли ёндашув мотиви мавжудлигини аниқлайди. Бундан ташқари, боланинг турли маълумотлар: композитор, матн муаллифи, асарнинг яратилиш тарихи билан танишув, унинг ҳаётий мазмуни, ўз талқинини амалга оширишда турли вариантларнинг мавжудлиги, асар мавзусини қўйлаш ёки қилиш қобилиятининг даражаси ва бошқа омилларга қанчалик эътибор қаратиши инобатга олинади.

Методиканинг „Уй фонотекаси учун музика“ варианты тасаввур этиладиган вазият билан боғлиқдир. Масалан, ўқувчига „Сенга овоз ёзиш студиясида бўлиш имконияти пайдо бўлса, оила даврасида тинглаш учун қайси асарларни тинглаган бўлар-



динг?“, деган савол берилади. Баҳолаш олдинги методика сингари амалга оширилади.

Методиканинг „Дўстлар учун муסיқа дастури“ варианты ҳам болалардаги улар қизиқадиган муסיқий йўналишларни аниқлашга мўлжалланган. Бироқ, бу вариантда ўртоқлари, дўстлари иштирок этадиган муסיқий кеча учун дастур репертуари танланиши лозим. Натижаларни қайта ишлаш олдингилари сингари амалга оширилади.

Ўзбек миллий кўшиқларини маромига етказиб куйлаш, тингловчининг юрагига таъсир этиш — бир санъат, у санъатдан баҳра ола билиш ҳам катта истеъдод бўлиб қолади. Шунинг учун кекса санъат усталаримизни тинглай олиш, уларни ардоқлаш, эъзозлаш, оқибатли бўлишни ёшларимизга ўргатиш биз ўқитувчиларга катта вазифа сифатида юкланади. Ўқитувчи-устознинг маҳорати ўз шогирдини ҳар бир ишни бажаришга мажбур этишда эмас, балки уни бу ишни ўз хоҳиш-иродаси билан, тушуниб, қувонч билан бажаришга рағбатлантиришдадир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш керакки, маънавий тарбияни йўлга қўйишда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

1. Шарқ алломаларининг муסיқа ва муסיқа тарбиясига бағишланган асарларидан кенг фойдаланиш.

2. Ижодкор кекса авлодларимиздан кўпроқ нарса ўрганиш, уларнинг ишини давом эттирувчиларни тайёрлаш керак.

3. Мактаб ўқувчилари билан педагогик амалиёт жараёнида муסיқа дарсларини ташкил қилишда қуйидаги фаолиятларга аҳамият бериш: мактаблардаги муסיқа дарслари ва синфдан ташқари ишларни узвий боғлаб олиб бориш, унда муסיқа мактабларида ўқийдиган ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини ташкил қилиш: ҳозирги кунда радио ва телевидениенинг муסיқий эшиттирув, кўрсатувлари сифат даражаси ошганлигини ҳисобга олиб ундан унумли фойдаланиш; ўқувчи-ёшларни ижод ишига жалб қилиш учун уларнинг ёш

хусусиятларини инобатга олиб, танловлар ўтказиб бориш, сахна маҳоратини ўргатиш; тарих, санъат музейларига саёҳатлар уюштириш; муסיқий меросимиздан фойдаланиш; миллий маданиятга ҳавасни шакллантириш ва ҳоказо.

Муסיқашунос олим Фитратнинг муסיқа маданияти ва унинг маънавиятга таъсири ҳақида айтган сўзларини эслаш жоиздир: „... ўз муסיқамиз, ҳам Оврўпа муסיқасини яхши билиб олган ... талабаларимиз етишгунча, Оврўпа муסיқа олимларининг ёрдамлари билан куйларимизни нотага олдиришда Оврўпа муסיқасининг оҳанг усулларига эргаштирмайлик. Оврўпа оҳанг усулларидан кўз юмиб, куйларимизнинг ўз оҳангида қолишига тиришайлик. Оврўпа оҳанг усулларига эргаштириб олинган куйларнинг этнографик нуқтасидан аҳамиятини йўқотганимиз каби уларнинг ўзбеклигини ҳам йўқотган бўламиз“.

**Хулоса:** Бу сўзлардан ҳозирги ёшларимиз ибрат олсалар, ўз ижодларига танқидий кўз билан қарасалар, устоз-ўқитувчилар орқасидан эргашсалар маданиятимиз янги поғонага кўтарилар, жаҳон бўйлаб кўшиқларимиз, куйларимиз таралар, маънавиятимиз янада бойиб борарди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008.
2. *Нурматов Х., Норхўжаев Н., Мансуров А.* 1—4 синфлар учун „Муסיқа“ дарсликлари. —Т.
3. *Файзиев О.* Муסיқа ва тарбия. —Т.: Фан, 2007.
4. *Бахриев А.Р.* Муסיқа тинглаш фаолиятини ташкил этишда янги педагогик технологияларни кўллаш // Халқ таълими. — 2008. №4.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Сўз боши .....   | 4  |
| <b>Аслонова Севара Акром қизи.</b><br>Глобаллашув шароитида ахборот таъсири воситасида<br>маънавий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари .....         | 8  |
| <b>Абдуназарова А.</b><br>Ўзга тилли гуруҳларда рус тилини ўқитишда<br>замонавий интерфаол методлардан фойдаланиш .....                              | 15 |
| <b>Авазов Бехруз Ўктам ўғли.</b><br>Ўзбекона лутф ҳамда тилнинг ноадабий<br>қатламидаги сўзлар таржимаси .....                                       | 19 |
| <b>Аскарходжаева А.Н.</b><br>Биологическое значение кислорода в<br>природных водоёмах .....  | 27 |
| <b>Атаханова Диёра.</b><br>Особенности пиар — текстов сайта <a href="http://restoran.uz">restoran.uz</a> .....                                       | 31 |
| <b>Ахмедова Сарвиноз Азатовна.</b><br>Спортчилар тайёргарлигининг илмий<br>таъминлаш муаммолари .....  | 38 |
| <b>Аҳмедова Ҳ.Т.</b><br>„Кутадғу билиг“ — нотиклик санъати манбаси .....   | 42 |
| <b>Бекмуратова Насиба.</b><br>Қорақалпоқ халқи (урф-одат) удумларининг тематик<br>жиҳатдан фарқланиши ва ижро маҳорати .....                         | 47 |
| <b>Бойгитова Муниса.</b><br>Формирование коммуникативной речи студентов<br>на основе культурологической лексики<br>при обучении русскому языку ..... | 52 |
| <b>Воҳидова Дилшода Воҳид қизи.</b><br>Эътиқод дунёқарашининг барқарор элэменти .....  | 58 |
| <b>Даулетова Гўзал Муротбоевна.</b><br>Болани мактабга тайёрлаш усуллари .....   | 62 |

|   |     |
|---|-----|
| <b>Дилшодбеков Ш.Д.</b>   |     |
| Мураккаб чизмаларни ўқишни ёрдамчи<br>проекциялаш усули орқали осонлаштириш .....                           | 67  |
| <b>Ергашева Умида.</b>  |     |
| Бошланғич синф ўқиш дарсларини интерфаол<br>методларда ташкил этишнинг аҳамияти .....                       | 71  |
| <b>Жайсанова Шахноза.</b>   |     |
| Special literary vocabulary in literary dialogue .....  | 75  |
| <b>Жалолов Баҳодир.</b>   |     |
| Миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш<br>жараёнида теологик-эклeктик тўсиқлар .....                           | 80  |
| <b>Жуманов Зарипбай.</b>  |     |
| Бадиий деталь муаммосининг ўрганилиши ва унинг<br>қорақалпоқ насридаги бази турлари ҳақида .....            | 86  |
| <b>Кадиров З.</b>   |     |
| Таълим жараёнида ўқувчилар билимини баҳолашни<br>компьютер технологиялари асосида ташкил этиш .....         | 91  |
| <b>Заримбетов А.А.</b>  |     |
| К вопросу об изучении фразеологизмов<br>русского языка .....  | 95  |
| <b>Зупарова Сайёра.</b>   |     |
| „Clearness is the most important matter in the use of words“<br>Quintillian, De Institutione Oratoria ..... | 100 |
| <b>Ибатова Б.</b>   |     |
| И.Юсупов поэзиясида миллий характер .....   | 105 |
| <b>Исамитдинова Д.Х.</b>  |     |
| Обучение иностранным языкам в начальных классах .....   | 110 |
| <b>Калмуратова Хурлиха Рустамходжаевана.</b>  |     |
| Шахсинг мақсадли ҳаракатларида<br>ироданинг аҳамияти .....  | 116 |
| <b>Камолиддин Ражабов.</b>  |     |
| Табиатни асраш-миллий ва умумбашарий қадрият .....  | 121 |
| <b>Кинжаева Г.С.</b>  |     |
| Талаба ёшларга чет тилларни ўргатишда миллий<br>мафкуранинг ақс этиш хусусиятлари .....                     | 125 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>Қодирова Мадина Холиёровна.</b>   |     |
| Хитой тилида натижа тўлдирувчи гаплар .....  | 130 |
| <b>Сатторова М.К.</b>  |     |
| Тасвирий санъатни дарсдан ташқари пайтларда ўқитишни ташкил этишда устоз-шогирд тизимининг аҳамияти .....                | 135 |
| <b>Маткаримова Муҳаббат Абуовна.</b>   |     |
| Ўқувчилар ақлий фаолиятининг психологик хусусиятлари .....   | 139 |
| <b>Мирсолиева Феруза.</b>  |     |
| Испан ва инглиз тилларида кишилик олмошлари .....  | 144 |
| <b>Джалилова Н.</b>  |     |
| Приёмы самостоятельного овладения студентами навикамьговорения, письма и словарного обогащения на английском языке ..... | 148 |
| <b>Нарзуллаева Н.</b>  |     |
| Ёш авлодни шакиллантиришда муסיқа санъатини тутган ўрни .....  | 151 |
| <b>Nishonboyeva Sh.</b>  |     |
| Ona tili ta'limi jarayonida o'quvchilarda vatanga muhabbat tuyg'usini tarbiyalash usullari .....                         | 156 |
| <b>Пардаева Мафтуна Исломжоновна.</b>  |     |
| Чизмачилик дарсларида ижодий ўйинлардан фойдаланиш (Мактаб чизмачилиги мисолида) .....                                   | 160 |
| <b>Пардаева Мафтуна Исломжоновна.</b>  |     |
| Талабаларни чизмачилик дарсларида ижодий лойихалаш ишларига жалб қилиш .....   | 169 |
| <b>Икромжон Ҳабибжонов.</b>  |     |
| Луғат — сўз хазинаси .....   | 176 |
| <b>Хусайнова З.К.</b> .....  | 180 |
| <b>Исроилова Р.С.</b>  |     |
| Ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда танқидий фикрларнинг аҳамияти .....                                 | 186 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>Савуров Беҳзод Алижон ўғли.</b>   |     |
| Ёшларнинг ижтимоий маъсуллигини оширишда<br>миллий ваумуминсоний қадриятларнинг ўрни .....           | 192 |
| <b>Сапаева Гуласал Азимовна.</b>   |     |
| Афсонавий гулдурсун .....  | 199 |
| <b>Савенко О.В.</b>  |     |
| Форобийнинг мате матикага доир асарлари .....  | 203 |
| <b>Тасбаева Диларам.</b>   |     |
| Қорақалпоқ шеърининг тарихидаги бадиий<br>шакиллarning тарққиёт тамойиллари .....                    | 208 |
| <b>Тен. А.</b>   |     |
| Экзистенция и исторические события<br>в романе М.Бутова „Свобода“ .....                              | 213 |
| <b>Тилемуратова Б.А.</b>   |     |
| Перспективы изучения лекарственных<br>растений в новых экологических условиях .....                  | 217 |
| <b>Тоирова Дилноза.</b>  |     |
| Формы организации педагогических игр при обучении<br>русскому языку студентов иноязычных групп ..... | 222 |
| <b>Толегенов М.</b>  |     |
| Мустақиллик ва маънавият .....   | 227 |
| <b>Турдиев Умид Камолиддинович.</b>  |     |
| Ўқувчи ва талабаларнинг жисмоний<br>баркамоллигини тарбиялаш муаммолари .....                        | 232 |
| <b>Зохидова Ш.</b>   |     |
| Зарафшон воҳасида амалга оширилган<br>қулоқлаштириш сиёсати ва амалиёти .....                        | 241 |
| <b>Мелиева Ш.М.</b>  |     |
| Особенности обучения и воспитания умственно<br>отсталых детей дошкольного возраста .....             | 248 |
| <b>Мусаффарова Н.М.</b> .....  | 255 |
| <b>Шамуратова Малоҳат Илҳомбекова.</b>   |     |
| Она тили дарсликлари учун иловалар<br>яратиш зарурияти .....   | 259 |

|   |     |
|---|-----|
| <b>Шодиев Анвар Хуррамович.</b><br>Маданий мероснинг ёшлар ижтимоий<br>масъулятини шакиллантиришга таъсири .....                                      | 264 |
| <b>Шопулатова Насиба.</b><br>Бадий тасвир воситаларининг Саид Ахмад нутқий<br>индивидуаллигини таъминлашдаги ўрни<br>„Жимжитлик“ асари мисолида ..... | 271 |
| <b>Алимова Э.</b><br>Ўзини-ўзи назорат қилиш психологик<br>муаммо сифатида .....  | 276 |
| <b>Эрданова Латофат.</b><br>Юксак маънавиятли шахсни шакиллантиришда<br>тарбиянинг роли .....   | 283 |
| <b>Yunusova M.</b><br>O'quvchilarda ijodiy fikrlash ko'nikmasini<br>shakllantirishda lug'atlar bilan ishlash .....                                    | 290 |
| <b>Узакова Ю.И.</b><br>Муסיқа маданияти дарсларида янги педагогик<br>технологиялардан фойдаланиш усулари .....  | 293 |

Таҳрир ҳайъати раиси:  
проф. У.И.Иноятов

Таҳрир ҳайъати аъзолари:  
Шарипов Ш., Муслимов Н., Булатов С., Юзликаев Ф., Боқиева Г.Х.,  
Миркасимова М., Рахмонқулова Н.Х., Мўминова Л., Шарипова Д.,  
Мамадазимов М., Кадирова Ф., Толипова Ж., Джураев М.,  
Йўлдошев И., Эгамбердиева Н., Абдуллаева Б., Шукуров Р.,  
Азизходжаева Н., Мусурмонова О., Халилова Ш.

Лойиҳа муаллифи:  
проф. О.У.Салимов

Тузувчи ва нашр учун масъул:  
проф. Н.А. Халилов



**Интеллектуал ёшлар —  
Ватанамиз келажаги  
(3-китоб)**

Илмий ишлар тўплами

Тошкент — «Та'лим nashriyoti» — 2014

Муҳаррир: *Т. Мирзаев*  
Бадий муҳаррир: *М. Пардаева*  
Компьютерда саҳифаловчи: *Ш. Хўжаев*

Нашриёт лицензияси АИ № 102.15.2008. Оригинал макетдан босишга рухс  
этилди 23.06.2014. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида босилди.  
Офсет қоғози. Шарғли б.т. 19,0. Ҳисоб-нашр т. 18,5. Адади 500 дона.  
Буюртма № 17.

«Та'лим nashriyoti» МЧЖ.  
Тошкент ш., Я. Фуломов кўчаси, 74-уй.

«STAR POLIGRAF» Х.К. босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Беруний-1.

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ

## ЁШЛАР – ВАТАНИМИЗ

### КЕЛАЖАГИ

„Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси“.

*И. Каримов*

Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара. Илм — бу ота, балки у суг беришда онадан фойдалироқдир. У ёмонликни тузатиш учун ҳамма нарсадан яхшироқдир.

*Маҳмуд Аз-Замахшарий*

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

*Беруний*

„Дунёда турмоқ“ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур“

*Бехбудий*

Учитесь так, словно вы постоянно опускаете ведромку своих знаний, в так, словно вы постоянно боитесь растерять свои знания.

*Конфуций*

ISBN 978-9943-4081-0-4



9 789943 408104